

# МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ


И Н С О Н  
Х У С Н И

Қайта нашри  
Нашрга тайёрловчи ва сўнгги  
сўз муаллифи

ТОҲИР МАЛИК

Рассомлар *П. Федоров, В. Жеребцов*

*Ахлоқ-одоб мавзуидаги суҳбатлар*



ҚИЗЛАР ДАФТАРИГА

(Ўн бир оқшом ҳикояти)

Қари билганини пари билмас.

Халқ мақоли



Март довонидан ошар-ошмас бодомлар, ўриклар, шафтолилар: кейинроқ олмалар кийгос гуллаб, кўз олдингизга оқ, пушти пардалар тортади. Қаёққа қараманг гул, гул яна гул! Ғувғулашиб учган асаларилар симфониясини айтмайсизми! Бу илк баҳор таронаси кулоқларингизга уйғонган ҳаёт алёри бўлиб кирса, боғу роғлардан гупиллаб уриб турган хушбўйлар димоғингизни олқайди. Дунё бир бутун гулу, сиз ўзингизни шу гулнинг бир япроқчаси билиб қувонасиз.

Баҳор табиати хандон уриб кулиб турган ана шундай дилрабо кунларнинг бирида томи тунука билан ёпилиб, деразаларига ҳарир пардалар тортилган бир қаватли хушбичим ҳовлининг кўча эшигини кимдир қоқди. Ҳовлида кекса аёлларга ярашган майда гулли чит кўйлак устидан силовимча кийиб олган бўйлари узун, дурра остидаги сочлари оппоқ бир аёл алланималар қилиб юрар эди. У дарров бориб эшикни очди.

— Э-э, хайрият, уйда экансиз, бону,— деди оқ соқоли чиройли қилиб тарашланган бир қария.

Эшикни очган аёл бирдан чарақлаб кетди.

— Вой, Тўқсонбой ота, сизмисиз? Хуш келибдилар. Қани, ичкарига.

Тўқсонбой ота жойидан жилмади.

— Қуллук. Бир савоб ишни деб сизни безовта қиялман-да, бону. Аслида-ку, ўзим бир нима қилиб юборсам ҳам бўларди-я, лекин сизнинг йўригингиз бошқа. Ҳа, Саодат бону, бирга бориб бир ёқлик қилиб келмасак бўлмайди. Ҳа, шундай бўлсин, юринг.

Саодат буви ўзининг эгни-бошига ишора қилиб:

— Вой, шу аҳволда-я? — деди.

Чол мийиғида кулиб қўйди.

— Рўмолингизни ўраб чиқинг бўлмаса.

Саодат буви дарров кириб кета қолмади. Тўқсонбой ота қанақа ишга таклиф қилаётганидан беҳабар эди. Шуни сўради:

— Сизни шунчалар кисталангига олган иш қанақа иш экан, билсак бўладими, Тўксонбой ота?

Тўксонбой ота хижолатда қолган одамдай ғалати бўлиб кетди.

— Ия, ҳали айтганим йўқми? Қаранг, қарилик-да. Хайр, хў-ў Матюнус уста бор-ку, нариги маҳаллада...

— Ҳа, яқинда ўглини уйлантирганми?

— Ҳа-а, кам бўлманг! Ана шу камбағалнинг келини кетаман дардига учраб копти.

— Вой, дарров-а?

— Э-э, бону-я, каноатни билмаган нодонларга дарров-паррови борми! Хуллас, ана шу бетавфиқни инсофга чақириб қўймасак, Матюнусга жуда жабр бўпти. Бир ёқда хотини, бир ёқда ўзи — ўтда ҳозир. Ўғиллари командирова-када экан. Қаранг бу ноинсоф қизни! Эри хизмат билан сафарда бўлса-ю, бу уйдан кетворса, уят бўлмайдими?!

— Уят ҳам гапми, — деди Саодат буви сиқилиб...

Тўксонбой ота умид билан қора тортиб келган бу мўътабар аёл икки ўғилу уч киз — беш фарзанднинг онаси. Невараларининг эса ҳисоби йўқдек. Уни ўғил-қизларигина эмас, қариндош-уруғлари, маҳалла-қўй қариялари ҳам жон-дилларидан хурмат қилишади. Бу табаррук зот билан гаплашсангиз, ажойиб роман ё дoston ўқиган киши хузурини қиласиз. Фикрлари чуқур, мулоҳазалари ўткир, ҳаёт тажрибалари бир олам. Ақл сандигими, дейсиз. Ҳам эски дунёнинг жабру жафосини кўрганлар, ҳам янги замоннинг нашъу намосини тотиганлар. Сухбатларида бўлиб, қайси замон зайлидан ё яхши-ёмон майлидан гап очсангиз, тавба, худди сиз очган соҳанинг одамидек, доно гаплари билан оғзингизни очириб кўядилар. Биров: «Вой, мунча ақл, мунча тадбирни қаердан биладилар-а!» — деб ёқасини ушласа, бошқа биров: «Йўқ, олимларнинг гапини ёдлаб олиб гапирасди. Ўзидан мунақа гап чиқишига ақлим етмайди», дейди. Шунақа! Лекин доно бўлиш учун албатта фан доктори бўлиш шартмикан? Ахир биров ўкиб олим бўлса, биров ўкиб, ҳаёт тажрибасини бошидан ўтказиб олим бўлади. Ана шунақалардан бири Саодат бувининг ўзи бўлса не ажаб? Мундоғ ўйлаб қараганда, бешта боланинг ошини пишириш, кирини ювиш, касалини боқиш, мактабга бериб ўқитиш, уйли-жойли қилиш, ширин-шакар невараларга қараш, уларни боғчаларига етаклаб ё кўтариб бориш, кечқурунлари яна шу тахлитда олиб келиш, овутиш ўз йўлида дорилфунун бўлмادمикан Саодат бувиға? Эҳ-ҳа, уруш вақтининг азобу уқубатларини айтмайсизми? Бу жафокаш аёлнинг умр йўлдоши Содик ака фақат овқат ейишдан, фақат овқат сў-

рашдан бошқасига ярамайдиган бешта мурғанининг юз-кўзидан чўлп-чўлп ўпиб ҳаёт-мамот жангига кетганда, Саодат буви: «Болаларимнинг отаси соғ-саломат қайтади, яна болаларга ўзи бош бўлади», — деб умид қилган, ҳатто, ишонган ҳам эди. Лекин уруш урушлигини қилди. Азиз Москвамиз бўсағаларида ловиллаб кетган қонли жанглр оловида Содик ака ҳам кўкрагини ўққа тутиб, душман йўлини тўсишди! Муқаддас остонамизга ёвуз душман оёгини тегиздирмай қувганлар сафида Содик ака ҳам бор эди. Ана шу улуг жаҳон майдонида Содик ака қурбон бўлди...

О, фахр-ғуруридан, суянган тоғидан айрилган муштипар аёл фарёдини эшитган бормикан? Лекин Саодат буви ичидаги барча дарду аламларни, доғу ҳасратларни ювиб кетадиган аччиқ фарёд билан йиғламади, йўқ-йўқ, юзларини тимдалаб, сочларини юлиб, ўзини ерга кўтариб уриб дод солмади. Ичдан ёниб, қуйилиб келган кўз ёшларини ютиб йиғлади. Жудоликни юрагидан бегона қилишни истамаган кишигина шундай йиғлармиш.

Бахтсизлик бир келса, ёпирилиб келаверади, дейишади. Қаранг, шунча алам, шунча қайғу етмагандек, уруш қаҳатчилигининг доғи ошиб тушди. Саодат буви болаларини тўйдиролмай қийналарди. Айниқса кичик ўғли Собиржон ҳеч овқатга тўймади. Кечалари нон-нон деб йиғлаб чиқарди. Юрагининг бир парчаси ана шундай нола қилиб турса, она шўрликнинг кўзига уйқу келармиди? Йўқ, уйқу эмас, алам келади, фиғон келади, нон топиб келтирувчидан бевақт айрилиб қолгани келади, ёнади, куяди, кечалари мижджа қоқмай болалари бошида ўтириб чиқади. Ана шундай оғир, бебағр вақтда ҳам ўзини боши берк кўчада деб умидсизланмади. Юрагидаги умид ўти сўнмади. У эртанги кун шафқатига, одамлар мурувватига ишонар эди. Яхши кунларда ўйнаб-қулишни хоҳлаган одам, ёмон кунларда қаддини букмаслиги керак, дерди ўзига далда бериб. Шунинг учун ҳам қадди букилмади, ҳаётнинг энг оғир, энг шафқатсиз кунларида ҳам заминида маҳкам турди — йиқилмади. Аксинча, қаддини тик тутиб, ўзини меҳнатга урди. Эри ишлаган заводга борди. У ердагилар Саодат бувини қўллаб-қувватлашди, иш ўргатишди. Бир нимани билишга жон-дили билан берилган одам саргардон бўлмас экан. Тез кунда токарлик дастгоҳини бир эркакча уддалайдиган бўлди. Эпчиллиги, уddaбурунлиги уни завод коллективида яхшилар, балки аълочилар каторига ўтказди. Уруш ҳам тугади. Болалари ҳам аста-секин улғайиб, қўлтиғига қира бошлади, оғири анча енгил бўлди.

Минг бор шукр, у қора кунлар орқада қолди. Бола-

лари вояга етди, уйли-жойли, ували-жували, хизматли бўлишди. Ўзи эса кексайиб, меҳнат пенсиясига чиқди. Мана, беш йилки, Саодат буви қариллик истироҳатида. Егани олдида, емагани кетида. Катта ўғли ўкиб олим бўлди. Кечалари нон-нонлаб чиқадиган кичиги эса — инженер. Қизлари куёвда, улар ҳам олий маълумотли, уч-тўрттадан ширин-шакар ўғил-қизларнинг оналари. Ўзи-чи? Э-э, ўзини сўраманг! Бахт деган нарса ҳар қанча яхши бўлса ҳам, баъзан одамни чарчатиб қўйиши ортиқча экан. Бир кун қарабсиз, у кизи олиб кетиб қолибди, бир кун қарабсиз, бу қизи. Қисқаси, яхши онанинг пешонасида не хил бахт бўлса, ҳаммаси Саодат бувида мўл-кўл. Лекин бундай бахтга етиш осон бўлмади. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир сўқмоқларида азобнинг минг хилини кўрди. Шунинг учун ҳам бахтини авайлайди, кўзларининг қорачиғида асрайди. Одамда ёш билан бирга ақл-идрок, ҳаёт тажрибаси орта борган сари, раҳм-шафқат, саховат ҳисси ҳам бараварига кучаяверар экан. Ана шундай инсонпарвар кексалар бир нарсани билишса, дарров бошқаларга ўргатгиси, уларни ҳам ўзлари сингари оқу қорани фарқ қиладиган яхши одамлар қилиб тарбиялагиси келиб қолади. Саодат буви худди ана шундай саховатпарвар онахонлардан. Энди унинг бирдан-бир тилаги ўзидаги бахтни бошқалар билан баҳам кўриш, айниқса ёшларга улашиш бўлиб қолган.

Саодат буви кенжа ўғли билан туради. Шу ўғлининг Турсуной исми тўнғич кизи бу йил ўн еттинчи баҳорни кўряпти. Кейин институт, мустақил ҳаёт... Қаранг, кечагина Саодат бувининг иссиқ, юмшоқ тиззасида ўтириб олиб: «Ҳафат бувижонимнинг қизиман!» деб адаси билан аясини куйдирган чучук тил жижи бугун ўнинчи синфни битиряпти! Шунақа, ҳаёт ўз ўзанида оқиб бораверар экан.

Саодат буви ана шу севиқли невараси ўрта мактабни битираётганидан, катта ҳаёт бўсағасида турганидан беҳад хурсанд, албатта. Лекин мундоғ разм солиб қарасангиз, кўнглида аллақандай ғашлик бордек кўринади. Ўзи ёрилиб айтмайди, биров сўрамайди — истиҳола қилади. Лекин ҳар қандай жумбоқ ҳам ахийри ечилди. Бир кун кечки овқатдан кейин Саодат буви Турсунойни ўз хонасига чақирди.

— Бир киргин, қизим, айтадиган гапим бор эди,— деди.

Турсуной ҳам бувисининг чехрасида ниманингдир ташвиши борлигини сезиб, ўзи ҳам ғалати бўлиб юрар эди. Суюниб кетди.

— Вой, сиздан айланай бувижон-эй, албатта қираманда. Фақат идишларни ювиб қўяй олдин. Майлими?

— Майли, қизим, майли. Ювиб бўлиб қирарсан.

Турсуной аясига қарашиб, уй ишларини саранжом қилишгандан кейин бувижонининг ёнига кирди. Саодат буви устма-уст иккита кўзойнак тақиб олиб, диванда китоб ўкиб ўтирган эди. Невараси кириши билан кўлидаги китобини ёнидаги курсига қўйди. Турсуной катта қиз бўлиб қолса ҳам бувижонига эркаланишини, суйиб-суркалишини ҳалигача қўймас эди. Бувижони уни бағрига босиб, ёқимли ҳид келиб турган сариққа мойил сочларидан, дўндиққина юзига ярашиб тушган чиройли бошгинасидан суйиб-суйиб ўпди. Кейин уни кўксидан аста айириб, бахт чарақлатган мунаввар кўзларига тикилди.

— Сен билан бир тўғрида гаплашиб олмақчи эдим, қизим,— деди Саодат буви ёқимли, мулойим овозини яна ҳам мулойим қилиб.

Турсуной бувижонининг кўзларига тикилиб ўтирган эди. Унга кўзойнак остидаги кекса кўзларида ташвиш ўти ловиллаб кетгандай туюлди. У кўрққан кишининг ҳаяжонли овози билан сўради:

— Вой ўлмасам, ёмон гапми, бувижон?!

Саодат буви авзойидаги жиддиятдан хижолат тортаётгандек, кулимсиради.

— Йўғ-э, айланай! Яхши гап. Ҳа, яхши.

— Айтинг, бувижон, жон деб эшитаман.

Саодат буви Турсунойнинг юзини яна кўксига босди, нима дейишни ё айтадиган гапини нимадан бошлашни билмаган кишидек, ўйланиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, Саодат буви кўнглига тугиб қўйган гаплар бир кулоқдан кириб, иккинчи кулоқдан чиқиб кетса ҳам бўлаверадиган шунчаки гаплардан эмас эди. Саодат бувининг ақидасича, у айтадиган гап — асаларилар гулдан-гулга қўниб, заррама-зарра йиққан бол сингари, ақлу фаросат боғининг чаманидан тўпланган шундай бир ҳикмати даврон эдики, буни на жаҳду жаҳон билан ва на хазинаи замон билан қўлга киритиб бўларди.

— Менга қара,— деди Саодат буви бирдан Турсунойнинг бошини кўтариб.

Турсуной ярк этиб бувисига қаради. Саодат буви хаёли паришон одамдай гап бошлади:

— Ҳалиги... Ҳа, ўйлаб қарасам, айтадиган гапим кўпга ўхшайди. Нафсиламрга, кўп. Невлай-да, шунча гапни эшитишга кунтинг етадимми ё чала йўлда ташлаб кетсанми, шунисини билсам девдим. Мабодо малол келадиган бўлса, ўзим ҳам овора бўламан, сен ҳам вақтингни бекор кетказасан. Шу кунларда вақтинг олтиндан қиммат — ҳадемай давлат имтиҳонлари бошланади.

— Вой бувижон-эй, сиз бир нима дейсиз-у, менга малол келадими! Йўк, бунака десангиз мен хафа бўламан. Имтиҳонларга тайёрлик ўз йўлида боряпти. Ўзингиз биласиз-у, бутун кундузимиз шунга сарф бўляпти,— деди Турсуной кўнгли озор топган одамдай норози бўлиб.

— Йўк-йўк, болам, омади гапни айтдим-да, айланай. Хафа бўлма. Сенга малол келмайди, яхши биламан. Шундай бўлса ҳам сўзингни олгим келди-да. Хайр, мен-ку кўнглимда бор гапни айтаман, сен ҳам, болам, тортиниб ё иккиланиб ўтирмасанг — очик гаплашсак.

Турсунойга бу гап ғалати туюлди.

— Вой, яна қанака гаплашиш мумкин, бувижон? — деди у хайрон бўлиб.

Саодат бувининг кўзларида бир кув жилмайиш кўринди.

— Ҳеч нарсани яширмасак дейман-да.

Турсунойнинг юзига бирдан кизил югурди. Яширин сири бор кишидек кўзларини олиб қочди. Буни бувиси сезмай қолмади. Бир оз жилмайиб тургач, Турсунойнинг ҳозирги аҳволига ишора этаётгандек қилиб:

— Касални яширса, иситмаси билдириб қўяди, қизим, — деди.

Турсуной шу гапдан кейин нимагадир ўзини йўқотиб қўйган одамга ўхшаб қолди, гапининг таноби бўшашди.

— Вой тавба! Мен нимани яширар эдим... Менда унака гап йўк...

Саодат буви ғалати қилиб қулди. Кейин Турсунойнинг юзига тикилиб туриб:

— Бўлмаса, мени кўзларинг чалғитибди,— деди.

Турсуной бирдан сесканиб тушди.

— Нимага, бувижон?

— Қайдам. Худди бир нарсаси бор деяётгандек, ўзини олиб қочяпти-ю!

— Кўзим-а? Йўғ-э...

— Йўк, дема, айланай. Тил айтмаганини кўз айтиб қўяди, шунака. Ха!

— Кўз... Кўз чакимчими?

— Қайдам. Шунака иллати бор шекилли-да. Нимага десанг, эскидан қолган бир гап бор: кўзни — хоин, қулқни — ёлғончи, дейишади. Хоин деган сўз бирмунча каттик. Лекин кўз эгасига етказадиган зарар жиҳатидан — хоин деганлари тўғри. Нимагаки, кўз дил сандиғида қулфлоглиқ ётган сирни ошқора қилиб қўяди. Кўз шунака — бамисоли ойна, ичингдаги нарсани кўрсатиб қўяди, айниқса, ишқни.

Турсуной бувисига термилиб турган кўзларини бир баҳо-

на билан олиб қочди. Бувиси буни сезмай қолмади. У қикир-қикир қулиб, неварасининг бошини яна кўксига босди. Кейин Турсунойнинг майин сочларини меҳр билан силаб туриб, қулоғига аста шивирлади:

— Кўнглинг Расулжондага ўхшайди, а?

Турсуной, худди электр токи тегиб кетгандек, каттик сесканиб тушди.

Юзини қаерга яширишни билмай бир зум талпинди, кейин бошини бувисининг кўксига босиб, бир қўли билан Саодат бувининг оғзини ёпишга ҳаракат қилди. Бувиси эса оғзини олиб қочар, қикирлаб қулар, ана, тилинг айтмаганини кўзинг айтиб қўйди-ю, деярди. Унга сари Турсуной бошини бувисининг бағрига ниқтаб, уни гапир-тирмасликка тиришар эди. Ниҳоят, Саодат буви неварасини кўксидан ажратиб, ёнига ўтказди. Кейин жиддий бир тусда гап бошлади:

— Йўк, уялма, қизим. Аслида севиш-севилиш — уят эмас. Севиш-севилишни билмаслик — уят. Юрагинга бир йигитнинг ишқи тушса-ю, сен у ишқ — чин ишқми ё ўткинчи ҳавасми — буни билмасдан, фарқига бормасдан, ўзингни кўр-қўронасига, ҳаёсизчасига таслим қилиб қўйсанг — мана бу уят! Ўзингни ҳам, ота-онангни ҳам, таълим берган устозларингни ҳам ерга қаратиб қўядиган кўп ёмон уят. Шармандагарчилик! Қайдам, ҳар нечук менга шундай туюлади-ку. Шу ёшга етиб топган ақлимга, орттирган тажрибамга, кўрган-билганларимга қараб бир нима дейдиган бўлсам, айланай қизим, қарилар билганини чиндан ҳам парилар билмайди. Нима учун? Шунинг учунки, қариларнинг ақллари жуда чиниққан, минг бир чиғириқдан ўтган синакти ақл. Лекин бу сўздан ҳамма қарилар ақлли-ю, ҳамма ёшлар нодон экан, деган хулоса чиқмаслиги керак! Асло! Ёшлар орасида ҳам ақл-ҳуши жойида, зийрак, тадбиркорлари кўп. Жуда-жуда кўп. Шундай бўлса ҳам, у барака топгурлар яна ёшлиқларига бориб, гоҳо адашиб қолишади. Мен, албатта, қарилар маслаҳати, қарилар тадбири билан иш тутган ўнта азаматнинг ўнови ҳам тўғридан-тўғри ойга чиқиб кетаверади, демоқчи эмасман. Лекин ана шу ўнта ёш авлоднинг тўққизтаси ерда бурунлари қонаб қолмаслигини таъкидламоқчиман. Начора, қарилардан лозими — ёшларга насиҳат қилиб туриш экан — азалнинг иши бу. Мени ҳам, жон болам, азалнинг ишини қияптилар, деб қўя қоласан-да. Бўпtimi? Шунака, ўргилай, ҳаётнинг бир-бирига чандишиб, чатишиб кетган мураккаб йўлларида ўғитларим зора жонингга ора кирса дейман-да. Хўп, бугунги гапим тамом, қизим. Вақтинг

бўлса эртага, окшом паллада киргин, суҳбатимизни давом эттирамиз. Хўпми?

— Вой, жоним билан кираман, бувижон! — Турсуной суюниб кетди.

— Хўп бўлмаса, бугунги суҳбатимизга шу сатрлар хотима бўлсин:

Кари билганини пари билмас,  
 Дейди халқимиз, айланай болам!  
 Буни эсда тутсанг — зарар қилмас,  
 Ахир бунда ҳикмат олам-олам!

Киз тақдирида бор ўзга бир хислат,  
 Бу тақдирга тан бермоқ — ҳусн-фазилат.

Эртаси куни кечгача Турсунойнинг фикр-хаёли бувиси айтадиган гапда бўлди. Нима дейиши мумкин? Ишқнинг инсон қалби билмаган сирлари бормикан-а? Қизик, Расулжонга кўнгли борлигини қаердан билди? Буни бошқалар билмаслиги у ёқда турсин, Расулжоннинг ўзи ҳам билмайди-ку! Бувижони бало, ҳамма нарсани билади. Ё бировдан эшитдимиз? Йўқ, Турсуной ҳеч кимга ёрилмаган бўлса, ўша биров қаердан билади?

Турсуной мана шу хил ўйлар билан толиқиб бувижонининг олдига кирганда, у яна диванда китоб ўқиб ўтирган эди. Турсунойнинг саломига алиқ олиб, бошини китобдан кўтарди-да, интизорлиги ушалган киши шодлиги билан неварасига ёнидан жой кўрсатди. Аммо ёнида бўш жой йўқ эди. Турсуной ажабланиб теварагига аланглади. Бувисининг икки ёнида китоб, дафтар, газета қирқмалари, папкалар. Саодат буви шу киёфасида катта илмий иш билан машғул зўр олимага ўхшар эди.

— Вой-вўй, шунча китобни нима қиласиз, бувижон? — деб юборди Турсуной ҳеч нимага тушунмай.

Саодат бувининг чехрасига ҳазил нури югурди.

— Сенга дарс бераман шу китобларга қараб, болам!

— Дарс?! — Турсуной шундай деб қичқирди-ю, гандираклар бошини чангаллади. Кейин, ҳазиллашаётгани ошқор сезилиб турган бир ҳаяжон билан додлаган бўлди. — Вой-дод! Ўнинчини тугатиб, дарслардан энди кутулдим, деб суюниб юрсам, ҳали буёқда чаласи бор экан-да!..

Саодат буви неварасининг қизиқчилигини сезиб турса ҳам яна шарақлаб кулди.

— Вой, кўркма, қизим, бу сен айтган дарслардан эмас, бу... ҳаҳ... нима десам экан... ҳа, эстафета...

Турсуной анқайиб қолди.

— Вой-вой, китоб ушлашиб югуришамизми, бувижон?

— Йўқ-йўқ, югуришмаймиз. Бу бошқача эстафета. Мен кўрган-билганларимни, ўқиган-эшитганларимни сенга омонат қилиб топшираман.

Турсуной ҳамон анграйиб қараб турарди.

— Тушунмадингми? — деб сўради бувиси.

— Йў-ўк... Гапингиз ғалати бўляпти-да, бувижон. Ё менинг аклим етмаяпти...

— Нимага аклинг етмайди?

— Ахир ўзингиз омонат деяпсиз. Омонатни одатда қайтариб беришади. Нима, сиз ҳам қайтариб оласизми?

— Йўк, мен қайтариб олмайман. Бир кун ўзингизга ўхшаган турсунойларингизми, ёркинойларингизми, ишқилиб, кимга бўлса ҳам, айтганларимни оқизмай-томизмай элтиб берасан. Уқдингми энди!

Турсуной уққан эди. Бувиси омонат этган эстафета сўзини кўнглининг дахлсиз жойига тугиб қўйди.

— Энди кулоқ сол гапларимга,— деди Саодат буви Турсунойдан нидо чиқмагандан кейин.— Яхшилаб кулоқ сол, айланай. Кейин пушаймон еб юрма. Ҳа-да, кейинги пушмон — ўзингизга душман, дейдилар.

Саодат буви ёнида уйиб қўйган китоблари орасидан биттасини олиб, хатчўп суқилган жойини очди. Ичида бир нималар ўқиётгани лабларининг заиф ҳаракатидан сезилиб турар эди. Кўп ўқимади, китобни ёпиб, яна ёнига қўйди. Жуда узокни кўриб тургандек туюлган ўткир кўзларида ниманингдир эътирози борга ўхшар эди. У гоят босик, вазмин товушда гап бошлади:

— Табиат кизларни жуда латиф, заиф қилиб яратган, дейишади одамлар. Латифлигига сўзим йўк, латиф. Иложини қилсам, қизлар тавсифига бундан ҳам латифроқ, бундан ҳам хафифроқ сўзлар топиб қўшар эдим. Лекин заиф деганларига ҳечам қўшилгим келмайди. Нимага десанг, киз бечораларнинг бошида шундай бир оғир пайт адолатсизлиги десамми, ҳар иккала ҳолатда ҳам уларга жуда-жуда жабр. Назаримда, эркак зоти тақдирнинг бунақа найрангига сира ҳам бардош беролмасди.

Турсуной бувисининг оғзига тикилиб, чурк этмай ўтирар эди. У шу ҳолатида эртақлардаги қотириб қўйилган қизларга ўхшарди. Бир маҳал ўзига келгандек аста қимирлаб:

— Гапларингизга яхши тушунолмапманми, а, бувижон? — деди.

Саодат буви тагдор қилиб кулимсиради.

— Ажабланма, айланай, ҳали бошингизга тушмаган-да. Вақти келганда тушуниб қоласан. Қиз бечора ота-онасининг иссиқ бағрида ўн етти-ўн саккиз йил яшаб, шу оиланинг урф-одатини, ҳаёт тарзини, дунёқарашини

танасига сингдириб, ота-онасининг касб-корини ўрганиб, энди етилганда, худди гунча туга бошлаган ёш ниҳолни томир-помири билан юлиб олиб, бошқа ерга қўчиришганлари сингари, қиз бечорани ҳам оила бағридан юлиб кетадилар. О, айланай болам-эй, агар ёшлиқ ўти, ёшлиқ жасорати бўлмаса, аксар ёшлар ихтиёрларини олиб қўядиган ўйин-кулги иштиёқи бўлмаса, мен ўйлайман, қизларнинг анчагинаси тугилиб ўсган уйларини ташлаб кетмас эди. Афсус, минг афсуски, буни қизларга осон тутадиган одамлар кўп орамизда. Қадди-қоматингизни ғоз тутиб, ўйнаб-кулиб юрган ўз уйингиздан, ўн саккиз йил сенга бошпана бўлган иссиқ ичингиздан айрилиб, бошқа бировнинг уйига бош эгиб кириб боришинг — осон эмас. Оғир, болам, о-о, жудаям оғир!

— Шунақа оғирлигини йигитлар ҳам билишармикан, а, бувижон? — деди Турсуной юраги ачишиб.

Саодат бувининг юзидан истехзоли бир жилмайиш пайдо бўлди.

— Қани энди йигит тушмагурлар ҳам билишса! Ҳар хили бор: баъзилари тушунишади, баъзилари йўк. Ана шу тушунмайдиганлар кўпинча ўзларига жабр қилишади.

— Ҳаммаси ҳам тушунса яхши бўларди, а, бувижон?

— Нимасини айтасан, болам. Айни муддао бўларди-ку! Кўп афсус, биз ўйлаган, биз интилган нарсалар ана ўшанақа тушунмайдиганлар касри билан жувонмарг бўлади. Лекин, юрагинг чиқмасин, ҳаммавақт эмас. Онда-сонда бўлса ҳам бизга кўп кўринади. Аҳвол шундай бўлгандан кейин қиз киши борадиган жойига фақат ўйнаб-кулгани, ёшлиқ завқини сургани бораман деб эмас, йўк, ҳечам бундай деб эмас, етти ухлаб тушига кирмаган, пасту баландини билмаган, ҳаёт тарзини кўрмаган бир оиллага янги, тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб боряпман, деб ўзини шунга тайёрлаши керак. Ҳа, келин деб аталган янги аъзо бўлиб. Лекин янги аъзо бўлиб бориш ҳуқуқи ўша оиланинг парчаланишига эмас, мустаҳкамланишига, маънавий камолотига хизмат қилсагина ҳуқуқ бўла олади. Бунга эса тайёрланиш, кунт билан тайёрланиш керак, болам.

Турсуной бувижонининг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни қамраб, юрагига жойлаб ўтирса ҳам, яна кўнгли тўлмай сўради:

— Тайёрланиш? Қандай қилиб, бувижон?

— Оилаларнинг ташқи томонлари, яъни сирти бир хил бўлса ҳам,— дея Саодат буви тушунтира кетди,— ички томонлари, яъни маънавий тузуги — сийрати бошқа-бошқа бўлади. Бир оила тартибига, қонун-қондасига ўрганиб қол-

ган киши бошқа оила ройишига дарров кўникиб кета олмайди. Бу кийин нарса. Лекин имкони йўқ нарса эмас. Аҳд қилинса, жазм этилса, бу кийинчиликни енгиб ўтиш мумкин. Шунинг учун куёвга тегаётган ҳар бир қиз тушаётган жойига келинчак бўлиб боришдан олдин ўзини шу оғир синовга тайёрлаб қўйиши лозим. Бу тайёргарлик қанча барвақт кўрилса, шунча яхши. Бунинг ҳикмати қатта. У эрта кўчирилган ниҳолдек яхши кўкаради. Балки ҳеч қанака тайёргарликнинг кераги йўқдир, а, қизим?— деди Саодат буви, бутун борлиги қулоққа айланиб тинглаб ўтирган Турсунойга қараб.

Турсуной бувижонидан бунақа савол кутмаган эканми, шошиб қолди.

— Йўқ-йўқ, менимча ҳам керакка ўхшайди. Керак, бувижон,— деди.

— Баракалла, қизим. Керак. Бу тайёргарликни кураётган турмуши, бу турмуш замиридаги келинлик, хотинлик, оналик, худо умр берса, бувилик бурчи мажбур қилади. Ўзинг ўйлаб кўр-а, қизим, ҳеч ким беш кунлик келин бўлиш учун турмуш қурмайди-ку! Ҳамма ҳам борган жойида томир ёйишни, униб-ўсишни, ували-жували бўлишни, умр йўлдоши билан ахил, тотув туриб кетишни, қайната-қайнаналари бўлса, хизматларини қилишни кўнглига тугиб турмуш куради. Модомики ҳар бир қизнинг дилида мана шундай ният, пок, муқаддас ният, мана шундай аҳду паймон бор экан, у ёғини бўшаштирмасин-да! Мана шу аҳдига қараб иш тутиши, борган жойининг об-ҳавосига ўрганиши керак-да. Шундоғми, қизим?

— Шундоғ, бувижон, шундоғ.

— Баракалла. Худди шундоғ бўлиши керак. Йўқ, отаонам менга бунақа ишларни қилдирмаган, қўлимни совуқ сувга урдирмаган, идиш-товоқ ювдирмаган, кир ювишни, дазмол босишни ўргатмаган, деб кеккайиб туриб олса, қани, ўзинг айт, қизим, бунақада турмуш бўладими? — Турсуной бошини чайқади.— Ҳа, баракалла! Бўлмайди. Пойдевори омонат уйда сал зарбадан қулайди. Иморатни мустаҳкам ушлаб турадиган нарса асосан пойдевор. Пойдевор қанча мустаҳкам, пишиқ бўлса, иморат шунча пухта, шунча умри боқий бўлади. Ёшлар турмуши ҳам ана шунақа пухта иморатларга ўхшаш мустаҳкам, пишиқ қилиб қурилса заволга учрамайди.

Орага қисқа сукунат тушди. Саодат буви нимадандир жаҳли чиққан одамдай бир ижирганиб олди.

— Мен баъзи бир қизларга ҳайрон қоламан, Турсуной,— деди у қовоғини уйиб.— Бугун қатта дабдаба,

карнай-сурнай, ўйин-кулги билан ойдай сузилиб, кундай кулиб келишади-ю, икки кундан кейин қарабасизки, қошқовоғи тушиб, кетаман дардига чалиниб қолади. Тавба, турмуш қуришга розилик бераётганларида нимани ўйлашар экан ўшанақа беқарор, бетайин қизлар? Беш кунлик тараллабедодими? Вой, бунақа тараллабедоднинг қорагинаси ўчмайдами? Бу тараллабедод эмас, бориб турган шармандагарчилик! Лабзи ҳаромлик! Қара-я, айланай, никоҳ базмида кийган келинчаклик либосининг тахи бузилмасдан туриб турмуши бузилиб ўтирса-я! Йўқ, қизим, бунақасидан худо асрасин!

Саодат буви юраги сиқилиб, асаби бузилган кезларда аламини бақиршдан, бўлар-бўлмас сўзларни айтиб шангишдан олмас эди. Аксинча, дами ичига тушиб кетган одамдай чурқ этмай, хатто, нафас ҳам олмаётгандай ўтириб қолар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Буни Турсуной дарров пайқади. У бувижонини жаҳлидан тушириш учунми ё ўзи ҳам ўшандай бетайинлардан нафратда эдими:

— Э, кўйинг, бувижон, баттар бўлишмайдами! — деди.

Саодат буви аста бош чайқади:

— Шунақа дейсан-у, лекин уларга ҳам одамнинг юраги ачишади-да, қизим.

Турсуной бувисининг бўйнига осилди.

— Нима, менинг ҳам юрагим ачишмайдами? Ачишади, лекин қўлимиздан нима келади? Хафа бўламиз-қоламиз — шу-да! Шундоғми, бувижон? Шундоғ. А, шундоғ-а? — деди эркаланиб Турсуной.

Турсунойнинг болаларча қилиги Саодат бувининг кўнглини яйратиб юборди. Бир чарақлаб қулди. Аммо қулгиси узокка бормади. Яна қовоқлари уйилди.

— Турмуш қуриш — бозордан мода кўйлак ё платформа туфли сотиб олишдек жўн нарса эмас,— дея Саодат буви ўйчан сўзлай кетди.— Ўзинг биласан, қизим, бозорга ё магазинга бир нарса сотиб олгани борган одам роса танлайди. Унисини қўйиб, бунисини кўради. Ишқилиб, ўзига муносибини, дидига ёққанини топмагунча танлайди. Бунга ҳеч ажабланмаймиз. Ҳадеб танлайверасанми, деб айбламаймизам. Лекин бугунингни, эртангни, бутун умрингни бирга ўтказадиган, келажакнинг, орзу-умидларингни бағишлайдиган ёр танлаш пайти келганда кўрсавдолик қилиб қўядиган нотавонлар онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Бозор савдосида адашиш мумкин, яъни бўйига, қадди-коматига ярашмайдиган ёки ёшига тўғри келмайдиган кийим олиб қўйиш ҳоллари бўлади. Бундан инсон умрига ҳеч қандай завол йўқ. Бу мато, қиммати ҳам



мато қадар. Умр йўлдоши танлаш эса, чайқов бозорига бориб, бор-барака қилиш эмас! Йўқ, бу ўз тенгини танлаш, синаш, билиш, ақл ризолиги билан иш кўриш деган сўз. Бу савдонинг қиммати инсон тақдири қадар. Шунинг учун бу масалада, яъни умр савдосида шошмасошарлик билан иш тутиш — ўз умрингга, тақдирингга, қадр қимматингга, айниқса, қиз дейилган жуда чиройли, жуда эътиборли номусингга болта уриб қўйиш билан баробар. Кейин аттанг дейсан-у, фойдаси бўлмайди.

Турсуной шошқалоқлик, кўрсавдолик орқасида бадном бўлган қизлар учун айбдордек, ерга қараб олди. Саодат бувининг ғамгин кўзлари бебош қизлар шўрини аламли манзарасида эдими, неварасининг боши тушиб кетганини пайқамади. У хаёл кўзларини ўша алам туғёни кўтарилган нуктадан узмай дер эди:

— Иннайкейин, шошган қиз эрга ёлчимабди, деган мақол ҳам бор халқимизда. Ҳа, азалдан бор. Бу мақолни биз бугун ё кеча ўйлаб чиқарганимиз йўқ, болам. Шунинг учун бўйи етган ҳар бир қиз биринчи учраган йигитга дарров розилик бера қолмай, андиша йўлини тутиши керак. Андиша йўли деганимиз эса — шошмаслик йўли, ўйлашлик йўли, ақл билан бамаслаҳат иш кўришлик йўли деганимиз. Ҳар ҳолда, мен шундай деб тушунаман. Буни улуғ бобомиз ҳазрати Навоий ҳам таъкидлайдилар:

Ҳар кимсаки айламас ошиқмоқликни хаёл,  
Япрогин ипак қилур, чечак баргини бол.

Саодат буви Навоий куллиётини буюк эҳтиром билан жойига авайлаб қўйди-да, бояги фикрини яна ҳам кенгайтириб давом эттирди:

— Ҳар бир қиз тўйга розилик беришдан олдин қурайдиган турмушнинг бузмасдан сақлаб қолишга қурби етадимийўқми, ундан ҳам муҳимроғи — бузилмасдан сақланиб қолишига ақли етадимийўқми, ҳаёт сўқмоқларида учрайдиган ўнқир-чўнқирлардан ўта оладими-йўқми — бунга ўзида ишонч ҳосил қилиши, куч топиши керак. Яна айтаман, айланай қизим, бу уч-тўртта қиз бола йигилиб олиб ўйнайдиган тўптош эмас, бу турмуш қуриш, жамият ҳужайраларидан бирига айланиш, яъни жамият олдидаги оналик бурчини бажариш сари биринчи қадам ташлаш деган сўз. Ҳа, худди шундай, болам.

Саодат буви ёнидаги китоблардан биттасини олиб ва-рақлади, бир нималарни ўқиди, кейин уни ёпди-да, нимадандир ғурурланган киши овозига ўхшаш товуш билан деди:

— Ҳамма халқда, жумладан, ўзимизнинг ўзбек халқимизда ҳам одамада ихтиёр ҳиссини жўштирадиган ҳикматли гаплар кўп учрайди. Булар тасодифан оғизга ё хаёлга келиб қолган шунчаки гапларми ё неча-неча замонлар, не-не аждодлар идроки чиғириғидан ўтиб, ёмбидек қуйилиб қолган ҳаёт ҳақиқатими? Сен нима дейсан, қизим?

— Ўша, сиз айтганингиз бўлса керак, бувижон, — деди Турсуной ишонч билан.

— Ҳа, баракалла, ақли қизимсан-да. Ҳаёт ҳақиқати ҳаммаси. Асрлар, замонлар оша сайқал топиб, том маъноси билан ҳикматга айланган халқ даҳолари булар. Меҳнатдан ер, сувдан ўсимлик, қуёшдан борлик яшнайдди. Худди шунга ўхшаш, одам боласи ҳам заковат нурига, фикрат ниҳолини гуллатувчи ақл нурига ҳамиша мухтож. Бундайин нур бор, айланай қизим, бор. Бу нур халқ ичида, халқнинг зукко фарзандлари айтган ҳикматли сўзларида. Биздан лозими эса, жон қизим, буюк инсонлар, замонлар қолдирган ақлий меросни ҳар дам кўз ўнгимизда тутиш, келажагимизга, ҳозиримизга, ҳатто ўтмишимизга ҳам бирон жиҳати билан зарар етказиб қўйиш эҳтимол бўлган қадамни ташлашдан аввал ота-боболаримиз ҳикматига, албатта, мурожаат қилишдир. Бундан кўриладиган фойда бекиёс. Аммо битта шarti бор: биронта ҳам ҳикматли сўз бу қулоғингдан кириб, у қулоғингдан чиқиб кетмаслиги керак.

Саодат буви хаёл суриб, бир неча дақиқа жимиб қолди. Турсуной нариёқдаги столга бир нималар ёзиб ўтирган эди, аста юзини ўгириб бувисига қаради. Саодат бувининг бир нуктага тикик кўзлари тиниб қолгандек туюлса ҳам, Турсуной у кўзларда ҳаракат борлигини, қаерларнидир, кимларнидир кўриб турганлигини сизди. Саодат буви бошини қуйи солиб, олдидаги ёзиглик қоғозга қаради. Бир неча лаҳзадан кейин, қоғоздан кўзларини узмай, тетик бир овозда гапира кетди:

— Халқимизда «Етти ўлчаб, бир кес» деган мақол бор. Бу гапда ҳикмат катта бўлса керак. Ҳа, катта. Нимага десанг, қизим, бир марта ўлчаб бир кес ё икки марта ўлчаб бир кес демасдан, етти ўлчаб, бир кес, депти. Демак, қиладиган ишинг ўзингга ҳам, ўзгага ҳам зарар етказмаслиги учун, нимаики қилсанг пухта қил, пишиқ қил, кейинча ўтида ёниб юрма, демокчидир-да, а, болам?

Турсуной кўқкиёдан берилган савол шошириб қўйган шогирддай алансиб қолди. Саодат буви, гапимга қулоқ

солмаётган экан, деб ўйлаб, озорланиб сўради:

— Ҳа, қизим, гапларим жонингга тегдимми?

— Йўғ-э, бувижон.

— Бўлмаса нега сурат солиб ўтирибсан?

— Вой, ўлибманми, бувижон! Шундай яхши нарсаларни гапириб берсангиз-у, мен қулоқ солмай бошқа иш қилиб ўтирсам уят бўлар. Йўқ, бувижон, жонга роҳат-ку бу гаплар! Дафтаримга ёзиб оляпман.

Саодат бувининг бошқалар тўғрисида ёмон нарсалар ўйлаш одати йўқ эди. Ҳозирги ишидан хижолат бўлиб, калласини сарақлади. Кейин ўсал бўлган одамнинг нимжон товушида:

— Ҳа, а-а, ёзиб олаётувдингми? — деди.

— Ҳа, бувижон, ёзиб олаётувдим. Майлими, а, ёзиб олаверсам?

— Ихтиёринг, болам, ихтиёринг. Маъқул тушган жойлари бўлса ёзиб олавер, бемалол, айланай, бемалол. Хўп, гапимизни давом эттирайлик. Менга қолса-чи, Турсуной, умр йўлдоши танлашда етти марта ўлчаб эмас, йўқ, ҳеч шошмасдан, етмиш марта ўлчаб, кейин бир қарорга келар эдим. Лекин мен келадиган қарор ҳеч қачон, ҳеч бир шароитда ўзгармайдиган, тоб ташламайдиган, елда емирилмайдиган мустақкам, метин қарор бўлар эди. Ҳа, қизим, мен келадиган қарор баҳор кезлари тез-тез ўзгариб турадиган беқарор кўклам ҳавосига ўхшамайдиган, ҳар қандай шароит тазйиғида ҳам букилмайдиган катъий қарор бўлар эди. Ўзинг ўйлаб кўр-а, қизим, бугун бир йигитни кўриб ёқтирсанг, яхшигина танишган бўлиб кўнгил берсанг-да, эртасига айниб ўтирсанг! Уят! Шунинг учун қиз бола заррача ҳам шошмаслик шарти билан бир йигитни танлабдими — бўлди! Ўшанинг этагини маҳкам тутсин. Шундай тутсинки, кўлидан ҳеч қандай довуллар, бўронлар юлиб олиб кетмасин! Ҳа, шундай бўлсин!

Турсуной кўлидаги қаламини коғоз устига қўйиб, ер остидан бувисига қаради. Нима учундир юзи ловиллаб ёнар эди.

— Битта саволим бор-у, сўрашга...

Саодат буви чарақлаб қаради.

— Вой, сўрайвер, қизим. Ё уяляпсанми? Йўқ, уялма, айланай. Сухбатимизнинг бошида очиқ гаплашамиз, деб писанда қилишиб эдик шекилли?

Турсуной боши билан «ҳа» ишорасини қилди. Кейин дудукланиб, сўзини йўқотиб, кўнглидагини айта бошлади:

— Бувижон-да, ҳалиги... борди-ю, қиз... кўнгилсиз бўлиб қолди. Унда...

— Унда нима қилиш керак, демоқчисан-да?

— Ҳа.

Саодат буви секин мийиғида кулиб кўйди.

— Бу бошқа масала, қизим. Бу жуда катта таҳлил талаб қиладиган мураккаб масала. Бу тўғрида кейин алоҳида гаплашамиз. Ҳозирча, ҳаҳ, ҳаёлимни ҳам бўлиб юбординг, қақажон! Нима деяётувдим, а? Ҳа, топдим, топдим. Ёш келин-куёв бошига битган бир бало бор. Бу қоранг ўчгур балонинг оти — гиди-биди! Енгилтак ёшлар оиласини заволга судрайдиган ялмоғиз — шу гиди-биди! Ким кўрибди кишини изғиринсиз? Ҳеч ким. Қиш бўлсин-у, қаҳратон совуғи, изғирини бўлмасин? Йўқ, бўлади, бўлмай иложи йўқ. Баъзан изғирин жуда каттиқ келиб, одамларни қажнатса, баъзан салгина зирқиратиб ўтиб кетади. Уй-рўзгор, оила ҳам аслида шунақа. У ерда ҳам гиди-биди деб аталган изғирин бўлиб туради. Фақат унинг олдини олиш, кутуриб кетишига йўл кўймаслик учун деразаларни маҳкам ёпиш керак, токи у ерда бўладиган гиди-бидилар овозаси ташқарига чиқмасин. Ёш келин-куёв ҳам нодон жўжа-хўрозларга ўхшаш бир-бирларига ташланмасдан, гиди-биди дамани кесишга ҳаракат қилишса олам гулистон: уй яна тинч, яна тотув. Ҳозир бир ривоят эсимга тушиб кетди. Мени куёвга узатишдан олдин катта бувим айтиб берувди. Ҳа, бир камбағал қосиб эртадан-кечгача бўз тўқир экан-у, топгани тирикчиликка кетиб, болалари ҳам, ўзи ҳам қирқ ямоқ кўйлак-лозимда юрар экан. Ким билади, бўзчи белбоққа ёлчимабди, деган мақол ана шунақа камбағалларга қараб айтилган бўлса ҳам ажаб эмас. Хайр, бу бошқа масала. Муддао буёқда. Ўша камбағалнинг олдинги хотини вафот қилган экан, бошқа бир жувонга уйланибди. Бу нодон жувон бўзчи билан турмуш қуришга қурибди-ю, кўп ўтмай айниб қолибди. Унақа экан-бунақа экан, деб ота-онасиникига арз қилиб бораверар экан. Ахир бир кун отасининг жаҳли чиқибди. «Шундай қилиб-ку, бир марта эрдан чиқувдинг: яна чиқасанми, шарманда?! Йўқ, орқангга қайт, қаноат қил, ўзингни бос, эрининг пинжигга кириб камини бут қил!» — деб отаси уни қайтариб юборибди. Жувон ўлгудек нодон, ақли паст экан. Отасининг насиҳатини қулоғига олмай, эри билан уришадиган, бўлар-бўлмасга шанғиллайдиган қилиқ чиқарибди. Уйингда у йўқ, уйингда бу йўқ, дермиш-у, эрининг пинжигга кириб олиб бўз тўқишни, оғирини енгил қилишни ўйламас эмиш. Нодон ўйламабдики, уйда у йўқ, бу йўқлигига эри айбдор эмас. У бечора эртадан-кечгача бўз тўқийди, рўзгор тебратаман, деб қора терга пишиб ицлайди. Демак, ҳамма бало кам-

багалчиликда, етишовчиликда, мухтожликда экан. Иннай-кейин, оила юкини баравар кўтариши зарур бўлган хотиннинг кўлини совуқ сувга ургиси келмаганлигида, кизим. Сизлар, hozирги тасаддуғинг кетай замонамизнинг бахтли ёшлари камбагалчиликни эшитгансизлар-у, ўзини кўрмагансизлар. Худо кўргулик килмасин, болам. Камбагалчиликнинг қахри, қаттиқ, захри ўткир. Хайр, ўша бўзчининг хотини рўзгоридаги йўқчиликдан, шу йўқчилик сабаб эри билан ўзи ўртасида бўлиб турадиган гиди-бидидан тўйиб, хайё-хайт деб, уйдан бошини олиб чиқиб кетибди.

— Вой, эси йўк жувон экан-у! А, бувижон? Эрини етимчалари билан йўқчилик ўтига улоктириб кетгунча бирон ерга бориб ишласа бўлмас эканми?! — деди Турсуной мурғак болалари билан мўлтираб қолган бўзчига юраги ачишиб. Саодат буви заҳарханда килди:

— О, болам-а, иш деган нарса энди, сизларнинг замонингизда кўпайди. Биз ёшлигимизда иш — анқонинг тухуми эди. Мана, нима иш қиламан десалар — ўша иш жонивор мухайё-да! У маҳаллар иш йўқлиги учун ҳам камбагаллар кўп эди.

— Биладан, ўқиганман, бувижон.

— Ҳа, билганинг яхши. Хўп, энди бояги нодон хотин можаросини эшит. Уйдан чиқишга чиқибди-ю, лекин каерга боришини билмай, ўрта кўчада қаққайиб туриб қолибди. Отасиникига борай деса, отаси яна хайдаб чиқаришидан кўрқибди, бунинг устига улар ҳам ўлгудай камбагал, еяр-ичари йўқ, елкалари билан зўрға нафас олиб юришибди. Шундай қилиб, у боши қотиб турган экан, ердан чиқибдими ё кўкдан тушибдими — ёнида ивирсиган бир кампир пайдо бўлиб қолибди. Бўзчининг хотини қараса, кампирнинг бошида каттакон тугун, эгнида искирт паранжи, кўлида тол хасса. Чиммати тушириғлик.

— Хей, худонинг ақли ноқис бандаси, серрайиб турарасанми! Ол бошимдан тугунни! — дебди кампир эркакларникига ўхшаган дўнғи товуш билан. Бўзчининг хотини миясидан таёк еган одамдай бир гандираклар тушибди. Кейин ўзини ўнглаб, кампирнинг бошидаги тугунни олибди-да, орқасидан эргашиб кетибди.

Турсуной хайрон бўлиб сўради:

— Биров кўрибдими шунақа бўлганини, бувижон?

— Эри кўрибди. Шаштингдан қайт, деб то ярим йўлгача орқасидан ялиниб борган экан. Ҳаммасини кўрибди.

— Кейин нима бўпти?

— Хотини шу кетганича қайтиб келмабди. Бировлар, даштда бўрилар еб қўйди, дейишса, яна бировлар қилган

ишидан пушаймон бўлиб ўзини осиб қўйди, дейишибди. Қайси бири тўғри — худо билади. Ундай бўлганда ҳам, бундай бўлганда ҳам айб ўзида. Бориға қаноат қилса, эрининг ёнида туриб бирға меҳнат қилишса етимчаларға ҳам жабр бўлмас эди, ўзи ҳам шу кунға тушмас эди.

— Албатта. Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Ҳа, айтмоқчи, эри етимлари билан қон ютиб қолишгандир, а?

— Йўк. Ялиниб-ёлворишларига қарамай хотини кетиб қолгандан кейин бўзчи шўрлик юрак-бағри қон бўлиб болалари ёниға қайтиб келибди. Шундан кейин ҳам келиб қолар деб хотинини узоқ вақт кутибди. Бир йилдан кейин бўзчига бошқа бир бевани олиб беришибди. Бу жувон яхши хотин экан — эри билан ади-бади айтишиш, бўлар-бўлмас нарсаға жанжал қилиш ўрниға эрининг пинжига кириб олиб бўз тўқишибди, болаларини ювиб-тарабди, эриға қарабди, рўзгорни тежаб-тергаб уст-бош қилибди, уйдаги совуқ бўйралар ўрниға иссиқ кигиз олиб солибди... Мана кўрдингми, кизим, бўзчининг аввалги хотини ҳам берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб гиди-биди кўчасига кириб олмаганда, ёмон қилмишининг қурбони бўлмас эди.

Турсуной ҳам худди шу нарсани ўйлаб ўтирган экан:

— Жуда тўғри айтдингиз, бувижон, — деди.

Саодат буви олдидаги китоб-дафтарларини йиғиштира бошлади.

— Бугунги суҳбатимиз якуниға шу ҳикматни келтиргим бор:

Қилар ишни билиб қилдинг — шодмонсан,

Билмай қилдинг — ўтакетган нодонсан!

## УЧИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Ишқидир абадийлик авжида офтоб,  
Ҳаёт чаманида толедин хитоб.

Умар Хайём

Саодат буви бугунги суҳбатга китоб қараб ўтирган эди, Турсуной худди ноҳўя иш қилиб қўйган одамдай қимтиниб кириб келди. У бир зум кўзларини китобдан узиб, неварасига разм солди:

— Тинчликми? — деди қимтиниш сабабига тушунолмайд.

Турсуной пастки лабини чиройликкина буриб, кўзлари билан кулди. Унинг одатида узр аломати эди бу.

— Тинчликка тинчлиг-у, лекин сиздан бесўроқ бир иш қилиб қўйдим-да, бувижон, — деди у, «кечиринг» деган бир илтижо билан.

Саодат буви неварасини яхши билар эди. У ҳеч қачон, ҳеч бир ваз вақт билан ёмон иш қилмаслигини билса ҳам яна сўради:

— Нима иш экан?

— Кечаги гапларингизни дугоналаримга айтиб берувдим, улар: «Биз ҳам бориб эштайлик», деб туриб олишди. Сиздан сўрай, иннайкейин, десам ҳам қўйишмади. — Турсуной шундай деб, эркаланишга тушди. — Майлими, а, келишса, бувижон? Майли денг...

Саодат бувининг кўзларида қора булут эмас, чараклаган қуёш бор эди. Ана шу қуёшдан нур сочиб сўради:

— Сен нима дединг? Хўп дедингми?

— Хўп дедим.

— Хўп деган бўлсанг, яна нимага сўрайсан мендан? Нима, мен сени чакки қилибсан, деб койирмидим ё дугоналарингни ҳайдаб чиқарармидим? Борди-ю, шундай қилсам, сен дугоналаринг олдида нима деган одам бўлар эдинг?

— Уятга қолар эдим.

Саодат буви неварасини хижолатдан чиқариш учунми, шўхгина кулди:

— Ҳа, баракалла. Маслаҳатсиз иш ҳаммани ҳаммавақт уятга қолдиради, кизим. Мана, маслаҳатлашиб бир

қарорга келдик. Сен ҳам уятдан хориж бўлдинг. Бўпти, келаверишин, ҳаммасига ҳам жой топилади уйимиздан. Бемалол.

Турсуной суюнганидан кичкина қизлардай сакраб бориб, бувисининг бўйнига осилди. У бетидан-бу бетидан чўлп-чўлп ўпди. Қувонч чашмаси қайноққа келиб, уни ҳатто ашула ҳам айттириб юборди. Бу ашула ҳали ҳеч ерда эшитилмаган, ҳеч ким томонидан ҳеч маҳал айтилмаган, жаранги чиройли янги ашула эди. Буни Турсуной: «Омон бўлсин бағри кенг, меҳри бир дарё бувижоним», деб бошлашга бошлади-ю, «дарё» сўзига муносиб қофия тополмай, «Омон бўлсин бизни деб...» — деганича дами ичига тушиб кетди. Чала қолган бу мисрани бир неча марта дудукланиб-дудукланиб қайтарди, аммо, оҳангдош, вазндош сўз келавермади. Ана шундан кейин иккаласи қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборишди. Ана шу кулги, чақ-чақ устига ўнтача қиз уялишиб, қимтинишиб кириб келди. Саодат буви уларни очиқ чехра билан кутиб олди. Ҳар бирини тароватли юзидан, муаттар сочидан ўпиб ўтқизди. Булар орасида табиатан шўх, хушчақчақ, ҳазилкаш бир қиз ҳам бор эди. Лекин ҳазиллари ибодирасидан чиқмас, шарақлаб қулишлари қиз шаънига уят келтирадиган пардага қўтарилмас эди. Саодат буви қизларнинг ўзларидан, уй ичларидан ҳол-аҳвол сўрагандан кейин ҳалиги Отика исмли қиз бир қулиб, бир жиддий туриб, ҳазилга йўғрилган узрини айта бошлади:

— Шу денг, опокижон, кеча Турсунойга жуда чиройли гаплар айтиб берган экансиз, бугун эрталаб бизни кўрди-ю, ўша гаплар юрагидан тошиб чиқиб кетди. Қарасак, бизни ҳам маҳлиё қияпти. Э, бизни ҳам обор, бизам бир эштайлик, десак қизганчиқлигини қаранг, йўқ дейди-да! Ҳа, нимага йўқ десак, олдин бувижонимдан сўрай, кейин обораман, деб туриб олса бўладими! Шу денг, опокижон, йўқ деганини эшитиб, юрагим тарс ёрилиб кетай деди. Бизам чумчуқ пирр этса, юраги ширр этадиган кўрқоқлардан эмас эканмиз шекилли, йў-ўқ, қайрилма қошларингга Отиканг тасаддук, бизам борамиз. Агар опоқимлар сени чакки қилибсан, деб калтакламоқчи бўлсалар, сен ялангни қилиб юравер, мана мен орқамни тутиб бераман, ура-ура ўзлари чарчайдилар, миқ этсам, Отика номимни бошқа қўйганим бўлсин, дедим. Босиб келаверганимиз учун айбга буюрмайсиз. Энди ихтиёр ўзларида, опокижон, истасалар заҳри гаврон билан, истасалар ақли даврон билан бизни сарафроз қилурлар...

Саодат буви Отикани энди кўраётгани йўқ эди. У

Турсуной билан жуда кўп марта келган, ҳазилкашлиги синашта бўлиб қолган эди. Шунинг учун Саодат буви юракдан чиққан тоза бир кулги билан яйраб кулди-ю, суҳбатини бошлаш тараддудига тушди. Қизларнинг ҳаммасида дафтар, қалам бор эди. Уларнинг ўзлари ҳам гулдаста кўйилган стол атрофида баҳор лолаларидек очилиб ўтиришар эди. Саодат буви қизларга бир-бир кўз югуртириб чиқди. Унга бу чиройли қизлар ловиллаб турган бир хокандоз чўгга ўхшаб кўринди. Юраги ёришди, қалбига ажиб бир меҳр тушди.

— Назаримда, баъзи нарсаларни ёзиб оласизлар шекилли,— деди Саодат буви, қизлар олдидаги қалам-дафтарга ишора қилиб.— Майли, ёзиб олаверинглар. Лекин сизлардан битта илтимос: тушунмаган, уқмаган нарсаларингизни, эриш кўринган жойларни хато ёзиб олгандан кўра, сўраб-билиб ёзганга нима етсин. Сўраганнинг айби йўқ. Иннакейин, баъзи масалаларни, чунончи, муҳаббатга алоқадор нарсаларни сўрасак уят бўлмасмикин, деб тортиниб ўтирманглар. Авваламбор, ҳаммангиз ҳам Турсунойга ўхшаш қизларимсиз, қолаверса, бу ерда эркак киши йўқ. Ўзимиз, жон қизларим. Хўпми? Ҳа, шундай бўлсин.

Қизлар ерга қараб ўтиришар эди. Сўнги саволга бошлари сал эгилди-ю, лекин садо чиқмади. Саодат буви кулимсираб, муддаога ўтди.

— Бугун муҳаббат ҳақида гаплашамиз. Ишқ-муҳаббатни ҳар ким ҳар хил таъриф қилади. Биров куёшга ўхшатса, яна биров оташга, биров гулга ўхшатса, яна биров булбулга. Менимча, бу таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси ҳам ўз йўлида тўғридир. Нимага десанглар, муҳаббатни ҳар ким ҳар хил ҳис қилади. Муҳаббат ўтида ёниш ё унинг лаззатидан қониш — ҳаммада ҳам бир хил бўлавермас. Ишқ-муҳаббат моддий нарса эмаски, тарозиди тортиб ё метрда ўлчаб кўрсак. Қисқа қилиб айтилганда, муҳаббат — ҳис, бир кишида иккинчи кишига нисбатан туғиладиган жозибани ҳисси. Аммо дунёдаги жамики ҳислар, туйғуларнинг тожи. Шу жиҳатдан, одамнинг қарорини олиб кўядиган қудрати жиҳатидан у тушуниб бўлмайдиган қандайдир сирга, одамзот ихтиёрига тобе бўлмаган бир қудратга эгадек туюлади. Аслида эса бунда ҳеч қандай сир, одамзот ихтиёридан ташқари ҳеч қандай қудрат йўқ. Муҳаббат бир қарашдаёқ одам ихтиёрини олиб кўядиган қудратли ҳис бўлиб туюлиши ҳақиқат, лекин аслида ундай эмас. Бу ерда, менимча, бошқа гап бор. Одамларда ҳис-туйғу ҳар хил бўлади. Дедик. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда бировга оқ юз, қора соч, кулиб турган шўх қиз ёкса, бошқа бировга

кўринишидан, кийинишидан, ўзини тутишидан, юриш-туришидан, сийратидан ақл-идрок ёғилиб турган оғиртабиат қиз ёқади. Қизларда ҳам худди шу ҳис-туйғу ҳукмрон. Билмайман, буни табиат илмининг пешволари жинс танлаш дейишадими ё жуфт танлаш — буёғи олимларга ҳавола. Лекин биз содда одамлар юлдузи юлдузига тўғри келганина муҳаббат содир бўлади, деймиз.

Қизлардан бири аста бошини кўтариб Саодат бувига қараган эди, у дарҳол фаҳмлаб:

— Ҳа, бир нима демоқчимисан? — деб сўради.

Қиз сўрайдиган гап қалтисроқ эканми, сўрамасданок қизариб, айтар гапини йўқотиб қўйди:

— Ҳалиги...

— Ҳалигиламай гапиравер, қизим, тортинма. Сўра. Юрагингда тугун қолмасин, айланай,— деди Саодат буви қизга далда бериб.

Қиз сўзларини худди биров оғзидан омбур билан суғуриб олаётгандек қийналиб, яна:

— Ҳалиги... Ҳаҳ, нимаиди? — деди-ю, тагин тўхтаб қолди.

Қизлар гурр этиб кулиб юборишди. Ҳалиги қиз бўлса юзини тўсиб, ерга қараб олди. Саодат буви бирдан қовғини уйди.

— Ҳай-ҳай, қизлар! Бу қанақа қилик? Ўзи гапини тополмай нима аҳволда-ю, сизлар яна уялтирасизлар кулиб. Қўйинглар, сўраб олсин.

Саодат бувининг тарафқашлигидан кейин ҳам қиз дарров ўзини ўнглаб ололмади. Анча қизариб, ўйланиб тургандан кейин, аста бошини кўтариб деди:

— Унақа бўлса нимага йигитлар аввал севишиб, кейин ташлаб кетишади?

Яна ўртада қизлар кулгисининг жаранги янгради. Савол берган қиз бешбаттар қизариб кетди.

— Кулманглар дедим-а сизларга, қизлар! Бас қилинглар! — деди Саодат буви чинакам хафа бўлган қиёфада.

Лекин бу ҳам қор қилмади. Савол берган қизнинг ёнида ўтирган дуркун, кўзга яқин бошқа бир қиз унинг бошига дўк этказиб урди-да, чап қўли билан ўз юзини тимдалаб:

— Уят! Уят! — деди. Буни Саодат буви кўриб, кулиб юборди..

— Нимага уят дейсан, Муқаддас? Билмаганини сўраса уят бўлади, деб ким айтди сенга? Унақа қилма, болам. Билмаганини сўраса айб бўлади, деб ўтиргандан кўра, одоб доирасида сўраб, билиб олган яхши эмасми? Йўқ,

қизлар, унақа қилманглар. Хўп бўлмаса, Муқаддас, шу қизнинг саволини берсам, жавоб қила оласанми? Қани айт-чи, йигит тушмагурлар нимага ташлаб кетишларини биласанми, а, қизим?

Муқаддас бошини ердан кўтармай, йўқ, деди.

— Ана кўрдингми, айланай, ўзинг ҳам билмас экансан-у, тагин бечора Ҳилолани эрмак қиялсан.— Саодат буви даврадаги қизларга мурожаат қилди:— Қани, ким айтиб беради бунинг сабабини? — Хеч ким чурқ этмади.— Демак, жавоб ўзимизга қолди. Хўп, бўпти, ўзим айтиб бераман. Кўп ёшлар, айниқса, қизлар муҳаббат масаласида кўрсаводлик қилиб қўйишади. Севги изҳор қилган ошиқ муҳаббати чинакам муҳаббатми ё ўткинчи бир ҳисми — буни кўпинча фарқ қилишмайди. Нима учун фарқ қилишмайди? Ақлу фаросатлари етмайдими ё бошқа сабаби борми? Ҳа, бошқа сабаби бор. Бунга шошқалоқлик сабаб. Баъзи ёшлар чуқур ўйлаб, яхши чамалаб иш кўриш ўрнига шошмашошарлик қилишади — худди биров тез бўл, тез бўл деб қистаётгандек. Шошқалоқликнинг яна бир касри шундаки, у ҳақиқий ҳис билан ҳирс деган балони фарқ қилдирмай қўяди. Ҳис билан ҳирсни эса фарқ қилиш керак, жуда ҳам керак. Аксар қизлар шошқалоқлик орқасида ҳирсни беозор ҳис деб қабул қилишади-ю, кейин ўйламай босган қадамлари доғида қовурилиб юришади. Бу икки сўз, яъни ҳис билан ҳирс ёнма-ён турганда, булардан бири кўнгилни равшан қиладиган юксак, иккинчиси эса инсон қадрини ерга урадиган тубан маънодаги сўзлар экани кўзга яққол чалинади. Ҳис — бирон яхши ё ёмон нарсани ё онг билан, ё бадан тегиши билан сезиш, яъни сезги бўлса, ҳирс — бир нарсага ҳайвонларча ташланиш, ёмон нарсага берилиш, одам боласига ярашмайдиган хунук, тубан ишлар қилиш, зўрлик ё алдов билан нафс қондириш, яъни нафс балолигидир. Ана шундай ҳирс бандалари устида гап кетганда: «Ҳа, уми? Ўлгидай дунё орттиришга ҳирс қўйган-да!» деб, бошқаси ҳақида: «Ҳа, таниймиз, қораси ўчсин! Нуқул нодон қизларни туюққа илинтиргани-илинтирган!» — дейишади. Агар муҳаббатнинг инсондаги энг олий туйғулар йиғиндиси, энг ширин, энг пок ва ҳалол ҳислар, эзгу жозибалар қаъбаси экани назарда тутилса, ҳаром-хариш йўллар билан ўйнаб қолишдан, бойлик орттиришдан ўзга тилаги, ўзга интилиши бўлмаган нафс бандалари учун дунёда фақат тубан ҳирс бор, зинҳор юксак ҳис йўқ! Бундай нобакорлар жирканч лаззат ва роҳатларини ўзгалар шўридан қидирсалар, бировнинг молини, яна бировнинг номусини ўғирласалар, бир чақалик

манфаатларини деб имонларини, виждонларини сотсалар, яна барибир, ичдан эзилишмайди, қора қилмишларидан пушаймон бўлишмайди, ахир бир кун бурунлари қонаб, кўзлари очилмагунча ярамасликларини давом эттираверадилар. Ҳирс ўлгур шунақа ёмон нарса. Шу қадар ёмонки, охир-оқибатда одамни одамгарчиликдан чиқаради, ҳатто эртами-кеч бошига ҳам етади. Бу ёмон касофат, оппоқ қизларим! Шунинг учун оқ билан қорани, яхши билан ёмонни фарқ қиладиган ақли расо одамлар ўт даҳшатидан ўзларини қандай олиб қочсалар, ҳирс касофатидан ҳам шундай қочадилар. Ақли бор одам, авваламбор, ҳирс васвасасига учмайди. Борди-ю, билибми, билмайми ё бошқаларнинг касрига қолибми шундай ёмон иш қилиб қўйди, дейлик. Бундай вақтда ақлли одам қилмишларидан пушаймон бўлиб гуноҳини тезроқ ювади, ёмонлик қилиб қўйган одами олдида юзини яна ёруғ қилиб олишга интилади.

Шижоат деган қиз гапиргиси келиб ўтирган эканми, Саодат буви нафасини ўнглаш учун тўхтар-тўхтамас, ўрнидан туринқираб:

— Рухсат берсангиз икки оғизгина гапим бор эди, — деб қолди.

— Вой, гапиравер, болам, бемалол.

Шижоат қизариб, қимтииб ўтирмади. Ўзини тутиб олган пишиққина қиз экан, бийрон-бийрон гапириб кетди:

— Тўғри-да, опоқи, бировга, айниқса сени ўзига яқин тутган одамга билибми-билмайми ёмонлик қилиб қўйсанг — бундан энг олдин ўзинг эзилсан. Ахир у сени дўстим деб, виждонингни ҳам ўзиники сингари тоза деб билса-ю, сен унга галамислик қилсанг — жуда ёмон пастлик, виждонсизлик, дўстлик шартига хиёнат бўлади-ку! Шунинг учун сиз айтгандай қилиб, яъни ёмонлик қилган одамнингдан дарҳол узр сўраб, юзингни ёруғ қилиб олишинг керак. Мен сизнинг гапингизга юз фоиз қўшиламан, опоқи. Менинг-ку, бошимдан ўтгани йўқ бунақа нарсалар, лекин қилмишинг ўкинчи юрагингда қора тугунчак бўлиб ётса, яшаш қийин бўлса керак!

— Офарин, қизим! Яшаш жуда қийин, тоб келтириб бўлмайдиган даражада қийин бўлади.

Саодат буви олдида ётган қоғозларини кавлаштириб, излаганини тополмадимми, негадир бирдан қикирлаб кулиб юборди.

— Шижоатхон, айланай, жуда яхши гапирдинг-у, лекин мени гапимдан чалгитиб қўйдинг-да. Ҳа, майли. Нима тўғрисида гапираётувдим?

Қизлар хушчақчақ кулишиб:

— Ҳис билан ҳирс тўғрисида,— дейишди.

— Ҳа, тўғри, ҳис тўғрисида, эсимга тушди. Шунини яхши эсда тутингларки, қизларим, ҳис муҳиби ҳам, ҳирс бандаси ҳам элу кўй назаридан четда бўлмайди. Яхши юрган, ўзларини яхши тутган йигит-қизлардан гап чиқса, одамлар: «Ҳа, у фалончининг боласи, отасига раҳмат. Кўп баодоб, хулқ-ҳаёси бакувват бола-да!»— деб макташса, ёмон юрган, ёмон хулқ-атвори билан бадном бўлган йигит-қизни: «Э, аттанг, туппа-тузук одамнинг боласи эди-я! Нима жин урди, а? Бай-бай-бай, лаънати шайтон йўлдан оздирган-ов! Ота-онасига иснод келтирибди-я!»— деб ҳайф-синишади.

Қизлар бир-бирлари билан пичирлашиб қолганларини кўриб, Саодат буви гапини тўхтатди. Қизлардан бири дарҳол сўради:

— Опоқи, шайтон деган нарса йўғ-у, нега уни одамлар оғизларидан туширишмайди. Ҳайронман, йўқ нарса қандай қилиб одамларни йўлдан уриши мумкин? Шунисига ҳеч ақлим етмайди. Нимага бунақа, а, опоқи?

— Ҳамма бало шунда-да, болам. Биз қизлар ишни қилиб қўйиб, гуноҳни йўқ нарсаларга тўнкаймиз. Яна тааж-жубки, биров яхши иш қилса, «шайтонга чап берибди», дейишмайди-ю, ёмон иш қилиб қўйса, «шайтон йўлдан оздирган-ов!» дейишади. Яхши йўлга эмас, яланг ёмон йўлга бошлайдиган ўша лаънати шайтон нима? Афт-ангори, турки қанақа? Кўрган борми?

Қизлар, билмаймиз, деб елкаларини қисишди. Саодат буви яна сўради:

— У қуриб кетгур ҳам сиз билан бизга ўхшаш одам-башарами?

Қизлар яна елкаларини қисишди. Саодат буви яна сўради:

— Орамизда юрадими? Юрса, нимага кўрмаймиз?

Ўртага совук сукунат тушди. Қизлар ҳам, Саодат буви ҳам чурк этмас эди. Анчадан кейин қизлардан бири тортиниброқ гап бошлади:

— Мен кўрганман...

Қизлар қийкириб кулиб юборишди. Саодат буви ҳам алағда бўлиб қолди. Бирдан қизлар чуғури бошланди.

— Бекорларни айтибсиз! Ҳеч ким ҳеч қачон кўрган эмас шайтонни! Ёлғон айтасан, сен ҳам кўрган эмассан! — деган эди Моҳина, шайтонни кўрганлигини айтган қиз онт ича бошлади:

— Ёлғон айтсам... ҳалиги... ёлғон айтсам-чи, қизлар,

бўпти — институтга киролмай қолай! Ана, энди ишондингларми?

Яна жарангдор кулги кўтарилди. Қизлар қотиб-қотиб кулишар, ҳалиги қиз бўлса, чинакам кўрган киши қатъияти билан пинагини бузмай ўтирар эди. Ахийри қизлардан бири сўради:

— Хўп, қаерда кўргансан, айт-чи?

У қиз ҳеч гап тортмай:

— Телевизорда,— деди.

Яна кулги, яна чуғур-чуғур бошланди. Қизлар бир-бирларига сўз бермай чуғурлашар, кулгидан на сўзни эшитиб, на тушуниб бўларди.

— Вой, қайрилма қошларингга Отика опанг тасад-дуғ-эй,— деди дуркун қиз шўх кулиб,— адашмасам, Гоголнинг «Дуканка хуторидаги кеча»сини айтяпсан шекилли? Уни ҳаммамиз ҳам кўрганмиз. Ўша сен шайтон деган нарсани ҳалиги полвон йигит қопга солиб, аввал роса қийнайди, кейин миниб олиб, подшо саройига боради, а?

— Ҳа,— деди кўргангани даъво этаётган қиз,— Петербургда, подшо саройига олиб боради. Ана ўша-да, шайтон.

Қизлар шўхлигига ҳаваси келиб, диванда кулимсираб ўтирган Саодат буви гап жиловини яна ўз қўлига олди.

— Ўша ҳаммамиз маза қилиб кўрган фильмда, иннай-кейин, турли эртақларда тасвир қилинган шайтон инсон тасаввурининг маҳсули, холос. Биров шайтон бор дейди, яна биров бўлса бордир, мен қаердан билай, деб гумон қилади. Аксарият йўқ дейди. Биз кўриб турган нарсаларимизга ишониб, ўрганиб қолган кишилармиз, шунинг учун қатъиян йўқ, деймиз. Фақат одам деган доно хилқат шаънига ярашмаган баъзи ярамас қилиқларимизни, паскаш ишларимизни яшириш учун, «буни ўзимиз қилмадик, лаънати шайтон васвасасига учиб қилиб қўйдик, шу сабабдан айб бизда эмас, шайтонда», дейиш учун одамзот ана шу йўқ айбдорни ўйлаб чиқарган бўлса керак. Ҳа, назаримда, шундай бўлса керак. Шайтон кўпроқ диний китобларда, диний ривоятларда тилга олинади. Биз эса бор нарсаларгагина ишонадиган одамлар бўлганимиз учун бунақа бемаъни тўқималарга ишонмаймиз. Аммо шайтон бор, фақат биз айтган ному биз ўйлаган қиёфада эмас. Номини ҳам, қиёфасини ҳам бошқа. Ҳақиқий шайтон ана ўша! Унинг ҳақиқий номи — ҳирс! Яъни нафс балоллиги! Иродасини заиф, тушунчасини паст, дунёқараши бетайин, ҳақ ва ноҳақ қаердалигини билмайдиган, одамийлик фазилатларидан маҳрум, оқибат ва меҳр-шафқат туйғуларига бегона, калтабин, қадамини кўриб, билиб босмайдиган кўзи очик

кўрларнигина йўлдан оздирадиган шайтон — ана шу ҳирс!

Саодат буви, ичи ёниб кетди шекилли, ёнидаги термосга қўл чўзган эди, Турсуной дарров туриб чой қуйиб берди. Саодат буви бир-икки ҳўплади-да, бошидаги дуррасини тузатиб, яна бояги ҳароратда сўзини давом эттирди:

— Афсуски, орамизда ёмонлик ҳирсини яхшилик ҳисидан кучли деб билиб, унга қарши курашишдан бош товловчи кўрқоклар учраб туради. Йўқ, ундай эмас. Яхшилик ҳиссининг қудратини билмайдиган, ҳатто уни кўз олдига келтиришга ҳам қурби етмайдиган ожиз одамларнинг валақлаши бу! Йўқ, қизларим, мен ундоғ гапларга ишонмайман. Агар бунақа бемаъни гапларга, қуруқ сафсаталарга қулоқ соладиган бўлсак, унда азиз ватанимизни кундан-кунга безаб, бойитиб, қудратига қудрат қўшиб келаётган ажойиб кишиларимиз хизмати қаерда қолди. Шундай ҳақли савол туғилмасмикан? Албатта туғилади. Туғилиши табиий. Агар одамларимизга, азамат совет кишиларимизга уларнинг фидокорона меҳнатларида ватанимизга, нурафшон замонамизга бўлган бекиёс меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳислари раҳнамолик қилмаганда юртимиз шунчалар гуллаб-яшнарниди! Шунча янги шаҳарлар, янги қишлоқлар, шунча ободончилик, маъмурчилик, маданият, илмуфан, қўйинг-чи, бугунги инсоний бахтимиз қаердан келарди?

Саодат буви саволига жавоб кутаётгандек, қизларга қараб қолди. Қизлар бир неча зум жим ўтиришгандан кейин худди кўғирчоққа ўхшаган чиройли, келишимли, нозиккина бир киз ўрнидан турди.

— Гапимиз яхшилик билан ёмонлик устида эди. Агар шунча нарсалар қилинган бўлса, буларнинг ҳаммаси яхшилик оқибати бўлса керак. Ҳар ҳолда мен шундай деб тушунаман.

— Тушунчанг жудаям тўғри, Ёркиной. Буларнинг ҳаммаси яхшилик самараси. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз яхшиликни нурга, ёмонликни эса зулматга қиёс қилганлар. Биз буни жичча ўзгартириб: яхшиликни ҳису ёмонликни ҳирс деб кўрайлиг-а. Ана унда ҳирс балосини даф қилиш курашидан ўзларини четга тортиб юрган боқибегамларнинг аҳволи ҳирс қадар ярамас, ҳирс қадар хунук экани равшан бўлади. Бундай ўйлаб қараганда, қачон зулмат нурни енгибди-ю, қора ҳирс оқ ҳисни енгсин! Йўқ, ҳеч қачон енга олмайди!

Саодат буви овози кўтарилиб кетаётганини сезиб қолдимиз ё бошқа андиша биланми, шу ерга келганда пича

лар бўртиб чиқади-ю, кечагина ишқ-муҳаббат бодасидан маст-аласт юрган ошиқ сочини юлиб фиғон қилади: «Э, худо, мен нима қилиб қўйдим-а?! Менинг ақидамга, табиатимга тамом бегона бу нуқсонларни нимага кўрмадим? Э-воҳ, кўзим қаерда эди!»— дейди пушаймонлик ўтида ёниб. Бунақа пушаймонлик, албатта, эртами-кеч турмушни бузади. Агар ёшлар бир-бирлари билан танишган дастлабки кунларидан бошлаб, ҳамма ихтиёрини кўнгил раъйига бериб қўймай, ақл майлига ҳам қулоқ осишса, мен аминманки, авваламбор, ўртада шошмашошарлик бўлмас эди, қолаверса, севгилари ажралиш билан натижаланмас эди. Севгида ақл андишаси билан эмас, кўнгил шайтонининг васвасаси билан қўйилган қадам оқибати ҳамиша кўз ёши, ҳамиша доғу ҳасрат! Севги иккинчи шахсга қаратилган чуқур маҳрамлик ҳиссики, уни зўрлик билан пайдо ҳам қилиб бўлмайди, зўрлик билан йўқ қилиб ҳам бўлмайди. У шундай бир қудратки,— Саодат буви олдидаги хатчўп сукиб қўйилган китоблардан бирини олди,— Данте ўзининг «Илоҳий комедия»сида, куёшини ва фалакни ҳаракатга келтириб турган нарса — севгидир, дейди. Ҳар бир севги муҳиби муҳаббатга шу нуқтаи назардан қараса эди, яъни, унинг куч-қудрати улуглигини тан олса эди, севги муқаддаслигини йўқотмас, нодонлар, гумроҳлар оёғи остида топталмас эди.

Саодат буви ҳақсизликни кўриб юраги эзилган одамдай маҳзун ўтириб қолди. Бу алам, бу ғам қизларга ҳам таъсир қилди. Улар ҳам бошларини кўтармай ўтиришар эди. Бир маҳал Саодат буви бошини кўтариб, суҳбатини давом эттирди:

— Дунёда ҳар бир инсоннинг айрилмас дўсти бўлади. Кечалари юганда — қўлида чироғлик, кундузлари эса — асолик вазифасини бажариб, одамни кўп фалокат ва кулфатлардан сақлайди. Унинг оти — ақл! Лекин биз баъзан шундай ғамхўримизни назар-писанд қилмай, бошқа бир жодугарнинг сўзига учамиз. Унинг оти эса — кўнгил! Эҳ-ҳе, бу жодугар кўнгил нималарни кўмсамайди жиловингизни тутқазиб қўйсангиз! Бу жодугар ақлни ёнига йўлатмайди, ақл макбул йўл топгунча бўлмай, одамни ўзининг пасткам йўлларига бошлаб кетади. О-о, бу йўллар, бу пасткамликлар! Не-не шармандаликларга, не-не юзиқораликларга дучор қилмайди, дейсиз. Мавлоно Лутфий қуйиб айтганидек, бизни расво қиладиган ана шу кўнгилу пушаймонлик ўтида ёндирадиган унинг паскам кўчаси!

Саодат буви ёнида тахлоғлик турган кўк муқовали китобни олиб варақлай бошлади. Кейин қизларга қараб,



— Гапимиз кўнгил пешволарининг ранжига келиб тақалди. Ҳақиқатан ҳам, кўнгил дастидан дод деб ўтганлар илгари замонларда ҳам бўлган эди, ҳозир ҳам бор. Бундан олти аср илгари дунёга келиб, одамзот бахти учун, ҳақ-адолат учун бутун умри ва ижодини бахш этган улуғ ўзбек классик шоири мавлоно Лутфий ҳам кўнгил раъйидан куйганлигини мана шу тахлит ёзган эди:

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул,  
Хору расво қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул.  
Душману дўст орасинда мени ғофилни мудом  
Бесару по қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул.

.....  
Ўзгадин кўрмаки кўзинг ёшини, эй Лутфий,  
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул.

Саодат буви Лутфий шеърининг энг ҳаяжонли сатрларини ўқиб бериб, қизларга бир зумгина тикилиб турди. Қизлар дарров бир нарса дейишавермагач, Саодат буви ёқимлигина кулимсираб, сўзни яна ўзи давом этказди:

— Ҳозирги баҳсимиз эски бир ривоятни эсимга туширди. Ўзи эртакка ўхшаган-у, лекин ақл билан кўнгил можаросида ибрат бўладиган жойлари бор. Агар ота-боболаримиз минг-минглаб эртаклари қатори буни ҳам бизга мерос қолдириб кетган экан, демак, биздан лозими — фойдаланиш.

Қулоқ солинглар: «Кунлардан бир кун Ақл Кўнгил ишидан норози бўлиб:

— Ўлгудай шошмашошарсан, ўпканг йўк. Ўзингга ёққан нарсани мундоғ текшириб кўрмай, шилқ этиб тушасан-у, икки ўртада мени шарманда қиласан! Э, хайф-э! Бир иш қилишдан ё бир гап айтишдан олдин яхшилаб ўйла, текшир, суриштир, сина, сўра, чамала, ана ундан кейин бир қарорга келгин-да! Кўнгилман деб билган номаъқулчилигингни қилаверасанми?! — дебди.

Кўнгил Ақл дашномини эшитибди-ю, хахолаб кулиб юборибди.

— Э, сени қара-ю, қачон Ақл бойвачча етти ўлчаб бир кесиб берар эканлар, деб оғзимиздагини олдириб ўтирайми? Суф-э, сенга! — дебди. — Сен ўлчаб, у ёғидан ўтиб бу ёғига, бу ёғидан ўтиб у ёғига қарагунингча оғзимни очиб ўтираманми?! Йўк, оғайни, бунақасига бизда тоқат йўк. Биз дарров ишимизни битирамиз-у, ялломизни қилиб юраверамиз.

Бу гапдан Ақлнинг жаҳли чиқибди.

— Э, ялло-маллонг билан кўшмозор бўл! Кейинги кўз ёшининг уволи кимга? — деган экан у, Кўнгил яна баттар хахолаб кулибди:

— Ақлман деб гердаясан-у, шуни ҳам билмайсанми? Уволи ўзига, менинг кўчамга кирганга-да! — дебди».

Қизлар бирдан чуғурлашиб кўнгилнинг беюзлигини қоралай бошлашди. Ҳатто, қизлардан бири бунақа кўнгилнинг қораси ўчсин, деб ҳам юборди. Саодат буви индамай эшитиб ўтирди. Кейин сўз навбатини яна ўзига олди.

— Ана, кўнгил расволиги тўғрисида бирданга иккита мисол. Шеърдан билдинглар, ўша қадим замон шоири ҳам кўнгил раъйига учманглар, учсангиз менга ўхшаш пушаймончилик ўтида ёнасизлар, деб огоҳ қияпти. Эртақ ҳам худди шуни таъкидлаяпти. Ҳақиқатан ҳам, юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздек, бу мол савдоси эмас, умр савдоси. Бу савдога очиқ кўз, тиниқ ақл, хушёр ҳолат, катта масъулият билан қаралмаса, оқибати — оху воҳ! Ўйлаб қаранглар-а, қизлар, одам бозор-ўчарга борганида олма оладими, анор оладими ё бошқа тар мевами — ҳам-мавақт уёқ-буёғини қараб, танлаб олади-ку! Идиш-товоқ магазинига кирганда ҳам, бошқа мол-мато дўқонига кирганда ҳам қидириб келган нарсасининг асилени танлайди. Шунақами, қизлар?

— Албатта.

— Ҳа, баракалла! Севгида-чи? Танлаш керак эмасми? Шошқалоқ кўнгил нима деса, шуни қилавериш керакми? Ақл-чи? У нима дейди? Унинг овозига ҳам қулоқ солиш керак-ку! Албатта, керак. Ё қанақаси бўлса ҳам бизга барибир, дейдиган ақл ҳам бўладими? Ўнг қулоқ-сўл қулоғингизда бўлсин, қизлар, ёр танлаш — кўп масъулиятли иш. Шу қадар масъулиятлики, бугунингиз, эртангиз, келажагингиз роҳати, бахт-саодатингиз шунга боғлиқ. Танлайдиган ёрингизнинг бўйи басти, ақл-хуши, одоб-андишаси, юриш-туриши, ҳатто, кулиш-жилмайиши, гапириши, овози, муомаласи, маданияти ва одамийлиги дидингизга ёқадими, сизга ҳар жиҳатдан муносибми — шу томонларини текшириб, яхши билиб олгандан кейингина ақл розилиги билан кўнгил майлига ихтиёр берса бўлади. Қани, қизлар, сизлар нима дейсизлар: ақл овозига қулоқ солиш зарур, дейилган гапни шу маънода тушунса бўладими?

Қизлар ҳар хил овозда «бўлар» дейишди. Шундан кейин Саодат буви сўзини яна давом эттирди:

— Ёшлар қурадиган янги оиланинг бузилиб кетмаслиги учун, келажакларининг ғам-ғуссадан, эру хотин ўртасида чиқиши мумкин бўлган шарм-ҳаёсиз жанжаллардан тамом

мусаффо бўлишлиги учун юқоридаги шартларга риоя қилса, оила бахти яна ҳам равақ топар эди. Ахир ана шу шартлар зарурлигини унутиб қўйиб, ақл маслаҳатсиз иш кўрган қизлар қилмишлари оқибатида ҳаммиша бармоқ тишлаб қоладилар. Севган кишининг сийратида кўздан қочиб қолган бир хунук нарса кунлардан бир кун юзага қалкиб чиқади-ю, кечагина кўйида жонини фидо қилишга тайёр турган ёрини кўргиси келмай қолади. Даф қилиб бўлмайдиган жирканиш, ҳазар ҳисси ихтиёрини олиб кўяди. Бундай ҳис оқибат-натижада кўнгилсизликка олиб келади. Ана кўрдингизми, бу девона кўнгил қилар ишини қилиб қўйиб, энди уни ажралиш йўлига етакляпти. Ажралиш эса, чўнтагингиздан тушиб қолган беш тийинчалик қадрсиз мусибат эмас. Бу жудолик замирида жисмоний фожиа алами бўлмаганда ҳам, ундан қолишмайдиган маънавий фожиа дарди бор. Бу фожиа етказган қалб жароҳати бир умр битмайди. Ким билади, ташлаб кетган муносибини топар-у, ҳамма нарса унут бўлиб кетар, лекин ташланган, хорланган томоннинг холи нима кечаркин? У, албатта, ташлаб кетган томонини вафосизликда айблади, қуяди, ёнади, ўзини уриб йиғлайди, ҳатто, нодонроқ бўлса ўз жонига қасд қилишдан ҳам тоймайди. Қани, айтинглар-чи, қизларим, кечагина севги ўти ва изтиробидан узоқда, ғаму ғуссадан йироқда ўйнаб-қулиб юрган бир бегуноҳ қиз бошига бунча азобни ким раво кўрди. Яхшилаб ўйлаб қаранглар-а, қизларим! Қизнинг ўзи раво кўрмадимикан? Бу савдода ўзи, фақат қизнинг ўзи айбдормасмикан? Агар у бошда ёрини ҳар томонлама текширган, ўрганган бўлса, бунақа айрилиқ ўтида қуйиб қолмас эди. Ҳа, қуйиб-ёнмас эди. Мен бунга аминман. Ана шундай қайғули ҳодисаларнинг бевосита аламзадалари ё гувоҳлари бўлмиш қизлар: «Йигитларда вафо йўқ, улар фақат алдашади», дейишади. Қизлардан қуйган йигитлар-чи? Улар ҳам қизларни вафосизликда айблашади. Натижада, улар ҳам, булар ҳам: «Дунёда ҳақиқий муҳаббат йўқ», дейилган тамом янглиш, тамом хато фикрга келадилар. Йўқ, жон болаларим, чин муҳаббат бор. Фақат уни бор қилиш ҳам, йўқ қилиш ҳам сизларнинг ўз қўлларингизда. Бу нарса сизларнинг хулқ-атворингизга, олган тарбиянгизга, одамийлик фазилатингизга, муҳаббатдек пок, тоза ҳисни оёқости қилишдек гумроҳликдан сақланишингизга боғлиқ. Дунёда инсоф деган адолат қудрати бор. Унинг неъматини бекиёс. Ана шу бекиёс неъмат ҳаққи ўйлаб кўринглар, жон қизларим, агар дунёда чин муҳаббат бўлмаганда, Шарқда — Фирдавсий, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Ру-

дакий; Ғарба — Данте, Байрон, Пушкин, Лев Толстой, Лермонтов даҳолари муҳаббат меҳробига бош қўйиб, ишқнинг, чинакам ишқнинг борлигига онт ичар, бу сеҳрғар қудрат домига тушганлар тақдири билан шоҳ асарларининг зарварақларини илоҳий бир маҳорат билан тўлдирар эдиларми? Йўқ, албатта, қизларим, йўқ!

Саодат буви бу гапларини овозини кўтармай, оғир-босиқ гапирган бўлса ҳам, лекин тўлқинлангани, ҳаяжони шундоққина сезилиб турар эди. У ўзини босиш учунми ё бошқа бир ниётдами, олдидаги китоблардан бирини қўлига олиб, варақлай бошлади. Қизлар жимгина қараб ўтиришар, оловга йўғрилган янги сўзлар кутишар эди. Лекин ундай бўлмади. Саодат буви китобни ёпиб, кўзидан ойнасини олди.

— Ишқ-муҳаббат ҳақидаги суҳбатимиз анча чўзилиб кетди. Узр, сизларни чарчатиб ҳам қўйдим. Хўп, бугунги суҳбатимизни шу сатрлар билан тугатамиз:

Кимки дебди: чин муҳаббат абасдир,  
Ёпсин оғзин, куфру ёлғони басдир.

## ТЎРТИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Шошқалоқлик — шайтоннинг васвасаси,  
Бугуни лаззат-у, заҳар эртаси.

Кечкурун соат роппа-роса саккизда қизлар етиб келишди. Ораларида яна иккита янги қиз бор эди. Қисилишиб, сурилишиб ўтиришди. Саодат буви аудиторияга кирган кекса профессор қиёфасида қизларга кўз югуртирди-ю, салом-алиқдан кейин яна ўша салобатли овозда сўз бошлади:

— Кеча вақтимиз зиклик қилиб, сизларда саволлар борми-йўқлигини сўрай олмадим. Ҳичқиси йўқ, кеча хато қилган бўлсак, бугун тузатамиз-да. Вақт ҳам, имкон ҳам бор бугун. Марҳамат, саволларингиз бўлса беринглар,— деди Саодат буви тизилишиб ўтирган қизларга кўз югуртириб.

Қизларда саволлар бор экан. Кеча кечкурун уйларига қайтишаётиб йўлда анча гап талашишибди. Бири чин муҳаббат борлигига гумон қилса, яна бири, бор, деб олибди. Талашишибди, исботлашишибди, лекин қатъий қарорга кела олишмабди.

— Шуни сиз далиллаб, ажрим қилиб берсангиз, опоқи,— деб илтимос қилди кечаги дуркун қиз.

— Хўп бўлади, далиллаймиз, қизлар. Чин муҳаббат борлигини қўлимдан келганича исботлашга ҳаракат қилиб кўраман. Кеча бу тўғрида ҳеч нима демадик ё дейиш хотирамиздан чиқибди десак нотўғри бўлар. Асрлардан асрларга, замонлардан замонларга ўтиб келиб, бугун ҳам бизнинг маънавий ҳаётимизга жуда катта таъсир қилаётган машҳур дoston ва романларни кеча тилга олдик. Чин муҳаббатнинг борлигига тарихимиздан, ҳозирги ибратли ёшлар орасидаги пок муҳаббатдан ортиқ яна қандай далил керак? Сутдан оғзи куйган қатикни пуфлаб ичади, деган гап бор халқимизда. Одамзотки бор, муҳаббат бор. Агар муҳаббат бўлмаганда яратиш, бунёд қилиш, ўстириш, вояга, камолга етказиш деган нарсалар ҳам бўлмас эди. Инсон нимаики яхшилиқ қилса, ҳаммасини ёқтириш, севиш орқасида қилади. Модомики, бугунги чиройли, дилрабо дунё-

мизни шу тахлит гўзал қила олган эканмиз, демак, бу муҳаббат шарофатидан. Бу гўзалликларнинг ҳаммасини муҳаббат инсон ақли ва қўли билан яратган.

Саодат буви сўзини тўхтатиб, аллақандай конвертларни кавлаштира бошлади. Ўшалардан бирини олиб, ичидан тахлоглиқ қоғоз чиқарди.

— Муҳаббат тўғрисида менда битта хат бор эди, қарши бўлмасаларингиз ўқиб берсам.

Қизлар чуғурлашиб:

— Ўқинг, ўқиб беринг, опоқи,— дейишди.

— Бўпти, кулоқ солинглар: «Ҳурматли опоқи, ўтган ҳафта бизнинг техникум қизлари билан бўлган учрашувда сиз жуда яхши гапларни айтдингиз. Бунинг учун кўпдан-кўп раҳмат. Аммо муҳаббат ҳақидаги далилларингиз, кечирасиз-у, менда унчалик қаноат ҳосил қилмади. Ўшанда ўрнимдан туриб эътироз билдирмоқчи бўлдим-у, лекин ўқитувчиларимиздан, айниқса, Сиз ҳурматли опоқимиздан уялиб, кўнглимиздаги гапни айтолмадим. Мана энди узоқдан, хат воситаси билан эътирозимни баён қиляпман. Мени маъзур кўринг, жон опоқи. Мен чин муҳаббат бор дейилган гапларга ҳеч ишонмайман. Менда бу ишончсизлик ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бунинг сабаби, асоси бор. Дунёда муҳаббат эмас, алдов бор экан. Муҳаббатнинг кўзларни қамаштириб, одам ҳушини олиб қўядиган чиройли либосига бурканган алдов бор экан! Буни ўз-ўзини алдаш деб тушунайликми ё бошқаними — барибир. Шунинг учун ўша учрашувда чин муҳаббат фойдасига келтирган далилларингиз ҳар қанча асослидек кўринса ҳам, барибир, мен ўз фикримда қоламан. Сабабими? Сабаби бор, албатта. Бўлганда ҳам битта эмас, истаганингиз қадар. Лекин мен шулардан фақат биттаси устида тўхтаман. Техникумимизда Сабоҳат деган бир қиз бор эди. Аъло баҳоларга ўқирди, бўш вақтларини бадан тарбиясига бағишлар эди. У билан икки йил бирга ўқидим. Жуда одобли, ҳаёли қиз эди. Синфимиз қизлари кечкурунлари биргалашиб дарс тайёрлар эдик. Шундай пайтларда муҳаббатдан гап чиқиб қолса, у ўзидан-ўзи қизариб, ёнимиздан туриб кетарди. Севгидан гап кетганда дугоналаридан ҳам уяладиган шундай ҳаёли, шундай ибоби бир тортинчоқ қиз орадан ярим йил ҳам ўтмай, мана шу севги ўтида ёна бошлади! Балки тафсил керакдир? Марҳамат, опоқи. Биз ҳар хил районлардан келганимиз сабабли техникум ётоғида турардик. Кечки пайтларда қўлимизни банд қиладиган уй ишлари бўлмагани учун ким китоб ўқир, ким расм чизар, ким жисмоний тарбия билан қомастига чирой берарди. Сабоҳат иккаламиз югуришни яхши кўрар-

дик. Узун, чиройли оёқларини худди тоғ оҳусидек чаккон ташлаб, ҳаммавақт мендан ўзиб кетарди. У бир неча марта югуриш мусобакаларида қатнашиб, техникумимиз шарафини юксакларга кўтарди. Бўй-баста келишган, кўзлари кулиб турган, чехраси очик шундай дилрабо, шундай жонон қиз уч ой деганда бир ёмон касри билан дори ичиб касалхонага тушиб қолди. Мен нодон ўзим билан, дарсим билан бўлиб, гафлатда қолибман. Хайриятки, докторлар бир амаллаб жонини сақлаб қолишди, аммо, аввалги кувнок, бахтиёр Сабоҳатдан жуда кам нарса қолди. Энди у замонлар ўтган сари рангини йўқотган, хиралашиб қолган эски суратга ўхшар эди. Мен воқеани эшитиб, дарров касалхонага етиб бордим. Сабоҳат бир аҳволда ётар эди. Ўзига келгандан кейин ҳамма гапни айтиб берди. Ич-ичидан эзилиб, йиғлаб ўтириб гапирди. Кўзларидан дув-дув ёш тўкилар, хик-хикидан нафаси бўғилиб қолар эди. Мен бир нарсани ўйлаб, кўрқиб кетдим. Унинг дард билан, алам билан тўлиқ гаплари ўлими олдидан гуноҳларига тавба қилаётган бемор гапига ўхшаб кетди. Мен ҳам чидай олмай йиғлаб юбордим. Гап бундай бўпти: ўша кечаси Сабоҳатнинг тушига онаси кирибди. Бир аҳволда йиғлаб, сочларини юлиб юрган эмиш. Ёмон ҳодиса бўлди шекилли, деб кўрқибди-ю, дарсдан кейин шаҳарлараро телефон станциясига бориб, онаси билан телефонда гаплашибди. Онасининг меҳрибон овозини, уйдагиларнинг тинч, соғ-саломат эканликларини эшитиб, залдан хурсанд чиқиб келаётган экан, эшик томондан бир сур йигит келиб: «Кетмай турунги, ҳозир чиқаман, бирга кетамиз», дебди. Бир бегонанинг томдан тараша тушгандай гапи унда хушёрлик уйғотиши керак эди, лекин бунинг акси бўпти. Қаранг, Сабоҳатнинг кўзлари унинг кўзлари билан тўкнашибди-ю, юраги жиз этиб, бутун вужудини ғалати бир ўт олибди. Сабоҳат қанчалик тортинчоқ, уятчан киз бўлишига қарамай, йигитнинг ўт чакнаган кўзлари сеҳридан нес бўлиб қопти. «Менга нима бало бўлганини билмайман. Танимаган, билмаган бир одамнинг илтимосдан кўра буйруққа ўхшаган сўзи билан кетмай турсам бўладими!» — дейди. Бир зум ҳам ўтмай йигит қайтиб чиқибди-ю, худди эски танишдек, Сабоҳатни билагидан ушлаб ташқарига етаклабди. «Ҳайронман, ҳамма бало билагимдан ушлаганида бўлдими, ичимда бир олов ловиллаб кетди, кўзларим тинди, бир вақт қарасам — машинада кетяпман. Машинага қандай қилиб чиқиб қолганимни билмабман ҳам. У анча ергача индамай борди. Кейин тилга кириб, мендан кўркманг, мен ҳам сизга ўхшаган бир бечораман, деди. Тили ширингина экан. Менга қараб

гапирган кезларида нафаси юзимга тегса, нафас эмас, ўт теккандек бўлар эди. Шу-шу у қалбимга кириб, ихтиёримни олди-қўйди», дейди. Мана кўрдингизми, жон опоки, қўйдек ювош бир қизнинг соддалигидан фойдаланиб, у бечорани не балоларга гирифтор қилмади, йигит ўлгур! Севаман дебди, сизсиз яшаёлмайман дебди, дунёда чин муҳаббат бўлса, ўша муҳаббат меники дебди, кўнглимдаги қизни энди топдим, қурбонингиз бўлай, дебди. Хуллас, у ёғидан ўтиб аврабди, бу ёғидан ўтиб аврабди, бошини айлантириб, бир бегуноҳни шармандаю шармисор қилиб, ташлаб кетибди!..»

Сўнги сатрлар Саодат бувига оғир ботди шекилли, қўлидаги хатга қараганича узоқ жим бўлиб қолди. Қизлар ҳам шу аҳволда эди. Улар ҳам чурк этмай ўтиришар, ҳатто, баъзилари йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб турар эди. Анчадан кейин Саодат буви намланган кўзларини рўмолчаси билан артиб, қизларга маънос қаради.

— Хўп, у ёғини ўқийлик. «Айтинг, опоки, мана шунақа воқеалардан кейин чин муҳаббат бор деган гапга қандай ишониб бўлади? Ким ишонса ишонсин, лекин мен ҳечам ишонмайман. Йўқ, опокижон, Сизнинг далилларингизга ҳеч ишонмайман. Чин муҳаббат йўқ! Яна айтаман — бу алдов! Ўзини ҳам, ўзгани ҳам бақрайиб туриб алдаш! Ҳа, алдаш!

Ўша учрашувда ўртага ташлаган мулоҳазангизда мени қаноатлантирмаган яна бир жойи бор. Ижозатингиз билан уни ҳам айтсам. Масалан, ҳамма қилгиликни йигитлар қилади-ю, яна улар сувдан қуруқ чиқишади. Балого қизлар қолишади. Бамисоли тилка-пора қилиб ташланган қўй нимталари устига келиб: «Ҳой, муттаҳам, нимага ўзингни бегуноҳ бўрига едирдинг?» — деб даъво қилганларига ўхшаш. Йўқ, бу ошкор адолатсизлик! Тўғри-да, қиз бечоралар шунча жафо кўришсин-у, яна қора ҳам бўлишсинми? Йўқ, қани инсоф, қани адолат, наҳотки қўй зўрлик билан ўзини оғзи қон бўрига едирса?! Агар шу эътирозим ҳақ бўлса, мен бунга Сизни ишонтира олган бўлсам — демак, қизлар ҳам ўзларини номардлар оёғига келтириб ташлашлари ақлга сигмайдиган бир афсона экан. Ҳа, ҳеч қачон ўзини келтириб ташламайди! Бунга унинг қизлик шаъни, қизлик ғурури, қизлик ибоси, одамлик тушунчаси йўл қўймайди.

Ҳурматли опоки, мактубимда қаттиқ кетган жойларим бўлса — узр. Шу билан эътирозларим ниҳоясига етди. Сизга салом ва эҳтиром билан мухлисингиз Сожида Қамбарова, техникум ўқувчиси».

Саодат буви хатни тахлаб, яна конвертга солди. Кейин бошини хиёл кўтариб, кизларга қаради.

— Қани, нима дейсизлар бу хат тўғрисида!— деди. Кизлар ким нима дер экан, деб бир-бирига қараб ўтиришди. Вақт ўтиб борар эди. Саодат буви ўғил болага ўхшаган зуваласи пишиқ кизга мурожаат қилди:

— Отикахон, сен нима дейсан, қизим?

Отика малол келаётгандек турди-ю, елкаларини қисиб, бошини сараклади. Кейин ёнидаги кизга ишора қилди.

— Жамила айтсин, жуда сўзга чечан,— деди Отика, дугонасини қўлтигидан олиб.— Тура қол, қайрилма қошларингга тасаддуқ.

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Жамила ҳам кулиб ўрнидан турди.

— Сожиданинг мактубида жон бор, баъзи далилларига кўшилиш мумкин, аммо ҳаммасига эмас.

Жамила шундай деди-ю, тўхтаб қолди. Саодат буви уни бир оз кутди. У ҳамон индамай турар эди.

— Масалан, қанақа жойларига кўшилмайсан?— деди Саодат буви.

Жамила кўзига тушиб қолган майин сочларини пуфлаб узоклаштирди-да, бошини баралла кўтариб деди:

— У бошдан-оёқ Сабоҳатни оқлаяпти. Менимча, шунақа бўлиб қолганига ўзи ҳам айбдордир? Нимага бўлмаса танимаган, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бир рўдапо билагидан ушлаб, юр, деса индамай кетаверади?

— Жамила жуда тўғри айтди. Айб ўша қизнинг ўзида. Сожида: «Ҳеч қандай кўй ўзини бўри оғзига келтириб ташламайди», деб ёзибди-ю, лекин у ҳимоя қилаётган киз кўй ҳам қилмайдиган нодонликни қилиб, бир шилқим орқасидан эргашиб кетибди. Ажаб бўпти!— деди жиккак Раъно.

Унинг сўнгги ибораси ҳаммани кулдирди. Ўртада кўтарилган бу кийғос кулги Саодат бувини ҳам четда қолдирмади. Бу беозор кулги Сожиданинг мактуби туғдирган маъюсликни бирмунча ўртадан кўтарди. Ҳали-замон йиғлаб юборай деб ўтирган кизларнинг чехраси яна гулгун тус олди. Бир чеккада кулгига кўшилмай, қовоғини очмай бир оқ-сарик киз ўтирар эди. У кулги тугар-тугамас аста қўлини кўтарди.

— Ҳа, гапинг борми, Шижоатой!— деб сўради Саодат буви.

— Икки оғизгина.

— Гапиравер, қизим, бемалол.

Шижоатойнинг юзида нимадандир жаҳди чиккан одам-

нинг хўмрайиши бор эди. У ҳамон қовоғини очмай дўн-гиллади:

— Бир бечора соддалик қилиб адашибди. Адашгани учун кулиш керакми? Отика ҳам, Раъно ҳам ҳамма айбни Сабоҳатга тўнкади. Тўғри, Сабоҳат бу бахтиқароликда беайб эмас. Ўзига яраша айби бор. Лекин бирда-иккида одамлардан ёмонлик кўрмаган, демак, зада бўлмаган бир кишлоқ қизи ўша почтада йўлиққан номарднинг қўлидан ёмонлик келиши мумкинлигини қаердан билибди? Сабоҳатга ўхшаган тўғри сўз, тўғри йўл одам бошқалар тўғрисида ёмон фикр қилиши мумкинми? Бу бирон мантиққа тўғри келадими? Шунинг учун, Сожида мактубида ёзганидек, тилка-пора қилинган бечора қўй нимтаси устида: «Нимага ўзингни бегуноҳ бўрига едирдинг?!»— деб қўйга эмас, йўқ, қўйни соддалигидан, ҳимоясизлигидан еб қўяверсанми?!— деб оғзи қон бўрига бориб айтиш керак эмасми? Ҳа, шундай қилиш керак! Менимча, Сабоҳатдаги одамларга бўлган одамларча ишонишдан ўз балойи нафси учун фойдаланган ўша бадкор айбдор.

Бошқа сўзловчилар бўлмагани учун мунозарага Саодат бувининг ўзи яқун ясади:

— Ҳеч қачон қўй, мени е, деб бўри олдига бормаиди. Бориш уёқда турсин, бўри шарпасини билди дегунча, потирлаб қочади. Шу жиҳатдан Шижоатнинг мулоҳазасида маълум даражада жон бор. Ҳа, жон бор, кизлар. Лекин бу масаланинг кўзга дарров илинмайдиган бошқа томони ҳам бор. Бу томонни сира-сира эсдан чиқариб бўлмайди. Тўғри, қўй ҳечам ўзини бўри оғзига тутиб бермайди. Бу — ҳақиқат. Шундай бўлса ҳам, барибир, бўрига ем бўлишида яна ўзининг қўйлиги сабаб. Хулоса шуки, у бечора қўй бўлгани учун бўри ташланадиган аҳволда эмас, ахир, содда бўлгани, ўзини сўзни ҳам сўзида турадиган берсин бўлади. Бўшанг кизлармадим. Йўқ-йўқ, туролмадим. Мен лари, бўшангликлари ортиқ севар, йўлида ҳасрат чекиб олғирларга қурбон бўлди-ю, бир кун йўлимдан чиқиб мавақт хушёр бўлиниб кетолмадим. Ўтириб гаплашдик, никса, кўзларида узок гаплашдик. Гоҳ хўрлигим келиб бедаволардан ўзинкинчи бахтли онлардан қувониб кулар ўтаётганимизда-ку борича эҳтиёт би энди менинг оху зоримни! Ахир ўша бўлмаса тақдир ортиқ севаман», деб онт ичган, оёқ-қалб шикасти қўйиб қасамёд этган номард мени бадном ётсизликка, гў, мен эсам уягли қилмишим ўтида ёниб, шаршунчалар фарғсор бўлиб қолдим... Айтинг, айтинглар, одам-

Саодат буви «Э, аттанг!» дегандай қилиб бошини силтади. Кейин олдида уйилиб ётган газеталарни титкилаб, ичидан биттасини олди.

— Шу газетада бир мақола бор. Йўқ демасаларингиз, шуни ҳам ўқиб бермоқчиман. Нима дейсизлар?

Турсунойнинг ширин, ёқимли овози янгради:

— Қанақа мақола экан, бувижон?

Саодат буви газетани баралла очиб мақоланинг сарлавҳасини ўқиди:

— «Жоним деганига учма».

Турсуной худди ўзига қараб айтилган гапдек қизариб кетди. Бирдан кулги кўтарилди. Яна қизлар чуғури бошланди. Ораларида уни ўқиганлар ҳам бор экан. Бу мақола ҳам Сожида мактубида кўтарилган масаланинг давомидай нарса эканини, ўқиб берилса, бошқалар ҳам эшитса ёмон бўлмаслигини айтишди. Саодат буви кўзойнагини тўғрилаб, аста ўқий бошлади:

— «Фарғона водийсининг жанубий шаҳарларидан бирида яшовчи Муҳаббат исмли қиздан хат олдиқ, — деб ёзибди мақола муаллифи.— Юраги тўкилиб туриб ёзилган бу хаяжонли мактубда Муҳаббатхон дебди: «... Мен бир йўлга тушиб қолдим. Адашдимми ё тўғри тушдимми — билмайман. Мен саккиз йиллик мактабни тугатиб, савдо техникумига ўқишга кирдим. Шу пайтларда нима бўлди-ю, бир йигит билан танишиб қолдим. Ҳозир магазинда сотувчи бўлиб ишлайман. У ҳар куни дўконга келади. Мана, уч йил бўлди — ўша йигит билан иноқмиз. Кўнгил бериб қўйган эканманми, бир зум кўрмасам туролмайман. Ўзимни ҳар қанча қўлга олишга, ундан узоқлашишга тиришсам ҳам бўлмайди. Нимага десангиз, ойдек хотини, тўқлидек боласи бериб қолдим. Вой ўлай, энди нима қилдиқ кетибди. Ажаб бўпти! — дегиб олайми? Ҳозир ўтнинг сўнгги ибораси ҳаммани кейин, тафтидан тушгач, рилган бу кийғос кулги Саодат буви билан бир нечта мади. Бу беозор кулги Сожиданинг тан номард эркакка маъюсликни бирмунча ўртадан кўтарди. Бир кун сени ҳам лаб юборай деб ўтирган қизларнинг р. Ростдан шундай тус олди. Бир чеккада кулгига қўшилми сунларга қолдим-а! бир оқ-сарик киз ўтирар эди. У кулги та-онамга йиғлаб-қўлини кўтарди. экан? Ҳар нима бўлиб, гуноҳимни ахир уни яхши

— Ҳа, гапинг борми, Шижоатой! — десди буви.

— Икки оғизгина.

— Гапиравер, қизим, бемалол.

Шижоатойнинг юзида нимадандир жаҳли и-да, қизларга

«Ана холос, энди буёғи қанақа бўлди? Қилар ишни қилиб қўйибди-ю, яна маслаҳат сўрайди. Мен нима дейман? Ота-онангнинг розилигини олмай, хотини бор, боласи бор, боши боғлиқ хирс бандасига тегавер, дейми? Йўқ! Ҳеч қачон мендан бунақа маслаҳат чиқмайди. Ўн саккиз йил ҳасратини чекиб, зўрға қатта қилган ота-онани қақшатиш, эл-юрт олдида ерга қаратиб қўйиш — фарзанд кўрнамаклигигина эмас, шафқатсизлиги, ота-она олдидаги фарзандлик бурчига беҳаёларча туфлаши бўлади-ку, ахир!»

Муҳаббатхон, қаранг, тақдир эканми ё аянчли бир тасодифми, бундан бир неча фурсат илгари Муҳаббат исмли бошқа бир қиздан ҳам худди шу мазмунда хат олиб эдим. Ўқиб қаранг-а:

«... Ўтган йили бир йигит билан танишдим. Биз у билан анча яқинлашиб қолдик. Орадан тўққиз ой ўтди. Шу тўққиз ой менга қанчалар бахт келтирганини ҳеч бир сўз билан ифодалаб беролмайман. Лекин, э-воҳ, бахтли кунларим ўша тўққиз ойдангина иборат экан! Дод, мен бахтиқаро бўлиб қолдим. Ёрим деб бино қўйган йигитимнинг ойдай хотини, қўзичоқдек иккита ўғилчаси бор экан.. Ё тавба! Мен жонимдан ортиқ севсам-у, ўзи ҳам севгисини оёқларим остига пойандоз қилса-ю, яна бу қанақа найранг?! Хуллас, у аҳди ёлғоннинг алдоқчилиги ошқор бўлгандан кейин ёна-ёна, куя-куя чўп бўлиб қолдим. Нима қилай: дўсту дугоналаримга, ота-онамга ёрилайми, дардимни яширмай айттайми? Аммо... аммо... аммо қайси бет билан? Бу номаъкулчилик, бебошлик юзимга суртган қорани энди қандай қилиб юваман? Йўли борми, йўлини айтинг, устоз! Эй, аттанг, яхши иш қилмабман! Ҳа, ҳа, яхши иш қилмабман! Яхши иш қилмаганимни мана энди, шарманда бўлганимдан кейин англадим... Англадим-у, у аҳди ёлғонни ҳеч қачон, ҳеч маҳал ёнимга йўлатмасликка сўз бердим. Ўзим ўзимга сўз бердим. Сўз? О, сўзни ҳам сўзида турадиган берсин экан! Мен бўлсам турмадим. Йўқ-йўқ, туролмадим. Мен у ёлғончини жонимдан ортиқ севар, йўлида ҳасрат чекиб юрар эдим. Нимаям бўлди-ю, бир кун йўлимдан чиқиб қолди. Тескари бурилиб кетолмадим. Ўтириб гаплашдик, юриб гаплашдик, узоқ гаплашдик. Гоҳ хўрлигим келиб йиғлар, гоҳ бу ўткинчи бахтли онлардан қувониб кулар эдим...»

Ким эшитади энди менинг оху зоримни! Ахир ўша «сени жонимдан ортиқ севаман», деб онт ичган, оёқларимга бош қўйиб қасамёд этган номард мени бадном қилиб кетди. Мен эсам уятли қилмишим ўтида ёниб, шармандаи шармисор бўлиб қолдим... Айтинг, айтинглар, одам-

лар, энди нима қилай, бу уятли бошимни қайларга урай?!»

Мактуб фарёиданми Саодат бувининг боши пастга тушиб кетди. Кўзойнаклари остида бир нима йилтира-гандек бўлди. Йиғладими, анчагача бир нима демай, бар-моклари билан лабларини тўсиб ўтирди. Қизлар ҳам худди оғир юк остидадек эзгин эдилар.

Турсуной оғир туриб келиб, бувижонига термосдан чой қуйиб тутди. Саодат буви чойдан устма-уст хўплади. Ана шундан кейингина юзига қон югуриб, газетани яна кўлига олди.

— Хўп, ўқишни давом эттирайлик,— деди у қизларга кўз югуртириб.

«Қизлар ҳаёси умумахлоқ ва одоб таркибидаги масала-ларнинг энг муҳимларидан бири, десак хато бўлмас. Чунки булунги қиз — эртага она. Она эса фарзандларига ҳаёт бағишлабгина қолмай, айна замонда уларни халқ хизматиға яроқли, жамиятга ибратли, ватан ҳимоясига салоҳиятли, бардам, бақувват, боодоб, боандиша одамлар қилиб тайёр-лайдиган табаррук зотдир. Шунинг учун қизлар тоифаси бекусур ахлоқи, беғубор ҳаёси билан ҳамма замон ва маконда шоён таҳсиндир. Бизда, бизнинг совет мамлакатимизда эса, айниқса кучли бу ҳис.

Аммо бир афсусга ўрин бор. Гул тикансиз бўлмайди. Баъзи қизлар шарафли чекларига тушган юксак бурчларини, яъни она бўлиш каби порлоқ истиқболларини ё англа-майдилар, ё кадрламайдилар. Шунинг учун ҳам қизлар ўзларининг шаънларига юқорида биз мактубини мисол қилиб келтирган қизга ўхшаш доғ тушириб қўйишади. Келинг, қизим Муҳаббатхон, шу тўғрида бир воқеий ҳикоямиз бор, шуни айтиб берай:

«Адолат билан Рисолат деган икки дугона бир кунда олий мактабга кирди. Адолат оғиртабиат, ўзига, сўзига назорати зўр қиз. Қадамини ўйлаб босади. Аммо одамови эмас. Чехраси очик, кулиб турган қувноқ, сарбаст қиз. Дугонаси Рисолат эса, унинг тескариси — хуркак, ичимдан топ. Рисолат ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида ўзини дурустроқ кўрсатишга улгурмаган ё журъат қилмаган эканми, олий мактабга кирар-кирмас бирдан ўзгарди — ўзини ҳам, сўзини ҳам йўқотиб, босар-тусарини билмай қолди. Бу аҳволида у аввалги хуркак Рисолатга ҳечам ўхшамас эди. Юриш-туриши дугонаси Адолатга ёқмай қолди. Рисо-латни ҳоли топиб койиб берди:

— Ўртоқжон, бу кетишинг жуда қалтис-да. Эсинг бори-да этагингни йиғиштириб ол, Рисолат! Ҳа, ақлинггни йиғ, ўқишингни ўйла,— деди у куйиниб.

Рисолатга бу огоҳ ёқмади. Жаҳли чиқиб, жеркиб таш-лади:

— Менга ақл ўргатадиган онам уйда. Сен менга оналик қилма! Ўзингни бил!

Рисолат дугонасининг ўгитига қулоқ осиб ўрнига тес-кари ўгирилиб кетворди. Шундай бўлса ҳам Адолат унинг тақдирига қўл силтамади. Яна бир кун Рисолатнинг йўлини тўсди. Энди жиддий таъкидлади:

— Саёқ юришингни бас қил, Рисолат! Бўлмаса оингга бориб айтаман. Ўртамиз бузилмасин, яна боягидек дўст бўлиб қолайлик десанг, бас қил бу юришингни! Ҳа, бас қил!— деди Адолат қатъий қилиб.

Рисолатга бу таъкид ҳам таъсир қилмади. У ўз фой-дасига айтилган тўғри гапни эмас, кулгили ҳангамани эшитган одамдай қаҳ-қаҳ уриб кулди. Буни Адолат яхши тушунди. Шундай бўлса ҳам, яна шаштидан тушмади, сўзида қаттиқ турди. Адолат қасдма-қасдликка эмас, зару-ратдан Рисолатларниқига боришга мажбур бўлди. Уйда онаси бор экан, Адолатнинг қуйиб-пишиб айтган гапларини эшитиб, қизининг ғами билан келган одамга раҳмат айтиш ўрнига бобиллаб берди:

— Юрса нима бўпти! Озод замон, хоҳлагани билан юради, хоҳлаганига тегади. Биз у билан юрма, бу билан юр, ундоғ қилма, бундоғ қил, десак замон кўтармас. У қоранг ўчгур эски замондан зўрға қутулдиг-у, яна қайтишимиз керакми! Сиз шунга ишора қиляпсизми? Йўқ, кечирасиз, замонамиз ёруғ, ўзимиз фориг. Менинг қизим ўзига маҳкам, мен қизимга ишонаман. Қўйинг бунақа иғво гапларни!— деди шўринг қурғур она...»

— Вой тавба, шунақаям беғам она бўлар эканми?— деб юборди Ҳилола нафратидан ўзини босолмай.

Саодат буви чуқур хўрсинди. Рисолатнинг онаси тўғри-сидаги гаплар уни қаттиқ ҳаяжонга солгани ошкор кўришиб турар эди.

— Э-э, баъзи бебахт қизлар пешанасидаги шўр кўпинча шундан, айланай болаларим! Онаки боласининг ҳаёт ўнқир-чўнқирликларида қоқилиб қолмаслигининг ғамини ейиш ўрнига, дарвозани катта очиб: «Катта кўча, хоҳлаган жой-ларингга бориб, хоҳлаган ишларингни қилларинг», деб тур-са, қиз бечора адашмай ким адашсин?! Ахир у ҳаётда яхшилик билан бирга ёмонлик ҳам борлигини, бу қоранг ўчгур ёмонлик чангалига тушганнинг ҳоли вой эканини қаердан билсин? Мени ўша хотиннинг ўз қизига, ўз жигар-гўшасига муносабати, бу совуқ муносабатда оналик меҳри, оналик ташвиши йўқлиги ҳайрон қолдирди. Ўйлаб қаранг-

лар-а: инсонни-ку, биз жониворлар оламининг энг ақлли хилкати деб биламиз. Йўқ, шундай деб таниймиз. Рисолатнинг онаси ҳам, шубҳасиз ақлли хилкат тоифасига, инсон тоифасига киради. Шундай бўлгандан кейин, у хотиннинг оғзидан чиққан гапга, хулқ-атворига қараб ғазабинг келмай иложинг қанча? У беандиша, онаман, деб бош кўтариб юраверибди-ю, лекин оналик бурчи нималарда иборатлиги устида ҳеч ўйлаб кўрмабди. Товук ҳам она. Одамчалик ақл-фаросати йўқ шу кичкина жонивор ҳам жўжаларини ташқарига олиб чиққанда, бор, билганларингни қил, деб ихтиёрни полапонларига бериб қўймайди-ку! Аксинча, болалари донлашаётганда кўзи теварагида бўлади — калхат човлаб кетмасин, деб. Полапонлари тўйганда эса қанотлари остига яшириб олади — мушук илиб кетмасин, деб. Рисолатнинг онаси-чи? У нима қилди? Боласини ёмон кўздан, ёмон йўлдан эҳтиёт қилдими? Йўқ, қилмади. Аксинча, одамлар ичида ёмон хулқлилари ҳам борлигини писанд қилмай, қизини ўз майлига ташлаб қўйди. Эсиз она! Сатқайи она!

Саодат буви ичида ғалаёнга келган нафратини босолмай, бир неча дақиқа ерга қараб ўтирди. Лаблари қимирлади-ю, уни чиқмас эди. Турсуной яна чой қўйиб тутди. Саодат буви пиёлани олиб, ёнига қўйди — ичмади. Кейин мунга чўккан аламли кўзларини қизларга тикиб, ғам тўла товушда деди:

— Хўп, энди у ёгини ўқийлик: «Адолат йиғлагандан баттар бўлиб чиқиб кетди. Кадрдон дугонасини қалтис йўлдан қайириб олиш қўлидан келадиган бирдан-бир ҳуққдор киши — онаси эди. Онаки шундай деб тургандан кейин Адолат нима қила оларди?.. У бир неча кун кўнгли алағда бўлиб, гангиб юрди. Қараса — бўлмайдиган. Рисолат ҳаддидан ошиб кетяпти. Сурункасига уч кун дарсга келмади. Касал-пасал бўлиб қолдими, деб суриштирса, йўқ, соппа-соғ, фақат Райимжон деган бир йигитнинг боғига чиқиб кетибди. Адолат еяр-ичарини ҳам унутиб, боққа чопди. Рисолат эса дугонаси қидириб чиққанига қувониш, кучоқ очиб кутиб олиш ўрнига бурнини жийириб дўнғиллади:

— Вой, зинда-ей, шу ерга ҳам пойлаб чиқдингми, а?!

Адолат бу совуқ муомала юрагига санчган ништар оғригини сездирмай, дугонасини бориб кучоқлади. Райимжон йўқ экан, иккаласи ўтириб, узоқ гаплашишди. Ниҳоят, Адолат мақсадга кўчди:

— Яхши қилмаяпсан, ўртоқжон, — деди у ичи ёниб турса ҳам ўзини оғир тутиб. Бунақанги дарсларга бориб-

бормай юрсанг, институтдан ҳайдашади-ку. Ҳеч ўйлайсанми шуни, Рисол?

Рисолат шарақлаб кулиб юборди. Бу завқланган кишининг беозор кулгисига ўхшамас эди. Унда ўлгудек содасан, ҳеч нимага ақлинг етмайди, дегувчи таънага ўхшаган бир кесатик бор эди.

— Нима, севиш айб бўптими! — деди у ниҳоят кулгисини хиёл босиб.

Адолат ўзини ҳар қанча оғир тутса ҳам, бўлмади. Рисолатнинг кулгисидаги ништар юрагига бориб тегди. У оғрикқа чидамай қичқирди:

— Йўк! Ҳеч ким сенга «севиш айб», деяётгани йўк! Севсанг элга эълон қил-да, ўғри мушукдек яшириниб юрма!

Рисолатнинг кўзлари косасидан чиқиб кетди.

— «Элга эълон қил?» Бу нима деганинг? Кўчага чиқиб жар сол, демокчимисан?

— Йўқ, ЗАГСдан ўтинглар, тўй қилинглар — ҳамма билсин!

Рисолат ўғирлик устида қўлга тушган жиноятчидай кўзларини олиб қочди. Кейин Адолатга қараб эмас, аллақакка, четга қараб пўнғиллади:

— Севги бўлгандан кейин ЗАГСга бало борми. Бу ўтакетган расмиятчилик. Менга ҳеч қанақа ЗАГС керак эмас, билдингми? Ҳа, ЗАГС керакмас!

Адолатнинг юзида аччиқ бир жилмайиш кўринди.

— Борди-ю, севги деганинг севги эмас, ҳавас — шунчаки ўткинчи бир ҳавас бўлиб чикса-чи? Унда нима қиласан?

Рисолат қўлини силтаб чинқирди:

— Йўқ, бизнинг севгимиз — чин севги. Биз, ҳатто, севгимизга доғ туширмаймиз, деб қасамд ҳам қилганмиз. Ҳа!

Адолат ўзининг овора бўлганига эмас, дугонасининг гап уқмаганига хафа бўлиб қайтиб кетди. Лекин орадан кўп ўтмади, «чин севгилари» нинг миси чиқиб қолди. Райимжон Рисолатнинг «чин севгиси»га ҳам, хомтама бўлиб юрган бу нодон қизнинг ўзига ҳам туфлаб, институтдан бир кунда ғойиб бўлди. Рисолат эса уч ойлик қонунсиз юки билан тенг-тўшлари орасида шармандаи шармисор бўлди».

Ҳаё кетди, бало етди, деганлари шу бўлса керак-да? — деди Саодат буви қизлар юзига тикилиб. Кейин газетанинг шу мақоласига ўзининг муносабатини улаб кетди: — Мен шу мақолани ўқидим-у, қани, ўша нодон қанақа киз экан, бир кўриб келай, деб уйига бордим. Сўраб-суриштириб топдим. Кўринишда нонпа-нозанин, кўзга яқин, ёқимтой, адашмасам бир оилани олам-жаҳон шодлик, бахт билан сарафроз қиладиган гулрухсор киз. Ҳайфим келди.



Шундай офатигон киз ўзини бадном қилиб қўйишдан ҳайикмаганига, қилар ишни қилиб қўйиб, яна: «Райимжон мени ҳурмат қилмади», деганига ҳайфим келди. Ярақ эгиб кўзига тикилдим. Ажабо, ҳурмат талаб қилишга ҳаққи борми шунақа қизнинг?! Қизлик шаънига ўзи иснод келтириб қўйиб, яна барбод этилган номусни ҳурмат қилинглари, деб ўтирса, ўринли бўлармикан? Менимча, йўқ. Ҳа, йўқ, айланай қизларим! Қиз бола ўзининг малоҳати, бокира латофати, гард кўнмаган тоза шарм-ҳаёси, мусаффо кулгиси билангина эмас; йўқ-йўқ, булар ҳам жуда-жуда зарур, лекин энг муҳими — иффати билан қиз! Шунинг учун, менимча, қиз бола бошқалардан ҳурмат талаб қилишдан олдин, ўзини беҳурмат қилиб қўймаслиги, қизлик шаънига доғ туширмаслиги керак. Жон қизларим, қиз ҳаёси хўжа-кўрсинга сақланадиган алдов, ёлғон ибод эмас, йўқ-йўқ, ҳечам бундоғ эмас! Бу нарса қиз табиатидан, маънавий ҳаётидан, гулрухсоридан сизиб чиқиб, ҳар қадамда, ҳар бир муомала ва муколамада равшан кўриниб турадиган поклик рамзидир. Баъзи одамлар табиатнинг қизларга ато қилган бу ва бунга ўхшаш ноёб неъматларини бирёқлама тушунадилар. Қаранг, қиз ҳаёси одамларга яхши кўриниши учун керакмиш! Ё тавба, шунчалик ҳам паст ўйлаш бўладими, а?! Йўқ, бу хил ўйлаш, бу хил қараш хатогина эмас, қизлар шаънига ҳақорат ҳам! Қиз ҳаёсининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди, у — бебаҳо зийнат. Аммо керак бўлганда тақиб юриладиган, керак бўлмаганда эса, қутичада сақланадиган тақинчоқ хилидаги зийнат эмас, аксинча, қиз хуснини кўзга яна ҳам яқинроқ, чиройлироқ, яна ҳам жозибали қилиб кўрсатадиган сеҳрли кўзгу. Буни сандикларда сақлаб, ахири куяга едириб қўйиладиган антиқа либосларга ё занглашиб қўйиладиган қимматбаҳо тақинчоқларга қиёс қилиб бўлмайди. Чунки бу пулга сотиб олинадиган нарса эмас, бу — табиат неъматидир! Бу — ҳамиша одам чеҳрасида ярқираб, унинг юзини ёруғ қилиб турадиган бебаҳо зиёдир. Қизлар жамолидаги ана шундай ҳаё зиёсини кўрган киши сеҳрли суратни кўраётган одамдай маҳлиё бўлиб қолади. Аммо қизлар қиёси одамларни сеҳрлаш ё маҳлиё қилиш учун эмас, йўқ, бунинг учун эмас, қизларнинг ўз қизлик шаъни шарафларига гард туширмасдан сақлашлари, ёмон иш қилиб қўйиб, ерга қараб қолмасликлари учун жуда-жуда керак.

Саодат буви китоб жавони устида чиқиллаб турган соатга қараб олди. Ҳали вақт бор экан шекилли, индамай сўзини давом эттирди:

— Адолатнинг мактубидан билдиларингизки, Рисолат-

нинг мактаб партасидан кечагина туриб, бугун дарров қоқилиб қолишига тақдир айбдор деб ўйлаш ё буни бир тасодиф деб хотиржамликка берилиш — мана шунақа хунук ишларга йўлни кенг очиб бериш билан барабар. Йўқ, айланай қизларим, бунда тақдирнинг ҳам, тасодифнинг ҳам айби йўқ. Айб — ўзимизда, ўзимизнинг тепса-тебранмаслигимизда, боқибегамлигимизда, бепарволигимизда, ҳалоллик, поклик фазилатларининг кадр-қимматига етавермаганимизда! Тўғри, замонамиз озод замон, хотин-қизларимиз паранжи зулматидан, ичкари хўрлигидан узил-кесил озод бўлган янги замон, янги дунё нашъу намосини татиб, ўзлари ҳам ана шундай нашъу намолар яратиб келаётган бахтли замон. Бу эркин замонда қизлар кўнгил берган кишилари билан бемалол юра биладилар. Бунга ҳеч ким ғов бўла олмайди. Аммо юришда ҳам юриш бор-да, жон қизларим! Қизлик шаънининг — қизлик номусининг гамини емай, Рисолатнинг йўлидан кетиш — яъни кўнгил берган кишини дурустроқ синамай туриб, унинг севги ўтидан ёнмаган муздек бағрига отилиш — ҳеч қандай замонга, айниқса, бизнинг коммунистик ахлоқ барқарор бўлган замонамизга ҳечам тўғри келмайди. Кўрмасдан босилган тиканнинг захри қанчалар оғир-у, синамай берилган кўнгил жароҳати енгил бўлармиши?! Йўқ, жон қизларим, бунинг захри ҳам, қаҳри ҳам одам бардошига муте эмас. Ёшгина бошига шунча шўр-ғавғо орттириш, минг-минглаб студент ўртоқлари, ҳурматли ўқитувчилари, дугоналари, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, маҳалла одамлари орасида бадном бўлиб, ерга қараб қолиш — кичкина бебахтлик эмас-а, жон қизларим!

Саодат буви бўғзига тикилиб келган ҳаяжонини босиш учун бир дақиқа сукут қилди. Боя Турсуной қуйиб берган чой совиб турган эди, шуни олиб ичди. Ёнида ётган оппоқ рўмолча билан оғзини авайлаб артди. Кейин, яна қизларга юзланиб, гапида давом этди:

— Энди буёғига эътибор қилинглари, қизлар. Хайр, бўлар иш бўлибди, дейлик. Лекин бу кўп хунук, кўп бемаъни воқеанинг айбдори ким? Қиз қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, унга олтин қаср ваъда қилган номус ўғриси — виждонсиз Райимми? Ё пулга сотиб олиш мумкин бўлган ҳар қандай безакдан ҳам қимматлироқ қизлик номусини бир номарднинг оёғи остига келтириб ташлаган уятсиз Рисолатми? Ёки юксак оналик бурчини, одамийлик бурчини, шарм-ҳаё бурчини, қизининг софлигини сақлаш бурчини, бу — бурчлар бурчи эканини унутган, умуман, инсонлик бурчини англамаган бефаҳм онами? Ё гап ийсон тақдири устида

Ақл эмиш — инсон онгин куёши,  
Шу учун мунаввар оқиллар бошни.

кетаётганда: «Э-э, оғримаган бошимни нима қиламан оғритиб?»— деб, ўзларини четга олган баъзи тепса-тебран-масларми? Бундай воқеалар бизда ҳайрат, йўқ-йўқ, нафрат уйғотмасдан иложи йўқ. Ахир ўзларингиз ўйлаб кўринглар, оппоқ қизларим, минг-минглаб, миллионлаб ёшларимиз — диллари пок йигит-қизларимиз партия ва комсомол топшириғи билан, юрак амри билан жонбозлик мўъжизаларини кўрсатиб турган шундай ёруғ кунларимизда худди кўр каламушлардай қўланса инларда ёруғ кўрмай, одамлардан яшириниб «маишат қилиш»— йигит учун ҳам, қиз учун ҳам ўз ихтиёри билан ўзини тубанлик чоҳига ташлаш билан баравар-ку!

Шу ерга келганда, Саодат бувининг юзида изтироб олови ловиллаб кетди. Кўзлари бир нарсадан қамашган одамдай, киприкларини пирпиратиб бир неча зум ерга қараб турди. Қизлар ҳам жим эди. Фақат соат чиқ-чиқигина эшитилиб турар эди. Саодат буви бирдан соатга қаради. Калласини бир тебратиб, қизларга деди:

— Рисолатнинг шўри ҳаммага ибрат бўладиган шўр. Шунинг учун ҳам биз бу борада анча мукамал гаплашдик. Ўйлайманки, бунга фақат ачинибгина қолмаймиз. Айни замонда, ўзимизга керакли хулоса ҳам чиқариб оламиз. Бировдан, адабни кимдан ўрганинг, деб сўраганларида, у: «Адабсиздан»,— деб жавоб берган экан. Албатта, адабсизнинг қилиғини қилмаслик — яхши фазилат. Рисолатнинг йўлидан кетмаслик ҳам қизлик иффатини сақлаш шартларидан биридир. Хўп, қизлар, савол-жавобимизга эртанги суҳбатимизни бағишласаг-у, бугунги мусохабаимизни шу мақол билан тугатсак:

Хаёли қиз борини ейди,  
Хаёсиз қиз орини ейди.

Қизлар кий-чувлашиб хонага кириб келишганда, Саодат буви одатдаги ўрнида йўқ эди. Ҳар кун икки ёнига уйиб қўйиладиган китоб, журнал, газеталар ҳам кўринмасди. Демак, бугун суҳбат бўлмайди.

Қизлар бир-бирига мўлтираб қарашди. Ҳаммасининг кўзида таассуф аломати бор. Ҳазилкаш, дилбар Отика буни сезмай қолмади. У қизларга стул қўйиб бераётган Турсуннойнинг енгидан тортиб ҳазиллашди:

— Турсунхўжа, бу қанақа тартибсизлик? Бизки, шогирди омиллар, яъни-масалан, толибул ақллар, кичик бошларимизни катта қилиб келсаг-у, ҳалиги... ақлхоналаримизни тўлдирамай деб, профессор опоқи ўринларида бўлмасалар-а! Йў-ў-ўқ, бунинг сабабини айтмасангиз ҳам, боисини тушунтиринг, хўжам!

Бир маънодаги икки сўз ўйини қизлар даврасида шўх кулги кўтарди. Улар шундай чиройли, шундай ёқимли бир адо билан қулишардики, тароватли юзлари кулги нуридан порлаб, хонада жонон чинни жаранглаб кетгандай бўлди. Улар Отикахонга эмас, Турсуннойга қараб қулишарди. Чехраларида «Қани, Турсунхўжа, сиз нима дейсиз?» деган савол бордек эди. Турсунной ҳам жавобда савол услубидан қолишмади:

— Ҳурматли шогирди омил ва толибул ақл Отикаи баландпарвозий, андак пастга тушсалар, бу ерда сабр бодаси маъталким, андин бир култум тановул этардилар-да, профессор опоқиларининг ташриф соатлари узоқ эмаслигига қаноат ҳосил қилардилар.

Турсунной қадим замон қасрларига хос бир тавозе билан қулиб таъзим қилди.

— Хўп, тушсак тушибмиз-да, Асакамиз кетибдими!— деди Отика, юқоридан сакраб тушаётгандай қилик қилиб.

Ўртада яна кулги кўтарилди. Бу сафар қизлар узоқ қулишди, чуғурлашди, ахири Турсунной қўлини кўтариб уларни тинчитди.

— Қизлар, бувижонимни нариги маҳаллага бир зарур

маслаҳат учун чакириб кетишган. Ҳадемай келиб қоладилар. Тезда келаман, кизлар кетмай туришсин, деб тайинладилар. Зерикиб қоламиз десанглар, юринглар, нариги катта хонага чикайлик, ашула айтамиз, ўйнаймиз, мен пианино чалиб бераман. Отика бир йигитчасига ўйнаб беради. Бўптими, кизлар?

— Бўмапти!— деди Отика, Турсунойнинг сўзини чўрт кесиб.— Иннайкейин, шуни ҳам яхши билиб қўйингки, Турсунхўжа эшон, Отика тўра ҳамма ерда ҳам ўйнайвермайди. Ўйнаса сизнинг тўйингизда бир йигитчасига ўйнаб берсинки, кизлар оҳ-воҳлашиб, йигитлар доғда қолсин. Ҳа, ҳозир ўйиннинг вақти эмас. Ўйин бўлса қочмайди. Ундан қўра кечаги суҳбатга қўшилмаган жойларимиз бўлса, шулар тўғрисида гаплашайлик. Бу ерга шу ниятда келяпмизми, ишимиз ҳам шу тўғрида бўлаверсин. Нима дейсизлар, қайрилма қошлар?

Ҳамма шу фикрда эканини айтди. Яна Отиканинг ҳазил-мутойиба овози янгради:

— Бўпти, кизлар, кимнинг қанақа гапи бўлса, майли, мендан берухсат айтаверсин. Фақат навбат билан. Қани, марҳамат.

Тортинчок Ҳилола уялиб, кизариб дугоналарига, айниқса, шаддод Отикага қаради.

— Мени каттиқ ўйлатиб қўйган бир нарса бор. Уят қилмасаларингиз, шуни сизлардан сўраб олмоқчи эдим,— деди у қимтиниб.

— Вой сузук кўзларингга Отика опанг тасаддуг-эй! Сўра жонгинам, сўрайвер, сира тортинма.

Отика шундай деб Ҳилолани елкасидан қучди.

— Рисолат-ку, бўларича бўпти, пушаймонидан ёниб ўтса ўтар, лекин... ҳалиги...

— Тушундик, тушундик, гапиравер.

— Ҳалиги, боланинг тақдири нима бўлади? Бир кун келиб у шўрлик: «Ҳамма боланинг адаси бор экан, меники қани?»— деб қолса-я!

— Дейди-да, ахир бир кун дейди!

Ҳозиргина ҳазил-мутойиба нуридан порлаб турган хонага ғам чўкди. Қизлар устларидан совук сув қуйилгандек музлаб қолишди. Ҳазилкаш Отика ҳам, қўнглига кулги сиғмаётгандек, тумшайиб олди. Орага совук жимлик чўкди. Ҳамма ҳали туғилмаган, туғилганда ҳам ота меҳрини кўришдан маҳрум мурғакни ўйлар эди. Болалар мактабларида ё маҳалла-қўйларда: «Менинг адам учувчи, мени Москва-ларга учуриб олиб борадилар», «Меники инженер, терим машинасининг янги хилини ўйлаб топадилар», «Менинг

менм ўша машинани заводда ясаб берадилар!», «О, меники, бинокор, осмонўпар уйлар курадилар», деб мақтаниш-ди. Болалик бахти оёқ ости қилинган бу бечора нима деб айтганда? «Отамни кўрганим йўқ, мен туғилмасимдан бизни ташлаб кетиб қолган эканлар», деб ўкинадими? Ё дунёда ота деган кимса борлигини эшитган бўлса ҳам, ўзи қанақа, меҳру муҳаббати қанақа, қучоғи, бағри иссиқми — билмагани учун бир чеккада бўйини қисиб ўтирармикин?

— Ҳах, нима қилардинг шу гапни кўзгаб?! Одамнинг юрагини эзвординг-ку!— деди Турсуной йиғлагандан баттар бўлиб.

Энди кизлар Ҳилолага ёпиша кетишди.

— Нуқул одамни шунақа хафа қиладиган гапларни кўзгаб юрасан!

Қизлардан бири шундай деб Ҳилолага ташланган эди, иккинчиси ундан ҳам ошиб тушди.

— Қайси куни ҳам машина босиб кетган боланинг онаси додлаб йиғлаганини айтиб-ку, юракларимизни тўкувдинг!

— Қўйинглар бунақа гапларни! Ана, бир қоп ёнғоғимиз Отика пошшанинг ҳам дамлари ичларига тушиб кетди. Айтинглар, гапирсин, пича кулайлик, бўлмаса ҳали-замон ҳаммамиз селда қоламиз,— деди Нигора кўзларига ишора қилиб.

Бошқа маҳал бўлса бу гап, албатта, Отикани сайратиб юборар эди. Лекин бу сафар ундай бўлмади. Отика бошини ердан кўтармай:

— Ёркиш гапирсин,— деди.

— Бўпти, сен гапира қол, Ёркиш! Бола тақдири тўғрисида...

Баҳор субҳидамида очилиб, нозик япроқчаларида шабнам дурлари килкиллаб турган атиргул сингари нафис, хушталъат Ёркиной ўрнидан турди. Қўғирчокдек хушбичимлиги, бийрон тили, ўткир ақли учун уни ҳамма севиб, Ёркиш деяр эди. Ана шу ўрта бўйли, чиройли қиз сўз бошлади:

— Албатта, аслида бундай бўлмагани маъқул эди. Бўлибди, энди аза очишдан фойда йўқ. Тўғри, боласи дунёга келмай туриб ўлиб кетадиган оталар ҳам бўлади. Нодон Рисолат ҳам ўша номардни ўлганга чиқариши мумкин. Лекин бу тил билан дил бақамтилигидан келинган қарор бўла олармикин?

— Йўқ!— деб кичқирди дангалчи Муқаддас.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Тилингда ўлиб кетган десанг-у, дилинг сени ёлғончиликда айблаб, қаршингга бош кўтариб чиқса! Дод солса, фарёд кўтарса, ёнса, қуйса, эзил-

са, чакалоғинг кулганда бу кулги тагидан тирик етимлик зори эшитилиб турса, ох, кизлар, айтинглар, бир умр эмас, бир зум ҳам тинч яшаб бўладими?!

— Бўлади,— деди Мохина пешонасига тушиб қолган майин сочларини узун, нозик бармоқлари билан йиғиштириб.

Ёркиной ажабсиниб кизларга қаради. Ок-сарик, кўзлари катта, дилбар Нигора ўрнидан чандаст турди.

— Менимча ҳам кўзёши қилмай яшаса бўлади. Нима, бир номардни деб ҳаётдан воз кечиш керакми? Йўқ, қайтага, шундай яшаш керакки, кўрганда ўшанака қоранг ўчгурларга алам қилсин, куйиб-ёниб ўлсин!

Нигора чиройли бошини шундай шох ташлатдики, хонадаги хафагазаклик аримаганига карамай, кизлар шарақлаб кулиб юборишди. Бу гал Отика ҳам кулгидан четда қолмади. Нигора гапини гапириб бўлиб ҳам, худди бировни эрмак қилаётгандек, лабларини бурар, аллақандай қилиқлар қиларди. Энди Ёркиной ҳам кулиб юборди. Унинг кулгиси ҳам ўзига ўхшаш ширингина эди. Қониб, ёйилиб кулди.

Ҳалигача гапга аралашмай бир четда мунозарани кузатиб ўтирган Дилдора, гапирмаса бўлмайдигандек, қовоғини солиб ўрнидан турди.

— Шошма, Нигора, сен дўпписини ол деса, калласини олаётган одамнинг ишини қиялпсан. Мен далилларингга ишонмайман. Унақа эмас!— деди у қовоғини очмай.

— Бўлмаса, қанақа? Сенингча, қанақа?

— Менимча, осонгина ўтиб кетадиган алам эмас бу! Биров чидар, биров чидамас. Ахир севгининг рад этилишидан ҳам баттар хўрлик борми севгувчи киши учун? Менимча, йўқ.

— Ҳа, шундай бўлганда ҳам...

Дилдора бўғилиб кетди.

— Вой-вой, ахир қандай қилиб? Мундоғ тушунтириб гапир, Нигора?

Нигора лабларини буриб, калласини қийшайтирди.

— Қандайлигини ўзим ҳам билмайман. Лекин юрагим сезиб турибди — яшаш керак.

Бу гап кизларга дудмал туюлдим, яна кулиб юборишди. Ниҳоят, ўртага Отика чикди.

— Вой, сендака агитатордан ўргилдим! Ўзинг билмаган нарсани нима қиласан бизга ишқаб? Чайқовчиликдан ҳам борми, дейман-а?

Нигора кизариб кетди.

— Жинимдан баттар кўрганим шу чайқовчи ўлгурлар-у, яна мени...

— Бўпти, чайқовчимассан!— Отика узр сўрагандек бош эгди. Кейин бадантарбияда чиниққан адл қоматини ростлаб, кизларга мурожаат қилди:— Ўртоқлар, асосий мақсад у ёқда қолиб, биз бу ёқда ўтлаб кетдик-ку! Келинлар, бекорчи гапларни йиғиштириб қўйиб, муддаодан гаплашайлик. Хўш, бола тақдири нима бўлади? Буни ким ишонарли қилиб тушунтириб ё асослаб беради?

Отика кизларга кўз югуртирди. Кизлар жим, гапирай дегувчи йўқ. Алламаҳалдан кейин Хилола ўтирган еридан турмай:

— Сизларни билмайман-у, лекин мен бу ҳақда бир нима деёлмайман. Билмаган нарсам тўғрисида гапиришни ёмон кўраман, нимага десанглар билмаган нарсаси тўғрисида гапириш — қип-қизил аҳмоқлик. Ҳар ҳолда мен шундай деб тушунаман. Шунинг учун бу жумбокни ҳали опоқимлар келганларида ўзларидан сўраб олсак. Адашмасдик-да, кизлар,— деган эди, кулганда юзлари юлдуздай чакнаб кетадиган ёқимтой Муқаддас эътироз билдирди. У шаҳодат бармоғи билан ўзининг калласига бир ниқтаб қўйиб, деди:

— Хилола бегим, агар мана бунинг ичидан ўзимизга керакли нарсани тополмасак, нима қилиб кўтариб юрибмиз-а? Қўрқманг, топамиз. Кўплашиб топамиз. Мен топмасам, Шижоат топади, Шижоат топмаса, Турсуной топади. Хуллас, кўплашиб, тиришиб-тирмашиб юриб топамиз-да. Шунга жавоб тополмасак, бизни ким айтади ўн йиллик мактабни битириб, институтга шох ташлаётган оқила кизлар деб?!

Кизлар шуқуҳ қилиб қулишди. Аммо Муқаддаснинг ўзи кулмади. У бояғидек дадил туриб, Турсунойга мурожаат қилди:

— Сен гапир, айланақолай! Ахир бувижонингнинг ўнг кўлисан-ку. Жиндак бўлса ҳам ақлларидан юққандир?

Турсуной жилвага ўхшаган бир адо билан беозоргина кулимсираб, кизларга юзланди.

— Э-э, жудаям кизиксизлар-да! Шошманглар, бола-фақир ҳали туғилсин, кейин бир гап бўлар ахир,— деди у қўл имоси билан ҳаммани жим бўлишга чақириб.

Лекин кизлар бу масалани тугал ҳал қилмай, чала ташлаб кетиш учун кўтаришмаган экан, ҳеч ким жим бўлишни хоҳламади. Шижоат сапчиб ўрнидан турди.

— Шу одатинг ёқмайди менга, Турсуной! Бир масалани ўртага ташласак, доим шунақа — пайсалга соласан. Эртага дейсан, индинга дейсан, дудмал қилиб, кейин... Э, шу ҳам гап бўлди-ю! Бола бечоранинг тақдири нима бўлади — билсанг, гапир. Бизни ҳам, ўзингни ҳам тинчит.

— Билмасам-чи?

— Билмасанг жим ўтир, билганлар гапиришсин.

— Мана мен биламан,— деди Моҳина, аста ўрнидан қўзғалиб. Ҳамма унинг оғзига тикилди.— Бизнинг бу шош-машошарлигимиз кулгилигина эмас, айб, менимча. Ҳа, нима бўпти? Отаси ташлаб кетган бебахт бола дунёда шу биттагинами ё илгарилар ҳам бўлганми? Бўлган, қизлар, афсуски, бўлган! Дунё, нима, яхши одамлардан камчилми? Битта-иккита ёмонга қараб, ҳаммани ёмонга чиқаришимиз тўғрими? Йўқ, тўғри эмас! Ёмонни бармоқ билан санайдилар. Яхшиларни-чи? Санашга сон етармикан? Йўқ, етмайди! Шунча яхшилар ичида ўша болани ўзига ўғил ё қиз қилиб оладиган биронта яхшилар яхшиси топилмасмикин? Мен аминманки, топилади. Топилади, азиз дугоналар!

Моҳинанинг гапидаги жон Муқаддасни ўйлантириб қўйди. У чаккасидаги сочларини тўғрилаб, иккиланган киши овозида эътироз этди:

— Топилишга-ку топилар-а, лекин ўз отасидек бўлармикин? Гап шунда, Моҳина! Ҳа, ўз отасидек бўлмаслиги мумкин, ҳар нима бўлганда ҳам ўгай — ўгай-да...

Бу гумон Ёркинойга ёкмади.

— Муқаддаспошша, ҳалитдан ваҳимага тушманг, айланай,— деди у босиғи билан.— Аввал бола дунёга келсин, Рисолат ҳам кўзи очилиб, яъни яхши билан ёмонни фарқ қиладиган даражада ақл топсин, кейин маълум бўлади. Агар у киши чинакам инсон бўлса, яъни улугъ Горький таърифидаги бош ҳарф билан ёзиладиган ҳақиқий Инсон бўлса, албатта, болани ўгайлаб қўймайди. Сиз буёғига амин бўлаверинг, Муқаддасхон!

Қизлар бир-бирлари билан шивирлаша бошлашди. Ёркинойнинг далилларига ҳам қўшилмовчилар бор эди. Нигора калласини силкитиб эътироз билдирди:

— Гап унинг ўгайлаб қўйиш-қўймаслигида эмас-да, Ёркиной. Ҳамма фалокат шундаки, мана шу кўнгилсиз воқеа сабабли ўртага ёлғон аралашади. Мен шунисига қаршиман.

— Э-э, очикроқ гапир, қанақа ёлғон?— деди Отика хит бўлиб.

— Ана ўша киши болага отанг менман, дейдими? Дейди. Онаси ҳам отанг шу, дейдими? Дейди. Хўш, бу ёлғонми? Ёлғон. Болаларга ёлғон гапириш тарбия талабига тўғри келадими? Келмайди. Хўш, энди буёғи қанақа бўлди? Ёлғон аралашгани шуми?

Отика қўлини силтаб, Нигорани ўтқазди.

— Қанақа бўларди, яхши бўлади. Бола отам шу, деб

кўнглини бут қилиб юраверади. Иннайкейн... ҳа, эсимга тушди. Катта ойимлар яхшиликка хизмат қиладиган ёлғон ҳам бўлади дунёда. Бунақа ёлғон гуноҳ эмас, савоб, дердилар. Ўзим эшитганман шу гапларини. Ҳа.

Турсуной иштибоҳини айтди.

— Тўғри, шундай ҳам бўлар, лекин бир кун эмас-бир кун бола отаси бошқалигини билиб қолса-чи? Ўзини алдандиган ҳисоблаб кўнгли вайрон бўлмасмикин? Ё бўлмаса, нима учун бошдаёқ тўғриси айти қолмадинглар, деб ўгай отаси билан онасидан хафа бўлмасмикин? Қани, айтинглар қизлар?

Булар осонгина жавоб бериладиган саволлар эмас эди. Иннайкейн, қизлар бунақа саволларга жавоб берадиган ҳаёт тажрибасига ҳам эга эмас эдилар. Шунинг учун саволга бевосита жавоб ўрнига яна янги шубҳа туғилди. Бўйдор Дилдоранинг салобатли овози янгради:

— Бу-ку, менимча, ота билан она ўртасидаги сир. Учинчи киши билмайди, дейишимиз мумкин. Шу сабабдан бола ҳаммавақт отам шу, онам шу, деб юради. Шундай бўлганда кейин отаси бу эмаслигини қаердан билади у.

— Эҳ, Дилдоражон, қайрилма қошларингдан опагинанг ўргилгур!— дея Отика калласини лиқиллатди.— Боя-ку, дунё яхшилардан холи эмас, дедик-а? Дедик. Хўш, яхшилар бор жойда фақат яхшилар бўлади, ёмонлар бўлмайди, деб биров айтганми сенга? Айтган тақдирда ҳам, бу гапнинг ростлигига ишонасанми? Қойил, каллангни лиқиллатишингдан билдик, ҳеч ким айтмаган. Демак, яхшилар оёғига ўралашиб юрган ёмонлар ҳам учраб қолади, десак бўлар экан-да?

— Ҳа, Отиканг тасаддук, шунақа. Орамизда ўралашиб юрган ёмонлардан ҳамма шўримиз! Ҳа, ёмонлардан, жон дугоналар! Бировнинг бахтини кўролмай, уни қон йиғлатишдан ҳузур қиладиган ичикоралардан, фитналардан, зикналардан шўримиз!

— Оббо, намуноча шўриламасанг! Пашшани пуфлаб фил қиламан дейсан-а!— Муқаддас овозини йигитчасига дўриллатиб гапирган эди, қизлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди. Фақат Ёркинойгина кулмади. У пуштирангга мойил нафис лабларини яланқираб, сузгун кўзларини Муқаддасга қадади:

— Йўқ, Муқаддас, буларни, яъни қоралари ўчгур ёмонларни пашшага қиёс қиляпсиз-у, лекин унчалик эмас. Тўғри, пашша ҳам беозор махлуқ эмас. Зарари қиёсдан ташқари. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: бир соатчадан бери битта масалани муҳокама қиламиз-у, тагига етолмай, гап талашамиз. Ким бизни бунга мажбур қилди? Бир ёмонми? Ҳа,

баракалла, ўша номард Райим. Фараз этайлик, ана шундай ёмонлардан бири ўз болалик дунёсининг чароғон кунларидан кувониб, ғам нима, ғусса нима — билмай, ўқишдан, ўйнаб-кулишдан ўзгасини билмаган бир бахтиёр мурғак қулоғига келиб: «Ҳой, нодон, кўзингни оч! Отанг бу эмас, бошқа!» — дейиши мумкинми илон сингари вишиллаб? Мумкин. Кўп афсуски, мумкин. Шунақа баттаринлар борми орамизда? Кўп афсуски, бор. Хўш, булар кимлар? Қанақа одамлар? Менимча, ё тирноқ кўрмай, тирноқ хузури нақадар буюклигини билмай қурук кесак бўлиб қолган бедаволар, ё бўлмаса бошқалар кўз ёшидан лаззат топадиган ғаламислар.

Отика, «э, кўп чўзвординг-ку», дегандай қилиб қўл силтади.

— Ҳозир тугатаман, Отика, пича сабр қил. Менимча, бунақа одамлар дунёда чиройли нарсалардан, табиат гўзалликларидан, одамлардаги яхши фазилатлардан, айниқса, бола кулгисидан баҳра олишдек олижаноб ҳис-туйғулардан махрум, ковоғи солиқ, турки совуқ бедаволар бўлишса керак. Ким билсин, улар ҳам эл қатори одамлар бўлганларида ўз дунёсида яйраб-яшнаб юрган бир бегуноҳ бола кўзига ёш чиқариш, кичкинагина юрагини қон қилиб эзиш — кўп ёмон гуноҳ эканини тушунишар, бундай гумроҳликдан ўзларини тийишармиди!

Қизлар беҳосдан кириб қолишган халта кўчадан чиқолмай чуғурлаша бошлашди. Ҳеч ким ҳеч нарсага тушунмас, уясига чўп суқилган асаларилар сингари ғув-ғувларини кўйишмас эди. Шунинг устига Саодат буви ўзида йўқ хурсанд ҳолда кириб келди. Ҳамма бир зумда жим бўлиб, худди синфдаги сингари ўрnidан турди. Саодат буви улар билан пешоналаридан ўпиб, сочларини силаб кўришди. Кейин кўз ва қўл имоси билан қизларни ўтиришга таклиф қилди.

— Узр, қизлар, зарур иш чиқиб қолиб, сизларни анча куттириб қўйдим, — деди Саодат буви, ўзи ҳам, қизлар ҳам ўтиришгандан кейин. — Лекин мен бундан хурсандман.

— Бизни куттирганингизгами, опоқи? — деди Отика одатдаги ҳазилларидан қилиб юборишдан ўзини зўрға тийиб.

Саодат буви яна очилиб кулди.

— Йўқ, айланай, сизларни куттириб қўйганимдан эмас, шу кутиш сабаби ўрталарингизда чиққан жуда чиройли, жуда маъноли мунозарадан. Ҳамма гапларингизни эшитдим...

— Вой!

Қизлар бирдан юзларини яшириб ерга қараб олишди.

— Йўқ, уялманглар, қизларим. Яхши гапни айтиш — яхши, шараф ҳам. Мен сизлар тўпланганингиздан кейинроқ келган бўлсам керак. Кўчадан кириб дераза ёнидан ўтиб кетаётсам, ичкаридан бир чиройли мунозара қилаётганларингиз қулоғимга чалинди. Дераза очик экан-да. Шу ёшларингизда анча бақувват фикрларни ўртага ташлаётганларингизга ҳавасим келиб, ҳатто, фахрланиб, турган еримда туриб қолибман. Баракалла, оппоқ қизларим! Мен сизларни бунақа масалаларда ҳали хом, ғўр деб юрсам, қаранглар, ноппа-нозанин фикр юрита оладиган доно қизлар бўлиб қолган экансизлар. Вой, тавба! Минг раҳмат сизларни мана шундай етук қилиб тарбиялаган тасаддуғинг кетай замонамизга! Қаранглар, хусни чиройигагина эмас, ақл-фаросатига ҳам ҳавасланса арзийдиган доно қизлар меҳмоним экан-у, шунча кундан бери билмабман-а! Энди сизлардан бир илтимос, қизларим. Гапимизни опоқимлар ўғринча эшитиб олибдилар, деб ўйламанглар. Йўқ, айланайлар, ҳечам ундоғ эмас. Мен ёмон ниятда, сирларингизни билиб олиш ниятда жўрттага пойлаб эшитганим йўқ. Ҳа, ҳечам ундоғ қилганим йўқ. Мени қораламанглар, қизларим.

Қизлар уялиб, жилмайиб ўтиришар, Саодат буви эса тасанно ўқийётган одам сингари калласини силкита-силкита ошкор бир ҳавас билан қизларга суқланиб қарар эди. Кейин яхши нарсанинг таъми ҳамон оғзидан кетмаган кишига ўхшаш тамшаниб, деди:

— Мунозараларингизни мукамал эшитдим, десам, бўлади. Шунинг учун кўтарган масалаларингизни ҳал бўлмай қолди деёлмайман. Бола тақдири ҳақидаги ташвишларингизга келсак, бу, албатта, бежиз эмас. Баъзи калтабин, шошмашошар қизлар айби билан ёшлик бахти қаро қилинган бу кичкина фаришталар тақдири ҳаммавақт одамзотни ташвишга солиб келган. Шу боисдан сизларнинг ташвишларингиз жуда ҳам ўринли. Моҳинанинг шу тўғридаги гапи менга жудаям ёқди. Тўғри, қизлар, чиндан ҳам дунё яхшилардан холи эмас. Туғилғувси бола пешонасига ҳам ота битилгандир. Уни ўз бағрига олиб иситадиган одам топилиб қолар, албатта, топилади. Шунинг учун бу ҳақда фолбинлик қилиб ўтирмасанг-у, чала қолган гапларимиз бўлса, шуларни ҳал қилиб олсак. Нима дейсизлар, қизлар?

Қизлар бош ишораси билан хўп дейишди.

— Қани, кимнинг эсида: қайси гапимиз чала қолган?

Ҳилола аста ўрnidан турди.

— Ўтган суҳбатимиз муҳаббатга бағишланган эди, — деди Ҳилола хиёл қизариб. — Мен ўшанда бир нарсани сўровдим...

— Нимани сўровдинг?

— «Агар чин муҳаббат бўлса, нима учун у бир ё бир неча йилдан кейин ё ўртадан бутунлай кўтарилиб кетади, ё бўлмаса нафратга айланади?»— деб сўровдим.

— Ҳа-ҳа, эсимда, бу тўғрида кейинроқ гаплашамиз, девдим-а? Назаримда, жавоб бериш мавруди келди шекилли. Тўғри, бир-бирларини севишиб топшиган баъзи эру хотинлар ўртасидаги муҳаббат бир ё бир неча йилдан кейин дастлабки ҳароратини йўқотиб, гоҳо бегона одамлар орасидаги лоқайдликка, ҳатто нафратга айланиб кетиши ҳоллари ҳам учраб туради.

— Вой, опокижон-эй, учраганда қандай!— деди қизлардан бири бирдан тутакиб.— Аммамнинг катта қизлари бир йигитга кўнгул бериб қўйган экан, уйдагилари йўқ, у йигит сенга тўғри келмайди, сенинг тенгинг эмас — енгил-елпи юради, деб кўнишмади. У ўзини уриб чунон йиғладики, шунда ҳам ота-онаси рози бўлмади. Ахир бир куни ҳалиги йигит билан тил бириктириб кочиб кетди. Орадан бир йил ўтдимиз ё... ҳа, бир ярим йилча ўтибди. Бир кун ёшини оқизиб келса бўладими! Аввалига ота-онаси уни уйга киргизишмади, бизни эл олдида ерга қаратдинг, деб. Қарашса, қизлари кўчада қоладиган. Шундан кейин, фарзанд экан, раҳмлари келиб бағирларига олишди. Нимага бунақа бўлди, деб сўрашса, билмайман, кўзимга бирдан хунук кўриниб қолди-ю, кўнгилсиз бўлиб қолдим, қилиқлари совук, шилқим, ёлғончи, ичкиликка муқкасидан кетган бир бедаво экан, дейди. Нимага шунақалигини аввал кўрмади экан-а, опоки?

Саодат буви дарров жавоб бера қолмади. Узоқ ўйга боғлиб ўтирди. Кейин рўмолчаси билан лабларини артиб, хаёлчан деди:

— Назаримда, бунинг битта эмас, бир нечта сабаби бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам, турмушда бунақа ҳодисалар бўлиб туради. Бунинг сабабларидан бирини илгариги суҳбатимизда айтган эдик. Менимча, қиз йигитни ҳақиқий севги билан севмаган, фақат нимасигадир ишқибоз бўлган. Бир нарсага ишқибозлик одатда маълум фурсатда ўтиб кетади. Ҳар ҳолда, эртами-кеч ўтиб кетади. Иккинчи сабаби — қиз ўзининг қалби нимага мойил эканини, интигани нима эканини, одамдаги қандай хислат ва фазилат, қандай чирой ва фаросат маҳлиё қилишини билмаган. Ўз қалбининг интилишини, нимани хоҳлашини билмаган одам ҳаммавақт ҳаётда қоқиниб қолади. Учунчи сабаби эса, фикримча, у қиз муҳаббатнинг нималигини, талаб ва эҳтиёжини умуман тасаввур қилмаса керак. Маълумки, муҳаббат ҳам

барча яхши хислар қатори мубталоси яшаган муҳитда, одам онгида тарбияланади. Модэмки, муҳаббат тоза, пок, олижаноб, одамий туйғулар мажмуаси экан, демак, бу ҳам тарбияланиши, вояга етказилиши, тоза интилиш билан суғориб турилиши керак. Эсингизда бўлсин: бу олижаноб хис тарбия этиладиган, камол топтириладиган бирдан-бир макон — оила бағри, ота-она даргоҳидир. Кўчадан ё бошқа ердан излаш файдасизгина эмас, зарарли ҳамдир. Агар оилада, хусусан, ота-она ўртасида поклик, виждон, вафо, садоқат, шафқат ўрнига мансабпарастлик, шуҳратпарастлик, шафқатсизлик, оқибатсизлик, бошқалар тақдири ва бахтига парвосизлик руҳи, айниқса, ота-она ўртасида келишмовчилик, вафосизлик, хурмат-эътиборсизлик, хиёнат ҳукм сурса, бундай муҳитда тарбияладиган ёшларда ҳам ана шу нуқсонлар маълум даражада сақланиб қолади. Бундай одамлар инсоний бурчларини ана шундай тубан хислар билан чегаралаб қўйиб, севгиларини ҳам манфаат, тама асосига қурадилар. Ҳолбуки, тоза севги билан тубан қаллоблик бир маконда, бир қалбда яшаёлмайди — булар бир-бирига зид, бир-бирини емирувчи ашаддий душмандир. Шунинг учун севгига иши тушган одам хоҳ баланд мартабада бўлсин, хоҳ пастда, севгини манфаатпарастлик деб аталган жирканч, кабиҳ интилишлардан узоқда, мусаффо ҳавода сақласа севгиси поклигини, тароватини йўқотмайди, балохўрлик, очкўзлик, юлғичлик қуролига айланмайди.

Саодат буви бу гапи қизларда қандай таассурот қолдирганини билгиси келди шекилли, даврага кўз югуртирган эди, Шижоат қўл кўтариб қолди:

— Мен бир нарсага тушунолмаяман, опоки,— деди у ўрнидан кўзгагиб.— Муҳаббат-ку соф, тоза хислар мажмуаси деб айтаман. Шундай бўлгандан кейин унда яхши ниятдан, яхши интилишдан бўлак яна қанақа манфаат бўлиши мумкин? Менимча, энг яхши, энг олижаноб манфаат — тоза севгига тоза севги билан жавоб бериш бўлса керак. Шу боисдан...

— Шу боисдан, шунинг ўзи севишганлар учун жуда катта бахт бўларди, Шижоатой. Лекин севгига ҳаммавақт, ҳамма ерда биз ўйлаганча қарайверишмайди-да! Масалан, ота-она бағрида манфаатпарастликдан ўзгасини кўрмаган молпараст, дунёпараст қизлар учун тегадиган йигитларининг тагида машинаси, ота-онаси солиб берган дангиллама уй-жойи бўлса бас! Шуларга учиб кетаверишади. Лекин бирга умр қилиши керак бўлган йигитининг маънавий дунёси қанақа, жамиятда туган ё эртага тутиши мумкин бўлган мавқеи қанақа — бу энг муҳим томони билан ишлари бўл-

майди! Улар учун «узокдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши». Улар тумшукларидан нарисини кўрмайдиган мана шунақа калтабин одамлар. Хайр, бу шунчалик бир калтабинлик оқибати бўлса-ку, бир нав эди-я, лекин бунақа эмас-да. Булар ота-оналариникида юққан очкўзлик, тайёрга айёрлик балосининг қора соялари! Шуниси ёмон, қизлар! Ёш келин-куёв ўртасига тушадиган совуқчилик сабабларидан бири — ота-она мухитида ҳақиқий, инсоний севги руҳи эмас, манфаатпарастлик, тамагирлик, шуҳратпарастлик руҳи ҳукмрон бўлганидадир. Бундай қўланса муҳит куёв-келинни эртамикеч ажратиб юбориши турган гап. Бунақалигидан беҳабар ёшлар: «Севгида вафо йўқ. Аслида чин севгининг ўзи йўқ!» деб умидсизликка берилдилар. Бу — масаланинг бир томони. Яна бир муҳим томони — одамда ёшлик чоғларидан бошлаб орттирилиши, яъни танасига сингдириб борилиши зарур бўлган кўп чиройли бир фазилат борки, унинг оти — гўзаллик ҳисси, гўзаллик ишқидир. Инсон қалби ёшлигидан ана шу маънавий гўзалликни ўзига қанча кўп жо қилса, кейинча топишадиган икки қалб севгиси ҳам жуда кўп йиллар давомида тароватини, ҳароратини, тозалик ва поклигини йўқотмайди. Қалбингда жамғарган гўзалликни, яъни маънавий бойликни севдим деган кишинг билан баҳам кўрганингдагина тоза севги, сўнмайдиган севги, боқий севги умринг ҳамроҳи бўлади. Маънавий бойлик орттирмаган, севганига бирон нарса беролмаган одамлар тезда бир-бирларига малол келиб, ажраб кетишади. Ўнг қулоқ-сўл қулоқларингизда бўлсин, оппоқ қизларим, кимки бошқалар тақдирига ўз тақдиридек, бошқалар шодлиги ва қайғусига ўз шодлиги ва қайғусидек қарар экан, у чинакам инсондир. Чинакам инсонларда эса севгига хиёнат эмас, садоқат, вафодорлик кучли бўлади. Бунинг яна бир яхши томони шундаки, оила аъзолари, айниқса, бўйи етиб бораётган болалари ота-оналаридан садоқатни, вафони, инсоний ҳис-туйғуни ўрганади. Бу эса шу оила учунгина эмас, жамият учун ҳам катта бахт.

Саодат буви кўкқисдан бир нарса эсига тушган киши сингари ялт этиб девор соатига қаради.

— Вой-вуй, алламаҳал бўлиб қопти-ку. Кечирасизлар, қизлар, бугун сизларни узокроқ тутиб қолдим. Агар ҳозирок жавоб талаб саволларингиз бўлмаса, бугунги суҳбатимизни шу сатрлар билан тугатсак:

Билки, қилдинг ақл билан иш,  
Даф ўлди йўлдин барча ташвиш.

Келин бахти — келиннинг ўз қўлида,  
Чаман бор қилмоқ ҳам юрган йўлида.  
Меҳр қўйган уйига бахти ёрдир,  
Меҳрда ром этувчи жоду бордир.

— Мана мен ҳозир сизларга ўқиб эшиттирган юкоридаги сатрлардан ҳам кўриниб турибдики, қиз бола тушиб борган хонадониди бахт топиши, эътибор орттириши, ҳаммани ўзига ром қилиши — энг аввал ўзига, ўзини тутишига, юриш-туришига, феъл-атвориға, хатти-ҳаракатига боғлиқ экан. Эркаклар ибораси билан айтганда, дўшпани ерга қўйиб бир ўйлаб кўрайлик-а, шу гапда ҳақиқат бормикан, бўлса қанчалик экан? Ҳа, айтмоқчи, қизлар, мана шу саволимдан ҳам сезган бўлсаларингиз керак, мен сизларни сомеликдан, яъни индамай ўтириб эшитиш заҳматидан озод этиб, мунозарага тортмоқчиман. Шунақа, энди ҳар биримиз билганимизни гапираверамиз.

Қизлар бирдан чувиллашиб юборишди.

— Вой-вой, биздан қанақа ақл чиқарди, опоқи,— деди Дилдора Саодат бувининг сўзини бўлиб.

Саодат буви хижолати бор кишидай ғалати қилиб кулим-сиради.

— Йўқ, айланай, неппа-нозанин ақлли қизларсизлар. Мен буни кеча, ўзинглар қилган мунозарадан билдим. Ҳақиқатан ҳам, кечаги мунозараларингиз мени жуда хижолат қилди, қаттиқ уялиб қолдим. Мен сизларни ҳали кўп нарсага тушунмайдиган ғўр қизлар деб юрган эканман. Энди билсам, туппа-тузук ақлларингиз кириб қолибди. Ақл жиҳатидан ҳам, дунё можароларига қарашингиз жиҳатидан ҳам анча етилиб қолганингиздан беҳабар ҳамма гапни ўзим айтиверишман-у, сизларни мунозарага тортмабман. Энди муҳокама қиладиган масалаларимизни биргаликда ҳал этамиз, бирга фикрлашамиз, бирга бир қарорга келамиз. Бўптими, қизлар?

Қизлар тушунчаси учун катта синов эди бу. Шунинг учун улар жон-жон деб рози бўлишди.

— Баракалла, қизларим. Мунозаранинг фойдаси катта — одам ўсади,— деди-да, Саодат буви олдидаги ёзувга бир кўз ташлаб олиб, ўзи сўзлаб кетди:— Шу маҳалгача, қизлар, ҳис билан ҳирс, севги билан ҳавас ўртасидаги чал-



ғишлар устида, дунёда чин муҳаббат борлиги ва унинг жонли далиллари устида анча мукамал гаплашдик. Булар асосан ёр танлашга қаратилган гаплар эди. Энди келин масаласига ўтамиз.

— Ха, шунга ўтайлик, опокижон, — деди кимдир. Лекин ким айтганини Саодат буви пайқамай қолди. У «Хаҳ, шайтон қиз!» дегандай қилиб қизларга бир қаради-да, сўзини келган жойидан улаб кетди: — Фараз қилайлик, биз хаёл қилган қиз кўнглидаги йигитини топди, ёрим деб этагини ушлаган йигитининг севгиси ўткинчи бир ҳавас эмас, чин муҳаббат эканига инонди, дунёқараши ҳам инсоний эканидан кўнгли тўқ бўлди. Шундан кейин умрбод бирга бўлишга, вафо ёстиғига доғ туширмай, поклик, ҳалоллик фариштаси бўлиб қолишга қасамёд қилди. Оқибат келинлик либосида куёвдек чакнаб, севгининг ўзидек порлаб ёр хонадонига карнай-сурнай садолари, «Тўйлар муборак!» куйи наволари остида виқор билан кириб келди. Ха, жон қизларим, келинчак келди-ю, бутун олам шоду хуррамлиги тўйхонага жо бўлди. Кимлар ўйинга тушади, кимлар ашула айтади, кимлар келин билан куёвга бахт-саодат, чиройли ҳаёт, биридан-бири ширин ўғил-қизлар тилайди. Келинчак эса тўрда ибод фариштаси бўлиб ерга қараб ўтирибди. Қани, қизлар, шу пайтда у нималарни ўйлайди? Йўқ-йўқ, кечирасизлар, нималарни ўйлаши керак?

Қизлар бунақа савол тушишини кутишмаган эканми, бир нима деёлмай қолишди. Шу пайт бирдан Ҳилола кўл кўтарди.

— Опоки, битта гапим бор эди, айтсам — мана булар қулишади-да, шунисидан кўрқаман, — деди.

Қизлар пиқирлаб қулиб юборишди.

— Ана кўрдингизми, опоки, ҳали гапимни айтмасимдан қулишяпти булар.

Саодат буви хиёл ковоғини уйди.

— Кулманглар, қизлар. Ким кулса, ўзини гапиртирамиз. Айтавер гапингни, айланай.

Ҳилола бир айтар, бир айтмас бўлиб сўз бошлади:

— Мен турмуш қилишга кўрқаман.

Қизлар шарақлаб қулиб юборишди. Саодат буви ҳам бу беозор соддалик нашъасидан жилмаймай қолмади. У ўзини зўрға босиб сўради:

— Нимадан кўрқасан, айланай?

Ҳилола бир оз тамшаниб, кўзига ёш олгандай ҳолатда турди-да, бўшанг киши товуши билан дудукланиб деди:

— Мен, ҳалиги... ўзинглар биласизлар... бўшгина қизман... Ҳалиги, ялмоғиз кампирга ўхшаган биронта қайнана-

га тушиб қолсам... мени ковуриб ўтирмай, хомлигимча еб кўяди, деб кўрқаман-да.

Бўлди кулги, бўлди кийқирик, қани энди буни осонликча босиб бўлса! Саодат буви ҳам кулгини босишга ожизлик қилди шекилли, ўзи ҳам уларга кўшилиб қулар, кулги зўридан кўзидан чиққан ёшни артиб-артиб кўяр эди. Ҳилола ўрнидан даст туриб кетди.

— Э, бўлди-е! Ҳадеб кулаверманглар, мен гапимни айтиб олай ахир! — деди у кичқириб. — Менинг гапим шу: нима учун биз бечора қизлар йигитникига бўйнимизни қисиб борар эканмиз-у, у қоранг ўчмагурлар бизларникига шумшайиб кириб келишмас экан?! Йўқ, бу адолатдан эмас. Улар ҳам ичкуёвлик азобини тортишсин-да!

Яна қизлар кулгиси, ҳеч нимани тушуниб бўлмайдиган чуғур-чуғури бошланди. Саодат буви кулгини босиб, жавоб қилди:

— Фикримча, бунинг сабаби битта эмас, бир нечта бўлса керак. Аввало, эр — ҳар нима бўлганда ҳам эркак киши. Эркак киши эса куч-қувват, ҳатто, қудрат тимсоли. Бунинг устига яна зурриёд давомчиси ҳам. Қолаверса, хотинни ҳар жиҳатдан таъминлаш, бошпана ғамини ейиш, қорнини тўйдириш каби катта-кичик заҳматларнинг ҳаммаси, асосан, эр зиммасида. Азалдан шундай эди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолса ажаб эмас.

— Нимага? Ҳозир эридан кўпроқ топадиган, ҳатто, рўзғор тебратадиган хотинлар ҳам бор-ку, — деди Лола нозизи бир оҳангда.

Саодат буви бош ҳаракати билан унинг гапини тасдиқлади.

— Тўғри, шунақалари ҳам бор. Бор бўлганда ҳам бармоқ билан саналадиган даражада кам эмас, анчагина. Эркаклар зиммасидаги рўзғор ташвишини шу тариқа енгиллаштирган аёллардангина эмас, замонамиздан ҳам фахрланишимиз керак. Нимага десангиз, эски замонда бунақа рўзғор тебратадиган олимлар, шоиралар, давлат ва жамоат арбоблари қаёқда эди, дейсиз! Тўғри, ўтмишимизда улғу фикрат соҳибалари, мумтоз шоиралари билан чакнаган пайтлар ҳам бўлган, лекин улар аёллик бахтининг алёрини эмас, хорлигини, зорлигини, мазлумалигини йиғлаб-йиғлаб шеърға солган ночор, ҳуқуқсиз давр юлдузлари эди. Бироқ ҳозирги олималаримиз, шоираларимиз, катта ақл ва иш соҳибалари ҳам қизларига куёв тушириб келаётганлари йўқ, бояғидек, қизларини куёвга узатишяпти. Демак, бу эски замон саркити ё аёлларга нисбатан қўлланилган адолатсизлик оқибати эмас, аксинча, кўп синовлардан ўтган халқ

одати. Одат ҳам, қизлар, мантиққа суянади. Демак, қизларнинг ҳам куёвниқига келишларида мантиқ бор. Хўш, қанақа мантиқ бўлиши мумкин, ким айтади?

Отика сапчиб турди.

— Қиз тушган жойда янги оила вужудга келади.

Саодат буви худди ўзининг тили учуда турган гапни Отика топиб айтганидан қувониб кетди.

— Ҳа, баракалла! Қиз тушиб борган жойда янги оила вужудга келади. Бу эса жамиятда яна битта ҳужайра пайдо бўлди, деган сўз. Ана кўрдингларми, қизлар, севги икки кишининг шахсий иши бўлса ҳам, улар оилавий иттифоқ тузганларидан кейин ижтимоий аҳамият касб этяпти. Шуни эсдан чиқармангларки, бу оилавий иттифоқ фарзанд пайдо бўлгандан кейин давлат аҳамияти даражасига кўтарилади. Шу боисдан ҳам давлат оила ҳуқуқини ҳимоя қилади, яъни унинг мустақкамлигини сақлаш учун бузилиш йўлларини йўқотиш ғамини ейди. Хўп, энди бояги гапимизни давом эттирайлик. Яхши, демак, қизлардан лозими — куёвниқига боришни зиммага олиш-у, борган ерида вужудга келган янги ижтимоий ҳужайранинг илдиз отишига астойдил ҳисса қўшиш экан. Шундоғми, Лолахон?

Лола бошини астагина эгиб, «ха», деди. Ҳилола пайт пойлаб турган экан, дарҳол ўрнидан турди.

— Бояги менинг гапим жавобсиз қолиб кетди-ку, опоқи,— деди у бу сафар қимтинмай.

— Гапинг эсимдан чиққани йўқ, қизим. Саволинг жавобсиз қолмайди. Фақат яна пича сабр қиласан-да. Шунақа бўлиб қолди. Олдин боя мен ўртага ташлаган саволимга жавоб қилайлик. Эсинглардами бояги саволим? «Келин тўрда ибo фариштасидек ерга қараб ўтирибди. Қани, қизлар, шу пайт у нималарни ўйлайди? Йўқ-йўқ, нималарни ўйлаши керак?»— деб савол ташлаб эдим. Ҳозир шунга жавоб қилайлик. Қани, ким гапирди?

Қизларнинг бири: «Мен қаердан билай?» деса, иккинчиси: «Ичига кириб чиқмаган бўлсак», деди. Хуллас, қизлардан кутилган жавоб олинмади. Шундан кейин Саодат буви бошини бир сараклаб қўйиб, ўзи гапирди:

— Мен истардимки, қизлар, келинчак ибo фариштаси тимсолида ерга қараб ўтирган ўша бахтли дамда, кўнглидан лоақал шу қасамёд ўтса: «Тақдирки пешонамга шу йигитни битибди, минг-минг розиман. То ўлгунимча вафоли ёри, садоқатли дўсти, пок, ҳалол ёстиқдоши, виждонли рафиқаси бўлиб қоламан! Бу менинг келинчаклик субҳидамимда, келинчаклик тахту бахтимда ичган қасамёдим бўлсин!»

Қизлар бирдан чапак чалиб юборишди. Ҳатто: «Яшанг,

опоқи!» деган садолар ҳам кўтарилди. Саодат буви қизларга мамнун қараб, сўради:

— Қарсақларингиздан маълум бўлди — шундай ўйлаши, шундай қасамёд қилиши тўғри. Шундоғми, қизлар? Ёрқиной нозик қоматини ростлаб ўрнидан турди.

— Ҳурматли опоқи, қани энди ҳар бир келинчак тўй тантанаси, тўй ўйин-кулгиси қалбларни қамраб олган ўша қайтмас дамда сиз айтган шу қасамёдини кўнглига тугиб қўйса!.. Бунинг неъматини умр бўйи татир эди.

— Ҳа, баракалла, ақлли қизим. Шунақа тантанали дамда қилинган қасамёд ё этилган аҳд ҳаммавақт кўз ўнгинда бўлади. Ҳаёт йўлида учраши мумкин бўлган ўйдим-чуқурлардан текис, равон йўлга чиқиб олишингда қасамёдинг ёрдами шу қадар катта бўладики, келинчаклик тахтида сўп-пайиб ўтирмасдан, келажак аҳдини қилганинг учун ўзингдан беҳад миннатдор бўласан.

Қизларга ҳам шу хулоса маъқул бўлди шекилли, ҳеч ким эътироз қилмади. Ана шундан кейин Саодат буви гапини яна ўзи давом эттирди:

— Тўй тантанаси ўтиб, тонг ёришиши биланок келинчак хонадонидаги одамлар билан танишади, уларнинг феъл-атворларини ўрганишга киришади. Биласизлар, бир оилада ўн киши бўлса, ўнови ҳам бир хил феъл-атвор, бир хил тушунча киши бўлавермайди. Бири — инжик, қилдан қийиқ ахтаради, бири — ивирсик, тепса-тебранмайди, яна бири — ичикора, бошқалар бахтини кўролмайди, бири — инсофли, ҳақ-адолат йўлида жонини беради, бири — қари, иззатталаб, яна бири — ёш-у, ўлгудай маҳмадона, бошқага гап бермайди. Нима дейсизлар, шунақа оилалар ҳам бўлиши мумкинми?

— Мумкин. Лекин ҳамма оила эмас.

— Ҳа, баракалла, ҳамма оила эмас, лекин шунақалари бўлиши мумкин. Хўп, шунақа оилаларга тушиб қоладиган келинчақлар ҳам бўлиши мумкинми?

Яна қизлар гуриллаб, «мумкин», дейишди.

— Баракалла, мумкин. Шундай ҳолда нима қилиш керак? Қочиш керакми? Нимадан қочиш керак? Шунақа олақуроқ оилаларданми ё унга сингиб кетишдек оғир заҳматданми? Қочиш керак бўлса, менимча, ҳар хил феъл-атвордаги одамлар орасида кун кўриш қийинлигидан қочилса керакдир-да? Ҳа, бошқача қилиб айтганда, ҳаётда учраши мумкин бўлган қийинчиликдан қочиш! Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Қийинчилик ҳамма ерда ҳам учраши мумкин. Қийналиб кетдим деб қочаверсак, бу одатга айланиб, бутун умримиз қочиш билан ўтмасмикан? Ҳаётда қочадиганлар

хам бўладими? Бўлади. Ундайлар ўзини кийнагиси, сабр қилгиси келмай, сабил жонининг ҳузурини кўзлайдиган бедаволар, ҳаёт кийинчиликларига бардош беролмайдиган кўрқоклар! Йўқ, бунақа қилиш, катта-кичикнинг юзига оёқ кўйиш, яна шошқалоқликка йўл қўйишдан бошқа нарса эмас. Кимки куёв хонадонига томир ёйиш, ували-жували бўлиш ниятини юрагига тугиб келибди, тамом — бу муқаддас ниятидан кайтмасин! Йўлида ўт бўлса ўтиб, сув бўлса кечиб, шу кийинчиликларни енгиш ҳаракатига тушсин. Уни енгиш эса оиладаги одамларнинг каттасидан кичигигача, ҳамма-ҳаммасини — уларнинг феъл-атворини, характери-ни билиб, шунга қараб иш тутишдан, шунга қараб муомала қилишдан бошланади. «Ўзимникини ўтказаман, ўзим билганимни қиламан»дан иш бошлаган келинчак қоқилиб қолади.

— Вой-вўй, яна битта институт денг, опоқи!— деди Лола бетини тимдалаб.— Вой шўрим!..

Хилола жаҳл билан ўрнидан туриб кетди:

— Нимага институт бўлар экан? Дўзах-ку! Қандай қилиб яшаб бўлади унақа хонадонда?! Йўқ, бу хўрлик, бунга чидаб бўлмайди!

Саодат буви ғалати қилиб кулимсиради.

— Йўқ, яшаш керак. Яшаш йўлини кидир, ҳаммани ўзингга йидир, яхчисини ҳам, ёмонини ҳам ўзингга ром қил — илдининг узокқа кетади. Бундай қилиш кийин, лекин иложи бор. Иложи ҳар бир қизнинг ўз қўлида, характерида, ғайратида, севган кишиси йўлида учраши мумкин бўлган кийинчиликларни енгиб ўтишга ҳар доим тайёрлигида.

— Сиз ҳам шундай қилганмисиз, опоқи?— деди Отика, бирдан хандон уриб қулиб.

Саодат буви чиройли қилиб жилмайди.

— Бу айтганларим бизнинг замонамиз келини бошига тушган хўрлик олдида ҳолва, болам. Ҳа, сен сўрама, мен айтмай. Қанақа азобларга, қанақа хўрликларга чидаганмиз. Минг марта шукр, у кунларни сизлар кўрмагансизлар, кўрмайсизлар ҳам. Жудаям кўнгилларингиз чўкмасин, қизлар, бошимизда шунақа шўр ҳам бор экан, деб. Куёв хонадонига одамлар юқорида биз ҳаёл қилган тарзда бўлмасликларини мумкин. Бунақалари йўқдир, бўлса ҳам эвидадир. Кейин шунда ҳам, эҳтимоли шартдан, тайёр туриш ё уни назарда тутиш фойдадан ҳоли бўлмас, деб ўйлайман.

— Одам сакраб ўтолмайдиган жардан сакрайсанлар, демокчисиз-да, а, опоқи?— деди қизлардан бири кесатиб.

Бу ўзига отилган кесак эканини Саодат буви яхши ту-

шунди, шундай бўлса ҳам мулойимлик билан кулимсираб жавоб қилди:

— Агар шундай деб тушунган бўлсанг, начора, хато тушунибсан, деймиз-да. Лекин бир нарса эсингдан чиқмасин, айланай, ўша сен ғамини еяётган одам жардан сакрай олади, унда шундай қудрат бор. Фақат сакраш йўлини топиши, бунинг учун довурак бўлиши керак. Машина-машина сеп кўтариб боргунча, кичкинагина юракчангизни тўлдириб эл кўтариб боринг, қизларим. Ана унда, остонаси тиллодан эл сизники! Ҳа, яна бир нарса эсимдан чиқаёзибди, қизлар. Келин тушиб борадиган хонадон одамлари юқорида биз тахмин қилган даражада ваҳималими ё эл қатори одамларми, бундан қатъи назар, ҳаммасининг кўзи келинда бўлади. Келиннинг юриш-туришида, ўзини тутишида, ишлатган сўзида, юз-кўз ҳаракатида, катталарга ҳурматию кичикларга шафқатида, уйнинг супуриб-сидирилишида, кўрпа-тўшакларининг йиғиштирилишида, идиш-оёқларнинг ювилиб, саранжом қилиб қўйилишида ва ҳоказоларида бўлади. Бу нарсалар келин учун ҳалиги сизларни ваҳимага солган жардан сакраш мушкулотидан ҳам мушкул имтиҳон. Буларнинг мушкуллиги шундаки, келинчак ҳаммавақт уйдагиларнинг кўзи — назорати остида эканини билмаслиги ё ҳаммавақт ҳам сезавермаслиги мумкин. Келин тақдирида бу дастлабки имтиҳон баҳоси беш бўлса — аъло, паст бўлса-чи? Унда келин қозониши шарт бўлган ҳусни таважжуҳ олови ўчиб боради ва оқибатда унинг ўрнини саратон жазирамаси ҳам эритолмайдиган совуқлик олади. Мана шу бир-бирини синаш даври ҳар икки томон учун ажрим фасли ҳисобланади. Бунда келиннинг боп-нобоплиги қанча аниқланса, келин тушган хонадон одамларининг янги аъзога муносабатлари ҳам шунча равшанлашади.

— Опоқи,— деди Отика бирдан ўрнидан туриб,— фараз қилайлик, келин билан куёв томон чиқишмади, нима қилиш керак? Ажраб кетишлари керакми ё бошқа йўли борми?

— Ўзим айтмоқчи бўлиб турган гапимни бўлиб қўйдинг-да, кизим. Қулоқ сол: агар келин шу оилада умр қилишни истаса, куёв томон ҳам шу келинни ўз бағирларида сақлаб қолиш тилагида бўлишса, яъни куёв шуни хоҳласа, ҳар икки томон ҳам бир-бирига муносабатини дарҳол яхшилаши, аҳиллик, иноқлик, тотувлик йўлини кидириши керак. Бундай йўл бор. Хоҳиш бўлса, албатта, топилади.

Саодат буви қоғозларини титқилаб, биттасини кўлига олди.

— Мен боя, суҳбатимиз бошида, битта тўртлик ўқиб берган эдим. Хабарларингиз бор, бошдан-охир келинга та-

аллукли. Келинлар, шуни яна бир бор ўкиб берай-да, кейин фикр юритайлик.

Келин бахти келиннинг ўз кўлида,  
Чаман бор қилмоқ ҳам юрган йўлида.  
Меҳр қўйган уйига — бахти ёрдир,  
Меҳрда ром этувчи жоду бордир.

Қани, қизлар, кимда қанақа фикр бор?

Турсуной дуркун гавдасини чаккон кўтариб ўрнидан турди-да, табассумидан чарақлаган хумор кўзлари билан аввал дугоналарини бир сузиб чиқди, кейин бувижонига мамнун қаради.

— Менинг тушунишимча-да, бувижон, бу тўртликда хикмат катта. Бунда таъкидланган нарсаларга амал қилдинг — бахт топдинг, йўкса — кўз ёшинг дарё, кунинг каро. Ахир бу ерда гап келин шахси устида эмас, инсон тақдири устида кетмаяптимики? Ўйлаб қарайлиг-а, қизлар, бугун ийманиб, бегоналардек қимтиниб кириб келган янги меҳмон эртага шу хонадон бекаси, қатор-қатор болалар онаси, заҳматкаш ёстикдоши ёнида туриб оила бахтини қурувчи вафодор хотин, меҳрибон она-ку! Аёл бахтини топиб кетса, бу ўша оила кишилари билан бирга бутун жамиятнинг ҳам ютуғи-ку. Демак, келин бахтига келиннинг ўз шахсий иши деб қарамасдан, бундан жамият ҳам манфаатдор эканини кўз ўнгимиздан қочирмаслигимиз керак экан. Агар келинчак ҳам масалага шу тарзда, яъни ўз бахти жамият бахти билан чамбарчас боғлиқ эканини англаса бошига мушкул иш тушган пайтларда қийинчиликлардан қочмай, уларни енгиб ўтиб, оила заминини мустаҳкамлашга интилар, буни ўзининг хотинлик, оналик бурчи деб билар эди. Шу маънода:

Келин бахти келиннинг ўз кўлида,  
Чаман бор қилмоқ ҳам юрган йўлида,—

дейилгани жуда тўғри, жуда ўринли.

Турсуной гапини тугатар-тугатмас, Нигора ўрнидан турди.

— Менинг ҳам икки оғиз сўзим бор эди,— деди у гап навбатини бошқалар илиб кетишидан қўрқаётгандек шошиб.

— Марҳамат, гапиравер.

Нигора оқ-сарик узунчоқ юзига жуда ярашган чиройли бурни устидаги тер дурларини нафис рўмолчаси билан аста айтиб, сўз бошлади:

— Турсуной жуда тўғри гапирди. Қани энди ҳамма ке-

линкалар ҳам тақдирига Турсунойга ўхшаб қараса! Баъзи бин оилаларда турмушга шунақа қараш йўқ ё бўлса ҳам старли эмасдирки, тезда ажралиб кетишади. Менимча, бўқдан келин бўлиб тушиб бориб, уёқдан униси ёқмади, буни-си ёқмади, онаси унақа экан, отаси бунақа экан, менга у қилдирди, менга бу қилдирди деган тугуриқсиз баҳоналар билан уйга қайтиб келиш — шунчаки бир нодонлик эмас, бориб турган аҳмоқлик! Ҳа, аҳмоқлик! Ота-онаси емай-ичмай тўплаган сепу салобатини ёндириш, эл-юрт олдига солган табаррук дастурхонига мағзава тўкиш эртага она бўлиши муқаррар бир табаррук зот шаънига иснод бу! Ҳа, иснод, қизлар! Бахт кошонасини қуриш йўлида учрайдиган қийинчиликлардан қўрқиб, умид билан бир ёстикқа бош қўйган ёрини ота-онаси билан доғу ҳасратда қолдириб қочиш — тубанликнинг тубанлиги! Виждонсизлик!

— Тўғри, жуда тўғри, Нигорпошша!

— Менга қолса,— дея Нигора сўзини давом эттирди,— менга қолса, ўшанақа тегманозик ўктамнисолардан сўрар эдим: хўп, онаси-ку, унақа экан, отаси ҳам бунақа экан, хўш, ўзинг қанақа эдинг? Ўзингни қанақа тутдинг? Сен қўй-дек ювош, беайб эдинг-у, улар бўридек йирткичлик қилиш-дими? Нима учун шундай қилишди? Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бесабаб, беваж сени сиғдиришмади — турсанг ўпоқ, ўтирсанг сўпоқ дейишдими? Хўп, улар-ку шунақа нобоп одамлар экан, сен-чи? Сен улар билан тил топишишга, уларни ийдириб, апоқ-чапоқ бўлиб кетишга ҳаракат қилдингми? Ё ота-онангнинг баланд охуридан тушмай кеккайиб юравердингми? Ҳар нарса бўлай, қизлар, бу саволларни тирнок остидан кир қидириш мақсадида берилган ғирром саволлар деб бўлмайди. Менимча, булар жавоб берилиши жуда-жуда зарур бўлган, ниҳоятда ўринли, ниҳоятда адолатли саволлар. Хайр, кочок келин даврамизда йўқ. Шунинг учун, минг афсуски, ҳалиги ҳаққоний саволларимизга жавоб ололмадик, дейлик. Хўш, шу билан гап тамом, ора очикми? Йўқ, менимча, опоқимлар келтирган тўртликда муҳокаматалаб бир жойи бор. У меҳр ҳақида. Мана, эшитинглар:

Меҳр қўйган уйига — бахти ёрдир,  
Меҳрда ром этувчи жоду бордир,—

дейилади. Муҳокамамиз шу тўғрида бўлса...

Саодат буви Нигоранинг ақлли гапларидан хурсанд бўлиб, қуёш мисоли чарақлаб кетди.

— Хўп, айланай, бўлмаса меҳр ҳақида, меҳр турлари ва

шарофати ҳақида гаплашайлик. Қани, кизлар, ким гапиради?

Ёркиной чараклаб ўрнидан турди. Уй ичи ҳам Ёркинойнинг ёркин чехраси каби ёришиб кетгандай бўлди. У ўзига ярашиб тушган нозик бир адо билан Саодат бувидан изн сўради.

— Гапиравер, кизим, — деди Саодат буви ҳам кўзи, ҳам юзи билан жилмайиб.

— Қочоқ келин масаласига келайлик, опоки, баъзи одамларда ярамас бир иллат бор. Масалан, бировни қоралайдиган бўлса, ахлатга булғаб ташлайди. Ўзига-чи? Хай-хай, гард ҳам юктирмайди! Фалончи — унақа, фалончи — бунақа! Хўш, ўзинг-чи, ўзинг қанақасан? Ўзингда ҳам бирон гард борми? Важоҳатидан маълум — гард йўк, топ-тоза, оппок! Кечагина ёр-ёрлар билан, тантана-дабдаба билан куёвникига борган келинчак бугун айнаб, уйини ташлаб қочган экан, билингки, у ҳам ўша ярамас иллат бандаларидан. Агар у, шеърда айтилганидек, уйига меҳр кўйса — албатта, бахт топарди, обрў топарди, ҳурмат-эътибор топарди. Яна ўша шеърга мурожаат қилайлик. Сўнгги сатрида «Меҳрда ром этувчи жоду бордир», дейилади. Қаранглар, меҳрда биз хаёлимизга ҳам келтирмаган шунақа қудратли куч бор экан! Эндики, миямизга шу фикр кирди, келинлар, кизлар, бир ўйлаб кўрайлиг-а! Қанчалик ҳақиқат бор экан бу баландпарвоз тавсифда?

— Буёғини мен айтсам майлими, а, Ёркиш? — деб қолди Муқаддас ялингансимон ёқимли бир товушда.

Саодат буви ярқ этиб Муқаддасга қаради. Унинг меҳрибон кўзларида «майлими?» деган савол бор эди. Ёркиной чараклаб қолди.

— Вой, сиздан айланай-ей, Муқаддаспошша, майлимингиз нимаси, гапираверинг, айланай, бемалол, — деди у.

Муқаддас ўғил болаларникига ўхшаган дўрилдоқ товущини баралла қўйиб, сўзлаб кетди:

— Мен бирон ақли гап айтишга хали ёшлик қиларман. Лекин шундай бўлса ҳам одам мушоҳадасиз бўлмас экан, кўрган-эшитган нарсаларимизга қараб бир нима дейдиган бўлсак, меҳр кирган ҳовли — бахтиёр ҳовли, бугуни кумуш, эртаси олтин ҳовли дейишга тўғри келади. Нимага десангиз, меҳр кирган ҳовлида бузилиш бўлмайди, аксинча, тузалиш, яшнаш, гуллаш бўлади. Мен худди шу фикрдаман. Гапимга ишонаверинглар, ўртоқжонлар, меҳрда фақат яшнаш, гуллаш, ривож бор. Боя Ёркинпошша меҳрда қудратли куч борлигини айтди. Шу гапи билан мени койил қолдирди. Қаранглар, меҳрда шунақа қудратли куч, қудратли ҳис борлигини

шу маҳалгача ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳақиқатан ҳам, шунақа. Нимага дейсизми? Ҳозир айтаман. Аввал, ана ўша меҳр қаерда, қачон, қандай шароитда пайдо бўлади — шулар тўғрисида гаплашиб олайлик.

Ҳазилкаш Отиканинг хушчақчақ овози янгради:

— О, кўзим чироғининг мунаввар нури, ўзингиз айтиб кўя қолинг, Отикангиз тасаддуқ!

— Йўк-йўк, Отикахон, мени бу хижолатпазликдан қутқаринг. Биласиз-ку, мен ўзим яхши билмаган нарсалар тўғрисида оғиз очмайман, — деди Муқаддас қўллари билан рад аломатини қилиб.

— Қўйинг, Отикахон, билмаган нарсасини гапиришга мажбур қилмайлик. Менимча ҳам, бизнинг тишимиз ўтадиган жўн нарсага ўхшамайди бу. Опоқимлардан илтимос қилайлик, ўзлари айтиб бера қолсинлар, — деди Раёно.

Саодат буви кизларга кўз югуртириб, уларнинг ҳам нигоҳларида шу илтижо борлигини кўрди. Чехрасини чараклатиб юборадиган одатдаги жилмайиш билан кизларга қараб чикди. Ҳамманинг кўзи Саодат бувида эди, у деди:

— Қайдам, меҳр ҳаммада ҳам бўлавермайдигандек туюлади менга гоҳо. Агар у илиқлик, иссиқлик, юрак ҳарорати, ишқ-муҳаббат оташи бўладиган бўлса, гумонимда маълум даражада ҳақиқат бор. Худбин, совуқ, кўрс, кесактабиат одамда меҳр нима қилсин, болаларим! Агар юрак ўти меҳру муҳаббат учқунидан туташган ўт бўладиган бўлса, менимча, худди шундай! У ҳолда гулхан чўп-хашаксиз ўчиб қолганига ўхшаш, меҳр ҳам ёнилғисиз сўнади. Қалб гулханининг ёнилғиси эса, фикримча, севги, садоқат, вафо, ардоқ, кўнгил поклиги, сўнмас истак, тинимсиз интилишдир. Юқоридаги иштибоҳимиз ҳақ бўлса-ю, меҳр ҳар қандай юракда пайдо бўлавермас, у ҳолда қандай юракда пайдо бўлади? Ҳозиргина айтдик: «Юрак ўти — меҳру муҳаббат учқунидан туташган ўт», деб. Демак, унинг томири ёйилган жой — юрак, унибўсишига, гуллаб-яшнашига, равнақ топишига озука берадиган ҳам — юрак. Демак, ҳамма гап юракнинг тозаллиги ва поклигида экан. Ким билсин, одам бахти ва бахтсизлигининг ҳам сири шундадир. Илло:

Пок бўлса юрагинг — юзинг чароғон,

Қайга тушса йўлинг — юргингдир равон,—

дейилган экан, демак, меҳр ҳам шундай пок, шундай тоза юракда пайдо бўлади. Шунинг учун, жон қизларим, юракларингизни пок тутинг, меҳр — кундузлари қуёшингиз, кечалари тўлин ойингиз бўлсин. Билингки, юракни пок тутиш-

га, демак, яхши одам бўлишга, яхши ёр, вафоли ёр бўлишга, яхши умр йўлдоши, садоқатли йўлдош бўлишга интилиш замирида жуда катта бахт бор. Бу бахт — шахс бахтигина эмас, жамият бахти, ижтимоий бахтки, бундай бахт йўлида жонни тасаддуқ қилса арзийди.

Саодат буви сўзини шу ерда тўхтатиб, олдидаги қоғозлар ичидан ниманидир кидира бошлади. Ҳамма жим. Фақат Ҳилола безовтадек. У ўртадаги сукунатдан фойдаланиб кўлини кўтарди. Саодат буви ўз иши билан бўлиб, кўрмади. Шундан кейин Ҳилола:

— Опоқи, менинг саволим жавобсиз қолиб кетяпти-да,— деди ҳолвасини зўрлаб едирган Афанди сингари.

Кизлар пиқирлаб кулиб юборишди. Бу кулги қоғозларни титкилаб ўтирган Саодат бувини бошини кўтариб қарашга мажбур қилди. Ҳилоланинг сўзини эшитмаган экан шекилли, нима дейсан, деб сўраган эди, Ҳилола саволини такрорлади. Саодат буви бошини кимирлатиб:

— Ҳа, эсимда. Яна пича сабр қиласан шекилли, қизим,— деди. Кейин кизларга қараб гапира кетди:— Яна битта муҳим гап чиқиб қолди, қизлар, айтмасам бўлмайди. Биз жамият бахти тўғрисида гапирганимизда, баъзи одамларга шахсий бахт инкор остида қолаётгандек кўринади. Йўқ, унақа эмас, маълумки, донолар таълимотида шахсни жамият хужайраси дейилади. Агар жамият бахтли бўлса, демак, шахс ҳам бахтли, у ана шу бахтдан баҳраманд бўлади. Шунинг учун янги келин тушган хонадонда куёви, қайнана-қайнатаси ва бошқа оила аъзолари билан бирликда, бир ёқадан бош чиқариб, иноқ-тотув яшаса, бугуни, эртаси ва келажаги учун сувдан ҳам, ҳаводан ҳам зарур оила бахтини қидирса, уни топиш йўлида жон куйдирса, катта-кичик билан муомала ва муколамада келинчақларга ярашган чиройли тавозеда бўлса, бунинг оқибати қанду новвот, айланайлар. «Туяга янтоқ керак бўлса, бўйинини чўзади», деган мақол ҳам бор халқимизда. А, бор, а? Ҳа, баракалла, бор. Сенга ишқ-муҳаббатини, ҳурмат ва эътиборини пойандоз қилиб хонадонига катта умид билан олиб кирган йигит олдида шунчаки ўйнаб-кулиш учун эмас, йўқ, қизларим, ўша ерда томир ёйиш, бахт топиш учун борганинг ҳаммавақт кўз ўнгингда бўлсин. Демак, шу ниятда келибсанми, тамом, ниятингнинг устидан чиқ, ўзингни ўтга уриб бўлса ҳам, сувга ташлаб бўлса ҳам ниятингга етиш. Йўқ, айланай қизларим, берсанг — ейман, бермасанг — ўламан қабилида тепса-тебранмай, без бўлиб, кесак бўлиб олсанглар — турмуш бўлмайди. Бунақа феълли келин узок турмайди, турмуши бузилади. Тўғри, янги жой, янги муҳит, янги одамлар келинчақ-

ни баъзан довдиратиб ҳам қўяди. Айниқса қайнасанинг тили аччиқ, ўзи инжиқ бўлса. Бундай пайтларда келинчақдан лозими — ўзини йўқотиб қўймаслик, умидсизликка тушмаслик, қайнасаннинг каттиқ сўзларини оғир олмаслик, аксинча, унинг феъл-атворини, характерини, нимани ёктиришию нимани ёктирмаслигини обдан қилиб олиб, шунга қараб иш тутишлик. Бу талаб, албатта, оғир. Ҳатто, баъзан тоқат қилиб бўлмайдиган даражада фожиали кўриниши мумкин. Худди мана шу «ҳаёт қилқўприги»дан эсон-омон ўта олган келинчақкина бахтини топиб, ували-жували бўлиб кетади. Ҳар дам еб юборадигандек кўринган қайнасаннинг у енгидан кириб бу енгидан чиқа билган, кўнглидагини топиб гапирадиган, уй-рўзгор ишларини саранжом-сарашта қиладиган келинни қайнасан ялмоғиз бўлганда ҳам еб ташламайди. Йўқ, Ҳилола, еб ташламайди. Аксинча, ақл-идроки, яхши муомала ва муколамаси билан сеҳрлаб олган келинга қайнана меҳрибон она, доно маслаҳатгўй, самимий гамхўр мураббий бўлиб қолади. Бу жуда катта бахт. Лекин бу осонлик билан қўлга қирадиган бахт эмас. Бунга эришиш учун сабр, сабр ва яна сабр-тоқат керак. Шу маънода гул ҳақида айтилган бир ҳикмат бор: «Гул тикан заҳрига чидаш бермаганда, ҳечам гул бўлмас эди», дейилади. Ҳақиқатан ҳам ҳаётда гул бағрига санчилган тиканга ўхшаш ништарлар урилиб туради юрагимизга. Чидасак — гул бўламиз, чидамасак — ёна-ёна кул бўламиз.

— «Сабр қилсанг — ғўрадан ҳалво битар, бесабрлар ўз оёғидан йитар» деган мақолимиз ҳам бор-а, опоқи,— деди Шижоат ўтирган еридан сал бошини кўтариб.

— Бор, қизим, бор. Иннайкейин: «Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит», деган пичингли мақолимиз ҳам бор. Ивидик, ивирсиқ келинчақларга қаратиб айтилган яширин таъна эмасмикан бу?

Қизлар жавобга ожизмиди ё тортинишдими, бир-бирларига қарай бошлаган эди, шаддод Отика бошини бир ёнига қийшайтириб, лабини бурди.

— Эҳ, опокижон-а, шунақа шамаларга ҳам бардош беришимиз зарурлиги қаламда кетган бўлса, начора, бардош берамиз-да,— деди у кулгили қилиб.

Қизлар шарақлаб кулиб юборишди. Саодат буви кулги тугагач, Ҳилоладан сўради:

— Сен нима дейсан, бардош бериш керакми ё қайнанам еб ташлайди, деб қочвориш керакми?

Ҳилола бирдан қизариб кетди. Кейин ўзини бо-сиб:

— Йў-ўқ, бардош берамиз,— деди-да, бир фурсат лаби-

ни тишлаб тургач, аста қўшиб қўйди:— Бояги саволимга ҳам жавоб олдим, раҳмат, опоқи.

— Ундай бўлса,— деди Саодат буви олдидаги қоғозлардан бирини қўлига олиб,— ундай бўлса, бугунги суҳбатимизни ҳам, одатдагидек, бир банд шеър билан тугатамиз:

Қаноатнинг тубимиш — зару олтин,  
Қаноат қилган хотин — олтин хотин!

Яхши бўлсанг — тахту бахтинг қўлингда,  
Турфа гуллар унгай ўнгу сўлингда.

Келинчак хулқ-атвори ҳақида кеча айтилган сўзлар кизларда чуқур таассурот қолдиргани шундоққина кўзларидан кўриниб турар эди. Саодат бувининг кечаги гаплардан кўнгли унча тўлмаган шекилли, кизлар тўпланар-тўпланмас гапини яна ўша мавзудан бошлади:

— Кечаги суҳбатимизда келинчак қандай бўлиши, ўзини қандай тутиши тўғрисида гаплашди-у, лекин оилада, айниқса, келин билан қайнана ўртасида жанжал чиқиб қолса, уни қандай босиш, умуман, жанжал чиқармаслик йўлини топиш тўғрисида гаплашиб олишга улгурмадик. Ўзларингиз эшитдиларингиз, Ҳилола тили аччиқ захар қайнанадан қўрқинини айтди. Лекин шунақа қайсар, қилдан қийиқ қидирадиган инжиқ кампирни ийитиб олиш мумкинми-йўқлиги устида гаплашиб ололмадик.

Ҳолбуки, бу жуда муҳим масала. Қайнана нар нима учун келинларини илғашади, қийнашади, тергашади — энг олдин шунини аниқлаш керак. Аслида қайнана шунақа феъли ёмон, қитмир хотинми ё келинининг хатти-ҳаракати уни шу кепатага солганми? Агар аслида феъли ўзи шунақа бўлса, у вақт кампирга ёқадиган, уни ийитиб олишга ёрдам берадиган йўлни тутиш керак. Борди-ю, бунда келинчак айбдор бўлса-чи? У ҳолда келин инсоф йўлига кириши, ўзини ўнглаш ҳаракатига тушиши лозим бўлади. Агар қайнана билан келин ўртасида ҳадеб жанжал чиқаверса, ўртада иттифоқлик, аҳиллик бўлмаса, бундай оиладан ҳаловат кўтарилади, хосият ҳам кетади. Бунинг устига, келиннинг ҳам, қайнана-нинг ҳам, улар касрига қолган қайната билан куёвболанинг ҳам еган-ичгани захар бўлади. Бундай оила узокка бормай қазога учрайди. Шу ҳақда иккита ҳаётий ҳикоятим бор, йўқ демасаларингиз, ўқиб берсам.

#### ЯХШИ КЕЛИН

Шакархонни никоҳ оқшомининг эртасига, тонг энди кўз уқалай бошлаган субҳ-содикда келинсаломга олиб чиқишди.

Кайната-қайнана, қайнаға-қайнэгачи, амма-хола, яқин-узоқ қариндошлар атаганларини ушлаб қатор туришарди. Шакархон бошига солинган ҳарир хинду рӯмоли остидан уларга қаради-ю, югуриб бориб қаторларига туриб олгиси келди. Шунчалар яқин, шунчалар азиз кўрди уларни ўзига!

Шакархон янга эълони билан аввал қайнатасига икки букилиб салом берди. Қайнатаси атаганини унинг бошига қўйиб, узоқдан-узоқ дуо қилди. Етти паҳлавон ўғилу етти жонон қиз тилади. Аҳил бўлинглар, тотув яшанглар, деди. Қайнанаси эса, Шакархоннинг бошига битта сопол лаганни тўк этказиб қўйди-ю, дуо ҳам қилмай, қайрилиб кетаверди. Ер ёрилмади-ю, Шакархон ерга кириб кетмади. Биринчи кунданоқ шунақа совуқ муомала бошланса, кейин нима бўлади? Шакархон шу нарсаларни ўйлади-ю, устидан бир челақ совуқ сув қуйиб юборилгандек бўлди. У ҳозирги ҳолатида ўзини ер устида эмас, жар остида ҳис қиларди. У бир энтиқиб ўзини орқага олди, кўзлари тинди, кулоқлари шанғиллаб кетди. Бу шанғиллаш Шакархонга ҳозиргина битта сопол лаганни бошига тўкиллашиб қўйиб чиқиб кетган қайнанасининг хунук бақиригига ўхшар эди. У ўзини йўқотиб, нес бўлиб қолди. Энди у кимларга салом берди — билмади, кимлар нима деди — уқмади. Фақат уйга кирганидагина ўзига келди. Янга шу ерда эди, у маъюс деди:

— Бу қанақаси бўлди, а, опа? Қайнана ҳам шунчалик бемехр бўладими? Тавба! Ҳалитдан шундай қилсалар, кейин нима бўларкин, а?

Янга унинг қалбида тутай бошлаган ўтни ёндирмади. Ўзини оғир тутиб, босиқ овозда деди:

— Нима бўлиши ўзинга боғлиқ, айланай. Яхши бўлсанг, улар ҳам яхши бўлиб кетадилар. Ёмон бўлсанг-чи, ҳали буни ҳолва билавер. Одамни одам илитади, эсингда бўлсин! — деди янга Шакархонга далда бериб.

Шакархон янғасининг айтганини қилди. Қайнанаси билан гаплашганда, тилидан бол томарди, дакки-дашном эшитганда лаб-лунжини осилтириб, қора булутга ўхшаб олмай, чарақлаб кулар, айниқса, бир нарсани ундай қилмабсиз, бундай қилмабсиз, деса, «Вой каллам курсин-эй, ақлим етмабди-я! Хўп, ойижон, сиз айтганингиздай қиламан. Башарти ундан ҳам орттириб қойил қилиб қўйсам — уришмайсизми? А, ойижон, уришмайсизми?» — дейди-ю, чарақлаб келиб, қайнанасини у бетидан-бу бетидан чўлп-чўлп ўпиб олади. Жаҳли чиқиб, кумортқиси оқиб турган сержаҳл қайнанасини ана шунақа ҳазил-мutoйиба билан енгиб юборади. Шакархоннинг бу уйда илдинини мустаҳкам қилган, қайнанасини аста-секин илтиб олишига имкон берган фа-

зилатларидан бири — чақимчи эмаслиги бўлди. У қайнанасидан ҳақсизлик, адолатсизлик кўрса ҳам, илон пўст ташлаб юборадиган ёмон гаплар эшитса ҳам ичига ютиб, аламини кулги билан енгиб юраверди.

Шакархон асил келин экан. Қайнанасидан кўрган адолатсизликларнинг биронтасини эрига айтмади, кўз ёши қилиб зорланмади, онангиз ундоғ деди, онангиз бундоғ деди, деб эрининг юрагини эзмади. Айниқса, ундай бўлди, бундай бўлди, деб онасининг олдига йиғлаб бормади. Аксинча, ҳеч қандай жафо кўрмаган бахтли одамдай, ота-онасининг олдига кулиб бориб, кулиб келиб юрди. Шакархон бу кўргилликларни эртами-кеч шифо топиб кетадиган ўткинчи дардга ўхшатар, шифо кунли келишини қаноат билан кутар эди. Шу тахлит кунлар, ойлар ўтди. Қилдан қийиқ топадиган, ўзининг гапидан ўзгасини тан олмайдиган, қайсар, кажр қайнана Шакархонни шунчалар яхши кўриб қолдики, уни ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмай эъзозлайдиган бўлди. Қизиги шу бўлдики, табиатан кўрс, тарс-турс гапирадиган қайнаси Шакархон шарофати билан ноппа-нозанин мулойим, юмшоқсўз ҳам бўлиб қолди.

— «Яхши гап билан илон инидан чиқади», деганлари шу экан-да! — деб қувонади қайнатаси хотинининг юмшоқ бўлиб қолганидан терисига сиғмай хурсанд бўлиб.

Ҳа-да:

Гулки берди тикан захрига бардош,  
Бўлди оқибат гул мисоли куёш.

## ЁМОН КЕЛИН

Кажирани никоҳ оқшомининг эртасига, тонг энди кўз уқалай бошлаган субҳ-содиқда келинсаломга олиб чиқишди. Қайната-қайнана, қайнаға-қайнэгачи, амма-хола, яқин-узоқ қариндошлар атаганларини ушлаб қатор туришарди. Кажира бошига солинган ҳарир хинду рӯмоли остидан уларга қаради-ю, бирдан юраги орқасига тортиб кетди. «Вой, қоранг ўчгурлар-эй, намуноча кўп?! Шунча одам ичида қандай кун кўраман-а! Йўқ, булар еб ташлашади мени!» — деб ўйлади у.

Кажира янга эълони билан аввал қайнатасига салом берди. Келинчақларга ярашган бир адо билан таъзим қилмади, йўқ, кекқайганича калласини бир силтаб қўйди. Қайнатаси атаганини бошига қўйиб, узоқдан-узоқ дуо қилди, етти паҳлавон ўғилу етти жонон қиз тилади, аҳил бўлинглар, тотув яшанглар, деди. Қайнанаси очикқина, хушчақчақ



хотин экан, келинининг бошига янги чиққан бир кийимлик аломат атлас, антиқа рўмол, яна алланималар қўйиб, у бетидан-бу бетидан чўлп-чўлп ўпди. У ҳам бахт-саодат, узоқ умр, тотув ҳаёт тилади. Лекин бу нарсалар Кажирага ёқмади. Янгаси қўймаганига ҳам қарамай, бошқаларга салом бермасдан, ичкарига кириб кетди. Ҳамма ханг-манг бўлиб қолди. Янга орқасидан ҳаллослаб кирди.

— Бу қанақа шармандагарчилик?! Номусга ўлдирдинг-ку! Э, хайф-э!— деди у хуноби чиқиб.

Кажира, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ҳиринглаб қулди.

— Қўяверинг, янғача, ҳечқиси йўқ. Туяга янтоқ керак бўлганда бўйнини чўзган экан, буларга ҳам келин керак бўлса, бошимга тош қўймасдан оёғимга бош қўйишсин. Ҳа, оёғимга бош қўйишсин. Мен буларга починица қилмайман. Қўяверинг, янғача, ўзлари ялиниб келишади ҳали!

Янга нима қилишини билмай гангиб қолди. У деб кўрди — бўлмади, бу деб кўрди — яна бўлмади. Кажира кажрлик қилиб туриб олди. Охири янга:

— Энди буёғи нима бўлади — ўзингга боғлик. Яхши бўлсанг — ошингни ейсан, ёмон бўлсанг — бошингни!— деди-ю, чўрт ўгирилиб чиқиб кетди.

Кажирага заррача ҳам таъсир қилмади бу ўринли таъна. Агар келинсалом малол келган, хўрликдай туюлган бўлса — бунда ҳам ўзи айбдор. Нимага десангиз, таомилимизда қайната-қайнана билан танишиш баҳонасида салом бериш бор, хоҳласанг, саломга олиб чиқайлик, йўқ десанг, майли, ўзинг биласанг, дейишганда, Кажира қарши турмади. «Майли, таомилимизда нима бўлса — шу-да»,— деди. Мана энди саломни ташлаб кетиб, ўзини хунук кўрсатиб қўйди. Хайр, бу ҳам-ку ўтди-кетди. У кейин ҳам ўзини қўлга олмади. Қайнанаси билан қайнатасини — эрининг ҳурмат қилиниши лозим бўлган ота-онаси ўрнида кўрмай, у дейишса, бу деди, бу дейишса, у деяверди. Уларнинг айтганини эмас, ўзига маъқулини қилаверди. Дард деса, бало деди. Айб ўзида экани равшан кўриниб турган ножўяликда ҳам ўзини оқлаб, бошқаларни қоралайверди, ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ, деяверасизлар, сизларда инсоф йўқ, одамгарчилик йўқ, деб қайнанаси билан қайнатасига дўқ урадиган одат чиқариб олди. Ҳатто, бир кун: «Тфу! Башараларинг қурсин!» деб сўка-сўка қўчага ҳам чиқиб кетди. Боламиз хафа бўлмасин, қайлиғининг хунук ишларини эшитиб эзилмасин, деб улар ўғилларига ақалли бир марта ҳам шикоят қилишмади. Келин эса эри ишдан келди дегунча, хорманг, эсон-омон ишлаб келдингизми, деб кўнгил олиш ўрнига отанг у деди, онанг бу деди, деб юрак-бағрини эзар эди. Унинг энг

ёмон қилиқларидан бири — уйда ўтган паст-баланд гапни дарров онасиникига кўтариб бориши эди.

— Мени кимга бердинглар? Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! Отаси у дейди, онаси бу дейди, куёвингиз эса ота-онасини мундоғ босиб қўйиш ўрнига нукул кучи менга етади. Сен ўзинг унақасан, сен ўзинг бунақасан, деб кун бермайди. Йўқ, чиқаман. Яхшиликча бориб ажратиб олинглар. Бўлмаса-чи, ха-да, кейин ёмон бўлади — ўзимни...

— Хай-хай, жон болам, ажратиб оламиз, унақа дема, ўргилай,— дейди онаси йўлга отланиб.

Кажиранинг онаси ҳам кизига ўхшаш енгилтабиат хотин экан. Қизини шаштидан тушириш, унга насихат қилиш ўрнига қудалари билан уришгани чопаверарди. «Мен қизимнинг қўлини совуқ сувга урдирмаганман. Энди келиб сизларнинг ахлатларингизни тозалайдими! Йўқ, мен бунини сизларга чўри қилиб эмас, ўғилларингизга қайлик, уйингизга бека қилиб берганман!»— деб Кажирани етаклаб кетарди. Лекин Кажира бир ерда қаноат қиладиган қиз эмас экан. Тўрт-беш кун йўқ бўлиб кетгандан кейин онасиникига ҳам сиғмай яна қайтиб келар, шунда ҳам бурнига сув қирмай эски қилиғини яна қилаверар эди. Ахир бир кун пичок суякка етди-ю, эри босиғи билан сўради:

— Кажирахон, улар-ку, сиз даъво қилганингиздек, бўлар-бўлмасга жанжал чиқаришиб, сизни ноҳақ хафа қилишар экан, шундоғми?

Кажира шу тўғри гапга ҳам сапчиб кетди.

— Хафа қилишармиш-а! Қонимни ичишяпти! Қонимни!

— Хўп, фараз қилайлик, қонингизни ҳам ичишяпти...

— «Фараз қилайлик» эмиш! Фарази йўқ! Сиз шунақа-сиз, уззукун ўша... ота-онангизнинг ёнини оласиз.

— Мунчалик кўпчиманг, Кажирахон, оғир ўтириб гап-лашайлик. Хўп, фарази йўқ бўлса, йўқ бўла қолсин. Хайр, улар-ку, қаттиқ-қуруқ гапириб сизни хафа қилишар экан, а?

Кажира тўнғиллаб:

— Ҳа!— деди.

— Сиз-чи, сиз уларга ширин гапирасизми, гапларини қайтармайсизми?

— Подумаешь! Нимага қайтармас эканман! Қайтараман! Амманнинг бузоғига ўхшаб лалайиб ўтираманми?! Нима, мени бу ерга тили йўқ, забони йўқ қул қилиб беришганми? Нет, извиняюсь! Мен, биласизми, кимман? Билмасангиз билиб қўйинг, ҳа, билиб қўйинг: мен институтни битирган олий маълумотли замонавий қизман! Отам доктор, профессор! Ошларини ошаб, ёшларини яшаб қолган аллақандай

чол-камбирнинг могорини ювасан, деб ўқитишган эмас мени олий мактабда! Тавба, шунақаям аралашқоқ бўладими одам деган! Ҳали ўрнингни йиғиштирмабсан, деб дакки беришади, ҳали идиш-товоклар ювуқсиз қолибди, деб дашном беришади, нима, мен ота-онангиздан сўкиш эшитгани келибманми эшигингизга?!

Эрининг сабр косаси тўлди. Шундай бўлса ҳам, яна жаҳлини босиб деди:

— Йўқ, Кажирахон, унчалик эмас. Ўйлаб кўрдингизми-йўқми, ўзингизда ҳам айб бор, албатта. Мисол келтирайми? Хўп. Масалан, мен эрталаб ишга кетаётганимда туриб чойимга карамайсиз, ётган ерингизда кимир этмай ётаверасиз. Яхши эмас-да.

Кажира жаҳли чиққанидан кўкариб кетди.

— Нимаси яхши эмас, уйқимни ҳаром қилиб, сизга чой дамлаб келмаганимми? — деди Кажира чиқриб. — Йўқ, извиняюсь, мен сизнинг оқсочингиз эмасман, хотинингизман! Ҳа, хотинингизман. Бизнинг замонда эр билан хотин ҳукуки баб-баравар. Ҳа, эсингиздан чиқмасин — баб-баравар!

Эри заҳарли қилиб жилмайди.

— Тўғри, баб-баравар. Ҳа, бизнинг замонамизда эр билан хотин ҳукуки баб-баравар. Мен буни қарсақлар билан, жон-дилим билан олқишлайман. Лекин шуниси қувончлики, бу бараварлик сиз ўйлаганингизча эмас. Ишга кетаётган эрини чой ичириб жўнатиш оқсочликка кирмайди. Одамийликка киради. Одамийликка, Кажира!

— Э-э, бақирма-е! Мени сенларнинг уйингга қонини ич, юрагини эз, бос, топта деб келтириб ташлашганми?! Турмайман! Тўйдим!

Шундан кейин эри ортиқ инсофга ҳам чақирмади, ялиниб-ёлвориб ҳам ўтирмади, уйимиз бузилмасин, аччиғингиздан тушинг ҳам демади. Юқларини машинага ортиб, онасиникига обориб ташлади. Начора:

Гулки билмабди ўз қадру қийматин,  
Хазон бўпти гуллатолмай сифатин.

Саодат буви кўлидаги қоғозни секин ерга қўйди. Кейин қизларга ўйчан қараб деди:

— Мана, яхши келин билан ёмон келин тавсифи — қисқача шундай. Шу билан гапимиз тамом деган сўз эмас. Ҳали бу ҳақда кўп гаплашиш мумкин. Лекин биз келинчаклар сифатидаги яхши-ёмон томонларни батафсил каламга олмадик. Фақат бир қарашдаёқ кўзга ташланган томонлар

устигагина қисқача сўз юритдик. Бу бежиз эмас, албатта. Энди улар тавсифини давом эттириш — сизларга ҳавола, оппоқ қизларим.

Қизларнинг бир қисми Шакархоннинг одоби, тадбиркорлиги, айниқса, ширинтиллигининг асири бўлиб, ҳали ўзларига келмаган бўлишса, қолганлари Кажиранинг феъл-атворидан ғазабда эдилар. Шунинг учун бўлса керак, бир неча дақиқа чурк этмай ерга қараб ўтиришди. Буларнинг ҳозирги аҳволларига чуқурроқ разм солган одам улар қалбида мавж урган икки хил тўлқинни равшан кўра оларди. Бу тўлқинларнинг бири ўз қаторларидан Шакархон каби яхши бир инсон етилиб чиққани учун фахр ва қувонч хисси тўлқини бўлса, иккинчиси — Кажира каби ярамас, паст бир кимсанинг ҳам шу мусаффо ҳаводан нафас олиб, шу мусаффо дунёда ризқ топиб келаётганига хайфсиниш, афсусланиш ҳисси тўлқини эди.

Бир неча дақиқадан сўнг Ҳилола кўркиб-писиб ўридан хиёл кўтарилди. Узунчоқ юзи кип-қизариб кетган эди.

— Мен Шакархонга қойил қолдим. Қайнанаси ўлғудай совуқ, кўрс, ёмон хотин экан, оҳ, бечора, сени қовурмасданок еб қўяди бу ялмоғиз, деб ачинувдим, йўқ, шундай алвастини ҳам... кечирасизлар, оғзимдан ёмон сўз чиқиб кетди, шундай бағритош қайнанасини ҳам ўзига илитиб олибди-я! — деди у ҳаяжонланиб.

— О, жон гулшанимнинг майин шабадаси, кўрдингми, ана шундай ёсуманни ҳам йўлга солиб олса бўлар экан! — деди Отика Ҳилолага тикилиб. Кейин унга далда бера кетди: — Қўрқма сен ҳам, ўн беш кунлик ойим! Шакархоннинг йўлидан борсанг — товага тушмайсан. Ҳа, асло кўрқма, бир нарса бўлса мана ўзимиз бормиз, сени товада қовуртириб қўймаймиз. Дадил бўл, қайрилма қошларингга Отиканг тасаддук!

Отиканинг ҳозирги ҳазилкашлиги жуда ўрнида бўлди. Бўлмаса қизлар Кажиранинг нодонлигидан ғазаблари қайнаб, қон бўлиб ўтиришган эди.

Энди Моҳина сўз олди:

— Шакархонни мақташдан бошқа сўзимиз йўқ. Соғ бўлсин, кўп бўлсин шунақа доно, уддабурон келинчаклар! Қани энди ҳамма келинчак ҳам Шакархоннинг йўлини тутса! Афсус, минг афсус, тутмайдиганлар ҳам бор экан-да, Кажирага ўхшаган! Бундайлар ўзларигагина эмас, қиз зотига инсод келтиришади! Наҳотки шуни тушунишмаса, а?

— Қизиқсан-а, тушунган одам ўзини шунчалик расво тутармиди! Йўқ, туриш-турмуши, қилиқ-қилмиши билан

расвойи олам булар!— деди Муқаддас ўзини босолмай.

Сўз навбатини қақажон Ёркиш олди.

— Тўғри, қизлар, Кажира тумшугидан нарисини қўрмайдиган, кўрса ҳам фақат ўз нафига хизмат қиладиган нарсаларнигина кўрадиган худбин, кайсар, гап укмас бир бало экан. Тавба, унда бунақа ўжарлик, кажрлик, бошқаларга тепадан қарашлик, яъни кибру ҳаво қаердан пайдо бўлди, а? Шунисига хайрон бўлиб қолдим. Ё туғма қусурмикан-а, бу? Ундай десак, характернинг шакл топишига, ё ундай, ё бундай феъл-атвор ортишига муҳит, яъни оила, коллектив таъсири зўр бўлади, дейишади-ю? Буёғи қандай бўлди?

Саодат буви калласини қимирлатиб, Ёркинойга қаради.

— Гапинг жуда тўғри, қизим. Оила, муҳит таъсири одамни ё камолга, ё заволга олиб боради. Кажира қимнинг кизи эканини, қандай тарбия олганини куёвига дағдага қилган пайтида баланд димоғ билан керилиб айтди. Отаси фан доктори экан, онаси қизининг қўлини совуқ сувга урдирмапти. Демак, одатдагича, сув этагидан эмас, бошидан лойка. Ота-онаси фарзандининг тарбиясига вақт тополмаптимми, жамият қабул қилган тўғри йўлга солиб юборолмаптимми, тамом, окибати ҳаммаша шундай — ачинарли. Ёш бола — мисоли мум. Менимча, мумдан хоҳлаган шаклни ясаса бўлади. Истасак, кунт қилсак, биз — ота-оналар ҳам болаларимизни жамият кўрки қилиб тарбиялашимиз мумкин. Бундай ибратли ота-оналар ҳам, жамият кўрки бўлиб қолган фарзандлар ҳам, хайрият, истаганимизча топилади бизда. Болаларимиз умрлари йўлида оқсаб-йўқсаб қолишмасин десак, мурғакликларида нақ таналарига асл одамлик хислатини эслайлик, токи иссиқ бағримиздан совуқ Кажиралар чикмасин, қизларим!

Қизлар хурсанд бўлишиб, чапак чалиб юборишди. Турсуной фурсатдан фойдаланиб ўрнидан турди. Саодат буви неварасининг чехрасидан бир нарса истаги борлигини сезиб, сўради:

— Гапинг борми?

— Рухсат берсангиз...

— Гапиравер, қизим.

— Кажиранинг отаси фан доктори, онаси эса қизининг қўлини совуқ сувга урдирмаган тирноқ ичидаги меҳрибон она. Кажира-чи? Шу ота-онанинг арзандаси. Лекин бу — ҳамма фан докторлари, ҳамма илм-давлат арбоблари фарзандларига, айниқса, бир кун эмас-бир кун бошқа хонадонга бориб, уй тутиш тақдирларида бор қизларга Кажиранинг ота-онаси сингари муносабатда бўлади, деган сўз эмас. Йўк,

асло ундай эмас. Мана, каторингизда фан докторларидан бирининг кизи ўтирибди. У ҳам Кажиранинг ярамас тарбиясидан газабда. Шундоғми, Сожида?

Сожида бўйлари узунгина, хипчабел, некчеҳра қиз. Ўрнидан турганда уни оқ гулдай очиб юборган оқ қўйлагиданми ё шахло кўзлариданми, хонага нур сочилиб кетгандек бўлди. Сожида гап бошлашга шошилмади. Аввал дугоналарига, кейин Саодат бувига алами ғалаёнга келтирган ғазабли киши кўзи билан бир неча лаҳза қараб тургач, узр сўраётган бир товушда деди:

— Мени кечиринглар, Кажиранинг қилиғи, совуқ қилиғи, қиз шаънига тухмат қилиғи, айниқса, «Мен ахир фан доктори, профессорнинг қизиман!»— деб куёви бетига шалтоқ отгани мени жуда ёмон ўртантириб юборди. Бу қандай уятсизлик?! Қандай шармандагарчилик?! А? Хўш, отаси фан доктори, профессор экан — жуда яхши. Лекин бу яхши ишда Кажиранинг хиссаси борми? Отасининг кечалари мишмаш қоқмай, кундузлари тиним билмай қилган ниҳоятда оғир илмий меҳнатини енгиллаштиришда Кажиранинг маънавий улуши бўлганмикан? Менимча, бўлмаган-ов. Йўк, дўстлар, бўлмаган. Хўш, ҳақиқат-ку, шундоғ экан, ота-она шарафини пеш қилиб, битмаган ишимизни битириб олишга ҳаққимиз борми биз фарзандларнинг? Йўк! Йўк! Яна бир марта айтаман — йўк! Хўп, у ҳолда биз фарзандларнинг нимага ҳаққимиз бор? Менимча, шундай ота-онанинг фарзанди бўлганимиздан, ота-онамиз эришган юксак шарафдан фахрланишга! Фахрланишга ва ота-оналаримизга ўхшаш одам бўлишга! Уларнинг шарафларини аҳмоқона қилиқларимиз билан ерга уришдан сақланиб, бу шарафни яна ҳам баланд кўтаришга! Уларнинг шарафли йўлларидан юришга! Ота-оналаримиз каби соф ахлоқ, пок виждонли кишилар бўлишга!..

Саодат буви чарақлаб кетди:

— Офарин, қизим, минг офарин!

Сожида ёниб гапирганидан хансираб қолган эди. Саодат бувининг луқмаси жонига ора кирди. У бир қанча нафас сукут этиб, ўзини ўнглаб олди.

— Ўзингларга маълум, мен ҳам фан докторининг қизиман. Бунинг устига адамлар яна Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ҳам. Мен бирон марта отам унақа, отам бунақа деб керилганманми? Йўк, керилмайман, асло. Нима учун? Шунинг учунки, отам шарафи ўзим меҳнатда орттирган шахсий шарафим эмас. Ота-она шарафини ё мавқеини қурол қилиб иш битириш — ўғирлик қилиш менинг тушунчамча! Инсонлик қадру қийматини билмаган баъзи нодон фарзанд-

лар биз қоралаётган шу тушқунликдан ҳазар қилишмайди. Улар ота-она соясида биқиниб меҳнатсиз, заҳматсиз кун кўрадилар. Ҳа, ана шу тахлитда кун кўриши мумкиндир, лекин яшаши мумкин эмас. Ҳа, одамларча яшаши мумкин эмас! Ҳамма ўз меҳнатининг самарасини ейиши, ўз шарафига ўзи ҳайкал қўйиши керак. Бу, менимча, масаланинг бир томони, иккинчи томони эса — ота-она шарафи ё мавқеига махлиё бўлган фарзанд гафлатда қолиб, ганимат ёшлигини бой бериб қўяди. Очикрок қилиб айтганда, ота-она шарафини ўзига қалқон қилиб олган нодон фарзанд оқибатда жамиятга тириктон бўлиб қолади. Ҳа, шуниси алам қилади одамга!

— Офарин, қизим, минг офарин! — деди Саодат буви яна Сожидани кучиб олгудек бир харорат билан.

Сожида қизларнинг қарсақлари остида ўрнига ўтирди. Орадан зум ўтмай Нигора турди.

— Опоки, — деди у ўзига ярашиб тушган бир тавозе билан, — ижозат берсангиз, менинг ҳам шу ҳақда икки оғизгина гапим бор эди.

— Айта қол, қизим, айта қол.

— Кажиранинг: «Отам фан доктори, профессор», деганига қараб, ота-онаси тушунган одамлар бўлишса ҳам, қизларига ёмон тарбия беришган экан, шунақа бетамиз бўлиб қолишига ота-онаси айбдор экан, деб ўйловчилар ҳам бўлар. Лекин мен бунақа ўйга қаршиман. Нимага десангиз, одамнинг катта ҳарф билан ёзиладиган Одам бўлиб етилишида оила билан коллективнинг роли жуда катта. Буни юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Бу ролнинг муҳимлигини инкор қилиб бўлмайди. Лекин шуниси ҳам борки, тарбияси бузук ота-онанинг боласи ҳаммавақт бузук, тарбияси тузук ота-онанинг боласи ҳаммавақт тузук бўлади, дея олмаймиз-ку. Агар шундай дейдиган бўлсак, аввало, коллектив таъсирини, жамиятнинг таъсир родини инкор қилган бўламиз. Қолаверса, дононинг боласи доно, нодоннинг боласи нодон бўлади, дейилган хато ҳукмга имзо чеккан бўламиз. Ҳаётда, ҳақиқатда эса бунақа бўлмайди. Аҳмоқдан ақлли, ақлдан аҳмоқ туғилиши мумкин. Бу гапимдан хулоса шуки, ҳар қандай ақл-хуши жойида одамнинг боласи ўзининг юриш-туришига, дунёқарашига баҳо беришдан ожиз қолиб, энгил-елпи ҳаёт кечириш кўчасига кириб кетса (бунақалар ҳаётда бўлади), Кажира сингари одамлар нафратига йўлиқиб, ота-онасига ҳам лаънат келтиради. Қарабсизки, бечора ота-она шунча қилган меҳнати эвазига боласи касри билан лаънат олиб ўтирибди-да! Хўш, буни яхшиликка ёмонлик, деймизми? Ҳа, худди шундай деймиз. Ота-оналаримиздан

кўрган яхшиликларимиз учун ўла-ўлгунча миннатдор бўлиш, бу яхшиликлар ҳақини ҳисобсиз яхшиликлар билан тўлаш ўрнига биз уларга ёмонлик қиламиз. Билиб қиламизми, билмай қиламизми, бари бир, оқибати шундай бўлиб чиқади. Йўқ, ўртоқжонлар, биз ёшларнинг ёмон хулқимиз учун фақат ота-онани, коллективни қоралайвермасдан, ўзимизда ҳам айб борлигини, миллионлаб асл ёшларимиз эл бахти, юрт бахти, демак, ўзларининг ҳам бахти учун жонбозлик кўрсатаётган бир пайтда ёмон йўлда санқиб қолганимизни бетимизга айтган яхши. Демокчиманки, ота-она, муҳит тарбиясидан ташқари ёшларнинг ўзларида ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб беришга интилиш бўлиши керакми? Керак! Одамни одам қиладиган, нодонни доно қиладиган бирон куч бўлса, менимча, у куч — интилиш! Халқимизда: «Пул бўлса, чангалда шўрва» деган бир мақол бор. Биз уни замонавийлаштириб: «Яхшиликка интилиш бўлса, бахту тахтинг кафтингда», десак бўлмасмикан?

— Бўлади, қизим, жуда бўлади-да! — деди Саодат буви кўнглидаги гапни топиб гапирганларидан қувониб.

Нигоранинг сўзи тугаган экан, у ҳаммага бир таъзим қилиб жойига ўтирди. У жойига ўтирган бўлса ҳам, бояги оташин сўзларининг жаранги ҳамон кулоқларда янграр эди. Шундай чуқур фикрлар топиш, шундай оташин қилиб гапириш осон эмас эди. Бир неча зум қизлар, юраклари ботинмай жим ўтиришди. Кимдир гапириши кераклигини билгандек, Саодат буви ҳам индамай ўтирар эди. Ниҳоят, Дилдора ижозат сўради:

— Сожиданинг жуда маъноли, ақлли гапидан кейин, айниқса, Нигорпошшанинг оташин сўзларидан кейин сизларга манзур бўладиган гап топиш, ўлай агар, жуда қийин. Шундай бўлса ҳам, опокилар келтирган ҳикоятда менга кўпроқ таъсир қилган бир нарса бор. Мен шу ҳақда гапирмоқчиман. Одамни бор қиладиган ҳам, бахтга ёр қиладиган ҳам — ният экан. Буни биз иккита келинчак ҳақидаги ҳикоятда равшан кўрдик. Шакархон келинсаломга чиққанда, янги қариндошларини кўриб шунчалар суюндики, қаторларига бориб туриб олгиси келди. Хоҳ ишонинглар, хоҳ ишонманглар, опокилар ҳикоятнинг шу жойини ўқиётганларида таъсирланганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетаёзди. Нимага деб сўрамайсизлар — биламан. Ўзларингиз ҳам йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб зўрға ўтирувдинглар. Нима учун шунча таъсирландик, а? Менимча, Шакархон рисоладаги келинчак, энг яхши келинчак намунаси бўлгани учун, қувончимиз ичимизга сиғмай ҳаяжонга тушганимиз учун. Қаранглар-а, Кажира эрталаб келинсаломга чиққанда

янги қариндошларини кўриб, улардан яхшилик эмас, ёмонлик кутди. «Вой қоранг ўчгурлар-эй, намуноча кўп?! Булар еб ташлашади-ку мени!» деб ўйлаб, тўнини тескари кийиб олди. Шакархон-чи? Йўқ, Шакархон унақа эмас. У етти ухлаб тушига кирмаган бу хонадонга меҳмон бўлиб эмас, бека бўлиб келаётганини, шу хонадонда томир ёйиб кетиши, ували-жували бўлиши тақдирида эканини обдан англаган пок ниятли келинчак! Шунинг учун ҳам янги қариндошлари кўзига оловдек иссиқ кўринди.

— Менда ҳам битта мулоҳаза бор эди,— деди Раъно Дилдоранинг сўзи тугаши билан.

— Гапиравер, қизим, гапиравер.

— Менинг гапим ҳам Кажира тўғрисида. Мен у қизни яхши танийман. Холамларнинг маҳалласида туради. Мен Кажирани оқламоқчи эмасман, бориб турган сатанг қиз у. Лекин ҳамма айбни Кажирага юклаб, ота-онасини оқлаганга ўхшаш гап бўлаётганига қаршиман. Йўқ, унчалик эмас. Оддий одам билан оддий одам ўртасида тафовут бўлганидек, илм кишилари ўртасида ҳам тафовут бўлади шекилли-да. Кажиранинг отаси, ҳақиқатан ҳам катта олим. Илмий асарлар ёзади, олий ўқув юртларида лекциялар ўқийди. Ишқилиб, бошини қашишга вақти йўқ эмиш, деб эшитганман-да. Ким билади, чиндан ҳам отаси қизининг танобини тортиб қўйишга вақт тополмаганми ё онаси қизини папалаб, пахтага ўраб ўстирганми, ҳар нима бўлганда ҳам Кажиранинг шу кепатага тушиб қолишида ота-онаси айбсиз эмас, менимча. Ҳатто, ота-онаси маълум даражада айбли эканига ишонаман. Нимага десангиз, мен уни ҳар кўрганимда уст-бошига, такинчоқ-безанчоқларига қараб оғзим очилиб қолар эди. Ўрта мактабда ўқиб юрганида ҳам қўлида олтин билагузукли тилла соат, қулоқларида қашқарча балдоқ, эғнида ҳали Тошкентда расм бўлмаган антиқа газмолдан тикилган кўйлак, оёқларида эса, қаёқдан топганларига одамнинг ақли етмайдиган қимматбаҳо платформа туфли бўлар эди. Бундай қимматбаҳо нарсаларга унинг ўзи бурканиб олмагандир-ку? Қизлар мактабга шунақа ясан-тусанда борса, аввало, ҳамма талаб учун мажбурий бўлган мактаб формаси бузилишини, айниқса, мактабдаги бошқа қизларнинг кўзлари куйиши мумкинлигини профессор отаси билан калондимоғ онаси билмасмиди?

Саодат буви қувончидан чарақлаб кетди.

— Жуда тўғри кўтардинг шу масалани, қизим,— деди у Раъно сўзини тугатиб жойига ўтиргандан кейин.— Ота-она қандай мавқе ва мартаба киши бўлишидан қатъи назар, ҳаммавақт ота-она бўлиб қолади. Болаларини замон киши-

лари қилиб, жамият ишига ярокли қилиб тарбиялаш — уларнинг фарзандлари олдидаги ота-оналик бурчи, жамият олдидаги гражданлик бурчи, авлод ва замон олдидаги муқаддас бурчидир. Боласи тарбиясиз, ахлоқсиз, андишасиз, фарғосатсиз, шудсиз бўлиб ўсса — ота-онанинг профессорлиги ҳам, фан докторлиги ҳам, бошқа баланд мартаба ва унвони ҳам маънавий масъулиятдан қутқариб қололмайди. Кўп афсуски, жамият қонун-қоидасига хилоф иш қилиб қўйган болаларнинг ота-оналари кўпинча хашаки баҳоналар билан ўзларини оқлашга тиришадилар. Бири командировкада эканини баҳона қилса, иккинчиси жамоат ё давлат ишлари билан бўлиб беҳабар қолганини рўқач қилади. Учинчиси эса илмий иши кисталанг бўлиб турганини, шу сабабдан боласига қарагани вақт тополмаганини айтади.

Бу сабабларда маълум даражада жон бордир, лекин масала бола тарбиясига бориб тақалганда, вақтнинг борми-йўқлиги сабаб бўла олмайди. Ота-она ҳар қандай вазиятда ҳам болаларига кўз-қулоқ бўлишга, тарбиясини бир зум ҳам эсдан чиқармасликка мажбур. Биздаги ижтимоий қонун, инсоний қонун шуни тақозо қилади! Бу қонундан озгина бўлса ҳам узоқлашиш — хатодан ўтиб жиноятга қадам қўйиш билан баробар. Ҳа, худди шундай, қизларим!

Ёмон юрсанг — кетар бахтинг қўлингдан,  
Адашма ҳеч тўғри юрган йўлингдан!  
Ёмон кулқнинг оқибати — кўп ёмон,  
Жазо тортуғунг ахир бир кун беомон!

## САККИЗИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Эрни эр қиладиган ҳам хотин,  
Қаро ер қиладиган ҳам хотин.

Саодат бувининг оқшом суҳбатлари қизлар мароқини кун сайин орттириб борар эди. Баъзи қизлар кеч кириб, соат саккиз бўлишини тоқатсизлик билан кутишарди. Шакархон билан Кажира тўғрисидаги кечаги ҳикоят қизларда жуда қаттиқ таассурот қолдирган эканми, бугун суҳбат соатини ҳам кутиб ўтирмай барвақт келиб олишди. Саодат буви бундан беҳад хурсанд эди. У ҳар бир қиз билан кўришиб, оналарининг ҳол-аҳволларини ғамхўрлик билан сўради. Кейин одатдаги вазмин овозда суҳбатини бошлади:

— Биз бу оқшомги ҳикоятимизни «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин» мақоли билан бошлаймиз. Ўзбек халқининг ҳаёт тажрибасида сайқал топган бу мақолдан равшан кўриниб турибдики, хотин бўлиш — наҳорда туриб тут қоқишдек осон нарса эмас. Бу — келин-чаклик шодиёнаси ўтиб, вафодор хотин, меҳрибон она ва ниҳоят, доно қайнана бўлгунча оила ташвиши билан яшаш, оила каму кўстини бутлаш, эр ҳурматини жойига қўйиш, эр келтирган нарсани оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўриш, охири жанжалга олиб бориши эҳтимол бўлган исрофгарчиликлардан, бебошликлардан қочиш, болаларга меҳрибон она, ғамхўр мураббий бўлиш, қайнана билан қайнатага келин эмас, умрларининг охиригача қиз бўлиб қолиш керак, деган сўз. Бу шартни эсдан чиқарган ё писанд қилмаган келин яхши хотин бўлолмайди. Аксинча, кеча муҳокамамиздан ўтган Кажира сингариларнинг ахир бир кун камуши тўғрилаб қўйилади.

Саодат буви газета қирқмаларидан иккитасини олиб, олдига қўйди. Гоҳ газетага қараб, гоҳ ўз кўнглидан чиқариб гапира кетди:

— Эр билан хотин ўртасидаги тотувлик мисоли бир дарё, унинг келтирадиган неъматини оламжаҳон. Энг аввал, оила аъзолари бундан бахт, роҳат кўради. Агар хотин эрига ширин тил, яқин дил бўлса, ўзини оилада одоб, андиша доирасида тутса — бундай хотин эрига суякли хотин, болаларига меҳрибон она, маҳалла-қўйда ибрат маликаси бўлиб

қолади. Ана шундай хотинларнинг қизлари она изидан боришга, келгуси умр йўлдошларига онаси сингари ҳурмат-иззат билан қарашга ўрганадилар. Лекин, афсуски, жамиятимизда минг-минглаб Шакархонлар орасида якка-дуқка Кажиралар ҳам учраб туради. Бундайлар эрни эр ўрнида кўришмайди, эр гапини назарга олишмайди. Оқибатда ўзларигагина эмас, оила фароғатига, айниқса, жамият раванқига маълум даражада зиён етказадилар. Шу ҳақда маданиятимиз онахонларидан бири — филология фанлари номзоди Музайяна Алавия хоним «Болаларингизнинг отаси» номли оташин мақолалари билан биз аёлларга мурожаатда бўлдилар. Мен ана шу кўп доно, кўп боандиша фикрлар билан тўлиқ мақоладан ўзимизга керакли жойларини сизларга ўқиб эшиттирмоқчиман, қизларим.

Қизлар чуғурлашиб, ўкиб беринг, опоки, жон деб эшитамиз, дейишди. Саодат буви мақола парчаларини ўқишдан олдин шундай деди:

— Ҳурматли олимамиз бахтли совет хотин-қизларимизнинг юксак маънавий мавқелари ва бизнинг социалистик жамиятимизда таъмин ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида, мамлакатимизда аёллар қўли тегмаган бирон хўжалик, маданий соҳа йўқлиги ҳақида анча батафсил сўз юритганларидан кейин, мақолаларида шундоғ дейдилар:

«...Алишер Навоий хотинлар ҳақидаги ҳикматларида: «Уйнинг оройиши, уйликнинг осойиши — хотинда; жамоли бўлса — кўнгилга марғуб, ақли бўлса — жонга матлуб; ақлли бўлса — рўзғорда интизом, уйнинг тартиблию саранжом; қайғули кунда ҳамдамнинг, дардли дамда малҳаминг, ёмон тиллик бўлса — кўнгили яралик, ёмон ишлик бўлса — юз қаролик!» — деган эди. «Хотин покиза бўлсин, эрга содиқ дўст, вафоли ёр бўлсин, ҳаёли, андишали, тили тотли бўлсин; хушфёъл, хушатвор бўлсин», дейди доно халқимиз. Ҳар бир аёл, ҳар қанча ҳуқуққа, ҳар қанча амалга, ҳар қанча давлат ва мавқега эга бўлганда ҳам халқимизнинг бу доно ўғитларини эсда тутиши лозим.

Хотин-қизларимизга берилаётган беқиёс имконият ва имтиёзлар, доимий ғамхўрлик ва эътибор, шубҳасиз, биз аёлларнинг бошларимизни осмонга етказди. Лекин бу улғу неъматларни суистеъмол қилувчилар ҳам борлиги бизни афсуслантирмай қўймайди. Назаримда, баъзи аёллар бу олижаноб имтиёзлардан кибрланиб кетишаётганга ўхшайди. Айрим аёлларнинг хулқ-атвори, юриш-туриши, жамиятда ўзини тутиши, ахлоқ-одоб доирасига сиғмайдиган бетайин қилиқлари бизни ўйлатиб қўйяпти. Эраклар билан ҳуқуқимиз бир деб, эрни эр ўрнида кўрмайдиган аёллар ҳам баъзан

учраб қолади. Бундай аёллар тенг ҳуқуқлик замирида ўзларининг аёллик латофатларини, оилага, бола-чакага меҳру муҳаббатларини, айниқса, аёллик латофати, андишасини ортирувчи куч борлигини англамасалар керак.

Яхши аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўз латофати ва меҳру шафқатини йўқотмайди. Хоҳ олима, хоҳ шоира, хоҳ баланд мартаба соҳибаси бўлсин, бари бир, у ҳамма шароит ва муҳитда аёл, хотин, она бўлиб қолади. Шунинг учун керилиб-гердаиш, мен фалончиман, деб ҳаволаниш, эрга ўдағайлаш — аёл шаънига иснод. Жуда катта иснод! Яхши хотин эрини ўзига фақат умр йўлдоши дебгина тушунмайди. Айни замонда болаларининг гамхўр отаси, оиласининг суянчиғи, ўзининг забардаст ҳимоячиси ҳам деб тушунади. Эрининг шунақалигидан фахрланади. Ахир эр уйда бўлса, ҳаммаёқ ёришиб, тўлиб кетгандай бўлади. Қизларим, ҳар бир хотиннинг ўнг кулоқ-сўл кулоғида бўлсин; эр — оила бошлиғи. Уни иззат қилиш керак. Эр келиши билан уй файзга тўлиб кетади, ҳамма нарсага руҳ, жон киради. Лекин бу нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Буни хотин, яъни эр ҳурматини жойига қўйган яхши хотин вужудга келтиради. Эр кўчадан кирганда, яхши хотин «ҳорманг» деб кутиб олади. Ширин гапириб, ширин қабул қилади. Болалари шўхлик қилаётган бўлишса, уларни тинчитади, эри олди-га чой келтириб, ҳол сўрайди. Бирон гап бўлса, ётиғи билан айтади. «Эрталаб тайинлаган нарсамни қилмабсиз!» — деб дўк урмайди. Ишдан чарчаб келган эрини бемаъни ғидибидилар билан таъбини хира қилмайди. Овқатини заҳарга, тўшагини тиканга айлантирмайди.

Баъзи бетамиз хотинлар эрдан баланд келиш мақсадида уни хўрлайдилар. Ана шундай пайтларда эр жанжални газак олдирмаслик учун ўзини босса, фаросатсиз хотин, мендан кўрқяпти, деб авжига чиқади. Ҳатто уй сирини кўчага олиб чиқишдан ҳам тоймайди. Эр сирини, уй сирини кўчага чиқариб ёйган хотин — ҳеч қачон садоқатли, вафоли турмуш йўлдоши бўла олмайди. Бу хунук қилиқ ўзи севиб бир ёстиққа бош қўйган эрининг қалбида муз бўлиб қолади. Ўртадаги муҳаббатга, иззату ҳурматга путур етади.

Яна бир афсусланадиган жойимиз шуки, қизлар, ўйламай босган одими билан эрини беобрў қиладиган, иш жойидан кетишга сабаб бўладиган хотинлар ҳам учраб қолади қаторимизда. Бундайлар эрларини беобрў қилиш билан бирга ўзларини ҳам, болаларини ҳам ерга қаратиб қўяётганларини тушунишса эди! Йўқ, тушунишмайди! Аксинча, умр йўлдошимизнинг хатосини кўрсак, кўчага чиқиб жар солгандан ё ишхонасига бориб арз қилгандан кўра, ими-жимиди

босиб олишга ҳаракат қилсак бўлмайдими? Бўлади. Фақат бунинг учун истак, ҳаракат керак. Яхши хотин, яхши аёл, яхши инсон бўлиб қолишни истаган, номига гард туширишдан ҳазар қилган хотин шу одамий йўлни танлайди, шу пок йўл билан боради, эрини ерга киргизмайди, йўқ-йўқ, баланд-га, шону шуҳрат аршига кўтарайди!»

Саодат буви сўнги кийим сатрларни чуқур ҳис ва баланд ҳаяжон билан ўкиди. Кейин газета киркимларини яна папкага солиб, оғир бир нигоҳ билан қизларга қаради.

— Қани, сизлар нима дейсизлар, қизлар? — деди.

Қизлар ҳам Саодат бувидан кам таъсирланишмаган эди. Шунинг учун дарров бир нарса дейишга шошилувчи бўлмади. Орадан жуда узоқ туюлган лаҳзалар ўтди. Ниҳоят, Ёркиной ойдай чарақлаб ўрнидан турди.

— Қарс икки қўлдан чиқади, деган гапимиз бор. Қайдам, эру хотин ўртасидаги муносабатга шу гапни ҳам татбиқ қилса бўладими-йўқми? — деди у Саодат бувига савол назари билан қараб. Опоқи бир нима демади. Шундан кейин Ёркиной яна сўзини ўзи давом эттирди: — Фикримча, татбиқ этса бўладиганга ўхшайди. Нимага десангиз, иззату ҳурмат, яхши муносабат ҳар икки томондан бўлганда, тотувлик булоқ суви сингари ўзи қайнаб чиқаверса керак, дейман-да. Пайқашимча, опоқимлар суҳбатларини бир ёқлама олиб боряптилар, яъни оила пойдеворини мустаҳкамлашдаги эр билан эркак зиммасидаги қарзни, катта оилавий бурчни тилга олмай, қизлар, келинлар, хотинлар зиммасидаги бурчгагина тўхтадилар. Шу сабабдан ҳам ҳамма гапимиз фақат аёллар, хотинлар, қизлар устида боряпти. Шу ерда бир афсусланадиган жойимиз бор, назаримда. Бу мунозарамизни коғозга тушганда ўқиган ё оркаворатдан эшитган баъзи номард эрлар хотинларига ўдағайлаб: «Ана, кўрдингми, Саодат бувидай доно хотинки: «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин», депти-ю, сен бўлсанг нуқул мени айблайсан! Ҳақиқатда эса, турмушимиздаги ҳамма чатоқлик мендан эмас, сендан экан!» дейиши мумкин. Ҳа, сира уялмай, қизармай, номуссизларча, виждонсизларча шундай дейишади! Ҳолбуки, ўзлари рўзғорга қарашмайди, болаларига кийим-кечак олиб беришмайди, ойлигини аллақерларда йўқ қилиб, пулим йўқ, деб без бўлиб олади. Бу нарсалар эр учунгина эмас, эркак киши учун катта номус эканини тан олишмай, ҳатто, болаларининг озиқ-овқатларига ҳам қарашмайди ё қарашса ҳам енг учидagina у-бу қилиб қўйишади. Хотин маошини рўзғорга етказолмай қийналгандан эса, хотинидан икки ё икки ярим баравар ортик маош олишига қарамай: «Хўп, бўлмаса, рўзғорни бир ой сен теб-

рат, бир ой мен тебратай», деб «олижаноблик» қилишади. Айтинглар, одамлар, бу беор, беандиша одам қандай эркак, қандай эр, қандай ота бўлди шу «чайқовчиликдан», шу «еймачиликдан» кейин? Ахир оталик бурчидан, эрлик бурчидан тубанларча қочиш-ку, бу! Мен ўйлайманки, опоқимлар «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» дейилган халқ мақолини келтирганларида эр, ота номига доғ туширмай юрган ҳақиқий инсонни назарда тутганлар. Оиланинг моддий чиқимидан, болаларининг уст-бошига, коринларига зарур бўлган қонуний харажатдан қочган номард эрни, бемехр отани кўзда тутган эмаслар! Бу ҳеч қандай куракда турмайдиган номаъқулчилик-ку! Бундай номаъқулчиликни кўтаришга ор қилмайдиган биронта курак топилармикан дунёда?! Топилмас-ов! Мен аминман, эркаклар хусусида ҳам алоҳида суҳбат қурилиб, бемехр оталар ва номард эрлар қилмиши бешафқат очиб ташланади. Мен ўшанақа эрларнинг ўзларини гўлликка солганларига ажабланаман. Ахир хотиндан эрлик ҳуқуқини, эрлик хурматини талаб қилишдан аввал, эрнинг ўзи ҳақиқий эр бўлиш, эрлик бурчларига содиқ қолиш ғамини еса яхши бўлар, одабийлик бўлармиди?

— Албатта, албатта, қизим!— деди Саодат буви.

Ёркиной кичик бир таъзимдан кейин сўзини давом эттирди:

— Модомики олдимиздаги ҳозирги вазифа хотинлик бурчи устида экан, яна шу ҳақда — хотиннинг эри олдидаги бурчи ҳақида гаплашамиз. Лекин мен, бу ерда ўтирган кизларнинг ҳаммаси бу ҳақда асослироқ, қуқурроқ қилиб гапиришга анча ожизмиз. Шунинг учун...

— Шунинг учун опоқимларнинг ўзлари гапирсинлар, демокчисиз-да, а? Вой қайрилма қошларига Отика оповси тасаддуғ-эй! Яхши, айни кўнглимиздаги гапни айтдингиз, Ёруғ ойим! Келинг, биз ҳам ёнингизда туриб, опоқимлардан сўрайлик, суҳбатларининг буёғини ҳам забардаст елкаларидан туширмасинлар.

Отиканинг беозор ҳазиллари ҳаммани, ҳатто Саодат бувини ҳам жон-дилдан кулдирди. Опоқи хўп маъносида бошини аста эгиб сўзлаб кетди:

— Турмуш қурган аёл бошидаги ташвиш шу қадар кўп бўладики, санасанг ё кўз олдингга келтирсанг, ваҳимадан юрагинг орқангга тортиб кетади. Овқат пишириш, кир ювиш, дазмол босиш, уй тозалаш, ҳовли супуриш, идиш-товоқ ювиш, бола боқиш, бозор-ўчарга югуриш, болаларни боғчага олиб бориб, кечқурун яна боғчадан олиб келиш, боғчада, мактабда, ота-оналар мажлисида ё мақтов, ё танқид

эшитиш... Тавба, шунча ташвиш етмагандек, яна кап-катта эрга ҳам қарашимиз керак! Шу қилганимиз тўғрими? Менимча, тўғри. Нима учун тўғри? Қани, кизлар, айтинглар-чи, нима учун тўғри?— Қизлар чурқ этишмади.— Демак, сизлардан жавоб йўқ. Хўп бўлмаса, ўзим жавоб қиламан. Биз аёллар ширин сўз, ширин муомалага қанча ўч бўлсак, эрлар ҳам парваришга шунча ўч бўлишади. Бунинг боиси бор. Хотин кишининг кўзи табиатан ўткир, миришкор. Ҳамма нарсани бир кўришдаёқ билиб, баҳолай олади. У шундай қобилиятга эга. Масалан, рўпарангиздаги одамнинг кийимида доғ, гижим борми, тугмаси тушган ё осилганми, сочи таралган ё тўзғиганми — бу нарсаларни аёл киши дархол кўради ва кўриши керак. Агар шундай камчилик эрингизда бўлса-чи? Яъни эрингизнинг кўйлаги дазмолланмаган, ёқаси кир, галстуги кийшик, пиджагининг олди доғ дейлик. Бунга ким айбдор? Эр. Шундайми? Ҳа, маълум даражада эр айбдор. Лекин юз фоиз эмас. Аслида эса, менимча, бунда хотин айбдор. Нимага дейсизлар, албатта. Хотин кишининг-ку, кўзини ўткир, дидини нозик дедик. Шундоғ бўлгандан кейин нима учун эрининг уст-бошидаги шу камчиликларни кўрмади? Бу хил камчиликларни кўриш хотин учун бурчми ё фазилатми? Бурч десак, янгиликни хато тушунадиганлар Эскилик деб айюҳаннос солишади. Йўқ, эскилик эмас. Ким айтди эрнинг уст-бошидаги камчиликни хотини кўрмаслиги керак, деб? Йўқ, ҳамма жамиятларда, ҳаммавақт бор эди, бундан кейин ҳам бўлади, чунки бу шунчалик бурч эмас, фазилат ҳам. Хотин кишида фазилат қанча кўп бўлса, шунча яхши. Ана шундай фазилатга эга бўлган хотин нима учун эрининг уст-бошидаги шу камчиликларни кўрмади? Нима учун эрини шундай камчиликлар билан кўчага, эл кўзига чиқарди? Ана, кўрдингизми? Эрдаги нуқсонни кўрган одам энг аввал хотинини айблаيدди. Тўғри айб, чунки эрини шу кепатада кўчага чиқарган хотиннинг ўзи ҳам ҳалигидек кир-чир юрадиган қасанғилардан бўлса керак-да. Шунақа, қизларим, бўлғувси умр йўлдошингиз кийиниб ишга кетаётганида бир кўздан кечиринг: кўйлаги яхши дазмолланган, галстуги тўғри боғланган, сочи таралган, пиджагига доғ тушмаган бўлсин.

— Опоқи,— деб қолди бирдан Ҳилола,— ҳамма нарсани хотин қилаверса, эр оқ пошшо бўлиб ўтирар экан-да! У ҳам қарасин-да, ўзига...

— Биласизми, Ҳилолахон, ҳамма эркак ҳам барча ишни қилавермайди. Яъни, қўлидан келмайди, қилолмайди. Неппа-нозанин кир ювадиган, ош пиширадиган, ҳовли супу-



радиган эркаклар ҳам бор дунёда. Лекин бундайлар бармоқ билан саналса керак. Эркак киши кир ювишни билмаса, овқат пиширишни билмаса, ховли супуришни билмаса — айб эмас. Аммо шу юмушларни хотин киши билмаса — айб. Ўзининг тугмасини, эрининг тугмасини қадашни билмаган хотиндан: «Қаерда, қандай тарбия олгансан?» — деб сўрашар одамлар? Сўрашади. Албатта, сўраши керак. Шунинг учун кийим-кечакдаги, кийинишдаги нуқсонлар эрга ташлаб қўйиладиган бўлса, энг аввал, бунинг ўтида ўзимиз ёнсак керак, қизлар? Эр кийимидаги нуқсонларни ўзи ўнглаб олар, деб хотиржам юраверсак, эрни ёру дўстлари, таниш-билишлари, хизматдошлари — жамоат олдида эрга урган бўламыз-ку!

Эрни эрга киргизиб юборадиган совуқ муомалалардан яна бири — эрнинг қариндошларини сиғдирмасликдир. Бу қилик, менимча, қариндошларга қилинадиган қилиқлар ичида энг хунуги бўлса керак. Ҳозир бир нарса эсимга тушиб кетди. Ўзларингиз ҳам билсаларингиз керак, аёллар орасида «сават бош», «илон бош» деган гап юради. Сават бошлар — эр қариндошларию илон бошлар — хотин қариндошлари эмиш. Эр қариндошлари келса келин эшигидан ўтолмас экан — савати халал берав экан-да. Келин қариндошлари келса-чи, о-о, эшиги тугул тешигидан ҳам илон сингари силлиққина ўтиб олар экан. Бу гап ҳар қанча кулгили бўлса ҳамки, начора, ҳаётда бор. Баъзи нодон хотинлар ўзларининг қариндошларини папалаб осмонга кўтаришади, меҳмон бўлиб келиб қолишса, ўтказадиган жой тополмай, чарх уришади, оғизларидан бол томизишади, энг тансиқ овқатлар қилиб олдиларига қўйишади. Эр бечоранинг қариндошлари келса-чи? О-о, сўраманглар! Муомаласи — муз, оғзидан чиккан сўз — муз, кўз қараши — муз, ҳаммаёқ муз! Бундайроқ овқат пишириб келиш уёқда турсин, олдида дастурхон солишга ҳам қўли бормади. Мана энди ўзинглар ўйлаб кўринглар: қариндошлари мана шу тахлит хор қилинганини кўрган ё эшитган эр эзилмайдими? Эзилади. Хотинининг бешармлиги, беандишалиги туфайли қариндошлари олдида эрга кириб кетмайдими? Албатта, эрга кириб кетади. Эри билан умр қилиб кетиш тилагидаги хотин эрининг қариндошларига наҳотки шунақа совуқ муомалада бўлса?! Йўқ, бу шармандагарчиликнинг бориб тургани! Бундай хотин бағрида иссиқ муҳаббат эмас, совуқ илон ётади!

Яхши хотин эрининг қариндошларидан ноҳўя гап эшитганда ҳам, бир қулоғидан киргизиб, иккинчи қулоғидан чиқариб юборади. Гап чақиб, эр билан қариндошлари

ўртасига совуқчилик солмайди, аксинча, ўрталарида низоми-нифокми бўлса, уни ўртадан кўтариб ташлаб, яна боягидек иттифок бўлиб кетишлари учун зарур чораларни кўради. Эрининг вақти ё иложи бўлмаганда ўзи уларни йўқлаб, каму кўстларини баҳоли кудрат тўғрилаб беради. Бундай хотинни халқимиз олтин хотин дейди.

Ўз қадрини билмаган хотинлар тоифасида эрни эрга киргизадиган яна бир хили ҳам бор. Эри битта-яримта оғайниси билан уйга кириб келса, худди бор-йўғини еб-талаб кетадигандек, кўзи тепасига битиб, ҳушидан кетар даражага келади. Оғайниси эрини ёмон йўлга бошлайдиган ёмон хулқли одам бўлмаса ҳам, етти ёт бегона эмас, эрининг хизматдоши ё ҳамкасби эканини билса ҳам шу совуқ қилиғини қўймайди. Эр бечора ўртоғи олдида нима деган одам бўлди? «Ер ёрилса-ю, эрга кириб кетсам!» — демайдими шундай пайтда! Дейди. Ер ёрилмасданок аллақачон эрга кириб кетган бўлади. Хотиннинг шундай бемаъни қилиғидан кейин эр шўрлик ёру дўстлари, ҳамкасблари орасида қандай бош кўтариб юради? Ўзимиз дугонамиз билан уйимизга бир яйрашайлик деб кириб келсак, эримиз бизни шундай хунук қабул қилса, қандай ахволга тушар эдик? Ҳа, баракалла. Олдин пичоқни ўзингга ур, оғримаса бошқага, дейдилар. Фараз этайлик, ўртоқлари хотинининг бетамизлигини бетига солмаганда ҳам, ҳазил орасида билибми-билмайми: «Э қўй, бу эркакларнинг иши!» деб юборса, эри хижолатдан кип-қизариб, юраги қонга тўлмасмикан? Оқибатда асаби бузилиб, бирон ёмон дардга чалиниб қолмасмикан? Эр касалманд бўлиб қолса ё дард олиб кетса бунинг алами кимнинг бошида? Энг олдин хотин бошида бўладими? Ҳаммадан кўп эзиладиган, бемаъни хатти-ҳаракатларидан пушаймон бўладиган яна ўша зикна хотин бўладими? Ҳа, баракалла! Модомики, шундай экан, эрни тириклигида, соғлигида эзмасак, бемаслаҳат иш қилмасак, бемаъни рафторимиз билан эрга қаратмасак, қайтага асрасак, соғлиғини — саломатлигини ўйласак, кўчада, эл орасида эркакларга ярашадиган бир гурур билан бош кўтариб юришининг ғамини есак — бундан энг кўп ўзимиз наф кўрамыз, ёмон хотин деган тавқи лаънатдан қутуламыз. Шунақа, қизларим, эр кўнглини топган хотин — доно хотин, бугуни ҳам, эртаси ҳам порлоқ хотин, ўктам хотин! Эларингиздан чикмасин, қизларим, халқимизда: «Яхши хотин — нақд олтин!» деган гап бор. Иннайкейин, ўтмиш шоирлари ҳам:

Хотин бўлса қобилу ақли расо,

Эрни шох этар гар ул бўлса гадо! —

деганлар. Қанчалик доно гаплар булар. Шундай васият ва насиҳатларга қарамай, мен сенга керак бўлсам — кўнглимни топ, бўлмаса ана — катта кўча, тўрт тарафинг — қибла, кетавер, дейдиган хотин ўзига хорликни ихтиёр қилган нодон, нонтепки хотиндир. Бунақа калондимоғликдан, кеккайишдан энг олдин хотиннинг ўзи жабр кўради. Эрнинг кўнгли совийди, ўртадан меҳру муҳаббат, оқибат кўтарилади. Демак, оила бузилади, деган сўз. Ана кўрдингизми, тиканни ўзимиз босиб, яна ўзимиз дод деймиз!

Эрлик хотинлар орасида яна бир кажр тоифаси бор. Булар на қаноатни билишади ва на инсофни. Бунақаларга ясан-тусан бўлса бас. Булар ясан-тусанни рўзгор ташвишларидан юқори қўйишади. Эрларининг ҳам, ўзларининг ҳам хизмат маошларидан ортиқ топар-тутарлари йўқ. Демак, оила бюджети ортиқча орзу-ҳавасни кўтармайди. Буни хотиннинг ўзи ҳам яхши билади-ю, тагин эрига уни олиб бер, буни олиб бер, деб хиралик қилади. Тирикчиликдан қийналиб қоламиз, болалар бор, деса, бунга ҳам жавоб тайёр: «Болалар бир-икки ой нон-чай ичишиб туришар, очдан ўлиб қолишмас», дейди. Эр бу нотўғри йўлга юришга рози бўлмаса, хотин бирдан ўдағайлаб, ҳаволанишга тушади: «Фалончи ўртоғимнинг эри фалон нарса олиб берибди, пистончи ўртоғимнинг эри пистон нарса олиб берибди. Мен шу эски модада юравераманми?» — деб туриб олади. Эр бечора олиб беролмагани учун эзилади. Гоҳо жаҳли чиқиб, қаттиқ-қуруқ гаплар ҳам гапириб юборади. Хотин аразлаб, болаларини етаклаб отасиникига кетади. Лекин отасиникига қуруқ бормайди. Бир дарё кўз ёши оқизиб боради. «Мени қандай гадойваччага бердинглар?! Ҳеч нарса киймай, ёш умрим эски-тускида ўтиб кетяпти!» — деб энди ота-онасига дағдаға қилади.

Хўш, бу қанақа қилик? Фалончи фалон нарса кийган бўлса, бутун жамият, бутун башарият шунақадан кийиши керакми? Иннайкейин, иложи бўлгандирки, кийгандир. Эрининг ҳозирча иложи йўқ экан, бу умрининг охиригача эски модада ўтиб кетасан, деган сўз эмас-ку. Иложи бўлар, олиб берар. Шунга ҳам эрини эзиш, кунини кунидан кўрсатиш керакми? Йўқ, оппоқ қизларим, турмуш — яса-ниб-тусаниб чиқиладиган байрамгоҳ эмас. Унда ҳамма нарса бўлади: етишмовчилик ҳам, муҳтожлик ҳам, гоҳо кўз ёшлари, кўнгил озори ҳам. Шунисига чидасанг — маза сенники, бўлмаса — Кажира қисмати!

Саодат буви чарчадими ё ўзи айтган гаплардан ўзи ҳам таъсирландими, бир неча дақиқа пешонасини ушлаб, ерга қараб ўтирди. Қизлар ҳам эзгин ҳолатда эдилар.

Чурк этувчи бўлмади. Анчадан кейин Саодат буви бошини кўтарди. Кекса чехрасига нур югуртирган ёқимли бир жилмайиш билан сўзини давом эттирди:

— Бундан ярим асрча, балки чорак асрча аввал оилалар жуда тор ҳовли-жойларда сиқилиб туришар эди. Ҳар ҳолда, аксарияти шундай эди. Буваю бувидан тортиб ота-она, ёш келин-куёв, неvara-чеварагача — ҳаммаси иложсизликдан бир ерда туришар, бир қозондан ош ичишар, бир бошпана тагида қийналиб умр ўтказишар эди. Хайрият, у қийинчиликлар узоқ орқада қолиб кетди. Энди шаҳарларимизгина эмас, қишлоқларимиз ҳам янги тус олди. Ўғиллар уйланиб, секцияларга кўчиб чиқишяпти. Демак, янги, ёш оилалар кўпаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхши. Лекин ота-оналарини эски ҳовлиларида қолдириб кетаётган фарзандлар қариялардан хабар олишяптими? Ё ота-оналари олдидаги қиёмат қарзларини унутиб, бегоналашиб кетишяптими? Бизни мана шу нарсалар ташвишга солади. Мен ўзимизнинг маҳалламиздаги аҳволга қараб, бир нима дейдиган бўлсам, йўқ, ҳамма ёш оилалар ҳам ота-оналарини эсдан чиқариб, ҳол сўраб туришмайди, деёлмайман. Маҳалламизда, умуман, шаҳримизда ота-оналардан алоҳида турадиган шундай ёш оилалар борки, улар миллий байрамларда ҳам, инқилобий-замонавий байрамларда ҳам, айниқса ота-оналарининг туғилган кунларида уларни келиб табриклашади. Пазанда ўғил-қизлар тансиқ овқатлар пишириб сийлашади. Хўш, бу барака топкурларнинг асл инсонлар эканини маҳалла аҳли билмайди, дейсизми? Билади. Айниқса, ота-онасини унутмаган, уларнинг соғ-саломатликларидан хабар олиб турган меҳрибон фарзандларни жуда яхши билади.

Саодат бувининг юзи бирдан ўзгариб, ковоғи тушиди. Бир неча зум пастки лабини тишлаб турди. Кейин бирдан бошини кўтариб, шиддат билан гапира кетди:

— Лекин билибми-билмайми, ота-оналарига озор етказиб қўяётган бепарво фарзандлар ҳам учраб туради. Бундайлар ота-онанигина эмас, атрофда кўриб, пайқаб турган одамларни ҳам хафа қилаётганларини билишмайди-да! Уруш вақтида қийинчиликлар жафосини мен билан бирга тортишган бир заҳматкаш дугонам бор эди. Бетоб деб эшитиб, яқинда уйига кўргани бордим. Оғир ётган экан. Мени кўрди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Қани энди юпата олсам! Битгаю битга ўғли бор эди. Қанча қийинчилик билан боққани, ўзи емай боласига егизгани ҳали-ҳали эсимда. Ўша оғир маҳаллар ишхонамизда аталага ўхшаган бир нарса беришар эди — кундузги танаффусда. Бечора

шуниям ичмай, боласига олиб кетарди. Мана энди, ўсиб-улгайибди, катта бир идоранинг бошлиғи бўлибди. Тагида машина эмиш. Гапнинг қисқаси, ўзидан тинчиб, онасидан хабар олмай қўйганмиш. «Соғ вақтларимда-ку унча билинмас эди, ётиб қолганимдан кейин чидаёлмаяман — боламни кўргим келаверади. Икки кўзим кўчада — ўғлим келиб қолармикан, деб. Хайр, ўзи-ку келолмапти, мундоғ болалариними, хотининими юбориб, хабар олдирса бўлмай-дими?! Шуниси алам қилади, Саодатхон! Вой уни деб тортиган азобларим, биласиз-ку!» деб роса йиғлади. Мана шу аянчли воқеанинг ўзини таҳлил қилиб кўрганимизда ҳам хотин зиммасидаги айб эрникидан ошиб тушади. Тўғри, фарзанд ҳар қандай шароитда ҳам ота-она ҳолидан хабар олиб туришга мажбур. Бунга уни ота-онаси олдидаги қиёмат қарзи мажбур қилади. Лекин куракда турмайдиган ноҳўя баҳоналар билан ўзини оқлашга тиришиш — гумроҳлик устига қилинган гумроҳликдан бошқа нарса эмас. Мен ана шу «вақт тополмадим, ишим кўп эди-да», деган сўзини онасидан эшитиб, уйига бориб, ўзи билан гаплашдим. Уялтирдим — пинагини бузмайди. «Куним мажлис билан, қисталанг ишлар билан, командировка билан ўтса, онамни кўришга қаердан вақт топаман, холажон!» — дейди мендан шафқат тилагандай ёлвориб. Лекин мен гапига тирноқча ҳам ишонганим йўқ. Ишонмайман бунақа баҳоналарга! Булар сабаб эмас, куруқ баҳона! Хўп, у киши-ку катта одам экан, иши кўп экан, қон йиғлаб, кўришга зор бўлиб ётган онаизори қошига келолмапти, а? Бўлмаса нимага болаларини юбормайди? Хотинчасини-чи?

Эр-хотинни олдимга ўтқазиб олиб, иккаласини роса тузладим!

— Келинпошша, — дедим тутақиб кетиб. — Салимжон сизга уйланмасдан бурун ўғиллик бурчини бажо келтириб, онасини бошида кўтарар эди. Бирон ширин нарса топса, томоғидан ўтмай, онасига келтирар, онаси бетоб бўлиб қолса докторма-доктор югуриб, соғайтириш йўлини қидирар эди. Энди нима бўлди Салимжонга? Ким эрингизнинг бағридан онасига бўлган меҳру муҳаббат илдиэларини бағритошлик билан юлиб ташлади? Бу сиз эмасмисиз, келинпошша? — дедим, ранги оқариб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Қарасам, оёғимга йиқилиб қарғанадиган. Билдимки, Салимжоннинг юрагига бепарволик уруғини сочган бу эмас. Айтди ҳам, қарғанди ҳам. Ишлари кўп шекилли, деб бепарво юраверибман, деди. Бепарво? Эрни ерга киргизиши аниқ бўлган нарсада қандай хотин бепарво қолади? Йўқ, минг қарғанмасин, минг тавба-

тазарру қилмасин, бари бир, айбнинг каттаси хотинда! Эрининг иши ҳар қанча кўп бўлганда ҳам онаизорни кўриб келиш учун бир соат-ярим соат вақт топиши мумкин эди. Бу хотин эса онасини йўқламай қўйганлиги сабабли эрининг юзи қора бўлиши муқаррарлигини ўйламаган. Эри боролмаганини кўриб туриб, болаларини юбормаган, ўзи ҳам бормаган. Хотинлар томонидан бўладиган мана шунақа бепарволик, тепса-тебранмаслик ҳам эр қадрини ерга уради, эр юзини қора қилади.

Саодат буви гапни тугатмасданок, Отика ўрnidан даст туриб кетди. Нафрати юзига ургани шундоққина кўриниб турар эди.

— Онангдан хабар олмабсан, деб ўша онабезорининг башарасига туфламадингизми, опоки? — деди одатдаги хазилларини бир ёққа йиғиштириб қўйиб. — «Айбнинг каттаси хотинида», деб жуда тўғри айтдингиз. Хотини одам бўлса, эрини қўярда-қўймай онасиникига олиб борар, фарзандлик меҳрининг йўқолишига эмас, кучайишига сабабчи бўлар эди. Бундай ярамас хотиннинг Кажирадан нима фарқи бор? Бу ҳам ўша қоранг ўчгурнинг биттаси! Адресини айтинг, опокижон, бориб бир бошлаб келай!

Қизлар оғир ҳолатда ўтиришса ҳам, бари бир, пиқирлаб юборишди. Саодат буви оғзидан хазил-кулги аримайдиган бу хушчақчақ кизни ёшлигидан билар эди. Ҳеч ким, ҳеч қачон ҳеч қандай қаттиқ сўз билан жаҳлини чиқара олмайдиган бу бир қоп ёнғоқ сингари шалдир-шулдур кизни ғазаб чангалидан қутқазиб учун Саодат буви шарақлаб қулди.

— Вой, қандай қилиб одамнинг бетига туфлаб бўлади, айланай? — деди у қулгисини зўрга босиб. — Мендан эшитган дакки-дашноми сен айтганингдан камми, болам? Билган кишига бу ўн марта туфлагандан баттар-ку?

— Ҳа, билган кишига!

— Билди. Хотини ҳам, ўзи ҳам ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетишмади. Шундай мулзам қилдимки, олдимда отланишиб, онасини кўргани, агар рози бўлса бутунлай кўчириб келгани кетишди.

Энди Отика хандон уриб қулиб юборди:

— Вой тавба, қандай қилиб вақт топибди? Мажлислари, қисталанг ишлари деваланиб ётарди-ку амалдор амакимларнинг?!

— Шунақа, қизим, кимки хоҳласа, ота-она ҳурматини, улар олдидаги фарзандлик бурчини эсдан чиқармаса, ҳаммавақт, ҳамма ерда хабар олиб туришга имкон топади. Мен ўйлайман, ҳатто ишонаман ҳамки — агар хотин эрини эл

олдида уятга колишини истамаса, ҳеч бўлмаса байрамларда, айникса, қариялар бетоб ётган кезларда эрини ёнига олиб, болаларини ҳам етаклаб, бориб кўриб келади. Бу унинг келинлик, хотинлик, инсонлик бурчи.

Келинлар, бугунги суҳбатимизни ҳам бир шингил шеър билан тугатайлик:

Эрни эр қилдинг — топдинг эътибор,  
Эрни ер қилдинг — ўзинг бўлдинг хор!

## ТЎҶҚЗИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Онани дейдилар — ернинг қуёши,  
Башарият ақлу ҳиссининг боши.

— Қизларим, мушарраф она, мукаррама она мадҳу саноларидан бирини ўқиб бердим сизларга. Огоҳ бўлинглар, она ҳақида айтилган баландпарвоз хушомад эмас бу. Йўқ, бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат, бор гап. Чиндан ҳам бутун борлик, бутун ҳаёт ерда экан, одамзод ерда туғилиб, ердан вояга етар экан, унга ҳаёт берган, ақл берган, тил берган, уни ҳаммавақт ҳаракатга келтириб турувчи ҳис-туйғу берган она экан, уни ер қуёши, одамзод қуёши, ақли-идрок қуёши демай бўладими. Меҳрибон онани мадҳ этиш-ни, унинг табаррук пойига дил дурларини тўкишни ўзига шараф ё она олдидаги муқаддас бурч деб билмаган бирон шоир ё олим ўтганмикан тарихда? Оналар ҳақида улуғлар айтган мадҳу санолардан мисоллар келтирмоқчи эмасман. Аввало, улар кўп, қолаверса, ҳаммага маълум. Мен фақат замонамиз қалам соҳибаларидан бирининг она ҳақида ихчамгина тавсифи бор экан, шуни ўқиб бераман. Самарқандлик Бибисора «Тонг» деган шеърда онага шундай таъриф берибди:

Ана қуёш! Нур сочиши онамдай!..

О, баркалла! Ҳақиқатан ҳам, сиз билан биз билган қуёш — коинот қуёши бўлса, она — инсоният қуёши. Биз шу қуёш нурини эмиб унамиз, шу нур туфайли ўсамиз, ўзимиз ҳам бир кун бориб қуёшчалар бўлиб етиламиз! Мана, қизларим, ҳар бирингизнинг тақдирингизда қуёш бўлиш шарафи бор! Фақат бу шарафга шараф билан етиб бориш керак. Бошқачароқ қилиб айтганда, болаларига кўкрагидан сут бериб, қозонидан ош бериб боқувчигина бўлиб қолмай, уларнинг тарбияли болалар бўлишини, маънавий хазиналари энг нодир дурдоналар билан тўлишини, замонга муносиб инсонлар бўлиб етилишини ўйлайдиган, бутун меҳнат ва заҳматини шу олий мақсадга сарф қиладиган ибратли мураббия ҳам бўлиш керак. Турмуш даргоҳига қадам босдингми, бўлди, буёғига туриб

берасан! Энди сен тушиб борган ховлингда — бека, умр йўлдошингга — хотин, дунёга келадиган болаларингга — она, рўзгор ташвишларини чайир елкангда кўтариб, оила чирогини баланд ёкиб юргувчи — нурбонсан. Бу гапларни эшитган ё ўйлаган кизлар: «Вой-вуй, ҳамма ғавго биз шўрликларнинг бошимизда экан-да!» — деб ваҳимага тушишлари мумкин. Йўк, унақа эмас, айланай кизларим. Кўрққанга ҳамма нарса ҳам кўшалок кўринармиш. Шунинг учун кўрқишни эмас, дадил бўлишни ўйлайлик, шунинг пайида бўлайлик.

— Ҳамма ишни хотин бечора қилса, эр бойвачча бўлиб юрар экан-да! Йў-ўк, унақаси кетмайди! Нима, охорларидан тушиб қолишадими улар ҳам рўзгорга карашса?! — деди Ҳилола Саодат бувининг сўзини бўлиб.

Саодат буви, соддасан-да, дегандай қилиб жилмайди.

— Йўк, қизим, охорларидан тушиб қолишмайди. Тебратишаётган рўзгорларида уларнинг ҳам ўзларига яраша бурчлари бор. Агар суҳбатларимизда эрлар бурчини тилга олмаган бўлсак, уларни аяганимиз ё оиладаги бурчларидан озод қилишни истаганимиз учун эмас, ҳечам бунинг учун эмас, суҳбатларимиз фақат кизларга, уларнинг оила қурганларидан кейинги вазифаларига бағишлангани учун — фақат кизлар тўғрисида, уларнинг оилавий ҳаётдаги бурчлари тўғрисидагина гаплашяпмиз. Эски замонда эр билан хотинни оила кўшини ҳайдовчи кўш хўкиз дейишар эди. Бу анча кўпол бўлса ҳамки, ҳақиқатдан узок эмас. Бунда ўзига хос ҳикмат бор. Тўғри-да, бир томон оила кўшини ҳайдаса-ю, иккинчи томон томошабин бўлиб ўтирса — турмуш турмуш бўлармишми! Бу-ку эски замонда, оилалар маданий ва хўжалик жиҳатидан жуда колоқ, ибтидий шаклда экан пайтларда тугилган гап. Ҳозирги оилалар-чи? Эҳ-хе, ҳозирги оилаларга қиёс борми! Ҳозирги оилалар шу қадар тараққий этиб, маданийлашиб, талаб ва эҳтиёжлари шу қадар ошиб кетганки, унинг тарзи-тартибини, саранжомлигини таъминлаш — оила аъзоларининг ҳаммасидан катта эътибор ва интизом талаб қилади. Бу эътибор ва интизом бошида эса уй бекаси — она туради. Шу жиҳатдан онани оила ансамблининг дирижёри деса бўлади. Инсоният онани бошига кўтаради. Нима учун деб сўрашга ўрин борми? Менимча, йўк, ўрин йўк. Шунинг учун йўқки, онанинг буюклигини, она қалби қуёшлигини, она шафқат ва муҳаббат чашмаси эканлигини, ҳаммасидан ҳам — дунёга башариятни давом эттирувчи ўғил-қизлар инъом этаётган мўъжиза инсонлар эканлигини ҳамма билади. Мана шундай табаррук, мана шундай мушарраф она

бўлиш бахти бор ҳар бир қиз тақдирида. Демак, қиз бўлиб дунёга келибсизми, бўлди — қандай она бўлиб етилишингиз ўзингизга боғлиқ. Шунинг учун ақлингизни тананг кунингиздан бошлаб яхши она бўлиб етилиш нияти, шунинг ҳаракати билан яшашингиз, ўзингизни шунга тайёрлашингиз, ҳаётда она тадбирида кўрган ё эшитган энг яхши нарсаларингизни танангизга сингдириб, болажон она, оқила она, доно она бўлиш пайига тушинг, оппоқ кизларим!

Дилдора бошини сараклаб:

— Вой-вуй, яна битта мактабни битириш керак эканда, — деган эди, Отика жим деб қўл силтади.

— Тўғри айтдинг, қизим, бунақа олий ният учун битта эмас, ўнта университетни битирса ҳам арзийди. Лекин сен кўрқаётган университет аудиторияда эмас, ҳаётда, яшаб-кўриб турган ерингда, одамлар орасида, коллективда, жамиятда. Аудиториясиз катта университет дейдилар ҳаётни. Биз ана шу катта университетдан ўзимизга, оиламизга, жамиятга фойдали нарсаларни олишимиз, тўғрироғи, ола билишимиз керак. Ана шундагина орзуларимиз ушалади. Ана шундагина таърифли, ибратли она бўламиз. Қайси кун маҳаллаамизда бир учрашув бўлди. Шунда кўзларни атрофига кўк суртган, баланд пошна платформасида зўрға турган бир озғингина жувон: «Ҳадеб оналар унақа бўлсин, оналар бунақа бўлсин дейверасизларми-ей! Қўйинлар, хоҳлаган ошларини ичишсин!» — девди, оппоқ соқолли бир қария калласини сараклаб ўрнидан туриб кетди. Жаҳли чиққанидан бутун вужуди қалтирар эди. Шундай бўлса ҳам ўзини босиб, қарияларга ярашган бир салобатда ҳалиги жувонни танқидга олди.

— Йўк, қизим, хато кетяпсиз. Она тўғрисидаги гапларимиз жуда ўринли, ҳўп деяверинг. Мана ўзингиз ўйлаб кўринг, чироғим, она яхши бўлса, бола ҳам яхши бўладими? Ҳа, кам бўлманг. Бола яхши бўлса-чи? Ота-онанинг обрўйи — шундоғми? Обрўйигина эмас, ҳузурни ҳам. Лекин бу фақат ота-онанинггина ҳузурими? Йўк, бизнинг ҳам, сизнинг ҳам, ҳаммамизнинг ҳузуримиз! Нима учун, биласизми, чироғим? Билмайсиз. Ҳўп, унда ўзим айтиб берай. Бугунги жужуклар — эртанги буюклар, деган сўз бор. Эшитганмисиз? Эшитмагансиз. Ҳўп, ўзим айтиб бераман. Эшитиб қўйинг — бугунги болалар, эртанги эгалар деган сўз. Яъни халқимиз, давлатимиз, замонамиз шу болалар қўлида бўлади, ҳа, шундоғ бўлади! Булар келажакимизнинг эгалари. Шу боисдан бўлса керак, бизнинг мамлакатимизда болалар тарбияси биринчи ўринга қўйилган. Оппоқ қизим, болалар яхши бўлса — одамзод яхши,

одамзод яхши бўлса-чи? Биздан кейинги авлодлар ёмонлик захрини тортмай, уруш жафоси нималигини билмай тинч-осойишта яшаши. Демак, одамзод яхши бўлса — дунё яхши, одамларнинг бир-бирларига муносабатлари яхши. Уруш бўлмайди, қиргин бўлмайди, вайрончилик бўлмайди, очлик-хорлик бўлмайди. Ана шу боисдан ҳам оналар олдига талаб қўямиз: ундай бўлинг, бундай бўлинг, деб. Сиз ҳам биз айтганимизни қилинг-а, қизим, кам бўлмайсиз. Ха, сира кам бўлмайсиз!

Одамлар шундай чапак чалишдики, ҳалиги жувон айтган гапига минг пушаймон бўлиб ерга қараб олди. Мен бу нуроний чолнинг гапига юз фоиз кўшиламан. Ҳақиқатда, бола тарбиялаш — жуда масъулиятли иш. Афсуски, бу ишга ҳамма она ҳам ана шу масъулият билан қарайди, дея олмаймиз. Бирлари — бокибеғам, болаларини кир-чир ташлаб қўйишади. Яна бирлари борки, улар болаларга жисмоний тараққиёт билан бирга маънавий, ақлий тараққиёт ҳам сув билан ҳаводек зарур эканини хаёлларига келтиришмайди. Қорнини тўйдирсам, уст-бошини қилсам — бўлди, деб бемалол юраверишади. Бундайлар оналик бурчи нимадан иборатлигини билмайди ё билса ҳам парво қилмайди. «Биз ҳам бир маҳаллар ерда юмалаб катта бўлганмиз. Булар ҳам, умрлари бўлса, юмалаб-сумалаб катта бўлиб қолишади. Иннайкейин, ҳадеб ювиб-тарайверганимиз билан булар осмондаги юлдузни узиб беришармиди бизга!» — дейишади. Ким билсин, яхши ювиб-тарасангиз, яхши тарбия берсангиз, яхши ўқитиб, яхши билимдон қилсангиз, эҳтимол, бир кун Миррихга учиб чиқар, сиз ҳам Гагариннинг онаси сингари энг бахтли она бўларсиз, дегимиз келади ўшандай бокибеғамларга!

Саодат буви кўнглига келган гапдан қувонган киши сингари ёришиб кетди.

— Бугунги техника тараққиёти, инсон ақли тараққиёти, фан-ихтиро тараққиёти даврида қанийди бизнинг болаларимиз ҳам сайёраларга учиб чиқишса, а, қизлар? Бундай ҳоллар эртаклик, афсоналик фаслидан ўтди. Тўғри, ҳали Миррихга одам оёғи етгани йўқ, лекин одам қўли билан ясалган асбоблар, ақли машиналар бориб қўнди. Бу машиналар инсон ихтиёрининг эчилари эмасмикан? Ҳа, бугун машинаси борган жойга эртага инсоннинг ўзи етиб борса нежаб? Шундай, қизларим, инсон ният қилган нарсасига етади, фақат ҳаракат қилса, шу ниятини амалга ошириш пайига тушсагина етади. Ҳозир улуғ рус саркардаси Суворовнинг бир гапи эсимга тушиб кетди. Мен буни уруш маҳалидаги газеталарда ўқиган эдим. «Генерал бў-

лишни ният қилмаган солдат ҳам солдат бўлиптими!» — деган экан. Яхши гап, а, қизлар? Шунинг учун болаларимиз онгига: ҳаракат қилган, аҳду паймонида маҳкам турган ҳар бир одам замонлар ва маконлар орзусини ушалтириши мумкин, деган тушунчани сингдириб борсак — бундан ўзимизгина эмас, болаларимизгина эмас, бутун одамзод наф кўрармиди, дейман-да, болаларим. Бунақа орзуларнинг туғилиши ҳам, ушалиши ҳам кўп жиҳатдан муҳтарама оналаримизга боғлиқ. Шунинг учун болаларингизни майда, бачкана одамлар сўқмоғига эмас, улуғ инсонлар ўтиб бориб, улуғ орзуларига эришган катта йўлга, шараф йўлига бошланг. Болаларингизни урманг, сўкманг, айниқса, уларнинг иззат-нафсларига тегадиган, ҳақорат бўлиб тушадиган гаплардан қочинг. Мабодо болангизда бирон жисмоний ё ақлий камчилик бўлса, зинҳор-базинҳор уни бетига солманг. Бечора мурғакнинг куйиб юрган жонини бешбаттар куйдирасиз, қалбида тузалмайдиган яра очасиз! Бола кичкина, кўп нарсага тушунмаслиги мумкин. Лекин бу — ҳеч нарсага тушунмайди, деган сўз эмас-ку! Бола тушунадиган гаплар, бола ақли етадиган нарсалар кўп бўлади.

Болани бўлар-бўлмас нарсага хафа қилиш, айниқса, ҳақорат қилиш оқибатида уларни маънан майиб қилиб қўйишимиз мумкин. Хусусан ноҳақ, ноўрин хафа қилинган бола калтак ейишдан қўрқиб, ўз химоясига бирон сўз айтолмайди. Айтса: «Яна гап қайтарасан-а, жувонмарг!» деб бошига туширишларидан қўрқади. Оқибатда бола аламини ичига ютиб, ичидан эзилиб ё касалга йўлиқади, ё бўлмаса гап таъсир қилмайдиган без, ичимдан топ дейдиган оғзи қулф бўлиб қолади. Шундай пайтларда болаларини уриб, майиб қилиб қўядиган нодон ота-оналар ҳам учраб туради. Шундан кейин бола тарбиясидаги ижтимоий талаб олдида, шафқатсизларча калтакланган ва бирон ерига жароҳат етказилган ўз жигаргўшаларимиз олдида биз қанақа мураббий, қанақа она бўлдик, қизлар!

Саодат бувининг маънос кўзлари қизлар даврасида айлана бошлади. Болаларини уриб, майиб қилиб қўйган жохил, бемехр оналар учун айбдорлардек, қизлар ерга қараб ўтиришар эди. Анчагача миқ этувчи бўлмади. Ниҳоят даврада Ёркиннинг ёруғ чеҳраси порлади.

— Ўзимиздан қиёс, — деди у даврадаги қизларга ишора қилиб, — биз ҳам кечагина кичкина, мўртгина мурғаклар эдик. Суякларимиз қотгандек кўринса ҳам, ҳалигача мўртлигимиз бор. Назаримда, биров туртиб юборса ё бехосдан қаттиқроқ тегиб кетса, бир еримиз лат еб қоладигандек туюлади. Шунинг учун, опоқижон, айтган гапларингизнинг

хаммаси жуда-жуда ўринли. Хақиқатан ҳам, болаларга муомала ва муносабатда гоят эҳтиёт бўлинмаса, боя айтганингиздек, ё маънан, ё жисман майиб қилиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Бу борада фақат оғизгагина эҳтиёт бўлиш етмас. Қўлга, айниқса, оёққа ҳазир бўлиш зарур. Мен буни, яъни эҳтиёт бўлишликни бола тарбиясида биринчи шартлардан бўлса керак, деб ўйлайман. Битта мисол бор эди, келтирсам майлими, а, опоқи?

— Бемалол, қизим, бемалол.

— Бизнинг синфимизда ўғил болалардан ташқари ўн саккизта қиз ўқир эдик. Ҳаммамиз опа-сингиллардек кадрдон, бир-бирларимизга суянган дўсту дугоналар эдик. Минг шукр, ҳалиям шундаймиз. Ўртамиздаги дўстликдан, кадрдонликдан ҳар қанча гапирсам, ҳар қанча фахрлансам ҳақлиман. Лекин мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Учинчи синфда ўқиб юрганимизда Дилбар деган бир синфдошимизнинг онаси жahl устида қўлидаги вилкасини қизига отиб юборган экан, қуриб кетгур вилка келиб бечоранинг кўзига санчилса бўладими! Вой, кўзгинаси оқиб тушди! Бечора уч ойча касалхонада ётиб, шиша кўз қўйдириб чиқди. Ўзини кўрсангиз — худди отига ўхшаган дилбар. Исми жисмига ярашган. Кулиб, жилмайиб, ёришиб туради. Ақлини айтмайсизми тагин? Тилидан бол бериб, бол олади гўё. Ана шундай қиз бир кўзидан айрилиб, айбдор бўлиб қолди. Хўш, ким айбдор қилди? Онаси! Ҳа, меҳрибонингман, деб юрган ўз онаси! Ана шундан кейин у онага ҳурматимиз тугади. Дилбарга ҳар қанча ачинсак ҳам, Дилбар учун қуйиб-ёнсак ҳам, иложимиз қанча, уйларига бормай қўйдик. Нима учун? Шунинг учунки, ўзи дунёга келтирган жигаргўшасини кўр қилиб қўйишдек катта гуноҳдан ҳайикмаган жоҳил онани кўришга кўзимиз қолмаган эди. Биз-ку, биз, Дилбарнинг ўртоқларимиз. Етти ёт бегоналар ҳам у хотин билан борди-келдини йиғиштириб, тўй-ҳашамларига чақирмайдиган, ўзлари ҳам бормайдиган бўлишди. Шундай қилишгани тўғрими? Менимча, юз фоиз тўғри! Ўз кизининг кўзини оқизган золим, жоҳил онани маҳалладан қувсалар ҳам оз эди! Афсус, қувишмади. Лекин маъмурий йўл билан жазони роса тортди. Тўғри, у жазосини тортди. Аммо кизнинг кўзи ногиронлигича қолди. Мана шуниси алам қилади, опоқи! Бу гапларни айтишимдан мақсад: юқорида ҳам айтдим, болаларга муомалада жуда-жуда эҳтиёт бўлиш зарурлигини таъкидлашдир. Мен келтирган мисолдан ҳам кўриниб турибдики, жаҳолат шайтонини елкага миндириб олиб, шу шайтон амри билан иш тутилса, қўлида бор ё қўлига тушган нарса

болага отилса, бундай қалтис муомаланинг оқибати ё кўз чиқаради, ё бўлмаса қўл ёки оёқни синдиради.

Ёркиной жойига ўтиргандан кейин Саодат буви яна гапирувчилар борми, дегандай қилиб қизларга қаради. Қизлар жим ўтиришар эди. Саодат буви сўзни ўзи давом эттирди:

— Она бурчи ва вазифаси устида гап кетганда, анча-мунча афсус ейдиган жойларимиз бор, буларни айтмай ўтиб бўлмайди. Масалан, хаммасидан ёмони — болани бўлар-бўлмасга уришлик. Яна қаерда, қачон уришади денглар? Қайнанасидан ё эридан, ё бўлмаса бошқа бирон қариндошидан гап эшитса, дарров аламини боласидан олишга тушишади. Гапи каттик теккан одамига қокитиб, болаларини чирқиратиб уришади. «Хаҳ, бошимга бало бўлмай ўлгурлар! Сенлар ўлмадинг — мен қутулмадим!» деб овозларининг борича қичқиришади. Бола бечора эса айби нимадалигини билмай онасига талпинади. Она-чи? Тўғри келса қўли билан уради, бўлмаса оёғи билан тепади. Бегуноҳ мурғак юм-юм йиғлаб, ерда юмалаб қолади! Бу она эмас, оналик шаънига иснод келтирувчи баттол-ку! Бошқаларга тегизиб айтган гапини, бегуноҳ боласини энг ёвуз сўзлар билан қарғашдан мақсади нималигини буёқдагилар пайқашмайдими? Ахир бу «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилдаги ошқор кесатик-ку! Ҳай-ҳай-ҳай, бундай қабоҳатдан нари бўлинглар, жоң қизларим! Бунинг қуяси оғир — ё ўзингга, ё болангга уради-я! Ҳа, шунақа бўлади, айланайлар.

Саодат буви оғир бир вазиятда бошини солиптирди. Алами ошқор сезилиб турар эди. Турсуной ҳар гал бувижони нохуш кўринганда қиладиган одатини қилди. Секин келиб ёнига қадалиб ўтирди. Кейин бошини бувисининг елкасига қўйиб сўради:

— Бувижон, битта гапим бор эди, айтсам майлими?

Шундай пайтларда Саодат бувининг бағри яйраб, қувончга тўлиб кетар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У Турсунойнинг бошини фақат оналар қўлигагина хос бир сеҳрли мулойимлик билан авайлаб ушлади, кейин аста кўтариб, бахтли бўлгур деб, пешонасидан чўлп этказиб ўлди-да, даврага ишора қилиб:

— Бор, жойингга бориб ўтир,— деди.

Турсуной хандон уриб туриб кетди. Бу Саодат бувини оғир ҳолатдан қутказиш учун жўрттага қилинган нарса эканини қизлар яхши тушунишар эди. Турсуной жойига бориб, сўз бошлади:

— Бувижон, ўтган ой бир тўда қиз Комиаларникида

дарс тайёрлагани борган эдик. Борсак ойиси йўқ экан-у, келинойиси бор экан. Бизни яхшилаб кутиб олди. Шу ерда дарс тайёрланглар, деб болалар хонасини ажратиб берди. Кенггина экан, ҳаммамиз бемалол сиғдик. Олдимизга дастурхон солди, канд-курс қўйди, нон ушатди. Ҳаммасидан ҳам дераза орқасида очилиб ётган ранг-баранг гулларни айтмайсизми! Ҳамма нарса кўнгилдагидек. Ҳар кун келиб, давлат имтиҳонига шу ерда тайёрланамиз деб кўнглимизга тугиб қўйдик. Яхши жой экан-да. Лекин эртасига ҳам, индинига ҳам бормадик.

— Нима учун? Нима бўлди?

— Э-э, тўғри келмай қолди.

— Ҳалигина ёкувди-ку? Энди нимаси тўғри келмай қолди?

Турсуной икки хил бўлиб турди. Кейин шартта деди:

— Келинойисининг оғзи ёмон экан! Болаларини хунук сўзлар билан қарғар экан. Биз дарс тайёрлаб ўтирсак, уч ё тўрт яшарлик кизчаси кириб қолувди, бизнинг олдимизда бирам қарғаб кетди — бирам қарғаб кетди, вой-вуй, эшитса илон пўст ташлайди. Хайр, ўзининг боласи, қарғаса қарғандир, дерсизлар, лекин қарғашда ҳам қарғаш бор-да. Авваламбор, болани хунук сўзлар билан қарғаш ярамайди. Нимага деяпсизми, Отикапошша? Ҳозир айтаман. Кичкина бола, биласиз, ҳамма нарсага тақлид қиладиган бўлади. Катталардан эшитган сўзи ёмон сўзми ё яхши сўзми — бунинг фарқи бормайди, шунинг учун фарқи бормайдики, у сўзнинг маъносига ҳали тушунмайди. Шу тушунмаслик, тақлидчилик орқасидан шу сўзларни бошқаларга ҳам айтадиган бўлади. Оқибатда «туппа-тузук» сўкадиган, ёмон сўзларни оғзига оладиган ёмон хулқли ёмон бола бўлади-қолади. Ҳаммасидан ҳам ёмони — бегона одамлар, меҳмонлар олдида, айниқса, қайната-қайнана сингари ҳурматли кишилар олдида болаларини эшшак, тўнғиз, чўчка, аҳмоқ, ит деб сўкса, буёқдагиларга қаттиқ тегар экан. Худди жўрттага тегизиб айтаётгандай бўлар экан-да. Ўша куни анча ўтирмоқчи эдик, йўқ, бўлмади. Тезда кетиб қолдик. Қизик, ҳали деразадан кўринган чиройли гуллар энди босилган, эзилган, бояги ҳусн-чиройини йўқотган сассиқ кўкатга ўхшаб кетди кўзимга. Эртасига Комида йиғлагандан баттар бўлиб яна уйига чақирди. Келинойиси кечирим сўрабдимиш. Энди келишса, ҳечам ундай қилмайман, дебдимиш. Бари бир бормадик, манави Нигорпошшаларникига бордик. Аяси ҳам, дадаси ҳам бизни яхши кутиб олишди. Сўри токлари тагига, салқин жойга стол

қўйиб беришди. Битта кичкина, дўндиккина сингилчаси ҳам бор экан, лекин у бизга халақит бермади. Нигорпошшанинг отаси ҳам, онаси ҳам ёмон сўзларни оғизларига олмас экан, жудаям ҳавасимиз келди. Қаранг, бола шўхлик қилса яхши сўз билан, ширин муомала билан йўлга солса бўлар экану! Қисқаси, Нигорпошшаларникида ўн кунча дарс тайёрлаган бўлсак, бизнинг назаримизда, ўн кун истироҳат боғида дам олиб келгандек бўлди-да. Мана, ҳадемай давлат имтиҳонларидан ҳам ўтамиз. Ат-тестатларимизни қўлимизга оламиз. Бу биз учун ҳаётга йўлланма бўлади. Бу йўлланмани қўлга киритишимизда бизга ҳамма шароитни яратиб берган Флора хола билан Худойберди амакиларнинг ҳиссалари катта бўлади. Биз уларга чин қалбимиздан ташаккур айтамыз. Шунақа, Нигорахон, адангиз билан аянгизга айтиб қўясиз-да бизнинг миннатдорчилигимизни, хўпми?

Нигорпошша оқ-сарик ёқимтой юзида бир олам нур ёғдириб, аста бошини эгиб қўйди. Саодат буви она бурчи ҳақидаги сўзини тугатмаган эканми, яна шундан гапира кетди:

— Халқимизда бир яхши гап бор: «Арқоғини кўр — бўзини ол, онасини кўр — кизини ол», дейди. Бу нима дегани? Онаси қанақа бўлса, қизи ҳам, яъни болалари ҳам шунақа, деганими? Албатта. Бу жуда тўғри хулоса. Кушки уясида кўрганни қилгандан кейин бола ҳам уйда кўрган-эшитган нарсаларини қилади-да! Ота-она, айниқса, она, кўпол бўлса, хунук сўзлар ишлатса, бола ҳеч қандай иккиланмай ўша сўзларни такрорлайди. Нима учун? Шунинг учунки, ота-она, айниқса она оиланинг энг ҳурматли, энг эътиборли кишиларидандир. Буни болалар, албатта, сезишади. Шунинг учун улар оғзидан чиқадиган сўзнинг ёмон сўзми, яхши сўзлигини эмас, қилиниши керак бўлган сўзлигини ўйлашади ва шундай қилишади ҳам. Шу боисдан болани онасининг акси тушиб турган ойна деса бўлади. Уст-боши кир, кўзи кир, бурни уззукун оқиб турадиган боланинг онаси ҳам боласига ўхшаган кир, уст-боши ювилмаган, дазмолланмаган, сочлари таралмаган — патак бўлади. Уйига кирсангиз-чи, войдод деб қочиб чиққингиз келади. Рўзгор асбоблари ҳаммаёққа сочилган, оёқ қийимлари лой-балчик, уйнинг поли ювилмаган, ҳаммаёққа қийим-кечак, қоғозлар сочилиб ётганини кўрасизу хайфингиз келиб кетади. Мана шунақа оналар ҳам бор, қизларим.

Саодат буви гапини тугатмай, Сожида сўз сўраб қолди.



— Гапиравер, кизим, — деди Саодат буви, мулойим товушда.

Сожида тортинаётган одамга ўхшаб эмас, ўз ишини яхши билган, қарорида дадил турган одамдай дадил гап бошлади:

— Уй тартиби, интизоми, саранжомлиги асосан оила бекасининг зиммасида бўлиши табиий. Бунга эътироз йўқ. Лекин оилада заҳматкаш онадан бошқа ҳеч ким йўқми? Эри-чи? Ишга яроқли бошқа эркаклар, ўғил болалар-чи? Наҳотки ҳамма ишни онага ташлаб қўйиб, бир чеккада томошабин бўлиб ўтиришса?! Шу тўғрими, опоқи?

— Тўғри эмас, кизим. Оилада қанча, қанақа одам бир том тагида ётиб, бир қозондан овқат ер экан, уй ишларини ҳам қўлидан келганча қилиши керак. Бу виждон бурчидан фақат иш қилиш қўлидан келмайдиган, кичкина болалару қариларгина озод, холос. Лекин уй бекаси, яъни она рўзғор ишини ҳамма бараварига қилади деб қараб ўтирмасдан, саранжомлик ташвишини ўзи ейиши керак. Масалан, супурги ҳаммавақт бир ерда, тайинли жойда турмаса, керак бўлиб қолганда қидиришга, тополмасанг бошқалардан сўрашга мажбур бўласан. Ахир бу ортиқча ташвиш, ортиқча бошоғриқ-ку! Мана шундай аҳволга тушмаслик учун пичок, вилка, қошиқ, тақсимча, тарелка, лаган, коса ва шуларга ўхшаш нарсаларнинг доимий жойи бўлиши керак. Қайчи, ип, тугма, игна ҳаммавақт тайинли жойда сакланмаса, у ердан олиб ишлатилгандан кейин яна жойига келтириб қўйилмаса — рўзғордаги ивирсиқлик, тартибсизлик давом этаверади. Шундай бесаришта хотинлар борки, халқимиз уларни «Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси», деб айтган юксак баҳосидаги аёлларга сира-сира яқинлаштириб бўлмайди. Бундайлар ҳали қайчи, ҳали ип ё тугма қидиришгани-қидиришган. Узуқун аҳвол шу. Қўйган жойлари тайин бўлмагандан кейин топишолмайди-да, албатта. Ана ундан кейин фалон нарса қаерга гумдон бўлди деб қичкиришлар, қарғашлар бошланади. Баъзан уриш-жанжал ҳам чиқиб кетади. Шунинг учун рўзғорда ишлатиладиган асбобларнинг ҳаммаси доимий жойида туриши, шу ердан олиб ишлатган одам, яна шу ерга келтириб қўйиши керак. Акс ҳолда қидир-қидир, уриш-жанжал, ҳатто кўз ёши ҳам бўлиши турган гап. Яна баъзи уй бекалари, оналар борки, фаросатсизлик қилибми ё эринибми — болалар тувагини йўлга, одамлар кўзига яққол кўринадиган жойга қўйиб қўйишади. Супургини ҳам. Йўқ, бундай қилиш онага ярашмайди. Она деганининг таъби нозик, диди нафис, тозалikka ўч бўлади. Кўзга

хунук кўринадиган нарсаларни кўздан қочиришга ҳаракат қилади. Яна бир хил оналар бор, уларни ҳам айтиб ўтай. Ошхонасида идишлари ювилмасдан пашша босиб ётади, тараканлар-сувараклар югуришиб юради. Қани энди парвойига келса! Йўқ, ювуқсиз идишлар икки-уч кунгача ҳам қалашиб ётаверади. Оқибатда бутун ошхона ювуқсиз идиш-товоқ култепасига айланади. Билиб қўйинглар, эркакларнинг кўпчилиги саранжомликни, тозаликни, тартибни яхши кўришади. Шу сабабдан ҳам ивирсиқликни кўрганда таъби хира бўлиб, хотини билан айтишиб қолади. Ҳалиги укувсиз, бетамиз хотин тўғри гапни оғир олиб, эрига ташланади. Оғзига келганини бўғзига қайтармай, эрини болалари олдида хунук сўзлар билан ҳақорат қилади. Хотин деган юксак мартаба эгасига ярашмаган бу хунук қилиқ қаердан пайдо бўлди у хотинда, дерсизлар! Ҳа, масаланинг шундай аянчли томони ҳам бор. Менимча, бундай бетамиз хотинлар ёшлиқларидан тозалikka, тартибга ўрганмаган ё ўргатилмаган бўлишса керак, ошхонасини шу аҳволда ташлаб қўйиб, ўзи диванда ётиб олиб телевизор томоша қилади. Эри, яъни оила бошлиғи, болаларининг отаси устига кириб қолса, ақалли мундоғ қимирлаб ҳам қўймайди ҳурматини қилиб. Қаёқда, безрайиб ётаверади. Шу совуқ, шу муз қилиғи билан болаларига, айниқса, қизларига ёмон ибрат бўлмасмикан? Албатта, бўлади. Қизлари ҳам ана шундай ёмон одатни ўрганади-ю, борган жойида онасидан ўрганганини қилади. Бундай онанинг болалари ҳам оналарига ўхшаш бепарво, бесаришта, ивирсиқ, бефаҳм бўлиб етишса нежаб? Мана шуниси алам қилади, қизларим! Ҳар бир она балогатга етаётган ўғил-қизларига оғоҳ бўлмаса, болалари бошида ҳам юқоридаги кўргилик бўлиши муқаррар. Оналардан лозими — болаларига улар келажакда турадиган уйларига, курадиган оилаларига фақат овқат ейиладиган, дам олинадиган, ухланадиган жой деб қарашни эмас, оила замиридаги ҳақиқий, инсоний маънони таналарига сингдирадиган муқаддас жой деб ўргатиб боришдир. Ҳақиқатан ҳам, оила — у ерда яшовчиларнинг маънавий дунёлари кенгайтириладиган, бир-бирларига меҳру муҳаббат ва сидқу оқибатлари метинландиган, ҳақиқий инсонлар етишадиган табарруқ жойдир. Оиланинг яна бир шарофати — турли-туман муносабатлар манбаи эканидир. Бу ерда ижтимоий-сиёсий, ғоявий-маънавий, адабий-ахлоқий, санъатга ва хўжаликка оид масалалар муҳокама қилиб турилади. Шундай бўлгандан кейин оила мустаҳкам бўлиши, оила аъзолари

замонамизнинг етук кишилари бўлишга интилишлари керак. Бу борада она хизмати катта, беқиёс.

Хўп, айланайлар, энди суҳбатимизга андижонлик хуштаъб шоир Холдоржон Қурбонбоевнинг қуйидаги шеъри билан хотима берсак:

Азиз она меҳри юлдуздан баланд,  
Бутун одамзод шу меҳрга пайванд.

## ЎНИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Юзингни ёруғ тут, қародин асра,  
Қаро кетидин келур балодин асра.

— Бу оқшомги суҳбатимиз инсон шаънига доғ туширадиган кўп ёмон иллатлар, яъни ёлғончилик, гийбатчилик, чақимчилик, ифвогарлик, тилёгламалик, мактанчоқлик, ҳасад, фитна-фужур устида боради. Ёшдир, қаридир, эркақдир, аёлдир, ишқилиб дунёда одамман деб бош кўтариб юрганки бор, мана шу ярамас иллатларнинг биронтасига дучор бўлибдими, билингки — у ичикора, юзиқора одам. Ундай одамлар қалбидан саховат эмас, қабоҳатгина ёғилади. Агар шу ярамас иллатларнинг биронтаси хотин кишида, айниқса, кизларда учраса-чи? Ҳай-ҳай-ҳай, бундан хунуги йўқ! Аёл зоти гўзаллик, чаманлик, нафислик, майинлик, ширинлик, малоҳат, ҳусн-фусун каби ниҳоятда гўзал, жозибадор сўзлардан ҳам юқорироққа қўйиладиган энг мўътабар «Аёл» сўзи билан тилга олинса-ю, тагин оғзидан шакар томиш ўрнига заҳар томиб турса-я! Яъни, ёлғон гапирса, чақимчилик қилса, ифво тарқатса, гийбатдан оғзи бўшамаса! Йўқ, юзқаролиги, ичқаролиги эргаштириб келган бало-ку бу! Жон қизларим, бошларингизга қилич келса ҳам рост гапиринглар, ҳеч қачон ҳеч кимга ёлғон гапирманглар, ҳа, фақат ростгўй бўлинглар. Буюк Горький сўзи билан айтганда: «Ёлғон инсонни таъкиб этиб, чувалчанг бўлиб миясини кемиради, қурғоқчилик бўлиб дилини шипшийдам қилади, жаллод бўлиб жонини қийнайди». Ҳазрати Навоийнинг ҳам бу ҳақда насиҳатлари бор. Улуғ бобомизнинг замонлар, асрлар оша бизга етиб келган ҳикматларидан бирида шундай дейилади:

Неча зарурат аро қолгон чоғи  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

Қаранглар, гапириш зарурати олдида қолган чоғингда ростини айтолмадингми, ёлғон ҳам гапирма, деб ўғит қилади ақл-андиша пири. Бунга биз хўп деймиз, тасанно деймиз, илло ҳақ бошни қилич кесмаслигини биламиз. Ахир халқимиз ҳам: «Тўғри тил — тошни ёрар, эгри тил — бошни

ёрар», деб бежиз айтмаган. Одамки, гунохдан фориг эта-  
диган ҳақ сўзни айтолмабди, гуноҳга ботирадиган ёлгонни  
ҳам айтмасин-да! Навоий ҳазратларининг таъкидлари ҳам  
худди шу тўғрида. Ўзимизнинг ватандошимиз, Бухорода  
яшаб, Бухорода ижод этган шоир Абу Шукур Балхий  
бундан минг йилча илгари ёлгончиликни қоралаб деган  
эдилар:

Ёлгон айлар одам эътиборин кам,  
Сўнг ҳеч ким ишонмас рост гапирса ҳам.

Қандай ибратли гап, а қизлар? Одамлар эътиборидан,  
назаридан қолишни, шарманда бўлишни ихтиёр қилмаган  
киши — ёлгондан ўзини тортади, ҳазар қилади. Бир марта  
ёлгон гапирдингми — тамом, жиловингни ёлгонга бердинг,  
адойи тамом бўлдинг! Бу қуриб кетгур ёлгон ҳам папиросга  
ўхшаш хумор қиладими, ёлгон гапиришга ўрганиб қолган  
одамлар ёлгон гапирмаса тура олишмас эмиш. Мана шу  
ерда Антон Павлович Чеховнинг ёлгон тўғрисидаги гапи  
эсимга тушиб кетди. У киши ёлгонни ўрмонга ўхшатадилар:  
«...Ўрмонга қанчалик кириб бораверсанг, ундан чиқиб олиш  
ҳам шунчалик қийинлашиб боради», дейдилар. Жуда  
тўғри, ёлгонга муккадан кетдингми — тамом, қаддингни  
ростлаб ололмайсан! Хўш, ёлгоннинг ўзи нима? Ўз кадру  
қимматини билмаган енгилтак одамларни қандай қилиб  
дарров домига илинтириб олади? Қани, қизлар, шу тўғрида  
ким гапиради?

Дилдора узун бўйини ростлаб турди.

— Ёлгонни ҳар ким ҳар хил таъриф қилса керак.  
Мен уни кўзингни бақрайтириб туриб қилинган алдов  
деб биламан. Ҳа, алдов! Ўзининг ҳақлигига, гапининг  
ростлигига бошқаларни ишонтириш, шу билан ё моддий,  
ё маънавий манфаат кўриш илинжида ёлгон гапларни рост  
ўрнида ўтказиш!

— Баракалла, кизим, — деди Саодат буви Дилдора сўзи-  
ни тугатиб ўтиргандан кейин. — Дилдора жуда тўғри таъриф  
берди. Аёллар ичида (эркаклар ичида ҳам, албатта!)  
бўлар-бўлмасга лакка тушадиган анқовлар анчагина. Эринг  
фалондақа экан, фисмондақа экан, деса текшириб-нетмай,  
дарров жанжал кўтаради. Тухматга қолган оғир бўлса-ку,  
яхши-я, кулиб енгади, бўлмаса жанжал мадда боғлаб, аянч-  
ли оқибатларга олиб келади. Шунинг учун: «Ёлгонга яқин  
юрма, кейин аттанг деб бошингга урма!» дейдилар. Ҳақиқа-  
тан ҳам, ёлгон юкумли бало. Бунга бир ўрганган одам  
иккиламчи ўзини тиёлмайди. Битта ёлгондан кейин иккита,

учта, тўртта ёлгон из қувиб келаверади. Лекин ҳамма-  
вақт эмас. Ахир бир кун ёлгончининг пешонаси деворга  
так этиб тегади — ёлгончилиги фош бўлиб, шармандаси  
чиқади. Ана ундан кейин нима деган одам бўлади?  
Ёлгончиликнинг яна бошқа доғи ҳам бор. Масалан, бировга  
ёлгон гапирдинг, дейлик. Агар ёлгонингни эшитаётган  
одам ақлли бўлса, шу ондаёқ шарманданг чиқади. Қана-  
қасига дейсизларми? Ҳозир айтаман. Хўп, қулоқ солинглар.  
Авваламбор, ақлли одам ҳар қандай гапга лакка тушавер-  
майди. Эшитган гапини ақл тарозисига солиб, обдан  
тортади. Қараса — ақлга сиғмайдиган гап. У босиги  
билан гапингни рад қилади. Сен бўлсанг, гапингнинг  
тўғрилигига уни ишонтириш учун, бояги ёлгоннинг устида  
яна қатор ёлгонлар тўқийсан. Куйиб-ёниб исбот қиласан,  
ҳатто, нон ушлаб қасам ҳам ичасан. Ақлли одам шунда  
ҳам ишонмайди. Бетингга бир нима демаганда ҳам, хайр,  
ёмон бўлса ўзига қийин, дейди-ю, кайрилиб кетаверади.  
Мана шунинг ўзи ҳам ёлгончининг қора юзига қулочкашлаб  
тортилган шапати эмасми?

— Тушунган кишига-да, а?

Саодат буви ялт этиб овоз келган томонга қаради.

— Албатта, Раънохон. Шунақа, қизларим, ёлгон ўлгур  
устига керосин сепилган ўтдай бир ловиллаб ёнади-ю, кейин  
писиллаб, ўчади, яъни сири ошкор бўлади. Бундай одам-  
нинг гапига кейин ҳеч ким ишонмайди кўяди, бамисоли  
зерикканидан бўри келди, деб додлаган алдоқчи қўйчи-  
вонга ўхшаш. Ана ўша қўйчивоннинг ҳоли нима бўлди?  
Биласизлар-а? Ҳа, баракалла. Чинакам бўрилар келиб  
ҳужум қилишганда додлаб эди, ҳеч ким гапига ишонмай  
ёрдамга келмади. Ана кўрдингларми, ёлгон одамни қанчалик  
ерга уради, шармандаи шармисор қилади! Хайр, ёлгонни  
эшитган одам юқорида биз фараз қилгандек ақлли эмас-у,  
ақлсиз, шошмашошар бўлса-чи? Бундай фожиа рўй берма-  
ганда ҳам, икки ё бир неча одам ўртасидаги кадрдон-  
лик, дўстлик, қариндошлик иплари узилиб, бир-бирларига  
ашаддий душман бўлиб қолишлари мумкинми? Мумкин.  
Борди-ю, мана шу ёлгончилик касали болаларга юқди?  
Юқади ҳам-да! Ахир болалар ота-оналаридан, катталардан  
ибрат олишади-ку! Ёлгончи онанинг болалари ростчи  
булармикин? Хайр, болалари ёлгонни ўрганишмаганда ҳам,  
ёлгончи онага қарашлари қанақа бўларкин? Ёлгончи она-  
ларини ҳурмат қилишармикин? Ёлгончи она айтган гапининг  
қиммати, таъсири бўлармикин? Йўқ, қизларим, ёлгон  
қасдан ё беҳосдан айтилган шунчаки беозор сўз эмас!  
Йўқ, у ҳаёт ниҳолининг илдизига тукилган қуритувчи

захар, оғу! Шунақа оналарга қандай қарайсиз, деб мендан сўрасаларингиз, мен бундай дер эдим: ёлғон гапирадиган, ёлғончилиги билан болаларини ҳам ёлғонга ўргатадиган она умуман она эмас, одам ҳам эмас! Ҳа, худди шундай дер эдим.

Саодат буви қизишиб гапира туриб бирдан тўхтаб қолди. Лекин уйилган ковоклари очилмади, чехрасига заррача жилмайиш югурмади, қайғуга ботган одам сингари, маънос ҳолда яна сўзини давом эттирди:

— Ёзда, айниқса, баҳор кезларида гўзал табиатгина эмас, табиатнинг энг гўзал неъматини бўлмиш одамзод ҳам яшнаб кетади. Одамларнинг гулгун чехраларига қараб бир қувонсангиз, эгни-бошларидаги хушбичим кийимларини кўриб ўн қувонасиз. Назаримизда, табиат инсон билан гўзаллик мусобақасида гўё. Табиатнинг ана шу гулкиёс чехрасини, унинг чаккасига тақилган гул каби гўзал инсонни кўргангизда, ўзинг ҳам гул каби яшнаб, очилиб кетасан киши. Не бахтки, кизларим, доғу дугдан, гарду гурддан мусаффо гултабиат кишиларимиз, айниқса, гулдек чиройли, гулдек мусаффо хотин-қизларимиз, тоза дурларимиз беҳисоб! Ҳа, ҳа, беҳисоб! Лекин ана шу беҳисоб тоза дурларнинг биттаси ҳам ҳаёт тубида тилидан захар сочувчи илон бўлиб ўтмас-ю, ҳаёт аршида порлаб, нур берувчи куёшчалар, юлдузчалар бўлиб ўтса! Мана бу инсонга, инсонлик шарафига ярашган жуда-жуда чиройли фазилат. Аммо бу тоза дурлар орасида бизни афсус едирадиганлари ҳам йўқ эмас. Биз ҳозиргина ёлғончиликнинг касру касофати, хунук афти устида нафратланиб сўзлашдик. Ана шу тасқаранинг бир эгизаги бор. Оти — чақимчилик! Ох, кизларим, жоним кизларим, зинҳор-базинҳор юракларингиздан бу қора куртга жой бера кўрманглар! Бу шундай ярама, паст куртки, овқат танламайди, тўғри келганини қирчийверади, кемиради, емиради! Унинг захридан илон ҳам, чаён ҳам қочади. Икки дўстни, эру хотинни, ака-укани, отаболани бир-биридан айиради, ибо пардасини кўтаради, ишқилиб, кимки унинг домига тушибди — охири вой — зору афғон! Айниқса ёш келинчақлар бу қоранг ўчгурдан ҳазар қилишлари, ундан узоқ юришлари керак. Баъзи бир хил келинчақлар, ҳатто битта-иккита болали бўлиб қолган жувонлар ҳам қайнанаси ё қайнатасидан гап эшитса, кечаси эрининг қўйнига кириб олиб, илон сингари вишиллаб чиқади. Отанг у деди, онанг бу деди, аканг бўлмағур сўзлар билан сўқди, деб. Бундайлар тинчгина яшаб турган ўз ота-оналарини ҳам захарлаб келишдан тойишмайди. Куёвингиз мени ундоғ деб сўқди, асли отанг ўзи шунақа

деди, деб ўз ёстикдошини, болаларининг отасини онаси билан отасига шу тахлит хунук кўрсатиб қўяди. Хўш, бундан нима наф кўради? Кўрадиган нафи — ўзининг чақимчилигини, уйдаги гапларни кўчага кўтариб чиқиш одати борлигини элга кўрсатиб, юзини қора қилиб олиш, холос. Чақимчи деган расводан ҳамма ҳазар қилади. Ўз қадрини билган қизининг бахтини ўйлаган ҳар бир ота-она шундай пайтларда дарров чақимчи қизининг танобини тортиб, иккиламчи гап ташимайдиган қилиб қўяди. Шундай қилиши, албатта, керак. Чақимчилик ўлгур ҳам ёлғончиликка ўхшаб бир кун эмас, бир кун ҳаммага ошқор бўлади. Ана ундан кейинги шармандагарчиликни айтмайсизми! Ахир ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша сири, кўнглида яшириғлик гапи бўлади-да! Биров сени одам деб кўнглидаги гапини айтса-ю, сен уни ичингда сақлаш ўрнига бошқаларга бориб шипшисанг — хоинлик эмасми бу? Хўш, бу бетамизликдан мақсадинг нима? Сени ўзига яқин тутиб сирини айтган бир бегуноҳни абгор қилишми? Демак, сен унинг яқин дўсти, сирдоши эмас, аслида пайини қирқишни пойлаб юрган душмани экансан-да! Йўқ, ундай эмас десанг, бўлмаса қандай? Бўлмаса, бир бечоранинг сирини очиш билан бир нималик бўлиб қолмоқчи бўпсан-да? Шундоғми? Ҳаром йўл билан, хоинлик, сотқинлик билан орттириладиган нарсанинг қорагинаси ўчса бўлмас эканми! Хайр, бунақа қитмирлик бир бўлар, икки бўлар, боринглар, ўн бўлар, лекин умрбод бўлавермайди-ку! Ахир бир кун чақимчининг сири очилар, яқин-узоқлари олдида, эл олдида шармандаи шармисор бўлар. Бўлади, албатта, бўлади. Ана ундан кейин нима деган одам бўлади, қандай қилиб бош кўтариб юради? Ҳамманинг нафратига учраб, ҳамма ҳазар қиладиган маразга айланмайдими? Айланади, албатта, айланади. Кўз олдиларингизга келтиринглар-а, иккита одам гаплашиб тургани устига шармандаси чиққан чақимчи келиб қолди, дейлик. Ҳалигилар гапларини тўхташиб ё афтинг курсин дегандек тесқари ўгирилиб олса, ё бўлмаса жўрттага нари кетиб қолишса, бундан кўра ерга кириб кетган афзал эмасми?! Чақимчига бўладиган бунақа муносабат тушунган одам учун қалтакдан баттар. Шунақа, кизларим, ёлғончиликдан қанчалик ҳазар қилиш лозим бўлса, чақимчиликдан ҳам шунчалик ҳазар қилиш, узоқ бўлиш лозим.

Саодат буви сўзини тўхтатиб, олдидаги чойнакка қўл чўзган эди, Турсуноғ ўрнидан даст туриб кетди.

— Вой, кечиринг-э, бувижон. Гапингизга хушим кетиб қопти. Ўзим қуйиб бераман, — деди у кизариб.

Турсуноғ чой қуяётганда Ҳилола аста ўрнидан турди.

У Саодат бувига юраксизгина караб:

— Опоки,— деди,— ўшанақа бетамизларни ёлгон гапиришга, чақимчилик қилишга нима мажбур этар экан? Ахир ёлгончиликми, чақимчиликми, ғийбатчиликми, иғвоми, тухматми, ишқилиб, мана шунақа ярамас иллатлар оқиба-тида туппа-тузук одамлар жафо чекишини кўра-била туриб, нимага шу ғаламисликларини ташлашмас экан, а? Ё ўзлари ҳам яхши одамлар қаторидан жой ололмаганлари учун алам қилиб бошқалардан ўч олишадими, а?

Саодат буви Ҳилоладан кўз узмай ўтирган эди, бир жилмайиб бош чайқади-ю:

— Саволларингни шундай қалаштириб ташладингки, ҳаммасини бирдан илғаб қололадим,— деди. Кейин узоқдан бўлса ҳам Ҳилоланинг елкасини қоқаятгандек қўл силкитиб, яна сўзини давом эттирди:— Майли, ҳечқиси йўқ. Эсимда борларига жавоб қилай, қолиб кетганлари бўлса айтарсан. Ҳа, ғийбат, иғво, тухмат бандаларидан нафратланишинг саволларингдан сезилиб турибди. Баракалла, қизим. Биласизлар, ҳар қандай калтакнинг иккита учи бўлади. Шу калтак билан бировни урсанг, иккинчи учидан маълум даражада ўзингга ҳам зарба етади. Мушугингни пишт демаган, сенга зарар беришни ўйламай ўз йўлида тинч ўтиб бораётган бир бегуноҳни «бу — унақа, бу — мунақа», деб ғийбат қилиш — яхши билан ёмонни фарқ этишдан ожиз, руҳан қашшоқ ғаламисларнинггина иши. Одам боласида бу ярамас иллат қаердан пайдо бўлади. Буни тугатиш йўли борми? Бор. Аввал биринчи саволингга жавоб қилай. Бу, энг аввало кўролмасликдан, бошқаларнинг бахтига ҳасад қилишдан туғиладиган ёмон баҳиллик. Бундан ҳазар қилиш, бундан қочиш керак. Келинлар, шу тўғрида битта ҳикоятим бор, айтиб берай. Қайси куни бир зарур иш билан кўчага чиқиб эдим. Элликлардан ошган бир хотин менга ҳамроҳ бўлиб қолди. Албатта, у мени пойлаб туриб ёнимга келиб олгани йўқ. Йўлимиз тушгандиру ёнма-ён бўлиб қолгандирмиз. Гап бунда эмас. Лекин танимаган, билмаган бир одам олдида дарров ғийбат дафтариини варақлай бошлаш — унинг ўзи паст, ярамас одам эканидан далолат берса керак. Бирдан у кўзимга жуда хунук кўриниб кетди. Ёнида юргим ҳам, қўланса гапларини эшитгим ҳам келмай қолди. Бир кўнглим: «Кечирасиз, шошиб турибман», деб тез-тез юриб кетиб қолмоқчи ҳам бўлдим-у, лекин ан кўрмадим. Ноиллож ёнида бордим. У гоҳ юзимга тикилиб олиб, гоҳ қўлимдан ушлаб олиб гапирар эди:

— Ҳовлимизнинг рўпарасида, кўчанинг у бетида бой-

лигидан жир боғлаб, мол-дунё тагида қолиб кетган бир оила яшайди. Иморатларини кўрсангиз — ҳушингиздан кетасиз: қаср, қаср. Тагида икки машина. Биттаси «Волга», яна биттаси «Жигули!» Илоё машинанг авария бўлиб, тагида қолгурлар-эй!

— Э, ёмон хотин экансизу! — деб юбордим ўзимни туюлма. — Бировга ўлим тилагунча, ўзингизга инсоф тиланг! Э, ҳайф-э!

Бунақа ҳайф-сайфларни эшитавериб, танаси қарахт бўлиб қолган эканми, парво қилмай, ҳиринглаб кулди-ю, яна иғвосини давом эттирди:

— Уйида нималар бўлаётгани, кимлар борлиги шундоққина деразамиздан кўриниб туради. Кўп қарайман-да. Битта хонасида каттакон импорт гилам — куяга ем бўлгур — бутун бир деворни қоплаб турса-я! Яна биттасида аломат фалак. Зардевор, яна нима балолар. Атайлаб уйларига кириб, ҳамма нарсасини кўриб чиққанман. Ипидан игнасигача биламан. Полларида ҳам гилам, йўлакларида гилам-поёндоз. Мебелларини айтмайсизми! Вой уни кўрмабсиз — дунёга келмабсиз! Бири-биридан чиройли, бири-биридан томоша — ҳушингиз кетади. Уч хил мебели бор. Бу сабилларнинг учови ҳам четники.

Мен энсам қотиб сўрадим:

— Тўппа-тўғри ўша ёқдан олиб келишибдими?

— Йўғ-а, шу ердан, магазиндан сотиб олишибди. Қаранг, айланай, шу ҳовлида беш жон яшайди-ю, ҳар жонга алоҳида-алоҳида хона-я! Тагин бутун бир маҳалла одами сиғадиган каттакон зали ҳам бор. Вой, уларнинг ичидаги дов-дастгоҳларни кўрсангиз! Хўжайинига каттакон бир хонани ясатиб беришган, полида каттакон сержун гилам — қандай тўқилган, қаерда тўқилган — ақлим етмайди. Бунақасини кўрмаганман-да. Деворларида қадаб ўрнатилган китоб жавонлари, чет элдан келтирилган ёзув столи, юмшоқ курсилар, газета ўқиладиган пастак стол, яна нима балолар. О, санаб адо қилолмайсиз! Ётоқхоналарига кирсангиз-чи, айланай, нимани томоша қилишни билмай гангиб қоласиз. Бу ерда ҳам одам кўзини қамаштирадиган аломат мебеллар: ёнма-ён қўйиладиган жуфт қаравот, кийим жавони, ясан-тусан столи, тошойна, юмалоқ курси — буни араблар қилган дейишади. Қаранг, айланай, ерда гилам, полда гилам, деворда гилам... Яна аллақандай қимматбахо нарсалар... Э-э, сиз сўраманг, мен айтмай!

— Куясизми?

— Куяман! Нимага куймас эканман? Нимага униқиди молу-дунё тўлиб ётади-ю, меникида ҳеч вақо йўқ? Мен

тўғриман-да, қўлим кинғир эмас.

Мен ўзимни босолмай сўрадим:

— Нима, уларнинг қўллари кинғирми?

— Вой, тўғри бўлса шунча нарсани каердан олишади?

— Бундан чиқди — ўзига тузук одамларнинг ҳаммаси ҳам қўллари кинғир одамлар экан-да? Шундоқми? Йўқ, унақа эмас. Бу гапингиз тухмат. Ҳа, айтмоқчи, ўша кўшнларингиз нима иш қилишади?

— Эри доктор эмиш. Билмадим, қанақа доктор. Хотини бола техника деган институтда муаллима экан.

— Бола техника эмас, политехника,— деб хатосини тузатиб эдим, жаҳли чиқиб кетди.

— О-о, шу вақтнинг одамлари бирам бетгачопарки! Каттаси ҳам, кичиги ҳам мундоғ мириқиб гапиртирмай, оғзингга уради! Қўйинг, ҳадеб ақл ўргатаверманг! Мен ҳам уч синфни битирганман. Саводим ўзимга етарли.

Мен индамай кўя қолдим. У бир неча одим жим борди. Кейин яна иғвосини давом эттирди:

— Иккита қизи бор эди, анча бўлди чиқаришганига. Катта ўғли аллақайси заводда инженер, иккинчи ўғли араб тилини ўрганиб, Арабистонга кетган, ўша ерда ишлармиш. Кўрдингизми, буёқдан ҳам ҳамма ёғли жойларни эгаллаб олишган.

Мени, негадир, бирдан кулги босди. У сўзини тўхтатиб, менга анграйиб қолди.

— «Ўша жир боғлаб кетганлар» кўшнларингиз экан, сиз ҳам ўша ёғли жойлардан биронтасини сўрамабсиз-да? Кўшничилик, беришар эди,— дедим кулгимни зўрға босиб.

У ҳанг-манг бўлиб менга тикилди.

— Вой, сўрадим, беришмади!

— Нимага беришмади? Саводингиз паст экан, дейишдими?

Бу сафар у шўрлик бутунлай шошиб қолди.

— Вой, сиз каердан биласиз? Ҳа, саводингиз паст экан, дейишди, бизга тўғри келмайсиз, дейишди.

— Ана кўрдингизми, овсин, мана шунақа бировларнинг ғийбатини қилиб юргандан кўра азиз умрингизни бир нимани ўрганишга, илм олишга сарф қилганингизда, ким билсин, сиз ҳам ўзингиз ғийбатини қилиб юрган ўша кўшнингиз сингари жир боғлаб кетармидингиз.

Бировнинг бахтига бўлмагил бахил,

Бахтига бахт кўш-у, бўл доим аҳил.

Бахиллик бир занги, багрингни ейди,

Рангинг ҳам сарғайтиб, қилади захил!—

деган донолар. Сиз бўлсангиз, кўшнингизнинг уйидаги бисотини кўриб ҳасад ўтида ёнасиз. Лекин у киши замонамизга, халқимизга, жамиятига, жумладан, сизга ҳам, сизнинг бола-чақангизга ҳам келтираётган маънавий фойдасини кўрмайсиз! Бугунги ютуқларимизнинг кўпгинасида олимларнинг ҳам хиссалари бордир? Бор. Сиз буни англамайсиз-да! Келинг, бу гапларни бир ёққа кўяйлик. Сизга айтадиган икки оғиз гапим бор, айта-ю, хайрлашайлик. Халқимизда: «Иғвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон», деган мақол бор. Эшитгандирсиз? Йўқ? Э, афсус! Бўлмаса козоқ мақолини эшитинг: «Сассиқ сўз сассиқ оғиздан чиқади». Қаранг, яланғоч баданга визиллатиб урилган камчи заҳридай аччиқ. Ҳа, овсин, ишонаверинг, ўшанақа оғиздан ўшанақа сўз чиқади!

Мен айтар сўзимни айтиб, қайрилиб кетдим. У оркамдан мулзам бўлиб қараб қолди. Хайрон қоласан одам, жамиятимизда ўша ғийбатчи хотин вайсаб қоралаётган одамга ўхшаш ўзига тўқ, маданиятли кишиларимиз камми? Йўқ, истаган шахрингизда, ҳатто, кишлоқларимизда бунақа маъмур оилалар хоҳлаганингиз қадар бор. Бир маҳаллар рус классик адабиётида «Камбағаллик айб эмас» деган китоб ҳам пайдо бўлган экан.

Ёрқиш кулимсираб опоқиға қаради:

— Ҳа, Островскийнинг пьесаси-да.

— Ҳа, баракалла. Островский шунақа деб пьеса ёзган экан. Мана, замон ўзгариб, одамлар чин бахт оғушига етиб келибди-ю, мақол ҳам чопонини ўзгартиришга мажбур бўлибди. Энди камбағаллик айб эмас, дейиш ўрнига камбағалчиликни айб ҳисоблайдиган бўлиб қолдик. Нима учун? Шунинг учунки, қизлар, бизнинг садаганг кетай даври давронимизда ишлайман десанг — иш қат-қат, меҳнат қил — оғзингда қанд. Тўқлик-мўлликни, бояги ғийбатчи хотин ибораси билан айтсак, жир боғлашни меҳнат келтиради. Демак, ўзига тўқ одамлар астойдил меҳнатлари орқасида шу даражага етишган. Шунинг учун улар унақа бўлиб кетишди, бунақа бўлиб кетишди, деб орқаларидан ғийбат тоши отиш — ўзи ҳеч нарсага арзимайдиган танбал, ишэкмас, тепса-тебранмас одамларнинг ғаламислиги, холос. Ҳа, ғаламислиги!

Саодат буви терлаб кетдими, дастрўмолчаси билан пешонасини артиб, бир оз сукут этди. Энди у чойдан хўплаб ўтириб сўзини давом эттирди:

— Қадимгиларнинг: «Илоҳо, бевакт ўлимдан, курук тухматдан сақла!» деган илтижолари бор. Агар тухмат ўлим ёнида тилга олинган бўлса, демак, бу ҳам ўлим

билан баравар экан-да! Худди шу мазмунда қорақалпоқ халқ мақоли ҳам бор. «Тоғу тошни шамол вайрон қилса, одам боласини тухмат вайрон қилади», дейди. Албатта, ҳақ гап. Тухмат балоси нималигини, тухматдан келадиған жабру жафони шу қуриб кетгур туғматга учраған жабрдийдалардан сўраш керак. Бунинг жафоси доғу ҳасрат бўлса, оқибати умр хазони! Ўнгланиб олишинг қийин. Тухматчи қилар номаъқулчилигини қилиб кетаверади. Азобини, дардини ноҳақ тухматга учраған бегуноҳ тортади. Кейин ҳар қанча оқлан — фойдаси ё бўлади, ё бўлмайди. Лекин юзингга тухмат босиб кетган қора тамға узоқ вақт, балки бутун умр шараф йўлингга ғов бўлиб ётади. Сен ундан ўтишга ҳаракат қиларсан, қилишинг керак ҳам, лекин ўтиш ҳамиша ҳам насиб бўлавермайди. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ишлаб турган жойингдаги раҳбар одил бўлиши кераклигини эсидан чиқариб қўйса, коллективингга қилинадиған давлат ва жамоат илтифотидан сени четга суриб қўйиши мумкин. Бу ошқор илғаш бошқаларни ҳайратга солса, сени руҳан эзади. Ҳа, тухматдан, фитнадан, фисқу фужурдан, шунақа ёмон иллатларни туғдирадиған ҳасаддан, ичқоралиқдан нари бўлинглар, жон қизларим! Ҳа-ҳа, нари бўлинглар! Хонадонингиздаги одамларни ҳам бу бало касридан сақланглар. Айниқса, бўлғуси болаларингизни бу фалокат чангалидан омон асранглар, ўзгалар кўз ёшини дарё қиладурғон бу мараздан ҳазар қилдилинглар. Шу пок руҳда, шу инсоний руҳда, тоза дил кишиси руҳида тарбияланглар болаларингизни! Ғийбатдан ўзини тийган одам энг аввал ўзини, кейин ғийбат қурбонини бало-қазодан асраб қолади. Ўтмиш олимларидан Фаридиддин Аттор ҳам худди шуни таъкидлайди:

Ким тилин ғийбат қилишдин сақлади,  
Ул ўзин офат — балодин сақлади!

Саодат буви олдида ёзиглиқ қоғозларни тахлаб папкага солди. Кейин кўк муқовали бир китобни очиб, нималарнидир ўқиди.

— Сухбатимизнинг давомини халқимизнинг «Қўл югуриклиги — ошга, тил югуриклиги — бошга» деган доно мақолидан бошлаймиз. Ҳақиқатан ҳам, тили узун, тили аччиқ, тили заҳар — кумортқи одам ҳеч қачон обрў топган эмас. Тилим бор деб ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларни оғизга олиш, бошқаларга озор бериш, панғиш, қарғаш, шаллақилиқ қилиш — аёл қадрини қора ер қиладиган кўп хунук қилиқ. Шоирлар айтганидек, кўнгил маҳзанининг

қулфи тил бўладиган бўлса, уни очғучи калид — сўздир. Модомики, яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам битта оғиздан чиқар экан, нима учун ҳеч кимга озор бермайдиған яхшисини айта қолмаймиз? Ахир бундан энг аввало ўзимиз фойда кўрамиз-ку! Одамнинг тили, айниқса, аёл кишининг тили қанақа бўлса, ундан топадиған фойда-зарари ҳам тилига яраша бўлади. Шунинг учун, жон қизларим, оғизларингизга қараб сўзланглар, кейин лаб тишлаб қолмайсизлар. Тил дурини яхши жойлар, яхши пайтлар учун сақланглар, бўлар-бўлмас жойларда беҳуда тўқманглар. Яъни кам гапиринг, жонга малҳам гапиринг. Тилингиздан заҳар эмас, бол томсин — бунинг ҳикмати катта, жон болаларим! Шу боисдан бўлса керак:

Тилинг заҳар бўлса — еганинг заҳар,  
Тилинг шакар бўлса — еганинг шакар,—

дейдилар. Ахир одамни севдирадиған ҳам, бездирадиған ҳам тил бўлғандан кейин, қани энди ундан фақат бол томса, булбул гўёси ёғса! Биз юқорида ёлғончилик, чақимчилик, алдоқчилик, ғийбатчилик, тухматчилик, фиск-фужур, фитна, ҳасад каби ярамас иллатларни қоралаб гапирдик. Хўш, бу ярамас иллатларнинг бегуноҳларга отадиған ўқи, чопадиған қиличи қанақа? Тил эмасми? Минг-минг афсуски, тил! Аммо Лайлолар, Зухролар, Ширинлар, Зайнаблар, Кумушлар севгиси изҳор этилган пок тил — бу тил эмас! Бу сеҳргарлар, жодугарлар, бағритошлар, ялмоғизлар, ёсуманлар, соткинлар, имонсизлар, виждонсизлар тили! Бу қабиҳ тилнинг инсон тилига сира-сира алоқаси йўқ! Навоий ҳазратлари ҳам одамларни ширин тил билан гапиришга даъват этиб, дейдилар:

Ҳар ким чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки агёр дурур — ёр айлар.

## ЎН БИРИНЧИ ОҚШОМ ҲИКОЯТИ

Бошингда ватанинг бор — бахтиёрсан,  
Бу бахтни жонда сақла, токи борсан!

Бу оқшом суҳбатига тайёргарлик бошқача бўлди. Бундан Саодат бувининг ўзи ҳам беҳабар қолди. Оқшомдан анча илгари, соат бешларда бир тўда қиз Турсунойларникига кириб келди. Баъзиларининг қўлида тугунчак, баъзилариникида эса, эртапишар гилос ё қулупнай солинган тоғора. Қизлар келтирган нарсаларини айвонга қўяр-қўймас, Отикахоннинг жарангдор овози янгради:

— Ҳорманглар, қайрилма қошлар! Мана биз ҳам топпириқни қойил қилиб, беш кучоқ десам лоф бўлар, роппароса бир кучоқ гул келтирдик!

Қизлар чуғурлашиб уни ўртага олишди. Отиканинг кўнгироқ овозини эшитибми, Саодат буви ҳам уйдан хурсанд бўлиб чиқди. Қизлар Отика келтирган гулларни сувли челақка авайлаб жойлашайтган эди.

Саодат буви ҳайрон бўлди.

— Вой, келинлар, қизлар! Тинчликми?

— Тинчлик бўлганда қандай, опоқижон! — деди Отика чак-чак уриб. — Шунчалик тинчликки, биз бугун етуклик университетини битириямиз. Ҳа, ўзлари мударрислик қилган ахлоқ-одоб университетини, опоқижон!

Саодат буви ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Вой, бу қандай бўлди? Мени ҳеч гапдан хабарим йўқ-ку, — деди у қизларга жилмайиб.

Нигора чарақлаб кетди.

— Вой, опоқижон-эй, ахир бугун сўнги оқшом, ҳикоятимиз шу билан тамом. Кеча ўзингиз айтдингиз-ку, эртага сўнги суҳбатимиз, деб. Шундоғ бўлгандан кейин буни ўйин-қулги, вақтичоғлик билан нишонламай бўладими-я, опоқижон!

Соат еттиларда ҳаммаёқ тахт бўлди. «П» шаклида қўйилган столларга дастурхонлар солинди, қулупнайлар, чиллаки гилослар, ёқутдай товланиб турган шиша вазаларда хилма-хил гуллар қўйилди. Даврада «оқшом» қизлари, уларнинг оналари, бувилари худди ойдин кеча юлдузларидай чарақлаб ўтиришар эди. Саодат буви суҳбатга лозим бўла-

диган қоғозларини олиб чиққан экан, уларни титкилаб, қидирганини топди-да, унга бир оз кўз югуртиргандан кейин даврага мамнун қаради.

— Давраимизга хуш кўрдик, азиз оналар. Шунчалик илтифот билан бизни сарафроз қилганларингиз учун кўп раҳмат. Суҳбатимиз ўз йўлида. Лекин шу баҳона дийдор кўришиб ўтирибмиз — бу катта давлат. Дастурхонимиз қизларники, демак, ҳаммамизники. Шунинг учун ҳеч гортинмай еб-ичиб ўтирсаларингиз, мен айтар гапимни айтиб, қизлар олдидаги қарзимдан қутулиб олсам. Хўпми, айланайлар?

Ёши қирқлардан ошиб қолган бир аёл ўрнидан аста кўзгалди.

— Қизларимизга кўп яхши насихатлар қилибсиз, раҳмат сизга, опоқи. Қани энди бу доно ўғитингизни бир бизгина эмас, бутун шаҳримиз аёллари эшитса! Гапиринг, опоқи, гапиринг, бизам баҳраманд бўлайлик қизларимиз баҳонасида.

Саодат бувининг юзига хиёл қизил югурди. У, ўнғайсизликдан ўзини суҳбатга сошлаш учунми ё ҳаяжонини босиш учунми, бир неча зум қизларига тикилиб тургандан сўнг босиғи билан гапира кетди:

— Биз бутун суҳбатимиз давомида аёл кишининг тақдиридаги оналик шарафини кўп марта тилга олдик. Бу бежиз эмас, албатта. Нимага десангиз, она — азиз ва мўътабар зот. Шунинг учун она ҳақида ҳар қанча гапирсак, уни ҳар қанча бошга кўтарсак ҳам оз. Она шундай улуг зотки, қизларим, унинг улуглиги фақат бола туғишдагина эмас, ҳатто уни ўстириб, вояга етказишида ҳам эмас, йўқ, айланайлар, унинг улуглиги — болаларни ҳақиқий инсонлар қилиб тарбиялашида; унинг улуглиги — Ватанига, халқига сидқидилдан хизмат қиладиган, керак бўлса, азиз жонини ҳам аямай Ватанини ҳимоя қиладиган довурак алплар қилиб етказиб беришида. Ҳа, худди мана шунда: Она бор — Ватан бор! Она бор — халқ бор! Она бор — авлод бор! Она бор — келажак бор, бахт бор, ойдин кун бор! Дунёдаги энг яхши сифат, энг яхши фазилат — онадан! Онадан, қизларим, онадан! Она беради фарзандларига ана шу гўзал фазилатларни! Шунинг учун она — азиз, шунинг учун она — мўътабар! Лекин бошқа бир она ҳам бор. У ҳам онамиздек азиз, онамиздек мўътабар. Унинг оти — Ватан! Ватан — инсон учун қанчалик зарурлигини, қанчалик қиммат ва азизлигини ватанидан жудо бўлганлардан сўранг. Унинг ҳасратига, доғу аламига қиёс йўқ. Шунинг учун, болаларим, ҳеч кимни Ватанидан айир-



гулик қилмасин, ҳеч ким ватанига ташна бўлиб ўтмасин! Ана бу — онанинг вазифаси. Она фарзандининг танжонига Ватан муҳаббатини, ватанга садоқат — ҳис-туйғусини пайванд қилиши, ривожлантириши, болаларини энг мудҳиш бўронларда ҳам қадди букилмайдиган мустақкам ирода кишисига, тебранмас метинга айлантириши керак. Биласизлар, ҳеч бир она болам катта бўлса урушга боради, унинг жойи жанг майдони, деб ният қилмайди. Аксинча, уруш бўлмайди, менинг болам тинч-осойишта меҳнат ва ижод майдонида одамларга, ватанига, замонига нафи тегадиган яхши инсон бўлади, деб орзу қилади.

— Умрингиздан барака топинг, бону! Худди кўнглимиздаги гапни айтдингиз-а!— деди Муқаддаснинг ойиси хаяжонини босолмай.

Саодат буви кичик бир сукунатдан сўнг яна сўзини давом эттирди:

— Ҳар бир она орзуим ушалсин деб боласига улғайиш, улуғланиш йўлларини ўргатади. Лекин огоҳ бўлинг, қизларим, улуғлик — бошқалар устига чиқиб олиб гердайиш, кибру ҳавога, такаббурликка берилиш деган сўз эмас, йўқ-йўқ, зинҳор ундай эмас, жон болаларим! Ҳалоллик, поклик, тўғрилик, адолатпешалик ибрати бўлиш — улуғлик! Мана шу улуғлик фазилатларини ён-атрофдагилар билан баҳам кўриш, уларни ҳам шу мангулик йўлига солиш — улуғлик! Худди мана шу олий туйғуларни, мана шундай мустақкам иродани жо қилади она фарзандлари қалбига!

— Раҳмат, минг раҳмат, бону!

Саодат буви овоз келган томонга бошини бир эгиб кўйиб, яна сўзини давом эттирди:

— Қизларим, болаларингизни улуғлик томон бошлаб бораётган йўлингиздан ўт бўлса ўчириб, сув бўлса кечириб ўтказинг, уларни шундай довуракликка ўргатинг, ўтдан, сувдан кўркиб, ўзини панага урадиган ғаламисларга айланиб қолишмасин! Улар қалбини фақат суву ўтдангина эмас, бошқа ҳар хил кўрқув иллатидан ҳам асранг. Ажина, алвасти, олабўжи, шайтон, иблис, ялмоғиз каби йўқ махлуқлар ваҳимасидан сақланг. Шу нарса эсларингизда бўлсинки, айникса, мурғаклигида кўркиб қолган бола катта бўлганда ҳам кўрқоқлигини ташламайди. Ҳар нарсадан ваҳимага тушадиган, ҳайиқадиган, тўғри сўзини айтишга ҳам юраги дов бермайдиган аллақандай юраксиз, иродасиз бир нарсага айланиб қолади. Кўрқоқ одам ўзи тўғри деб билган ва тўғрилигига имони қомил бўлган нарсаларнинг тантанаси учун курашиши зарур бўлган пайтда бир чеккага чиқиб олади. Нима учун, а? Жонини қийнагиси қилмагани, яъни, жони

ширинлик қилгани учун эмасмикан? Ҳа, худди шунинг учун! Жони ширин одам ҳар нарсани — виждонини, номусини, иффатини, хатто халқини, Ватанини ҳам сотишдан, энг нозик пайтда уларга хиёнат қилишдан тоймайди! Кўрқоқнинг йўли — сотқинлик, хоинлик, виждонсизлик, тубанлик, зўр олдида тиз чўкиш, дарранда сингари ерларда судралиш, ниҳоят, оёқ остида ўлиб кетиши! Кўрқоқнинг йўли, касру касофати ана шундай нафратли! Эсларингизда бўлсин, қизларим, фарзандлари кўрқоқ халқнинг боши қулликдан чиқмайди! Ҳа, чиқмайди! Агар Улуғ Ватан урушида совет халқимизнинг азамат фарзандлари оламни ҳайратда қолдирган буюк довураклик билан ҳаёт-мамонт жангига ташланмаганида, бўйнига ўлим сиртмоғи солинган қаҳрамон комсомол қиз Зоя Космодемьянская жони ширинлик қилиб Ватанига хиёнат қилмаганида, ёш қайлиқларини, ширин-шакар болаларини ташлаб бориб, эрларимиз, оталаримиз, ака-укаларимиз, жигарбандларимиз жангу жадал майдонларида кўксиларини қалқон қилиб ёв йўлини тўсмаганларида, о, қизларим, ким билсин, ҳолимиз нима кечарди?! Зоя ўша маҳал ҳозирги сизларнинг ёшингизда, сизларга ўхшаш комсомол сафида эди. Оҳ, жон болаларим, балогатга етган қиз яшаши, ҳаёт лаззатини кўриши, ўйнаб-қулиши, дўсту дугоналари билан ашулалар айтиши, ўйинга тушиши, сайру сафо гаштини суриши, илк севги ўтида ёниши нақадар зарур, нақадар баҳузур эди! Аммо Зоя буларнинг ҳаммасидан қочди. Шунинг учун кечдики, олдида Ватан тақдири ёрдам сўраб қўл чўзиб турар эди. Болаларим, ҳақиқий инсон учун, шонли комсомол тарбиясини олиб, комсомол жаҳди билан жангга кирган довурак замон қизи учун қайси бири шарафли эди? Кўрқоқлик чоҳига қулаб, ўша қўланса ерда сурғалиб, ўрмалаб кун кўришми ё озод қаддини ғоз кўтариб, душман башарасига туфлаб ўлишми? Қайси бири шарафли эди, ажабо? Зоя ғоз туриб, ғоз ўлишни танлади. У Ватанига хиёнат қилмади, халқини сотмади! Ўлсам ўламан, лекин Ватанимга хиёнат қилмайман, деди. Ватанига хиёнат қилмади, азиз халқини сотмади — мангу яшаб қолди! Сизлар ҳам, жон қизларим, болаларингизни худди шу руҳда, Зоя руҳида, Зояга ўхшаш довурак кўрқмас инсонлар руҳида тарбия қилинглар. Биз юқорида Зояни комсомол тарбиясини олган, комсомол ишига жон-дили билан берилган замон қизи эди, дедик. Мен ҳам комсомол фаолларидан эдим. Биз у маҳаллар нима ер, нима ичар, нима кияр эдик — билмайман. Билган нарсамиз — комсомол топширигини бажаришга шошилиш, аҳоли орасида янги замон афзал-

ликларини тушунтириш, ишлаш, сира чарчамай ишлаш эди. Мана ўша маҳалларда айтиб юрган ашулаларимиздан бир банд:

Ёш юрак қийналса-да, ҳеч умидсиз бўлмағай,  
Йўлида ўт бўлса-да, ортга ҳеч бир қайтмағай!

Курашга, шижоатга, қўрқмасликка, олға даъват этувчи бу ашула ҳамон-ҳамон қалбларимизда барҳаёт экан, комсомоллик ўти ҳам барҳаёт. Комсомол ўти — ўчадиган ўтлардан эмас, қизлар. Ҳа, ўчадиган ўтлардан эмас! Бўшашган, ивирсиган, тинчининг гамини еб, жонини уринтиришдан қочган баъзи тепса-тебранмас ёшларни кўрсам комсомоллигим кўзийди-ю, ичимда ғайрат ўти ёниб, БАМга кетворгим келади. Сизларнинг юракларингиздаги ўт ҳам бизларникидан ортиқ бўлса ортиқдирки, кам эмас, қизларим. Ғайрат, шижоат, куч-қувват қалбларингизда ўт бўлиб ёнаётган экан, фурсатни бой бермай, халқингизга — хизматингизни, ватанингизга — садоқатингизни кўрсатинг. Лекин баъзи нотавонларга ўхшаш ўзларингизни гўлликка солманглар, ҳозир уруш бўлмаса, қандай қилиб қаҳрамонлик кўрсатамиз, деб. Йўқ, ният қилинг — қаҳрамонлик кўрсатиладиган жой топилади. Қаҳрамонлик на замон танлайди ва на макон. Шу дориломон кунларда ҳам қаҳрамонлик кўрсатса бўлади. Кўрсатаётганлар сон мингта! Саноатда, зироатда, завод-фабрикада, қурилишда, илм-фан ва санъат-адабиётда истаганингиз қадар. Иннайкейин, ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермайди. Сиз ички дунёнгиз, ички эҳтиёж ва талабингиз қонадиган иш қилинг — ана шунинг ўзи қаҳрамонлик. Қилган ишингиздан виждонингиз қонса, қийнамаса — шунинг ўзи катта бахт-ку! Эсларингизда бўлсин, жон қизларим, ҳар ким экканини ўради. Поклик эккан — софлик олади. Сиз шундай нарсаларни экингики, ҳосилни ўзингизда, болаларингизда кўриб, умрингиз шодликда, виждонингиз қувончда ўтсин.

Саодат буви гапириб туриб юзадан, кейин зимдан ўтирганларга разм солди. Қизлардан тортиб кекса хотинларгача — ҳеч бири оғзига бир нарса солмай қулоқ солиб ўтирар эди. Атроф жим — пашша учса эшитилади. Саодат буви мийиғида кулиб:

— Бунақада дастурхонимиз хафа бўлиб қолади-ку, мундоғ олиб ўтиринглар-да,— деди.

Шундан кейин бир неча дақиқа чакчақлашиб, нозу неъматлардан еб ўтиришди. Гилос билан қулупнай ҳиди столдаги гуллар ҳидига аралашиб димоғларни яйратар

эди. Меҳмонлар ора-чора дастурхонга қараб ўтиришса ҳам, кўзлари Саодат бувининг оғзида — гап кутишади.

— Энди бир маслаҳат-да,— деди Саодат буви, узр сўраётган одам ўнғайсизлиги билан меҳмонларга қараб.— Мен айтадиган гапимни айтиб бўлдим шекилли. Буёғини энди сизлардан эшитсак. Йўқ-йўқ, унақа деманг. Сизларда ҳам ҳали теша тегмаган гаплар топилади. Одам бўлсин-у, кўнглида айтгули гап бўлмасинми! Бўлади. Сизларнинг ҳам ичингизда ташқарига талпиниб турган гаплар бордир! Бор, албатта. Энди гап навбатини сизларга берсаму, ўзим сомелар қаторида туриб турсам. Хўпми, азиз меҳмонлар?

Биров: «Йўғ-е, биз сизга ўхшатиб гапира олармидик! Ўзингиз гапираверинг, опокижон!»— деса, яна биров: «Бизга йўл бўлсин бунақа қойил қилиб гапириш!»— деб кўнмади. Саодат буви ҳар нима қилиб бўлса ҳам уларни гапга тортиш учун яна бир марта уриниб кўрган эди, яхши кийиниб, яхши таранган лўппи юз, қўй кўз бир жувон хиёл тўлишган гавдасини оғир кўтариб ўрнидан турди. Унинг ёши қирқлар чамасида эди.

— Ҳурматли опоқи, айбга буюрмасангиз, менда бир-иккита фикр бор эди, айтсам, биргалашиб ҳал қилсак,— деб қолди.

— Вой, айби нимаси, Зулайҳожон! Айтаверинг, айланай,— Саодат буви мусобақа бошланаётганидан қувониб кетди. Кейин қўшиб қўйди: — Ўтиринг, айланай Зулайҳожон, ўтириб гапираверинг. Биласиз, биз бу ерга маҳалла хотин-қизларининг ё бирон ташкилотнинг расмий мажлисини ўтказгани йиғилганимиз йўқ. Шу, оила доирасида сўзлашгани, суҳбатлашгани, ечилмай қолган масаламиз бўлса, кўплашиб ечгани йиғилганмиз. Агар мени лекциялар ўқитадиган бирон расмий ташкилотнинг вакили деб эмас, ҳаммаҳалламиз, ҳамсуханимиз деб билсаларингиз, илтимос, ҳар қанча гапингиз бўлса ўтириб гаплашаверайлик. Ҳа, шундай бўлсин, Зулайҳожон.

Зулайҳо уялинкараб жойига ўтирди. Кейин улуғлар олдида ўтириб гапиришни эп кўрмаган одам сингари ўнғайсизланиб деди:

— Ғалати бўляпти-да, сизнинг олдингизда ўтириб гапирсам...

— Йўқ-йўқ, ундай деманг, гапираверинг, айланай.

Зулайҳонинг ўнғайсиз аҳволда экани ошкор кўриниб турарди. У қовушмаганроқ бир овозда гапира бошлади:

— Болаларимизни ватанга садоқат, ҳаётда жасорат кўрсатиш руҳида тарбиялашга даъват этганингиз, опоқи,

менинг кўнглимдаги гап бўлди. Албатта, ҳар бир она боласини жамиятда судралиб яшашини эмас, ярақлаб, чараклаб яшашини орзу қилади. Бир маҳаллар ёш эканманми ё содда эканманми, кайдам, болаларингизни ундай тарбия қилинглар, бундай тарбия қилинглар, дейилган гапларни эшитсам, энсам котарди. «Тавба, бировнинг боласини ҳам ўз билгича тарбиялашга кўйишмайди-я!» дердим. Энди билсам, бу талабларда ҳикмат катта экан. Агар болаларимизни ўз ҳолига, ўз майлига ташлаб қўйсақ, бола — болада, билган кўчасига, ҳатто, билмаган кўчасига ҳам кириб кетаверар экан. Бизда, менинг назаримда, бир ёмон одат бор: болаларимизни, айниқса, ўғилларимизни куракда турмайдиغان шўхликлар қилишса ҳам тартибга чақириб, танобларини тортиб қўймаймиз. Нимага бундай қиламиз? Бола ҳали ёш, катта бўлса ақли кириб, йўлини топиб кетар эмиш! Ё тавба, бу ахир боланинг бебошлигини қоралаш ўрнига рағбатлантириш бўлади-ку! Ҳар қандай ярамас одат, ярамас хулқ бола йўргакдалигидаёқ даф этилмаса, катта бўлганида тан-жонига сингиб кетган ёмон хулқ-атвордан болани қайириб бўлармикан? Менимча, қийин бўлар, балки мумкин бўлмас ҳам. Шундоғми, опоқижон?

— Шундоғ, айланай, шундоғ.

Зулайхо ажиб бир ҳарорат билан сўзини давом эттирди:

— Шундоғ бўлгандан кейин бу ярамас иллат замирида қандоғ балолар бор, буни ҳам ўйлаб кўришимиз керакми-йўқми? Керак. Ўйлаб кўришгина эмас, олдини олиш ҳам керак. Мана шу ерда бир савол туғилади: шунақа бебош бола битта оилада борми ё бошқа оилаларда ҳам бормикан? Менимча, анчагина топилса керак. Ҳа, анча топилади. Шу «анчагина» тўғри йўлдан тойса, бунинг нуқси ахир бориб жамиятга ҳам урмасмикан? Уради! Оқибатда ёмонлар, тартиббузарлар, бебошлар, ғаламислар, текинхўрлар, бировлар ҳақиқа кўз олайтирадиганлар, юлғичлар кўпаяди, ҳатто, қотиллар ҳам. Ҳўш, бундан ким ё кимлар жабр кўради? Болаларининг ақлини ёшлиқларидаёқ киритиб, кўзларини очиб қўймаган борки беғам ота-оналаргинами? Жамият-чи? Жамият жабр кўрмайдими? Кўради. Ҳа, кўради! Ҳамма бало шунда! Ёмон кўпаяди. Ёмоннинг кўпайиши эса, жамиятнинг издан чиқишига, бузилишга олиб келади! Мана бу — ҳаммасидан ёмони! Ақл-хуши жойида одам бунга йўл қўймайди. Жамият софлиги ва соғлиги учун, болаларимизни тўғри тарбиялаш оқибатида қўлга киритиладиган ижтимоий неъмат учун ҳеч нарсадан кўрқмай, ҳеч қандай хавфдан ҳайиқмай курашади. Биз худди шунақа курашчилар тарафидамиз. Зулайхо бир зумгина сукут этиб, чиройли чехрасига

ёқимли бир жилмайиш югуртирди. Кейин юз-кўзлари билан кулиб деди:

— Бу ерда ўтирган хурматли опа-сингилларимизга, айниқса, табаррук онахонларимга ақл ўргатай деб айтаётганим йўқ бу гапларни. Бир маҳаллар нодонлик қилиб, тўғри гапни огир олганим учун шунчалар пушаймоним зўрки, шуларни айтиб бир ёзилиб олгим келди-да. Бир оз вақтларингизни олдим-у, лекин фойдаси кўплигини билганим учун гапимни айтиб олдим. Фойдасини уқтиринг, деяпсизми? Хўп, уқтираман. Мана, шу табаррук дастурхон атрофида анчагина ақли расо қизларимиз ўтирибди. Қисқаси, мен йўл қўйган хатога булар йўл қўймасин демокчиман-да, айланайлар...

Зулайходан кейин яна бир неча аёл гапирди. Бирови: «Нима эксанг — шуни оласан», деса, яна бирови: «Йўқ, айланай, экиш билан иш битмайди. Эксанг-у, бепарво бўлиб кетсанг, хоҳлаганингни ололмайсан!» — деди. Шу тарика узоқ гаплашиб, чакчақлашиб ўтиришди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолган эди. Хайр-маъзурдан олдин Саодат буви «Ўн бир оқшом ҳикояти»га мана шундай хотима берди:

— Қизларим, халқ ақлу идроки — бутун бир уммон. Биз ундан баъзи дурларнигина тердик, холос. Ҳали у ерда ақл жавоҳири — бир жаҳон. Энди бу жавоҳирдан сизлар қанча оласизлар, қандай оласизлар — буёғи ўзларингизга, ўзларингизни қандай тутишларингизга боғлиқ. Лекин сизлардан илтимос, қизларим, қалбларингизга вафо уругини сочинг, ундан поклик, ҳалоллик, садоқат, ниҳоллари униб чиқсин ва унинг ранг-баранг гуллар яшнаб турган شوху шаббаларига кўнгуси булбуллар сизларни вафо қошонасига, фақат вафо, садоқат қошонасига чорласин.

Инсонсан, кўтар қаддинг ғоз, инсонча иш тут,  
Сени кўрган ҳавас қилсин, бағри бўлсин бут!

## ЁЗУВЧИНИНГ БАХТИ ВА БАХТСИЗЛИГИ

Орадан икки йил ўтибди. Одамзот ҳар қандай айрилик, ҳар қандай ҳижронга чидайди. Кунлар ўтгани билан хотиралар хира тортмай, аксинча, тиниклашиб, юракни қон қақшатиб бир ўксик уйғотади. Суянган тоғингиз, ишонган одамнингиз, доно маслаҳатгўйингизнинг бу дунёни ташлаб кетганига ишонгингиз келмайди. Сўнги суҳбатлар кулоқ остида қайта-қайта жаранглаб, сўнги дийдор кўришувлар ва ниҳоят, энг охириги учрашув кўз олдингиздан кетмас экан.

Мирзакалон Исмоилий... Бу одамнинг истарали сиймоси, кулиб турувчи кўзлари ҳали уни кўрган, билганлар хотирасидан ўчмади. Бу одамнинг номи адабиётга кўнгили қўйганлар тилидан тушганича йўқ.

Мирзакалон Исмоилий менга тоға, устоз эдилар. Шу сабабли у кишининг устоз сифатидаги талабчан нигоҳларини, тоға сифатидаги меҳрибон қарашларини унута олмайман. Мен учун улуг бир зотга айланган одамнинг индамаслар оламига кетганига ишонгим ҳам келмайди.

Маъзур тутинг, қўлга қалам олишдан мақсадим бўлак эди. Муддао ҳасрат эшигини очиш эмас, балки, умрини фақат эзгуликка бағишлаган одам ҳақида бир-икки яхши сўз айтиш. Халқимиз Мирзакалон Исмоилийнинг ёзган асарларинигина билади. Унинг шахсий ҳаёти, асарларининг дунёга келиши тарихи кўпчилик учун сир. Мен ёзувчининг асарларига қайта тартиб бериш чоғида ана шу сирни ошкор этишга журъат этдим.

Мирзакалон Исмоилийнинг номини элга машҳур қилган асар — «Фарғона тонг отгунча» романи. Адибнинг мўлжаллича, асар уч китобдан иборат — трилогия бўлиши керак эди. Романнинг икки китоби ёзилди. Учинчиси ҳатто қоғозга кўчмади ҳам. Ёзувчи ҳаёт чоғида «Роман қандай ёзилди, учинчи китоб қачон битади?» деб берилган саволлар жавобсиз қоларди. Бир куни, радиода ишлаб юрган давримда, «Одамлар романнинг ёзилиш тарихи билан кизиқишяпти», деганимда, тоғам маъюсгина жилмайиб:

«Қандай жавоб бераман, китобни қамокдалигимда ёзганимни айтганим билан эълон қилинмайди-ку?» — деган эдилар.

Ҳа, «Фарғона тонг отгунча» романининг биринчи китоби қамокда ёзилган. Эллигинчи йилнинг ёзида адиб отасини тупроққа қўйди. Янги йил арафасида ишга йўл олди. Уни ишлаб ўтирган еридан олиб кетишди. Шу бўйи уйига тўрт йилу тўрт ойдан кейин қайтди. Қайтди-ю, суюкли фарзандлари орасида суюкли қизи Ойзуҳрани кўрмади... Ёзувчи нима гуноҳ қилганини ўзи ҳам билмай тўрт йилу тўрт ой озодлик илинжида, ҳақиқатнинг қарор топиши илинжида яшади. Урушнинг бошидан охиригача ўлим билан юзма-юз турган, Сталинграддан Берлингача борган, сўнг яна бир неча муддат Берлинда хизматда қолган одам, Ватан учун жонини беришга тайёр инсон бир мальуннинг бўҳтони билан умрининг тўрт йилу тўрт ойини Қарағанда шахталарида ўтказди. Мен шулар ҳақида ўйлаганимда ёзувчининг иродасига қойил қоламан. Кичкина жуссали бу одамнинг қудратидан хайратга тушаман. Тоғамнинг жанггоҳда ёзган «Озод инсон ҳақида кўшиқ» деган воқеий ҳикоялари бор. Фронт газеталарида эълон қилинган бошқа лавҳа, ҳикояларида ҳам асосан озодлик ҳақида фикр юритилади. Фашизм — куллик демак, кул бўлиб яшагунча озод инсон сифатида ўлмоқ афзал, деган ғояни илгари сурганлар. Шундай одам, озодликни ҳамма нарсдан афзал билган одамнинг ўзи бу неъматдан бебаҳра бўлса?! Озодликдан маҳрум чоғида ҳам тушқунликка тушмай, қўлига қалам олиб халқи учун меҳнат қилса. Яна нималар қаламга олинган денг: коммунистик ғоя шарафланиб, инкилоб туфайли озодлик кўрган халқ ҳаёти тасвирланган. Халқнинг озодлик йўли баён этилган. Энди ўзингиз ўйланг-а, шундай одам «халқ душмани» бўлиши мумкинми? «Мен ноҳақ қамалдим, мен бесабаб жабр кўряпман», деб жамиятдан нафратланмай, аксинча, Ленин ғоясига содиқ қолиб, қўлга қалам олиш жасорат эмасми? Баъзан одам машаққатга дуч келса, айниқса ноҳақликдан азоб чекса, ўзини йўқотиб қўяди. Тўғри йўл топа олмайди. Онги хира тортади. Аммо Мирзакалон Исмоилийда бундай тушқунлик юз бермаган. Ҳақиқат қарор топиб, оқланиш фурсати етиб, терговчи адибдан «Нима истагингиз бор?» деб сўраганида, «Яна уч-тўрт ой чиқармай туринглар, роман ёзаётган эдим, шуни тугатиб олай», деган жавобни эшитганида нақадар хайратга тушганини тасаввур қилиб кўринг.

Ёзувчи озодликка чиққач, романга сайқал берди, нашрга тайёрлади. Урушдан илгари бошлаган хайрли ишини

давом эттирди — Лев Толстой асарларининг таржимаси билан шуғулланди. Урушдан аввал «Тирилиш»ни таржима қилган адиб энди «Анна Каренина» романини ўзбек тилига ўгирди. Чехов, Горький хикоялари, сўнг «Сўна», сўнг «Чоликуши», сўнг «Фарғона тонг отгунча»нинг иккинчи китоби, сўнг ахлоқий кинжаллар, мақолалар... Ёзувчи ирода-сининг, меҳнатқашлигининг исботи учун яна қандай мисол керак? Энди: «Хўш, шундай меҳнатқаш одам нима учун романнинг учинчи китобини ёзмади?» деган савол туғилиши табиий. Тоғам бу саволга тайинли жавоб бермаганлар. Лекин суҳбатларидан бир нарсани англаганман. Бу кунга келиб шу тахминни айтишга журъат этаман.

Ўтган йили атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллиги муносабати билан айрим одамлар уни хорлик кўрган, жабр чеккан, таъқиб этилган бир бечорага чиқариб қўйдилар. Уялмай-нетмай: «Абдулла Қаҳҳор ҳақида гапириш мумкин эмас эди», деб даъво қилдилар. Улар ўзларининг кўрқоқ эканликларини, тамагир эканликларини яшириш учун шундай гаплар тарқатдилар. Абдулла Қаҳҳор — бечора одам эмас, КУРАШЧИ (I) эди. Ўзининг шахсий фикри бор эди ва бу фикрини ҳимоя қила оларди. У бировнинг фикри билан яшамаган, бировга қулук қилмаган, бирон ниманинг тамаида юрмаган. Уни бечорага чиқариб қўйганлар, аксинча, «Абдулла Қаҳҳорни мактасам фалончи акамга маъқул келмаса-чи, ҳозир катта унвонга, катта мукофотга навбатда турибман, яна навбатдан чиқариб ташламасинлар», деб кўрқиб яшашган. Ана энди, «Абдулла Қаҳҳор устозингиз экан, нима учун шунча йил индамадингиз?» деган саволга мана шундай даъволар тўкиб чиқаришди. Абдулла Қаҳҳорнинг таъқиб этилганига ишониш қийин. Ахир у барча неъматларга сазовор бўлган, асарлари сахналарда қўйилган, фильмлар олинган, кўп томликлари чиққан, юксак унвонлар, мукофотлар, нишонларга сазовор бўлган. Олтмиш йиллик тўйларида республика раҳбарлари тўла-тўқис катнашишган. Тўғри, ўша дамларда айрим қитмирликлар бўлгандир, баъзан, керакли маҳалда етарли эътибор берилмагандир. Бу менга қоронғу. Аммо аминманки, ёзувчининг вафотидан кейин уни вақтинча унутиш ҳам фақат раҳбар одамнинг эмас, ёзувчи атрофида юрганларнинг ташаббуси билан бўлган. Абдулла Қаҳҳор асарлари берилмасин, деган буйруқни эшитмаганман. Мана, мисол: радиода ишлаганимда, радио раҳбарларининг дам олишда эканидан фойдаланиб, «Шохи сўзана»ни, кейин «Аяжонларим»ни эфирга берганман. Очиги, мишмишларга ишониб, Марказкомдан кўнғироқ бўлишини, танбех эшитишни кутиб юрганман. Қарангки,

хатто норозилик ҳам эшитмабман. Кейин «Гулистон» журналида ишлаганимда Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов, умуман, коллектив Абдулла Қаҳҳорнинг 70 йиллигини нишонлаб, журналдан кўп ўрин ажратди. Иброҳим Ғафуров катта мақола ёзди. Яна ҳеч ким танбех эшитмади, таъқиб остига олинмади.

Бу гапларни айтишимга сабаб: агар бирон-бир ёзувчи таъқиб остига олинган бўлса, бу Мирзакалон Исмоилийдан бошқа одам эмас. Урушдан кейин тоғам «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул котиб бўлиб ишлаган эканлар. Газетага Шароф Рашидов муҳаррирлик қилган. Ўшанда муҳаррир ва масъул котиб орасидан қора мушук ўтган. Ана шу воқеа то сўнгги кунларигача ёзувчини таъқиб этиб келди. Аввало «Фарғона тонг отгунча» бўш асар сифатида тўхтатилди. Тоғамнинг айтишларича, Сарвар Азимов Ёзувчилар союзига раҳбар бўлганларидан кейингина, у кишининг аралашувлари билан, 1958 йилда дунё юзини кўрган. Китоб энг кам тиражда — ўн беш минг нусхада босилган.

Мирзакалон Исмоилий ҳаёт эканларида асарлари мажмуасини нашр эттириш орзуси билан яшадилар. Кимларнинг кўп томликлари чиқмади, дейсиз. Аммо Мирзакалон Исмоилий учун бу йўл тақатак берк эди. (Не ажабки, бу йўл ҳали ҳам очилмади. Ёзувчининг уч томлик асарлар тўпламини чиқариш ҳали ҳам муаммо.) Ёзувчи мукофотлар олиш ёки унвонга эга бўлишни орзу қилмаса ҳам бўларди. Ҳолбуки, савияси бўш, иқтидорсиз одамларнинг бир қанчаси бунга эришиб керилиб юрдилар. Бу ҳол адибга таъсир этмаган дейсизми?

Романнинг иккинчи китоби ёзиб тугатилганда адиб олтмишни қоралаган эдилар. Аммо куч-қувватга тўла эдилар. Олтмиш ёшга тўлишлари муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми ёзувчини Фахрий ёрлик билан тақдирлади. Урушда қон тўққан, ноҳақликларга чидаган, халқ учун тинимсиз меҳнат қилган одамга бундан улуғроқ мукофот лозим кўрилмаганига яраша, бу ёрликни юбилей кечасига олиб келиб топширувчи инсоф эгаси топилмади. Ижодкор учун бундан ортиқ хорлик бўлмаса керак.

Таваллуд тўйи фарзандларининг никоҳ тўйлари билан улашиб кетиб, бу тақдир азоби бир оз қийнамай турди. Аммо унинг темир тирноқлари кейинроқ ўз ишини қилди. Тоғам менга сира шикоят қилмаганлар. Унда ёшгича йигитча эдим. Аммо бир кун онамга: «Учинчи китобни ёзмайман, шунча меҳнат қилиб нима кўрдим?» дебдилар.

Бу одамнинг иродасини уруш буколмаган эди, қамок буколмаган эди, хорлик, қадрсизлик букибди!

Яхшики, атрофларида меҳрибон одамлар бор экан, адабиётдан бутунлай юз ўгирмадилар. Олтмишинчи йилларнинг бошларида республика радиосининг «Ёшлик» редакциясида ёзувчи Рустам Раҳмон, Саъдулла Сиеёв ишлар шарди. Улар Мирзакалон Исмоилийни редакция ишларига тортиб, шу тарика ёзувчининг ахлоқ-одоб мавзуидаги суҳбатлари бошланган, суҳбатлар катта шуҳрат топган эди. Мана шу ёзувчига далда бериб, бутунлай тушкунликка тушишдан асради. Мактуб кўп келарди. Тоғам жавоб беришга улгурмас эдилар. Ёзув столлари доно маслаҳатга муҳтожларнинг мактублари билан тўла бўларди. Бу мактубларнинг айримларини кулиб, баъзиларини ғазабга тўлиб ўкиб берардилар. Бир куни ҳатто «Билмайин босдим тиканни» деган мавзуда ҳикоя ёзиб кўр», дедилар. Ёздим. Эплай олмадим. Ҳали йигирмага тўлмаган йигит ҳаёт фалсафаси ҳақида эплаб ёзолмас экан. Ҳаёт, оила, фарзанд, муҳаббат деган тушунчалар ҳақида фикр юритиш учун билимгина эмас, асосан тажриба керак экан. Ўша адашган киз ёки йигит дардини юракдан ҳис қилиб кўриш керак экан. Ўша алдаган малъуннинг қалбини ҳам ҳис қилиш лозим экан. Буни мен ўша пайтда эмас, кейинроқ тушундим. Мен тоғамга ҳавас қилардим. Ахлоқ-одоб мавзуида ёзиб, гапириб шуҳратга эришишни истардим. Халққа бу мавзуда гап айтиш учун аввало маънавий ҳуқуққа эга бўлиш лозимлигини ҳам кейинроқ тушундим. Покизалик ҳақида гапирувчи одам фақат покиза эмас, ифлосликка қарши кураша олувчи қудрат соҳиби бўлиши керак экан. Бирор кимсага «Сен виждонсизсан» дейишдан аввал ўз виждонига бир қараб олиши шарт экан. Бирон-бир ёшга «тўғри йўлдан юр» дейишдан олдин ўзи босиб ўтган йўлга қараб олиши зарур экан. Маънавий ҳуқуқ деганда шуни тушунаман мен. Мана, ҳозир ҳам айрим ёзувчилар турли давраларда, ҳатто телевизорда одоб ҳақида ваъз айтадилар. Ўзларини ақли, виждонли, инсофли қилиб кўрсатадилар. Лекин халқ уларни эшитмайди. Насиҳатларига қулоқ осмайди. Улар бундан ҳайрон бўладилар. «Одамларга насиҳат ёкмай қолди», дейдилар. Бўлмаган гап бу. Одамзот ҳаммавақт доно маслаҳатга муҳтож. Насиҳат ёкмай қолганда «Қобусномаю» «Калила ва Димна»лар қўлма-қўл бўлмасди. Ваъзхон ёзувчиларнинг фожиасти шундаки, улар бу иш учун маънавий ҳуқуқлари йўқ эканини тушуниб етмайдилар. «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган замон ўтиб кетганини фаҳмламайдилар.

Радиодаги суҳбатлар шуҳрати поширларда китоб чиқариш фикрини туғдирди. Тоғамнинг қуролдош дўстлари, ёзувчи Мели Жўра «Ўзбекистон» нашриётида ишлар эдилар. Шу кишининг таклифи билан «Инсон ҳусни» деган китобча юзага келди. Китобча тез тарқалди. Мен китобча берки тилиб, устига нарх кўйиб сотилганини ҳам кўрдим. Орадан бир-икки йил ўтиб, «Инсон ҳусни» қайта ишланди, тўлдирилди. Шу тарика «Одамийлик қиссаси» юзага келди.

Шундан кейин тоғам ахлоқ-одоб мавзуига бутунлай берилиб, йирик асар ёзиш фикридан узоқлашдилар. Мен дам-бадам романнинг учинчи китобини эслатардим. Аммо тайинли жавоб олмас эдим. Ёрдам берай, бирга ёзайлик, дейишга журъат этмасдим. Ёзганларимни Мирзакалон Исмоилий меҳрибон тоғам сифатида эмас, талабчан устоз, ёзувчи сифатида баҳолашларини кутардим. Ниҳоят, шундай кун келди. «Чорраҳада қолган одамлар» деб номланган қиссам «Шарқ юлдузи»да эълон қилинди. Бир кун тоғам ишхонамга телефон қилиб, қиссани ўкиб чиққанлари, фикрлари ҳам борлигини айтдилар. Одатда тоғам бундай қилмасдилар, ҳайрон бўлдим. Ишдан ортиб, шу ҳафта бора олмадим. Якшанба куни келин аям билан уйга кириб келишди. Қисса ҳақида гаплашиш учун атайин келибдилар. Бу ҳам мен учун янгилик бўлди. Ана ўшанда камчиликларни айтиб, энди каттароқ асар ёзсанг ҳам бўлар экан, дедилар.

«Фарғона тонг отгунча»нинг учинчи китоби ҳақида яна эслата бошладим. Тоғам бу пайтда хаста эдилар. Соғ кунларидан оғриган кунлари кўп бўларди. Бу масалани яна бир эслатганимда: «Тўхта, бошқа нарса хаёлимга келди. «Бизнинг роман»ни давом эттирсам-чи?»— деб қолдилар. Тоғамни ўсмирлар тарбияси жиддий ташвишга солаётган эди. Бунга кичик тоғамнинг азамат ўғлини ўртоқлари уриб ўлдириб қўйиши сабаб бўлса керак. Ёзувчининг дафн маросимидаги фарёдлари, суд жараёнидаги изтироблари ҳали-ҳали ёдимда. Жабрланувчи, яъни кичик тоғамнинг адвокати сўзга нўноқроқ аёл экан. Суднинг сўнгги мажлиси олдидан ёзувчидан «бир-икки бет гап» ёзиб беришни илтимос қилди. Тоғам унга бир ажабланиб қарадилар-у, жавоб бермадилар. Эртасига, сўнгги мажлисда, адвокат сўз олиб қоғозга қараб гапира бошлади. Муқаддимасининг ўзиёқ ҳаммани ларзага солди, кўзларига ёш келтирди. Муқаддима муаллифи ким эканини менгина билдим. Назаримда ўша бир саҳифани ёзишда тоғамда ўсмирлар ҳаётини қисса яратиш фикри туғилган. Сихатларининг нобоплигига қарамай, ишга киришдилар. Болалар ахлоқ тузатиш колониясига бордилар. Биз ҳар куни ё

кўришардик, ё телефонда гаплашардик. Тоғам эринмай ҳисоб берардилар. «Шунча бет ёздим, шунчасини машинкада кўчирдим, шундай яхши фикр келди хаёлимга...» Иш билан банд эканликларида хасталик узоқлашгандай бўлди. Орадан ойлар ўтиб, «Ўзингдан кўр» деган ахлоқий қисса юзага келди. Бу ёзувчининг сўнги асари эди. Тоғам бу сўнги китобларини кўролмай кетдилар.

Асар нашрга топширилгач, касаллик яна тез-тез хуруж қила бошлади. Шунда мен «Фарғона тонг отгунча»нинг учинчи китоби ҳақида сўз очиб, таклифимни айтдим. «Ҳа, шунақа қарзим бор. Сен ёрдам берсанг, ёзаман... Фақат биринчи, иккинчи китобларни топиб кел. Кўп нарса хаёлимдан кўтарилди», дедилар. Иккита китобни топиб, олиб бордим.

Ҳеч унутолмайман: тоғам китобни синиб кетадиган нозик чиннидай эҳтиётлаб олиб, стол устига қўйдилар. Кейин мадорсиз қўллари билан китоб юзини силадилар. Менга қараб-қараб қўйдилар-да, кейин: «Шуни мен ёзганманми, а?» — дедилар.

Мен сафарга, тоғам тўрт йил жанг билан борган шаҳарга — Берлинга жўнашим керак эди. «Қайтгунимча ўқиб қўйсангиз, ишни бошлаймиз», дедим. Менинг мўлжалим: тоғам асосий воқеалар баёнини берсалар, қолганини қўлимдан келганича қоғозга туширмоқчи эдим. Воқеа содир бўладиган жой аниқ — Фарғона водийси, асосан Андижон атрофлари. Вақт аниқ — февраль ва октябрь инқилоби оралиғидаги саккиз ой. Қаҳрамонлар ҳам аниқ. Ўша даврни, инқилоб даврини ҳам яхши ўрганганман. Мана шулар менга далда берди.

Аммо ўйлаганим рўё бўлмади. Қайтгач, тоғамни касалхонада ҳушсиз кўрдим...

Тоғамнинг ёзув столларида биргина чала иш қолди. Аниқроғи, бу иш ҳали бошланмаган эди. «Қизлар дафтарига» китоби чиққач, тоғам яна хатлар олдилар. Шундан сўнг бир куни: «Йигитларга ҳам айтадиган гапларим бор экан», деб, «Буниси сизларга, йигитлар» деган китоб ёзиш ниятлари бор эканини айтдилар.

Баъзилар: «Мирзакалон Исмоилий нима учун ахлоқ ҳақида куйиниб ёзади, ё оиласи, фарзандлари нобопми, кўп азият чекадимми?» — деб ҳам қўйишарди. Мен бу масалада аниқ айтишим мумкин: тоғамнинг оилалари жуда яхши эди. Фарзандлари оқил, комил бўлиб етишишган. Қизлари яхши жойларга қелин бўлиб тушишган, ўғиллари яхши жойларга куёв бўлишган. Тоғам ўн беш набира, бир оваранинг суюкли бобоси эдилар. Ота-онанинг ҳурмати

ҳақида кўп ёзишларига сабаб бошқа — тоғам ота-она меҳридан бенасиб ўсганлар. Оналари барвақт оламдан ўтганлар. Оталари — Исмоилхўжа хотин устига хотин олаверганлар. Тоғам Андижондан Ўшга қочиб бориб етимхонада тарбия кўрганлар. Ундан Тошкентга ўқишга келганлар. Кейинроқ Тошкентга менинг онамни ҳам олиб кайтганлар. Ўқишлари тугаб, ишлай бошлагач, буваами кейинги оилалари билан кўчириб келганлар. То умрларининг охиригача бувамининг иккинчи оилаларини ўз оналаридай кўрар эдилар. Қариндошлар орасида ўғай она, ўғай ука деган гап бўлмас эди.

Ахлоқий қиссаларга, мақолаларга, суҳбатларга кўп ҳолларда мактублар асос бўлар эди. «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси», «Қизлар дафтарига» кирган воқеалар тўқиб чиқарилган эмас. Ундаги айрим воқеаларга мен ҳам гувоҳ бўлганман. Қариндошлар, таниш-билишлар оилавий можарони тоғамсиз ҳал этишмас эдилар. Бу можароларга аралашиниш, муросага келтириш ёзувчи учун руҳий азоб берганини энди-энди ҳис қиляпман. Мен бундай можаролардан кейин тоғамнинг аччиқланганларини сезиб турардим. Аммо бу оддий аччиқланиш эмас, юракни темир тирноқларда тирновчи азоб экан. Бундай пайтларда мен тоғамни чалғитишга ҳаракат қилардим. Мен тоғамнинг нимага қизиқишларини яхши билардим. Тоғам боғбонликни хуш кўрардилар. Қибрайда ўзлари боғ қилган эдилар, баъзан шу боғдан гап очардим. Эккан дарахтларини мактаб кетардилар. Тоғам футболга бениҳоя қизикар эдилар. Баъзан гапни футбол янгиликларига бурар эдим. Агар «Пахтакор»нинг аҳволи дуруст бўлса хўп-хўп, йўқса худди мен тренердай ёки етакчи ўйинчидай, сўкиш эшитардим. Тоғам футболни спорт эмас, ижод деб билардилар, талабни ҳам шу асосга қурардилар. Тоғам шахматни яхши кўрардилар. Айтиш керакки, унча-мунча одам тоғам билан беллаша олмаеди. Баъзан мен ҳам шахмат ўйнашни таклиф этардим. Ахволим ўзимга маълум, дурангни ҳам орзу қила олмайман. Шундай бўлса ҳам тоғамни чалғитиш учун дона сурардим. Тоғам бунини билар эканлар. Бир куни, аниқроғи, Ш. Рашидов оламдан ўтган куни тоғамникига бордим. У ёқдан-буёқдан гаплашдик. Янгиликни эшитдиларми-йўқми, айтсамми-айтмасамми, деб иккиланиб, охири шахмат доналарини тердим. Ўйин яримлагаида: «Сенинг бу айёрликларинг менинг чўнтагимдан аллақачон тушиб қолган», дедилар. Кейин доналарни суриб қўйдилар. «Сен ҳам бошқаларга ўхшаб суюнчи олгани келибмидинг? Одамларнинг разиллигини қара, менга телефон қилиб табриклашяпти. Бировнинг ўлими билан табриклашяпти?!

Бу канақа разиллик! Мени ёмон кўрган бўлса ёмон кўрган-дир. Ҳар бир тирик одам кимнидир яхши кўради, кимнидир хушламайди. Одамнинг жони узилса суюнадиганларни одам деб атаймизми?» Тоғам аччиқланганларидан шундай саволларни қалаштириб, кўзингизга тикилиб қолардилар. Ҳанда ҳам шундай бўлди. Мен сукутда эдим. Лол эдим. Саволга тоғамдан жавоб кутардим. «Мен фақат бир нарсага хурсанд бўлишим мумкин — ҳеч кимга бўйин эгмадим! Юрагим мени алдамади. Дунёда ҳамма нарса ўткинчи, шундай экан, итга айланиб хўжасининг оёғини яламаслик керак. Мен қийналган бўлсам, хорланган бўлсам биргина у айбдор эмас. Атрофидаги ялоқхўрлари кўпроқ айбли. Ёзган хатимнинг тақдирини биласан-ку?»

Ҳа, тоғам бир йили Ш. Рашидовга хат ёзган эдилар. Йўқ, бўйин эгиб, марҳамат тилаб эмас, балки ноўрин гиналарга берилиш раҳбарга ярашмайдиган иш эканини ёзган эдилар. Ёзувчилар союзининг ўша даврдаги раиси хатдан хабар топиб, уни ўзим бериб қўяман, дебди. Тоғам икки йилдан зиёд жавоб кутдилар. Бу борада ёзувчилар союзига Сарвар Азимов раис бўлди. Тоғам у кишининг суҳбатидан чиққанларида ҳам хурсанд, ҳам ғазабда эдилар. Суюнишларига сабаб — С. Азимов тоғамнинг аҳволлари, ижодий режалари билан қизиқиб, ёрдам ваъда қилганлар. Ранжиганларига сабаб — Ш. Рашидовга ёзилган хат эгасига бориб етмаган, аксинча, эски раиснинг ёзув столида ётган экан.

Тоғам табиатан содда, камтарин, меҳнатқаш одам эдилар. Кимдир менга: «Ёзувчи деган камтар бўларди, танлаган тахаллусини қаранг — Мирзо Калон эмиш. Катта мирза эмиш», деган эди. Бу бўлмаган бир даъво. Мирзакалон — тахаллуслари эмас, бобомнинг қўйган исмлари. Бу исм қўйилганда гўдакнинг ким бўлиб етишиши номаълум эди. Бобом тоғамнинг ёзувчи бўлишларини истаганлар, дея олмайман. Онамнинг айтишларича, бобом тоғамнинг ўқишларига қарши бўлганлар.

Тоғамнинг «мен ёзувчиман», деб керилганларини ё бировга дўқ қилганларини эслолмайман. Ёзувчилар союзининг турли мажлисларида президиумга чиқиб ўтирганларини ҳам кўрганман. Амалга, шундай президиумларга чиқиб ўтиришларга интилганларини ҳам эслолмайман...

Назаримда, тоғам ҳеч қаримасликлари лозим эди. Мен ёзувчилар союзининг область бўлимида ишлаганимда тоғамни районларга, китобхонлар билан учрашувга олиб чиқардим. Етмиш бешдан ошган ёзувчи узок йўл, деб ўтирмасдилар. Учрашувларга ҳам, ёш ёзувчиларнинг семи-

нарларига ҳам борар эдилар. Узок суҳбат курардилар. Мен тоғамнинг қариб қолганларини Чинозда бўлган сўнги учрашувда тўсатдан, ҳа, тўсатдан англадим. Ҳанда билим юрти талабалари билан учрашувга борган эдик. Гапдан тутилиб қолавердилар. Шунда бир муаллим: «Домлани энди уринтирманг», деди. Шу сўз «тоғам хали бақувватлар, қариликни бўйинларига олганлари йўқ», деган ишончимни пучга чиқарди.

Орадан икки йил ўтиб, ахлоқий мавзудаги суҳбатларини ўқиб ўтириб, учрашувларни эслайман. Айниқса «Қизлар дафтари» китоби менга ўзгача таъсир этди. Асардаги Саодат буви атрофига тўпланган қизлар: Турсуной, Нигора, Муқаддас, Ёркиной... ёзувчининг набиралари. Бу асар ёзилаётганда набира қизлар хали жуда ёш эди. Улар мана энди балоғат ёшига етишди. Китоблардаги насиҳатларга тушуниб етадиган ёшда улар. Шунини ўйлаб туриб: «Бу китоб тоғамнинг набираларига васиятлари эмасми», деган хаёлга бордим.

Тўғри, китоб барча ёшларга аталган. Лекин тоғам, шубҳасиз, набиралари ўз орзуларидаги қизлар бўлиб етишишларини жуда-жуда хоҳлаганлар.

Орадан икки йил ўтди. Агар ҳаёт бўлганларида бу йил 80 йиллик тўйларини бирга нишонлардик.

Менга фақат бир нарса таскин беради: Мирзакалон Исмоилий бировларга қуллуқ қилиб яшаганларида юқори мартабаларда ишлардилар, мукофоту унвонлар олардилар. Аммо амал қўлдан кетгач, сарик чақалик кадрлари қолмас эди. Ижодкор учун энг ёмон фожиа шу бўлса керак. Мирзакалон Исмоилий ўз халқининг содик, виждонли фарзанди сифатида барча укубатлардан юқори турди, виждонига хилоф иш қилмади. Ижодкорнинг энг буюк бахти шу. Бу бахтга муяссар ёзувчи барҳаёт бўлиб қолади.

Мирзакалон Исмоилий шундай ёзувчи эди.

Йиллар бу ҳақиқатни хали кўп марталар исбот этади.